# Шарқ юлдузи

**Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал**

**1931 йилдан чиқа бошлаган**

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон
Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шуҳрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

**Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф**
**Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид**
**Масъул котиб – Дилором Муротова**
**Назм бўлими мудири – Икром Отамурод**
**Наср бўлими мудири – Саид Анвар**
**Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева**

**6**
**2022**

## УШБУ СОНДА:

*НАЗМ*

**Шукур ҚУРБОН**



* * *


Ёшликда бахт излаб чопганларини,
Кун келар, одамзод унутар бир кун.
Кексайган чоғида топганларини
Айрича эъзозлар – безовта, беун.

Сен қайда? Дунёнинг қайси бурчида,
Қай тахлит яшадинг, менга кўринмай?
Ўлтирган эдингми бир тош ичида,
Ташқарига чиқиш учун уринмай?

---

*ДРАМАТУРГИЯ*

**Исроил САПАРБОЙ**



**Амир Темур**

Чўчитди кўрган тушим,
Бошимдан учди ҳушим.
Тоқатимдан айрилиб,
Дардланмасам бўлгайди.
Манзилимдан эртароқ
Отланмасам бўлгайди...

**Имом Барака**

Аллоҳдан келган фармон –
Бандага бўлар армон.
Манглайга ёзилганин
Толеингдан кўрарсан,
Фарзинг бўлса – ўтарсан,
Қарзинг бўлса – тўларсан...

---

*АДАБИЁТШУНОСЛИК*

**Салима ЖУМАЕВА**

### *БАДИИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ*



Икром Отамурод шеъриятида фаол қўлланилувчи кангул/кўнгил образининг маъно қирралари шоир ижодининг долзарб муаммолари билан боғлиқ индивидуал мазмун касб этади. Зеро, шоир наздида бир олам борки, унда ҳеч қачон вақт ўтмайди, унинг қадри ҳам кетмайди. У ўзини ҳаммага ҳам кўрсатавермайди. Бу оламнинг номи КАНГУЛдир. Борлиққа муносабат ҳисси гоҳ шиддат билан, гоҳ сокинлик билан ҳаракатланади. Шоир шеъриятига ошуфта қалблар инсон харитасининг “Кангул” деб аталмиш мамлакатида ўзлигини англайди.

**Замира РЎЗИЕВА**

## *Дарёдил муаллим*



...Бир ҳафта... Андижонлик ижодкорларнинг бир ҳафталик сафаримиз таассуротларга жуда бой бўлди. Жиззах вилоятининг бир неча туманларида адабий учрашувлар ўтказдик. Айниқса, Бахмал туманида кўнгил яйради. Тоғлар салобати, булоқлар сеҳри, бахмалликларнинг ҳеч кимга ўхшамаган ўзига хос яшаш тарзи... қарангки, тоғ бағридаги катта булоқ бир қишлоқ аҳлининг эҳтиёжига етаркан. Юзлаб, катта-кичик раққос балиқлар ўйноқлаб сузиб юрадиган бу булоқни томоша қилишнинг ўзи жуда завқли эди. Шуниси борки, қишлоқ аҳли бу балиқларни овламас, емас экан. Энг таажжуби, жума куни балиқлар умуман кўринмас, одамлар балиқларимиз ҳажга кетишди деб суюнишаркан.

---

**Салим АШУР**

*Назм*

## *Сизда бир гапим бор*



Ёшлик қувончига йўқ эди ҳудуд,
Ғофиллик бор эди қишлоқ тинчида.
Жудаям тор эди бу қобиқ, сукут,
У “8”да эди, мен – ўнинчида.

Қалбларнинг зарблари ўтди қадамга,
Ғира-шира кўча изоҳ сўрарди.
Ўртада сўз демай келар, елкамга
Февралнинг елкаси тегиб турарди.

---

**Азизулло АРАЛ**

*Наср*

## *Кули кўкка совурилмас асар*



1970 йилларгача Афғонистонда камдан-кам одам ўзбек тилида ўқий ва ёза билган. Чунки мамлакатда ўзбек тилида дарс ўтиладиган мактаблар йўқ, бу тилда газета-журналлар босиб чиқарилмаган, китоблар ҳам чоп этилмаган. 1956 йили “Халқ” номли афғон жаридасида илк бор ўзбек тилида иккита шеър босиб чиқарилганда ҳам кўпчилик, ҳатто ўзбекларнинг ўзи ҳам уни ўқий олмай, бу шеърлар қайси тилда ёзилган дея ҳайратда қолишган. Афғон юртидаги ўзбекчаси шу аҳволда бўлган халқ “Ўткан кунлар” каби романлардан ҳам бебаҳра бўлган!



# ЕСИРНИНГ ЎҒЛИ

*Икки ҳикоя*

**Узақбай**
**ПИРЖАНОВ**

*Бир ғариб йиғлаб турганда,*
*Ёнида кулувчи бўлма...*
МАХТУМҚУЛИ

Бу ривоятни менга болалик пайтим марҳум отам пақир Пирназар сўйлаб берганди.

Унинг айтишига қараганда Махтумқулининг онаси жуда хушрўй, латофатли, кайвони аёл бўлган экан. Ўрта ёшларида "Етим каби йиғлаб, улоқ каби манграб..." эридан есир қолган, шу ҳолидаям дунёга Махтумқулидай шоирни ҳадя қилган, уни камолга етказган. "Борнинг иши фармон билан, йўқнинг иши армон билан" деганларидай, шунга ўхшаш мақолларни, болаларининг кийим-кўнчикларини, йиртиқ-ямоғини тўғрилаб ўтириб, сирниғиб, қўли тинмасдан меҳнат қиларкан.

– Отанг фақир дунёдан ўтганидан бери дўсту душманга, камбағалликка ҳам таъаба (тобе) бўлдик, яшашимиз бир нави, уйимизнинг сийқи манов, эшикдан кирган қарға тўрдан чиқиб кетади...

Шунда Махтумқули ҳам ёш йигитлигига қарамай, худди катта бир одамни кичрайтириб қўйгандай, онасига таскин-тасалли бераркан:

– "Камтарликда, камликда камол бор" дейишади, она...

Шу айтилганидай, улар узигининг[1] йиртиқларидан юлдуз кўриниб турадиган, эрганак[2]лари анчоқ-санчоқ сочилиб қолган эски ўтовда яшаркан. Ана ўша эски ўтовнинг туйниги-ю, чий эшиги довулли кунларда очилиб-ёпилиб, худди биров кириб, биров чиқаётгандай овоз бериб тураркан. Махтумқулининг онаси эрта тонгдан туриб, сигир-бузоққа қараб, сув бериш, ем бериш билан машғул бўларкан.

1 Узик, эрганак – ўтовга оид атамалар.

***Узақбай ПИРЖАНОВ** – (1937–2020). Нукус давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тамомлаган. "Муҳаббат қўшиғи", "Унда баҳор эди", "Кузги япроқлар", "Сурат", "Қорда қолган излар" каби китоблари чоп этилган.*

“Махтумқулининг онаси каби, ҳеч тинчиб, дам олиб ўтирмайди” деган гап ҳам ўша пайтларда чиққан бўлса, ажаб эмас. Фарзандларим деб югуриб-елиб юрган одамнинг изидан эса яхши гап ҳам, сип-синг (миш-миш) гап ҳам эргашади-да...

Бир куни Махтумқули онасининг ёлғизликда ўтин териб узоқроққа кетиб қолганини кўрибди-да, “Ёрдам-пордам керак бўлиб қолармикан, мададим тегсин-да”, деган ният билан унинг изидан борибди. Борса, онаси эски хароба томнинг ичига кириб кўздан ғойиб бўлибди. “Нима бўлсаям, онам чиққунича кутайин”, деб, бир эрмани, жинғил оғочининг ёнида ётиб кута бошлабди. Бироздан сўнг хароба уйнинг эски томидан гангур-гунгур овозлар эшитилибди. Махтумқули: “Қадимгилар бундай эски томларда ғойиб-эранлар[2] йиғилади, деб айтгувчи эди, булар шу ғойиб-эранлар бўлса керак-ов”, деб пойлаб ётаверибди. Бир пайт тонг ёришиб, атроф-жавониб нур-фаровон бўлиб қолган бир пайтда ғойиб-эранларнинг сардори Махтумқулининг онасига:

– Сиз сиртда қолган болангизни чақириб келсангиз яхши бўлар эди, унга бир нафас қилиб, фотиҳа берайлик, сўнг бизлар бу ерлардан кўтариламиз, – дебди.

Шунда Махтумқулининг онаси:

– Тақсир олам, фарзандим уйда қолган эди, бу ерда йўқ ҳозир, уйда ухлаб ётибди, – деса, ғойиб-эранлар сардори:

– Йўқ, сиз ҳозир ташқарига чиқиб, анов бир эрмани жинғилнинг остида ўтирган болангизни бошлаб келинг. У сизнинг изингиз билан шу ергача келди, сиз кўрмасангиз ҳам, биз барини биламиз. Биз барини кўриб ўтирибмиз, уни чақиринг! – дебди.

Айтганидай, она ташқарига чиқиб қараса, боласи полапондай бўлиб қунишиб, кўзидан ёш айланиб, мунғайиб ўтирган эмиш. Шу ерда она ҳаялламасдан боласининг қўлидан тутиб, еталаб, хароба эски томда роҳатланиб ўтирган эранларнинг ҳузурига эргаштириб келибди.

– Ассалому алайкум! – деб кириб келган Махтумқули том ичида ғир-теварак бўлиб давра қурган, ҳалқа ичида роҳатланиб ўтирган қирқ эран-ғойибни кўрибди.

– Ваалайкум ассалом! Кел, болам, кел! – дебди унга қирқ эранга раҳбарлик қилиб ўтирган оқ соқолли киши. – Ма, манови майни ичиб юбор, бу бизлардан сенга сарқит бўлсин!

Шундай деб қария Махтумқулига бир заранг-аёқ узатибди. Заранг-аёқни қўшқўллаб олиб симирган Махтумқули шу ерда беҳуш бўлиб йиқилибди. Қирқ эраннинг сардори Махтумқулининг онасига қараб:

– Эй, ожиза! Сен бизларга кўп ихлослар қўйиб, ўғлингнинг бахти учун ҳам кўп хизматлар қилдинг. Модомики боланг изингга эргашиб келган экан, энди унга бир нафас урсак деб турибман. Қани, ўзинг айт, болангнинг манглайига берайликми, танглайига берайликми? – дебди.

Шунда Махтумқулининг онаси:

– Манглай-иқболига берган билан, кўп бўлса ё бой-бадавлат бўлар, ё эса амалдор бўлар. Бойлик тўпланган ерга ҳалол ҳам, ҳаром ҳам, амалдорнинг ёнига адолатсизлик ҳам, шариатсизлик ҳам уюр бўлиб келаверади. Ундан кўра, не-да бўлса ҳам, боламнинг танглайига бера қолинглар! – деб ўтинч қилибди.

Шунда қирқэран қўлини ёйиб, оқ соқолли қария шундай деб дуо қилибди:

– Ундай бўлса болангнинг танглайи тилладан бўлсин, умри бўйи халқи учун тилидан дурри маржон сочиб ўтсин! – деб, болага қараб “суф-ф”лаб, “овмин!” деб дуо қилиб, қирқэраннинг бари қирқи қирқ кабутарга айланиб, дуриллаб осмону

2 Ғойиб-эран – кўзга кўриниб-кўринмай яшайдиган руҳлар олами. “Чилтанлар” ҳам дейилади.

фалакка учиб кетибди. Шуйтиб онаизор эссиз-ҳушсиз бўлиб йиқилиб ётган боласини орқалаб уйига қайтиб келибди... шу ётишдан уч кунлаб ўзига келмаган бола, “Кабутарлар учиб кетди... қирқ чилтан ғойиб-эранлар бизга нафас урмоқчи...” деб сўзланиб ётган ерида уйғониб кетиб, шу кундан бошлаб шоирликнинг равон йўлига тушиб, сўз айтиб, ҳар бир сўзи нақл-мақолга, нақд олтинга айланиб кетадиган бўлибди.

Бурунги замонларда тўй-маъракаларда қариялар дастур бўйича бахшини достонга солишдан аввал бир қур Махтумқулининг шеърларидан айттирадиган бўлишган. Шунда агар бахши Махтумқули қўшиқларини бузиб, янглиш айтса ё чала қилиб куйласа, қариялар: “Махтумқулининг сўзи тилла, буниси бўлди атала” деб, гап қилиб тарқалишар экан. Сўнг-сўнг бу гаплар эзгу ишни бошлаб, изини чала қилиб кетадиган чалагўйларга ҳам айтиладиган бўлибди...

## БЎЗТЎРҒАЙ

*Ҳужжатли ҳикоя*

### 1

Баҳор тонги. Япроқларида тунги ёғин томчилари ялтираётган, янги чиққан кўм-кўк ўсимликларнинг хушбўйи тонг шамолида елпиниб, кенг далаларни жойланиб, завқингни оширади. Аллақаерлардан яқиндагина туғилган қўзичоқ-улоқчаларнинг товуши эшитилиб, атрофимга алайлаб қарайман. Уй сиртидаги кеча сурилган ернинг ўртасида ётган кунда-мўйинтириқ кўринади. Олдимдаги ариқча-солмада эшилиб оқиб ётган лойқа сувда жимжилоқдай оқ чавоқлар бир ялтираб, бир кўринмай кетиб, яна завқингни келтиради. Шу пайт хаёл қочиб турганда челакларнинг даранглаши эшитилиб, аланглаб қарайман. Ўзимдан анча олисда ариққа энгашиб, сувга тегай деб турган соч-бурумларини елкасига қоқиб-ташлаётган янги келинчакка кўзим тушади.

“Мендан ҳам эртароқ уйғонганлар бор эканда...” деган фикрга келиб, янги овулдошимга бахтиёр дамлар, фаровон ҳаёт тилайман. Ҳа-ҳа, у яқиндагина овулимизга келин бўлиб тушган, тўй оқшомида болалару йигит-қизлар берилиб бахши тинглаганларимиз ёдимда бор. Ўша тўйнинг бахшиси ким эди-я, Эшжон бахшимиди, Жапақ бахшими? Айтмоқчи, бахшининг ёнида ғижжакка жон эндириб ўтирган машшоқ яқиндагина телевизорда ҳам чиққан, унинг чалган куйлари эшитганларнинг юрак-бағрини елжиратиб (пора-пора) қилиб юборган эди-я!..

Арикдан сув олиб, обкаш-ийноғочини қилтиллатиб, чивиқдай буратилиб бораётган атлас кўйлакли навжувон келинчакка ўзимча оналик бахтини тилаб турар эканман, шарқ томондаги оқиш-олачалпоқ булутлар орасидан ёйилиб чиқиб келаётган қуёшдан кўзим қамашиб, беихтиёр киприкларим намланиб кетади. Лекин шу лаҳзаларда қоқ тепамда пал-паллаб қанот париллатаётган бўзтўрғайнинг овозини эшитаман-у, яна осмонга қарайман. Табиатда бошланиб кетган баҳор мўъжизалари энди кўнглимда давом этаётгандай туюлади, яна Эшжон бахшини, унинг ёнидаги ғижжакчи Қўйли Ахметовни кўз олдимга келтираман... Э, улар созандамисан созанда эдилар-да!

Дарҳақиқат, Қўйли оға ғижжакда “Бўзтўрғай” нағмасини чалганда, талай-талай одамлар ёдига талай-талай баҳорларни солиб қўярди... Ол, ёши улуғ қарияларнинг гапларига қараганда, аввалроқда Холмурод ғижжакчи деган бир моҳир машшоқ бўлган эмиш. Бироқ менинг ўзим унинг чалганини эшитмаганману, ҳар ҳолда одамлар жуда мақташади-да. Мана, менинг ўзим Қўйли оғанинг уста ғижжакчи эканини, олдига одам солмайдиган маҳоратли созандалигини биламан. “Фалончи

Қўйлидан ҳам зўр чалади”, деган эътирофни мен ҳеч кимдан эшитмадим-да...” деб ўйладим яқинда унинг ўзи билан гаплашиб ўтириб.

Менга қолса-ку, бўзтўрғайлар ҳам мудом сайрайверса экан, тўхтамасалар экан. Тилагим шу. Аммо, баҳор ўтгандан кейин бўзтўрғайлар сайрашни қўяди. Эндиги навбатни қуюқ сояли боғларнинг яшил япроқларини оралаб, гуллардан гулларга парвоз этиб юрган булбулларга беради-да, бўзтўрғай ўзи жимжит бўлиб қолади. Аммо, барибир баҳорнинг ёғин-сочинли кунларига аралашиб келадиган қалдирғочни, одамлар унча-мунча ҳурмат қилавермайдиган ўша бўзтўрғайларни жуда яхши кўришимни сира яширолмайман. Улар бошқа қушларга ўхшаб кузда иссиқ юртларга учиб кетмайдилар. Улар – ўзи туғилиб-ўсган кенг даланинг содиқ куйчилари!

Эҳ, бола пайтларимда гўдаклик ҳой-ҳўйларига берилиб, анчагина қушларнинг уяларини бузганимни эсласам, энди ачиниб кетаман, эҳ... Айниқса, сопқоннинг кесагидан қўрқмай, сесканмай, дуриллаб учиб келиб, отизларга экилган, балиққўз бўлиб турган жўхорига қўнаверадиган чумчуқларнинг неча-нечасини рогаткадан отиб қулатганларимни эсласам, силлаларини қотириб, думалатиб ташлаганларимни ўйласам... Лекин, ўшанда ҳам мен бўзтўрғайларга тегмасдим, уларни яхши кўрардим.

Бир гал манавиндай воқеа бўлган: велосипедимни пот билан ҳайдаб келиб, аланглаб, кўланкали жойни мўлжаллаб турганимда, қозиқда пичан еб турган бузоқ тарвақайлаб ҳуркиб, ипини узди-кетди. Нима қилиш керак? Тандир ёнида турган куяли косовни олиб изидан югурдим. Бузоқ овулнинг сиртидаги арпа отизга қараб кетган эди. Қабристон томондаги йўлсиз ерлардан югуриб бораётганимда, ўкчамга тикан кириб, додлаб ўтириб қолдим. Бузоқ ҳув нарида колхознинг қўшдан чиққан тарғил ҳўкизи билан икки буюри кўтарилиб-босилиб, ияклашиб турган экан, энди уни қувиш ҳам бефойда эди. Тиканни оёғимдан олиб ўтириб, болалик хаёллари билан осмонга ҳам тикиламан. Тош тепамда ёлғиз тўрғай куйиб-пишиб сайраяпти. Энди бу сайроқ нағманинг нимасини айтай... Илоҳий нағма оқиб келаётгандай!

Ўрнимдан туриб, қувроқ чўпларга чирматилаб ўсиб ётган сутилмаклардан териб юрганимда олдимдаги бутанинг орасидан бир тўрғай бурнимни сийпалагандай бўлиб пириллаб учиб чиқди-да, беш-олти одим ерга бориб тушди ва тепасидаги ўпапиш (тожи)ни ҳурпайтириб, йўрғалай кетди. Энди ўйласам, у қуш бута остида тухум босиб ўтирган экан. Калта-култа, қувроқ қамиш орасидан бутанинг тубига тикилдим. Ўтган йилги ажриқ билан оқбош ўпалаклари солинган кафтдай уяда худди чумчуқларникидай сепкил тортган тўрт дона мояк ётган экан... Бироз вақт тикилиб турдим-да, овулга қайтдим.

Орадан бир неча кун ўтиб, тағин шу ерга айланиб келиб, уяни кўрсам, моякларнинг бири ичидан чиққан кичкинагина полапонни тўрт-беш қизил чумоли ўзаро талашиб-тортишиб, узиб-қочиб еб ётибди. Ол, қолган уч мояк ҳалиям ўша ётишида ётибди. Анг-танг бўлганча уя теварагида бўзтўрғайларнинг тўзғиб ётган парларига тикилиб турганимда ўзимдан икки одимча нарироқда ўратилиб-чуватилиб ётган илонни кўриб, сесканиб кетдим. Орқамга серпилиб, шудгордан бир-икки қаттиқ кесак йиғиб келдим. Кўзлаб отган бир кесагим тегиши билан илон тенг бўлиниб, чўпга илиниб қолди. Яқинлашиб келиб қарасам – бу ҳақиқий илоннинг ўзи эмас, қачонги бир ташлаб кетган пўсти экан.

Шу-шу бўлди, шундан кейинги йилларда қачон радиодан: “Бўзтўрғай. Ғижжакда Қўйли Аҳметов ижро қилади” деган эълонни эшитсам, ўша бир ажойиб баҳорнинг ғаройиб воқеалари хаёлимда жонланади-туради: чошка пайтидаги олам-жаҳонни ёндираётган қуёш! Булутсиз осмон остида ўзидан кетиб сайраётган ёлғиз бўзтўрғай!.. Одам ўзини бахтли сезиши учун бундан ортиқ яна нима керак! Рассом

бўлсангу, шуларнинг суратини чизаверсанг-чизаверсанг – кенг, кўм-кўк дала. Кўз учида турган чўпон. Ҳўкиз билан искашаётган бузоқ. Бўзтўрғайнинг уяси. Ўз пўстини уя олдидаги чўпликка ташлаб кетган кўзлари чекрайган сур илон!.. Мана шуларнинг суратини чизадиган бўлсанг, одам боласи қараб тўядими бунақа тасвирга!

Шундан бериям, "Ҳўкизга туққан кун қочарга ҳам туғар..." деганларидай, талай-талай баҳорлар келиб, талай-талай бўзтўрғайлар сайрагандир? Баъзан яхши кўрган хонанда ёки бахшини тинглаб туриб, "Ўзиям булбулдай сайрар экан!" деб мақтаймиз, ҳайратланамиз. Бўлса бордир. Бироқ сайровнинг ҳам сайрови, чертишнинг ҳам чертуви бор экан. Дуч келган одам ҳам соз чалавермайди, соз чертганларнинг ҳаммасиям тилга тушавермайди, тан олинавермайди. Айниқса, ғижжакдай асбобни, босадиган пардаси кўриниб турмайдиган мусиқий созни ҳамма-ҳаммаям қўлга олавермайди. Бу ўнғай соз эмас-да. Яна, "Талқон ютишнинг ҳам минг хил йўли бор..." дегандай, ҳар бир ғижжак чалувчининг ҳам чалиш услуби ҳар хил бўлади.

## 2

Яна бир гал уйига бориб, омонлик-эсонлик сўрашиб бўлиб, гапни "Бўзтўрғай" куйининг тарихи, келиб чиқиши ҳақида сўраб бошлаганимда, Қўйли оға:

– Бурундан ҳозиргача бу куйни мендан бошқа ҳеч ким чалган эмас, – деди уч-тўрт ғижжакнинг орасидан бировини олиб, тиринглатиб, қулоқларини бурар экан. – Илк бор ғижжакка ошиқ бўлиб, тўлиқтириб чалган нағмам шу, иним. Шундан бери талай-талай тўй-маъракада, бахши достон бошламай туриб, томошабин-мухлисларнинг ўтинишларига кўра мана шу куйни неча марталаб чалиб берганимнинг ҳисоби йўқ...

Ўқловдайгина оғочнинг белига қистирилган қора жамбилчадай содда-ажойиб мусиқий асбоб... Бу асбобнинг ичида қанчалик "Бўзтўрғай"ю "Бўзатов"лар куйи, "Отингдан", "Арухон"лар куйи жойлашиб ётганини ғижжакчининг ўзи билмаса, бошқалар на билсин?! Биз фақат бош чайқаб ўтириб тинглашни биламиз, лаззат оламиз. Ахир, бунақа тинглашлар, мусиқий ижродан олам-жаҳон озуқа ола билишнинг ўзи одам учун қанчалар куч-ғайрат бағишлаши, қандай хаёлларга судраб олиб кетишига ҳаммаям гувоҳ бўлган-ку бир пайтлар!

Қўйли оға ҳозирги Беруний туманининг "Озод" қишлоқ шўроси ҳудудида 1901 йилда туғилган. Туғилиб, дастёр бўлгандан бери[3] ғижжак чертади. Шундан буёғига у қорақалпоқнинг атоқли-атоқли санъаткорлари: Қудайберген, Қурбонниёз, Эшжон, Жапақ бахшилар билан даврадош бўлди, зангидош бўлди, дастурхон атрофида туз-томоқ бўлди, кўп йиллар давомида шулар билан бирга тўй-маъракаларда юрди. Эҳ-ҳе, ғижжак билан дуторни бирга қўшиб сайратишга келганда марҳум Эшжон Қўшпўлатовни ҳурмат билан тилга олиб, "Балиқ сувга киргандай бўлиб, маза қилардик ўзиям..." деб ёдга туширади бўлиб ўтган воқеаларни. Буларнинг маҳорати, санъати, созининг овози халқнинг ҳамон ёдида. Биз ниманиям биламиз, булар уруш йилларида, урушдан сўнгги қайғубосди йилларда тўй-маъракаларда томошабинларнинг қулоғини қондириб юрганларида, бизлар давраларда берилиб (мардайиб) ўтириб, сўнгидан, одамларнинг орасида қунишиб ўтириб ухлаб қоладиган бола эдик.

Ол, Қўйли оға эса, бола пайтларидаям талай-талай тўйларда бахшининг ёнида ҳамнафас бўлиб, достон куйлаган, катталарни ухлатиб бўлиб, ундан кейин ўзи ухлаган. Икки кўзи ҳамиша созандаларнинг бармоғида, бармоқларнинг ҳаракатида,

3 Дастёр бола бўлиш – тахминан 10-12 яшар бўзболалик.

ҳаракатнинг нозик сирли-сеҳрли куйга айланишида – созанда бўламан деган боланинг кўзига бундай пайтларда уйқу келармиди?

Мана шундай сирли-сеҳрли воқеалар сирасида унутилмайдиганлари қанча, десангиз-чи! Шу бир воқеа ҳеч эсидан чиқмайди-чиқмайди-да... Шовқин-суронли, тантаналарга, қўшиқ-куйларга бой ўтган тўйларнинг бирида ёшгина бола Қўйлижоннинг кўнглига ҳам "соз меҳри" деган туйғу тушади, қалби ҳаллос уради, ўзига ғижжак ясаб олмоқчи бўлади. Бу пайтларда у чиғир ҳайдайдиган ўн яшар болакай эди. Болалик-да энди, аллақайси бир тўқайликдан шангилқовоқ[4] топиб олганди ўшанда. Битта ўзи бўзердаги чиғирнинг ёнига бориб, ўша қовоқни чеварлаб ўйиб, аввал ғижжакнинг муштдайгина калласини тайёрлайди. Шангилқовоқдан-ку ғижжакнинг калласини ясаш мумкиндир, аммо энди бунга даста ҳам керак-ку! Шунда эсига тушади – қишлоқнинг доим бобиллаб юрадиган, ҳамма "янга" деб чақирадиган аёлнинг уйи олдидаги тандирнинг бир томонидаги оштахта ёнида турган ўқлов! Ана шу ўқловни ўғирлаб кетиб, ҳалиги шангилқовоққа ўрнатмоқчи бўлади. Қараса, ҳали ғижжакка ўрнатилиши керак бўлган нарса кўп. Шунда яна эсига тушади – ахир уйда сангсанг пўстин тиктириш учун отаси олдириб қўйган қўй терилари бор-ку, шулардан фойдаланса бўлмасмикан? Дарров уйига зинғиллайди, битта қўйтерининг ўртасини ўйиб олиб, яна чиғир томонга зувиллаб учади. Ол, энди, ғижжак учун тор излаб юрганидаги қизиқларни айтинг – бола-да, бола, уйда бир қулунли ёби от бор эди ва бу отдан уйдагилар гоҳ чиғир ҳайдаш учун, гоҳ у ёқ-бу ёққа бориб келиш учун фойдаланар эди. Боласи тушмагур ўша ёбининг қуйруғидан торга қил узиб олмоқчи бўлиб, отнинг орқа тарафига ўтади. Ёби ҳам "қани, келаверчи" дегандай, индамай туриб-туриб, болакай қуйруғига энди осилаверганда, ўмганига шунақа тепганки!.. Ҳа, шундай воқеалар ҳам бўлган.

Бир сафари боса-бос экин экиш пайти эди. Бир томчи сув ҳам қаҳат. Бир куни чиғир солманинг оёғидаги қийтоқ ерларга сув берилмай қолибди. Оғаси Ортиқ қаттиқ қаҳрланиб келса, иниси Қўйли тол соясида ғижжак ғийқиллатиб ўтирибди. Чиғир тўхтаб қолган эди. Чарчаган ёби сўналаб, турган жойида мулгиб, қулунини эмизиб турибди. Уни тежастириб юриштирадиган, ишонган иниси эса ғижжак чалиб ўтирибди!

Аччиғи чиққан Ортиқ шу ернинг ўзида ғижжакни тортиб олиб, ерга уриб, дабдаласини чиқармоқчи эди, бироқ бир пайтлар унинг ўзиям дутор чалиб, соз ўрганаман деб юрган пайтлари эсига тушиб, ўзини босди. Қайтанга, эртасига Қўйлига, "Ма, ғижжагингнинг камонига ишқайсан", деб сақич (канифоль) топиб опкелиб берди. Шундан кейин-ку ўз қўли билан ясаган-сўққан ғижжагидан ўзи тенги жўраларига, қўни-қўшниларга ғижжак чалиб бериб юрганлари. Ана шундаку овул болалари ой ёғдусида яшринмачоқ ўйнашни қўйиб, Қўйли чалган сеҳрли нағмаларнинг таъсирига берилганлари...

Орадан кўп ўтмади, Қўйли ғижжакни чинлаб ўрганмоқчи бўлиб, энди ўзига устоз излай бошлади. Шу мақсадда, Олтибой бахшига эргашиб юрадиган Палтақ ғижжакчига: "Сиз устозим бўлинг, биз шогирд бўлайлик", деб ялинди. Мана шу ўринда Палтақ ғижжакчи феълиторлик қилди, "Мен сизга шогирд бўлай", деб келган болакайнинг қўлидан қоқиб, ўтирса – ўпоқ, турса – сўпоқ деб, гап топаверди. Буни сезган, ўзидаги истеъдодга қаттиқ ишонган Қўйли энди атоқли санъаткор – Намозбой бахшининг қўлидан тутди. Мана шу Намозбой бахши болада бир Худо юқтирган нимадир борлигини англади, болага ихлоси кетди, чалган куйларининг ўлпи-сўлпиликларини тузатиш бўйича маслаҳатларини аямади. Ана шундан

4 Шангилқовоқ – носқовоқ, пиёла, коса-товоқ ясашда қўлланиладиган қовоқнинг ёввойи тури.

кейин Қўйливой ҳам зеҳнининг ўткирлиги, истеъдодининг ноёблиги туфайли, йўл қўйган камчиликларини устозининг кўрсатмасига биноан тузатиб, кундан-кунга очилишиб, тинглаганнинг дардига малҳам бўладиган куйларни ғижжакда янгратиб юраверди. Шу-шу, тўйга борган ерида, тўйчилар бахшини қандай иззат-ҳурмат қиладиган бўлса, буниям иззат-ҳурматлаб, отдан кўтариб тушириб, обрўйини ошириб, эҳтиром кўрсатишарди. Ол, бахшининг ёнида бўлганида, ғижжакчининг остига бир эмас, икки кўпчик (ёстиқ) босиб қўйишар, сабаби, у пайтларда Қўйли ҳассадайгина бола эди-да.

Кейин-кейин... бурнига шамол энди, йигитлик даврига келди, Бика янгамизнинг ҳасратида муҳаббат ташвишларини чекди... Эндиликда “Қўйли ғижжакчи” деб аталиб кетган санъаткорни тўй-маърака, йиғин-зиёфатга чақириб келадиганлар кўпайди. Бир сафари унга, “Тўрткўлга келсин!” деган чақириқ ҳам етди, аммо саҳрода ўсган туркман йигити бу хабарни хушламайроқ эшитди. Бунинг устига онаси ҳам, “Тўрткўлга чақиришган бўлса, Тўрткўл дегани – бир марказ, пойтахт шаҳар бўлса, қўй, борма, болам, у ерда ҳар хил одам бўлади, ёмонларга қўшилиб бузилиб кетарсан”, деб иркув берди[5].

Дарҳақиқат, Тўрткўл дегани ўша пайтларда Қорақалпоғистоннинг пойтахт шаҳри бўлиб турган, соз кўтарган созанда борми, қалам тутган ижодкор борми, кўзга тушиш мақсадида ўша томонларга интиларди, бу табиий туйғу, албатта. Қўйлининг Тўрткўлга бормай қишлоқда қолгани бир томондан кўнглини хижил қилар, иккинчи томондан... Тўрткўлда – марказда яшаш, ишлаш истаги оти-овозаси гуркираб чиқиб келаётган йигитнинг тинчини бузар эди. Хуллас, кунларнинг бирида дилидаги орзу-истаклари қайнаб тошган Қўйли ғижжагини кўтариб, Тўрткўл йўлига тушди. Марказдаги почта деган идоранинг ёнидаги бир уйга кириб келса, уй ичида шапка кийиб, вағир-вуғур гаплашиб ўтирган йигитларни кўради. Онаси қатор бир кайвони аёл буни “келинг-келинг”лаб кутиб олиб, тўрга ўтишга таклиф қилади. (Сўнгидан сўраштириб билса, бу аёл – қорақалпоқ театри асосчиларидан бири машҳур адиб Абдураҳмон Ўтеповнинг онаси экан). Тўрда ўтирган йигитларнинг орасидан ўрта бўйли, чаққонгина бири ўрнидан учиб туриб, аввалари буни кўрмаган бўлса ҳам:

– Ҳа, Қўйли оға, келганинг яхши бўлди, тўрт-беш марта хабар юборган эдим ахир, – деб ичи-бағрига кириб сўрашди.

Бу йигит давлат театрининг директори Абдураҳмон Ўтепов эканлиги маълум бўлгач, эртасига Қўйлини театр ходимларини тайёрлайдиган бир йиллик курсга жалб қилиб, қўлига “7 октябрь, 1932 йил” деб ёзилган гувоҳнома берди.

Бурун бахшига эргашиб юриб, эркинликка ўрганишиб қолган Қўйли шаҳарнинг ҳаётига кўниколмай, ўнлаган кундан кейин ҳеч кимга айтмасдан-сўрамасдан овулига кетиб ҳам қолди. Шундан сўнг Абдураҳмон уни рафиқаси билан қўшиб чақиртириб олди, уларни иш, маош билан таъмин қилди. Икковиям шу ердаги лотинча хатни танимайдиганлар учун очилган саводсизликни бартараф этиш курси – ликбез (ликвидация безграмотности)ни тамомлашди.

Шундай қилиб, Қўйли Ахметов 1933–1943 йилларда давлат театрида, ол, 1943 йилдан бошлаб эса то 1959 йилгача Қорақалпоғистон радиоэшиттириш қўмитасида мусиқачи бўлиб ишлади. Шу орада эса, юқорида айтиб ўтилган номдор бахшилардан ташқари, Қўйли оға бошқаям номи-овозаси чиққан бахши-созанда, санъаткору машҳур ходимлар билан бирга ишлашди, театр ва радиоэшиттириш соҳаси ходимлари билан яқин устоз-шогирдлик мақомида бўлди.

“Айниқса Отаниёз билан Собирни айтсанг-а, – деб ўтиради у сўз орасида, – санъатнинг юлдузи бўламан деб юрган шундай истеъдодларни уруш еб кетди-я...”

5 Иркув бермоқ – йўлни тўсмоқ, йўл бермаслик.

Агар уруш туфайли шундай йигитлар ўлиб кетмаганида, улар санъатнинг, маданиятнинг турли соҳасида халқимиз шуҳратини оламга ёярди, наилож...

Айтгандай, Қўйли оғанинг ўзиям фақат ғижжак чалиш билан чекланмайди, у дуторниям, скрипканиям чалганда гапиртириб, сайратиб юборади. Гоҳ соз, гоҳ суҳбат яхши, деганларидай, тўрдаги уч-тўрт ғижжакнинг орасидаги икки дуторнинг бирини қўлга олиб, бундан ўттиз йиллар бурун шуҳрат топган Ибройим Патуллаевнинг "Қизил колхоз" қўшиғини ҳам, халқнинг отли-овозали қўшиғи "Дамбермас"ни ҳам қиёмига етказиб чалиб кетаверади. Шуларнинг изича яна "Муҳаллес", "Намабоши", "Хўжа боғмон", "Эшвой", "Қорадали", "Кенгес" куйларини гоҳ ғижжакда, гоҳ дуторда чала бошласа, дилингиз яйрайди.

Дарҳақиқат, ўтган асрлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган бизнинг миллий куйларимизни ғижжакда бутун гўзаллиги, нафосати, шиддати ила ижро қиладиган чевар созанда Қўйли Ахметовнинг мусиқа соҳасида яратганлари, ижро маданияти, бу соҳани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳам таҳсинларга лойиқ. Сабаби, у – халққа маълум ва машҳур бўлган анов-манов бахшиларни кўрган, ҳозирги пайтда тингловчилар, мухлислар берилиб тинглайдиган Аҳмад, Ўтан, Ғайбулла ва шуларга ўхшаш ўнлаб бахшиларга турли давраларда жўровозлик қилган, уларнинг сози баланд-паст кетиб қолганида "текислаб" юборган одам. Эҳ-ҳе, агар Оқтўбадаги атоқли Сейтниёз устанинг қўлидан чиққан оламўйноқ дуторнинг гумбурлаб қантарилган бирови яхши созанданинг қўлига тушиб, унга Қўйли оғанинг ғижжагининг саси қўшилса борми, ҳар қандай навони тинглаганингда ҳам, "Бу созларни, бу куйларни ўйлаган, басталаган ота-боболаримга офарин!" деб, қойил қолиб ўтираверасан. Гўёки кўз олдингда қизил-яшил ипак толалар бир-бирлари ила ярашиғи билан товланиб-эшилиб қўшилаётганга ўхшайди.

Баъзан кўпни кўрган қариялар Муса бахши ёки Қосим бахшини таърифлаётиб: "Фалон куйни чалганда шанғароқ (ўтов)нинг тепасида ўтирган булбул куй завқидан беҳуш бўлиб, дутор қулоғига ўзи келиб қўнарди..." деган гапларни айтиб юборадилар. Буниси энди лофнинг энг гўзал хили бўлса керак. Балки ростдан ҳам мусиқа ўта маҳорат билан чалинса, шундай бўлар ҳам. Ахир мусиқий асбоб чалинганда, ўта ёқимли овозлардан қушлар завқи тошиб кетишини, ўзини билмайдиган экстаз ҳолатга тушиб қолишини, ҳатто уйларга, одамлар даврасигача, тингловчилар ёнигача учиб-қўниб, кириб келишини тиббиёт фани билимдонлари ҳам тан оляпти-ку ҳозир! "Фан ва турмуш" журналининг яқинда чоп этилган сонларининг бирида мақола берилганини кўпчилик эслайди: унда каклик қушлар, тоғ қирғовуллари радиодан янграган наволарни тинглаб туриб, кетолмай айланишиб қолишлари ҳақида ёзилган. Улар мусиқа чалинган пайтда ўзлари радио атрофига учиб эмас, йўрғалаб келар эмиш... "Дуторининг дастасига булбул келиб қўнармиш", деган гаплар ҳам ана шундай сабабларга кўра айтилган бўлса, ажаб эмас. Зеро, бу эътироф ҳам созанда-машшоқларнинг ниҳоятда юксак маҳоратга эгалигини ифодалайди. Агар булбул қушнинг дуторга келиб қўниши рост гап бўлса, унда баҳор осмонида муаллақ турган ҳолда қанот қоқаётган саҳро булбуллари – бўзтўрғайлар ҳам Қўйли оға куй чертганда ғижжак қулоғига интилиб келишлари ҳам рост бўлиб чиқади...

Қўйли оға ғижжакда ушоғини туширмай куй чертганидан сўнг, мен у билан хўшлашиб, ўрнимдан турдим. Кўнглимни навбаҳор эгаллагандай, атрофни қушлар эгаллаб олгандай эди. Юрагимдан эса "Бўзтўрғай" куйи тошиб чиқмоқда...

*Қорақалпоқ тилидан*
**Музаффар АҲМАД** *таржимаси*



# Кечикмаган ишқ садолари

*Сонетлар*

**Шукур ҚУРБОН**

* * *

Сен жиннини севиб, жинни бўлдим мен,
То шу кун, билмайман, соғ эди қандоқ?
Муҳаббат нелигин энди билдим мен,
Яшагим келмоқда кўпроқ, узоқроқ.

Одамлар кулмоқда ҳолимга, ахир,
Эргашар болалар калака қилиб.
Кимгадир кулгили кўринмоқ бахтдир,
Кимлардир билмаган нарсани билиб.

Хурсандман – бор умрим сени ахтариш,
Сени топиш учун сарф бўлди буткул.
Қолди энди фақат қошингга бориш,

Тиз чўкиш қаршингда бамисоли қул.
Жинни учун жуда осон бу юмуш,
Ким ҳайрон бўлади – бахтли бўлса ул.

***Шукур ҚУРБОН*** *– 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини битирган. Ижодкорнинг "Оққушлар кўли", "Соғинч дарвозаси", "Нафас", "Ёз кунлари", "Бир қалб манзараси", "Балиқчиликлар", "Озорингни соғиндим", "Шарқ марвариди" каби шеърий ва бадиалардан иборат китоблари нашр этилган.*

* * *

Ҳаёт – қимор янглиғ бешафқат ўйин,
Мени ютиб олиб, ютдинг нимани?
Эгилди ҳеч кимга эгилмас бўйним,
Менга атаганинг – зулмларинг қани?

Турибман қаршингда барига тайёр,
Қаҳринг соч, заҳринг соч, ахир, ҳақлисан.
Қўй, мени ўйлама, бергум деб озор,
Нега оҳ тортасан, ахир, бахтлисан?

Борми бу оламда қимордан бошқа
Бирон-бир восита, усул қулайроқ,
Қўнсин учун ногоҳ бахт қуши бошга?

Ва кўзи тақдирнинг асли ғилайроқ:
Кимки севар, урар бошини тошга,
Сен каби, мен каби роҳатланиб, оҳ!

* * *

Икков бир қавмдан, бир – йўлимиз ҳам,
Бошқа-бошқа бизлар тушган ароба.
Гўр азоби қанча бўлса, шунча кам,
Учрар аҳён-аҳён сабр-сардоба.

Суви сардобанинг фалакдан-кўкдан,
Фаришталар олиб тушган қатралаб.
Бир Зот бор Меҳрибон – бизларни йўқдан –
Бор қилган, ишқ берган, берган оташ қалб.

Тушунар бизни У – энг гўзал Паноҳ,
Огоҳ дўсту ёрдан, ағёрдан огоҳ,
Унинг изни ила ароба борар.

Унга юзимиз терс қилмасак ногоҳ,
Ҳаёти дунёда бўлмаймиз хорлар:
Бизни бир-бировга ўша Зот чорлар.

* * *

Ёшликда бахт излаб чопганларини,
Кун келар, одамзод унутар бир кун.
Кексайган чоғида топганларини
Айрича эъзозлар – безовта, беун.

Сен қайда? Дунёнинг қайси бурчида,
Қай тахлит яшадинг, менга кўринмай?
Ўлтирган эдингми бир тош ичида,
Ташқарига чиқиш учун уринмай?

Наҳотки, кўрмадим? Бас эди, кўрсам,
Бас эди, овозинг эшитсам ҳатто.
Кўз тўла ёш ила ўйлайман хурсанд:

Дунё – бебақою, умр – бевафо,
Севиб-ку улгурдим, қани, улгурсам
Васлингга ҳам етиб, ўлгунимча то.

* * *

Сен-майни ичмадим, гарчи хуморман,
Балки сал нодонман, сал беқарорман.
Балки сал художўй, сал тақводорман,
Ичмаганим учун қаршингда хорман.

Адашиб, бир пайтлар ичганман бироқ,
Адашиб, имондан кечганман бироқ,
Ботганман гуноҳга, адашиб, эй воҳ!..
Ўзим учун ўзим азоб-озорман.

Ва тавба қилганман, Аллоҳга шукр,
Нажот намозларин ўқиб тунлари
Ва кириб келмишдир ҳаётимга нур.

Ўчиргим келмас у нурни мен ғариб.
Кимки бу ҳолатга бепарво – гунг, кўр,
Мўъминликдан нари, имондан нари.

* * *

Сен ўлма, токи мен тирикман, яша,
Ёдимга сол ўша гуноҳни бот-бот.
Пушаймон тошлари ёғсин бу бошга,
Юрак афсус ила кўтарсин фарёд.

Сени кўрган бу кўз кўр бўлсин тамом,
Кар бўлсин бу қулоқ – сени эшитган.
Шол бўлсин бу оёқ – борган сен томон,
Қўл ҳам –чўзганимда сен сари етган.

Йўқ, нафс ҳаммасин шу йўлга солган,
Йўлга солиб, ўзи томоша қилган,
Завқланган, шавқланган шайтон-ла бирга.

Менга имконият – истиғфор қолган
Ва умид: “Аллоҳим, шояд, кечиргай
Ва шояд сенга ҳам ҳидоят бергай”.

* * *

Хиёнат қилганга хиёнат билан
Жавоб қилмоқ қайси русумда бор, айт?
Қасос-қасд бу йўлда тақиқ этилган
Одамзод дунёда яратилган пайт.

Ҳамма ўзи учун беради жавоб
Охиратда, Худо қошида, ахир.
Ҳар қандай хатони кечирмоқ – савоб,
Қолмаслиги учун кўнгилда доғ, кир.

Тўғри, иззат-нафс, ғурур бор, ор бор,
Иймон бор – баридан устун ва юксак,
Усиз ёруғ олам банда учун тор.

Кибрга булғанса дилдаги тилак,
Шубҳасиз, тош бўлар ҳар қандай юрак.
Тошюрак кимсалар – жоҳил, зулмкор.

* * *

Ағёрмас, ўртада турибди Худо,
Инчунун, у қайда, қайси вақтда йўқ!
Сендан бўлдим Ундан бўлмадим жудо,
Эй қошлари камон, эй киприги ўқ.

Хотиралар қолмиш дилда бир дунё,
Кескирдир ҳар бири пичоқдай, тиғдай.
Жоним қўлларида лаҳм гўшт гўё,
Мириқиб, завқланиб тўғрашади, ҳай!

Дейман: “Ичкарида улар, ҳар тугул”.
Дейман: “Ташқарида бўлса, нетардим?
Бошимни олиб, қай сори кетардим?”

Ўтган муҳаббатнинг қасосидир бул:
Қаён кетма, сени таъқиб этар ул –
Ҳаёт каби, мамот каби қақшаб, жим.

* * *

Шукр, сени менга учратди Аллоҳ…
Не-не қизлар кўрдим сенгача ҳам, оҳ!
Бари сарвқомат, бари дилрабо,
Доғулилар чиқди ҳаммаси аммо.

Ёлғонни кечирса бўлар, эҳтимол,
Хиёнатни кечириб бўлмас ҳеч қачон.
Ёмонни кечирса бўлар, эҳтимол…
Гумроҳдир севгида алдаган инсон.

Умидим узилган чоғда дунёдан,
Қўл ювган чоғимда сохта дунёдан,
Айт, мени эъзозлаб не қилмоқчисан?

Ўтимда ёнганни кўриб қийноқда,
Бошимга кўтармоқ бўлганим чоғда,
Оёғим остига йиқилмоқчисан?..

* * *

Орамизда уч юз чақиримлик йўл,
Тўлган дардимиз-ла ҳар бир қадами.
Соғинчимдан қақшаб-қовжирар ўнг-сўл,
Ўйлантирар ҳар бир ўтган одамни.

“Нега бундай?” сўрар биров-бировдан
Ололмас ва ҳеч ким тайинли жавоб.
Эй ёр, муҳаббатинг ўтдан-оловдан,
Баҳранг сароб сенинг, висолинг – сароб.

Болаларим, дейсан, эрим, дейсан сўнг,
Бордир қўрқадиган ерим, дейсан сўнг
Ва хатлар йўллайсан ҳар кун неча бор.

Чорлайсан ва бот-бот қилиб қўнғироқ,
Бордайсан дунёда, йўқдайсан бироқ.
Йўқдайсан, бордайсан такрор ва такрор.

* * *

Сен ўлма ва лекин келма қошимга;
Айт, одамзод қанча енгиши мумкин
Ўзин ва шайтонин менинг ёшимда?
Борми чек-ҳудуди муҳаббат мулкин?

Мен учун қўлларинг – очилган гулдай,
Оёқларинг – гулдай, босган изинг ҳам.
Қўшиқ – айтган сўзинг, бўсаларинг – май,
Лекин бир-бировга бизлар номаҳрам.

Ҳатто бир-бировни ўйлаш ҳам гуноҳ,
Бу ҳақда кимгадир сўйлаш ҳам гуноҳ,
Тайин – аксин қилсам, дўзахда жойим.

Кечирса кечирар эди Худойим,
Шу чоққача балки кечириб бўлган,
Истиғфор шаробин ичириб бўлган.

* * *

Ҳали кун тугамай, кириб келди тун,
Қолди тараддудда безовта ўнг-сўл.
Биз шундай жимгина айрилдик у кун,
Бошқа-бошқа ёққа олиб кетди йўл.

Кўринмади унсиз нолаларимиз,
Бўғизга тиқилиб абгор бўлди жон.
Хотиралар – бизнинг болаларимиз –
Кезди кўчаларда сарсон-саргардон.

“Менда ҳеч нима йўқ, сенда бор” эди,
Кетолмасдинг уни мен каби ташлаб –
Элга ёр ожизлик сенга ёр эди.

Қарғадинг ўзингни, кўзингни ёшлаб,
Кўзёшинг ортида кўринмасдим ҳам.
…Сени юпатмоққа уринмасдим ҳам.

* * *

Қасдма-қасд биз бошқа-бошқа одамга,
Бошқалар-чи бундан  буткул бехабар,
Бир кўз билан боққан эдик оламга,
Кўринди чор-атроф гўзал, мунаввар.

Нафақат чор-атроф, юрагимиз ҳам
Нурлангандай бўлди у кун ногаҳон.
Гўё қайларгадир йитди бор ситам,
Гўё шиддат ила ором олди жон.

Ва шундай шиддат-ла бўлдик жонсарак,
Ёнди қонимизда нимадир юксак,
Билдикки, у имон – жунбишга келмиш.

Шайтон васвасаси экан бизнинг иш,
Билдикки, аврабди бизни у илон,
Қасдлашган эканмиз бизлар ўз билан.

* * *

Минг битта сабабу баҳона билан
Биз у кун шайтоннинг йўлига кирдик.
Турфа сўзлар чиқди тилданми, дилдан:
“Яшасин хиёнат!” дея  ҳайқирдик.

На орқага ва на олдинга боқдик,
Фақат бир-бировни кўрди кўзимиз.
Оловли дарёда қовжираб оқдик,
Ҳис-ҳаяжон бўлди ризқи рўзимиз.

– Бахтли эдик. Бизни бахтли қилган ким?
– Худо. Хўп, Худонинг хоҳиши қандоқ? –
Мен бандаи ожиз ўйлаб қолдим жим.

Ва истиғфор айтдим. Сени қайтармоқ –
Истадим бу йўлдан ва сен… рад этдинг.
Кетдинг йироқларга… мен сари кетдинг.

* * *

Йўқ, бу севги эмас, севги бўлганда
Ўша кун мен олиб қочардим сени,
Аёл бошинг билан йиғлаб келганда…
Билмам, сен ушбу кун ўйлайсан нени.

Қайдан сенда бунча журъат ва қайдан
Менда бунча сустлик? "Юринг!" дейсан бот,
"Кетайлик, дейсан, бу лаънати жойдан!"
Мен билан кечирмоқ истайсан ҳаёт.

Яна нималардир дейсан пичирлаб
Ҳамда бош қўясан кўксимга шамсдай.
Мен сенга боқаман, сўзга очмай лаб,

Ҳис этиб қошингда ўзимни хасдай.
Яхши иш қиламан, билмайман, нетсам,
Биламан: қайтмайман, сен билан кетсам.

* * *

Сен ва мен, ўртада шайтони лаъин,
Қолдик номаҳрамлар бир уйда ногоҳ.
Буни сен қилганинг англадим кейин,
Меҳмонинг эдим мен – мажнуни гумроҳ.

Мен сени хаёлан қучдим ва ўпдим,
"Битта меники бўл!" дедим хаёлан.
Бир умр қидирган кишимни топдим,
Йўқотсам кечирмам ўзни ваҳолан –

Сени ўзимники қилмоғим учун
Бериб қўйган эдинг қўш қўллаб имкон.
Қандай қилиб? Наҳот, сендай қиз? Нечун?

Наҳот, дўзахдан-да қўрқмадинг? Имон –
Юракда не кўйга тушди? Билмадинг.
Мендан кўра кўпроқ ўзинг қийналдинг.

# Ишқ дея аталган энг сирли фанман



**Санобар МЕҲМОН**

**Ўтинч**

Ишқда эриб кетган, менинг бу кўнглим,
Ҳасрат териб кетган, менинг бу кўнглим,
Буткул қариб кетган, менинг бу кўнглим –
Онажон, сиз энди қариманг!..
Малаклар юз ювар юзларингизда,
Беҳиштнинг акси бор
кўзларингизда,
Ҳаргиз зор бўлмайлик, изларингизга –
Онажон, сиз асло қариманг!..
Келдимми, дунёга нолангиз бўлиб,
Қароққа сиғмаган жолангиз бўлиб,
Қандай кун кўрсатдим,
болангиз бўлиб –
онажон!
Сиз бошқа қариманг!..
Қайси ғамингизни айтинг аритдим,
Қайси йўлингизни бир зум ёритдим,
Шеър ёзмай ҳам ўлай сизни қаритдим –
Онажон, йўқ энди қариманг!..
Расул суннат берар,Тангрим фарз берар,
Ўн саккиз минг олам менга арз берар,
Оппоқ сочларингиз нурдан дарс берар –
Онажон,
сиз зинҳор қариманг!..

---

***Санобар МЕҲМОН –*** *1981 йилда туғилган. ЎзДЖТУни халқаро журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Яшил ибодатлар”, “Ишқ келаяпти пўшт-пўшт”, “Ҳайёмона хўрсиниқлар” номли шеърий китоблари чоп этилган.*

Айт, бу фиғон қачон ўтар Худойим,
Онамнинг қаддини кўтар Худойим,
Менинг қариганим етар Худойим –
Онажон, сиз энди қариманг!..

**Иқрор**

Тариқатлар чарчатди мени,
Маърифатлар чарчатди мени,
Ҳақмас, “ҳақиқат”лар чарчатди мени,
Билдим, шу манзилда бошланар йўлим –
Қабул эт!
Мен сенга келяпман кўнглим!

Ниҳоят, айтгувчи сўзимдадирман,
Ўзимнинг оҳиму бўзимдадирман,
Ниҳоят, ўзимда ўзимдадирман,
Мени табрик айла,
Ҳавас қил ўлим.
Сени топганларга ўлим йўқ кўнглим!

Тижорат этганим – бозорлар айтсин,
Риёзат этганим – озорлар айтсин,
Зиёрат этганим – мозорлар айтсин,
Сулуклар хатодир, хато бу илм –
Сенинг каби оқил шайх йўқдир кўнглим!

Ким айтди: “Кел менга Субҳонман”, деди.
Ҳар Лаин ўзини “Раҳмон”ман, деди.
Кимдир “чархман” деди, “гирёнман” деди.
Ҳаммасидан қайтиб бу қайсар феълим –
Ўзингга, ўзимга келяпман, кўнглим!

Бу ёғи қимордир, бу ёғи гардкам,
Мени маъзур тутинг, зоти муҳтарам.
Бекордир билганим, бу кўҳна олам –
Эй, нодир хазина, эй, буюк тилсим –
Қабул эт, ўзингга келяпсан кўнглим!

**Севмасимдан олдин мажнун эдим мен**

Азал наққошлари сиймлаган тан,
Фитратим зар бўлса, қисматим заргар.
Севмасимдан аввал мажнун эдим мен –
Севганимдан кейин бўлдим Санобар.

Валлоҳ, шавқдодаман,
шавқинг ичра ман,
Ўлик кўнгилгаям бахш этурман жон.
Мени севган куни ақлидан озди –
Шу донишманд Осмон, мўйсафид Осмон!

Мен унинг тубидан тўкилган оҳанг,
Сачрадим, чоғирранг япроқларимга.
Эртага ўзимдан пастроқ яшасам –
Сиз осиб ўлдиринг тупроқларимга!

Токай киядурман янги руҳимга,
Бировларнинг эски туйғуларини.
Пайт келди, янгортмоқ фурсати етди –
Шеър отлиғ кадарнинг қайғуларини!

Мен бу майдон ичра юракни тикдим –
Ва тикдим энг тоза туйғуларимни.
Эҳтиослар мағлуб этмасин дея,
Йиғлаб ташладим бор кулгуларимни.

Тунлар шовуллайди, дил маҳзун шажар,
Анинг жониндами, Ишқ қадим илдиз.
Бир кун бу маъводан кетар бўлсам гар –
Мендан ҳам қоларму бирор янги сўз...

Фано наққошлари сиймлаган тан,
Фитратим зар бўлса, қисматим заргар.
Севмасимдан аввал Мажнун эдим ман –
Севганимдан кейин бўлдим Санобар...

* * *

Шоирона сўзлар, шоира сўзлар,
Гул баргидай нафис, бокира сўзлар.
Мени сеҳрлади, соҳира сўзлар –
Мен ўшал сўзларнинг девонасиман.

Васлдан-фироққа қадар йўл лозим,
Самодан тупроққа қадар йўл лозим.
Уни англаш учун ошиқ дил лозим –
Оҳлару бўзларнинг девонасиман.

Бемазмун бир қайғу, мазмунли бир оҳ,
Батафсил бир савоб, бетафсил гуноҳ.
Кўксингдан ситилиб, боқса бир нигоҳ –
Мунг тўла кўзларнинг девонасиман.

Сайрибоғ қилгани келганим йўқдир,
Вақтни чоғ қилгани келганим йўқдир.
Беҳис оҳ ургани келганим йўқдир –
Мен ўтли бўзларнинг девонасиман.

Кимнинг ҳарорати, кимнинг қарори,
Оллога етгай-ку, мазлумнинг зори.
Бу шеър – бир ошиқнинг кўнгил изҳори –
Мен эса сўзларнинг девонасиман,
Мунг тўла кўзларнинг девонасиман.

* * *

Бефараҳ дунёга бир фараҳ экдим,
Бахтсизлик боғига бир туп бахт экдим.
Сенинг юрагингга бир дарахт экдим,
Кўклагани сайин кўклаб боряпман.

Дарвешлар бир боқиб, “пуф” деб ўтдилар,
Орифлар зуҳд топиб, “суф” деб ўтдилар.
Бай-байки ошиқлар “туф” деб ўтдилар,
Мен нетай, ҳар дамда “уфлаб” боряпман.

Кетдинг, фироғингдан қондириб кетдинг,
Магар, қийноғингдан тондириб кетдинг.
Ўзинг “совиб” мени “ёндириб” кетдинг,
Шу ўчган ўтларни пуфлаб боряпман.

Бефараҳ дунёга бир фараҳ экдим,
Бахтсизлик боғига бир туп бахт экдим.
Сенинг юрагингга бир дарахт экдим,
Кўклагани сайин кўклаб боряпман.

* * *

Мен кимман;
Гулнинг япроғига Худо битган хат,
Тупроққа ҳавола қилинган танман.
Минг йилки Ошиқлар англолмай диққат –
Ишқ дея аталган энг сирли фанман.
Мен кимман:
Осмоннинг заминга эккан,
Аҳли ишққа ҳадя, қуёшиман мен.
Зулайҳонинг Юсуф ҳажрида тўккан –
Севгига айланган кўзёшиман мен.
Мен кимман;
Ғунчалар Ишқ туккан маҳал,
Оллоҳ, – деб оҳ чеккан нидосиман мен.
Минг йилки бир дилнинг қошида маҳтал –
Ёронлар, соғинчнинг адосиман мен...
Мен кимман,
Мажнуннинг самовий оҳи,
Лайлидан олмаган қасосиман мен.
Ҳазрати Айюбнинг роз айтар чоғи –

Ижобат этилган дуосиман мен.
Шу дуо хайридан дунёга келган –
Дунёнинг самимий дунёсиман мен.
Ҳар лаҳза минг тўлиб,
минг бор тўкилган –
Кўнгилнинг бир маъсум дарёсиман мен.
Эй фалак дастингдан дод демасман йўқ.
Ҳар неки кўргуздинг шайдосиман мен.
Тақдири азалнинг гул билан битган –
Санобар аталмиш иншосиман мен...

* * *

Мен сенгача ёлғиз, эдим жигархун
Бағримни эзарди мудҳиш ваҳима.
Сен  келдинг, кўнглимга бўлганча мафтун –
Келдинг, юрагимни қилиб таржима!
Бир гўзал умидлар уйғотиб жонда
Саргардон ҳисларга берганча барҳам.
Сен келдинг, шундай кенг еру осмонга –
Сиғмасдан яйради, бечора қалам.
Сен келдинг
Нур келди шеър келди-озод,
Мудраган ҳисларим, қилди тантана!
Азизим, савдойи дарахтларга боқ –
Менинг ишқим бўлиб гуллади ана!
Сен келдинг, ишондим бахт борлигига
Кўнглимга ишондим, сенга ишондим.
Кўнмадим, ҳажрнинг ағёрлигига –
Сенинг исминг айтиб, қайғудан тондим.
Сен келдинг, фараҳбахш тонг шамолида,
Ҳижрон лашкарига ғолиб келдингми?
Гулларнинг бокира, гул жамолига –
Менинг ҳисларимни солиб келдингми?
Хайрият, тирикман, бўғзимда бу дард
Ҳамон бандангдирман, сенга боши хам.
Художон, Художон, унинг кўнглини –
Менинг меҳрим билан айла хотиржам!
Энди, кет!!!
Кўксимдан кўчиб кет эй ғам,
Руҳим эзолмайсан энди ваҳима.
Ахир у келдию, ёришди олам –
Ёлғизликни қилди, бахтга таржима!
Бу ишқдан адашмай,
ҳолимни тарҳ қил,
Раббим ўзинг асра, ошиғ жонимни.
Муҳаббатга тўлдир,
шодликка ғарқ қил –
Менинг шу девона таржимонимни!

## Дарахт

Тили бўлганида сўзлай олганида
Энг зўр шоир бўларди дарахт
Агар билганида
Ҳаводан ҳам ўзга дафтар борлигини
Осмондан ҳам оғир залвор борлигини
Қўли бўлганида чизарди дарахт
Йиғлаб ҳаволарга ёзарди дарахт
Дили бўлганида
Гулламоқ ва хазон бўлмоқнинг оралиғида
Бир улкан муҳаббат улкан айрилиқ
Борлигини билганида билганида эди
Воҳ ақлидан озарди дарахт
Ҳар бир япроғига ёзарди дарахт
Мен каби тўкилиб, тонарди дарахт
Бу ишқда гуруллаб ёнарди дарахт

* * *

Яшилланиб турар, олланиб турар,
Заққумга тўлсада болланиб турар,
Ўйчан сукут билан солланиб турар –
Қандай мутафаккир зот бу дарахтлар!
Бир илоҳий ИШҚнинг шавқини тотиб,
Мен шеърлар ёзганда қайғуга ботиб,
Улар гуллаб қўйди, куртаклар отиб –
Ҳай, кимнинг ғамидан шод бу дарахтлар!
Мана бу ёнғоқни бобом экканди,
У, бобом кетган йил мева тукканди,
Бобом ўтиб-унда ҳаёт бошланди –
Бобом айтолмаган дод бу дарахтлар!
Ака, сиз борсиз-ку, бағрим эзмайман,
Ҳасрат водийсида беҳуд кезмайман,
Мен энди қайғули шеърлар ёзмайман –
Десам, мунгли боқар, бот бу дарахтлар!
Мана бу ўрикнинг гуллари маъсум,
Мана шафтолида гулгун табассум,
Бу қандай руҳ бўлди, бу қандай жисм –
Жаннатий ифору, тот бу дарахтлар!
Сенам бир дарахтсан, Санобар гирён,
Қай фаслда сўлдинг, гуллайсан қачон,
Сендан ҳам қолгайму бир яшил нишон –
Сени ҳам қилгайму, ёд бу дарахтлар!

# Минг

*Ҳикоя*



**Бейшенбой УСУБАЛИЕВ**

Акмат билан қизи тонг-саҳардан йўлга ҳозирлик кўра бошлашди. Улар шаҳарга боришмоқчи. Акмат аввалига унамади: “Бир марта бўлса ҳам кўрмаган бўлсам, уят-да...” Буни эшитиб хотинининг авзойи бузилди:

– Касал-пасал эмасмисан?! Нимадан уяласан, бегона одамнинг боласини етаклаб боряпсанми? Ойжонни ҳалиги ётоқхонага жойлаштиргин-да, изингга қайтавер. Бошқалар шаҳарни кўролмай юрса-ю...

Ниҳоят, Акмат кўнди. “Отасининг гўри, – деди ўзига-ўзи, – бунинг қистови билан шаҳарни ҳам кўриб келаман. Нимасидан чўчийман, ўрисчада нон сўрашни ҳам биламан”.

Тайёргарлик узоқ чўзилди. Хотини пулни қайси чўнтакка солиш ва уни қандай асраб-авайлаш ҳақида кўп гапирди: “Кулиб қараганлардан эҳтиёт бўл, авраб туриб, шипириб кетишмасин. Бозорга кирсанг, оғзингни очиб анграйма. Четдан келганларни дарров билиб олишади, деб эшитганман. Лўлиларга яқинлашма!..” Унинг гапларига индамай қулоқ тутиб турган Акмат ўзича ғудраниб қўйди: “Қизим деб куярмиш, қизи тўғрисида ўйлаб ҳам кўргани йўқ, худди отаси пулдан ўлгандай...”

Шундай қилиб, улар жўнашди. Акматнинг қўлида катта қора жомадон.

Уйдан кўп ҳам узоқлашмай қўшниси Қурманга йўлиқишди. У билса ҳам, ўзини билмасликка солиб гап қотди:

– Эй, тонг-саҳардан қаерга отландинглар?

– Минг билан боряпман, жўра, – деди Акмат унинг саволини эшитмагандай, – отасининг гўри, ўзинг биласан-ку!..

– Минг билан дейдими? – деди Қурман ўзига-ўзи. – Эй, минг деганинг нимаси?

– Нима бўлиши мумкин? – деди Акмат яхши кайфиятда. – Ҳаммангиз биласиз, лекин... – яна такрорлади. – Минг билан боряпман!..

Қизи юрмайсанми дегандай, отасига қаради. Акмат жомадонни кўтариб йўлга тушди. Қурман Акматнинг гапларини бироздан кейин тушунди-да, уни кузата туриб: “Афанди деса!..” деб кулиб юборди.

---

***Бейшенбой УСУБАЛИЕВ*** *– филология фанлари доктори, профессор, Халқаро Чингиз Айтматов академияси академиги. 1954 йилда туғилган. Қирғизистон Миллий университетини тамомлаган. Ўнлаб монографиялари билан бирга “Тутун”, “Қизиқ”, “Шикек” номли элликдан ортиқ ҳикоя ва қиссалари нашр этилган.*

Акмат озгина юриб, ўзи билан бирга ишлайдиган Карипга дуч келди. Қочиб кетсамми, деб ўйлади-ю, юзи чидамади. У яқинлашиб қолганида жилмайиб:

– Қочиб кетяпман, бригадирга айтма, – деди.

– Қаерга? – деди Карип хавотирланиб.

– Шаҳарга! – деб қўли билан қизини кўрсатди. – Ўқишга.

– Аа-ай, отам! – Карип норози бўлиб қўлини силтади. – Далани бир ўзим суғорар эканман-да. Ўзини ёлғиз юборсанг, бўри емаса керак?

Акмат хафа бўлди. Карипнинг ўрнига ишлаган кунлари кўп бўлган. Ўшанда ҳам индамаган, бригадирга ҳам оғиз очмаган. Бу эса... Акмат ўшаларнинг ҳаммасини айтаман, деб йўлидан тўхтади, лекин тағин жаҳлини чиқариб юбормай деган андишага борди.

– Ҳеч қанақа ер қолгани йўқ, – деди жавдираб, – анови ерни суғоришга ҳали эрта, қайтишим билан кечасими-кундузими, суғориб қўяман. – Сўнгра бироз ўйланиб турди. – Ўзини юборсам ҳам бўларди, ўрис тилини мендан яхшироқ билади. Бироқ... – бироз овозини пасайтирди, – минг билан юборсак, бир нима бўлмасин деб...

– Минг билан?!

– Ҳа-да! – деди Акмат қувончини яширмай. – Минг билан боряпман, отасининг гўри!..

Карип тушунмади. У индамай турди-да, “бўпти” дегандай, тушкун ҳолатда ўз йўлига кетди. Гапини тўлиқ тушунтира олмагани учун Акматнинг таъби тиррик бўлди.

– Учрагандан суюнчи олаверасанми? – деди қизи норози бўлиб.

– Нима?

– Минг билан боряпман! Минг билан боряпман, дейсан!

– Айтсам, нима бўпти?

– Уят-да!

– Нимаси уят! – деди Акмат аччиқланиб. – Ўғирлаб олган бўлмасам. Ўзимнинг пулим. Кигиз, суғориш... – қизига ўгирилди, – тағин уч юз қўшганида бўлармиди?

– Нима учун?

– Етмайдими дейман-да.

– Нега етмайди? Менга кераги йўқ, – деди қиз қовоғини солиб, – ўзинглар қўймай...

– Сен бир илож қилиб ўтиб кетсанг, бўлди, – деди Акмат уни юпатиб. Хотинидан аччиқланди. – Яна уч юз қўш деса, отаси пулдан ўлгандай, "Шунинг ўзи етади", деди! – яна юмшади. – Пул ўлсин, топилади!.. Сен эплаб ўтиб кетсанг...

Отасига қараб қизнинг раҳми келди, негадир ичи ачишди. Иккиси индамай йўлда давом этишди.

Йўл ёқасига келишди. Бу ерда кўк дўкон бор. Машиналар унинг олдида кўп тўхтайди. Шунинг учун кўпчилик шу ерда машина кутади. Ҳеч ким йўқ экан. “Яхши бўлди, шаҳарга ёруғда етарканмиз”, деб ўйлади Акмат суюниб. Шу пайт нариги томонда Асқар пайдо бўлди. Кийимлари кир, қўлида эски халта.

– Қаерга боряпсиз? – деди у гуноҳкордай кулимсираб.

– Шаҳарга! – деб жавоб берди Акмат ёқинқирамай.

– Ўқишгами?

– Ҳа.

– Қайси ўқишга? – деб қизга тикилди. У жавоб бермади.

– Сўтликка! – деди Акмат ранжиб. – Ҳозир қизларнинг ҳам сўт бўлгиси келади. Шунинг учун мелисада икки йил юрди-да, ҳалигини чиқиллатиб.

Қизи отасига норози бўлиб қараб минғирлади: “Чиқиллатиб... чиқиллатиб...”

Акмат қизининг ўқийман деганига қарши бўлмади. Аксинча, қувонди: “Ўқиб олсин! Бўлмаса, хор бўлади, бунинг устига, бирорта арақхўрга тушиб қолса... Ўғил болага нима, кетмон чопиб бўлса ҳам, бир кунини кўради. Мен ҳам кетмон билан ўлмай юрибман-ку! Лекин нега бунчалик сўтликка бораман деб...”

Акмат қизи ўнинчини битириши биланоқ тушунтирганди: “Сўтликни нима қиласан? Ундан кўра, муаллим бўл, хотинларга шу ярашади. Ана, Айтқулнинг қизини кўр, кечагина келиб, бугун директор бўлиб, савлат тўкиб юрибди... Сўтлик нима, турган-битгани – ёмонлик!..” “Ёмонлик! Бир нима бўлса, дарров ёмонлик. Нима ёмонлик қиляпти?!” деганди қизи йиғламсираб. Акматнинг жони ачишганди: “Ҳой, сенингча, одамни қамаш яхшиликми?” “Қамалгиси келмаса, гуноҳ қилишмасин!” деб қизи унинг оғзини ёпганди. Айтганида туриб, икки йил давомида судда котиба бўлиб ишлади. Буни эслаган чоғида Акматнинг тили тутилади, қизим элнинг қаҳрига қолмасин, деб чўчийди. Унингча, ҳамма судья билан милицияни ёмон кўрадигандай эди. Шунинг учун қизи тўғрисида сўраганларга: “Юрибди-да, ҳалигини чиқиллатиб”, дерди кайфияти тушиб...

– Бизни сўт қилар экан-да! – деди Асқар ўзича хулоса чиқариб.

– Ия! – Акмат сакраб тушди. – Нимага сўт қилади, жинни бўлдингми?

– Мен шунчаки... – деди Асқар гуноҳкордай ерга қараб.

– А-а... – деди Акмат гапни бошқа томонга буриб, – бугун ҳам ўша ерда тунадингми?

– Йўқ! – деди Асқар чўчиб қўлидаги халтани кўрсатиб. – Мен буни...

– Сени биламан... Уялсанг бўларди... Ишласанг бўлмайдими? Ёшсан. Сенга нима етишмайди? Уйинг бор, хотининг бор, болаларинг ўйнаб юрибди. Арақ нима? Эҳ!.. – деб қўлини силтади.

Асқар индамай кулиб тураверди.

– Ота, автобус! – деди қизи шошилиб.

Акмат яхши қол дегандай, Асқарга қараб қўйди-да, қизи турган томонга юрди.

– Яхши боринглар! Ўтиб кетсин!..

Акмат ортига ўгирилди:

– Нима дейсан?

– Ўқишга ўтиб олсин дейман. Яна... қизингиз... – деди Асқар аланглаб. Қўрққанини яширмоқчи бўлиб кулди. – Яхши сўт бўлсин...

Акмат Асқар томон юрди. “Бир нимадан умидвор бўляпти”.

Асқар кетмоқчи бўлди. Акмат унга яқинлашиб:

– Ҳозир, кутиб тур! – деди-да, дўконга кириб кетди.

Автобус келиб тўхтади. Қизи дўконга югуриб кириб, навбатда турган отасига:

– Ота, автобус?.. – деди.

– Ия?! – Акмат шошилди. Югуриб чиқмоқчи бўлди-ю, ёдига нимадир тушиб, тўхтаб, қўлини силтади. – Майли, кейингиси билан... Машина...

Қизи тўлиқиб чиқиб кетди. Бироздан кейин Акмат ҳам дўкондан чиқиб, Асқарга шиша узатди:

– Ма, ич, бу қариндошингнинг тортиғи.

– Оо-ой, оға, жимгина...

– Ола бер... Берганда, жон дегин...

– Вино...

– Нима винодан бошқасини ичмайсанми?

– Йўқ-йўқ! – деди Асқар шошиб. – Вино олсангиз ҳам бўларди, дейман-да...

– Бу тоза-да! Ма, энди ол.

Асқарга тутқазди. Унинг қўли қалтираб кетди.

– Оғиз тегизиб кетинг, оға. – деди у.

– Йўқ, ўзинг ич! Атайлаб сенга... – деб Акмат тўхтади, – майли, отасининг гўри, яхшилик бўлсин, – шишанинг қопқоғини очиб, ичиб, бошини чайқаб қўйди-да, Асқарга узатди. – Ма, қолганини ўзинг ич.

Асқар нима дейишини билмай, кулди.

– Бор! – деди Акмат. – Бор энди, бундоқ одамга ўхшаб ичгин. Уйингга бориб ичиб, дамингни ол. Ёт...

Асқар маъқул дегандай, бош ирғади. Акмат қизи томонга юрди.

– Қолиб кетдик-ку! – деди қизи.

– Майли, тағин келади-да.

– Арақ ичиб олиб... – деб қизи йиғламсираб минғирлади.

– Ким?!

– Сен-да!

– Менми? Мен озгина оғиз тегиздим, холос, бир қошиқ ҳам келмайди. Кўнгли оғриб қолмасин деб...

– Нега кўнгли оғрийди? Ўзинг олиб бериб, яна...

– Кўнгли оғримасин, одам-да!

– Одам?!.. – қизи жирканиб юзини буриштирди.

Акмат ранжиди.

– Сенинг одамларинг кимлар ўзи?! Ҳалигиларми?

– Қайсилар?

– Карип билан ҳалиги... – деди талмовсираб, – яхши бор дейишгани ҳам йўқ. Бу эса...

– Айтади-да! – дея қизи масхараомуз кулди. – Ичгиси келиб турса!

Акмат чидай олмасдан қичқириб юборди:

– Сен қаердан биласан ичгиси келиб турганини? Қаердан?!

Қизи индамади, унинг гапини ёқтирмагандай нари кетди. Акмат ўйланиб қолди. Асқарни эслади. Ёмон бола эмас, саломини канда қилмайди. Лекин ичади, йиқилиб қолгунча ичади. Эҳ!.. Умидвор бўлса, бўлгандир, нима бўпти! Ҳалигилар-чи? Қайтадан кўнгли кўтарилди. Қизининг ёнига келди.

– У халтани нима қилади?

– Ўтказади-да!

– Халтаними?

– Шишани! Шалдиратиб кўтариб юрибди-ку!

– А-а... У нима ҳам бўларди дейсан, йигирматага ҳам етмайдиганга ўхшайди. Ўн тийиндан бўлса... – деб ичида ҳисоблай бошлади.

– Ўн иккидан! – деди қизи ғаши келиб.

– Нима?

– Шиша. Ўн икки тийин туради.

– Ўн иккими? Мен доим ўн тийиндан ўтказаман. Ҳалиги куда келгандаги...

– Сендан уриб қолишган-да!

– Эҳ, итлар-эй! – Акмат дўкончилардан аччиқланди. Қизига қараб, ўзи-ўзига гапирди. – Энанг билан сен билмаган палакат йўқ!.. – Тағин дўкончиларнинг қилмишидан жаҳли чиқди. – Эҳ, итлар! Мендан уриб қолишгани рост. Қанчадан-қанча шиша топширдим. – Топширганлари ўн икки тийиндан бўлса, қанча бўлишини ҳисоблаб кўрди. – Шунинг учун айтаман-да, хотин қолганини қаерга йўқотдинг деб, беҳуда безилламаган экан! Қараса...

Бировнинг овози унинг хаёлини бузиб юборди.

– Э, қайси амалдор экан десам, сен экансан-да? Кийинсанг, нақ министрнинг ўзи бўларкансан, – Асан салом-алик қилмасдан гап бошлади. Кайфи борга ўхшайди.

Акмат ўнғайсизланди:

– Киймай қўяқолай десам, ҳалиги...

– Кийсанг нима бўлибди?! – деди Асан жавдираб. – Киявер, отасининг гўри, ўзингникими?

Акмат унинг сўзини бўлди:

– Қудадан кийганман.

Асан қаттиқ кулди:

– Ия, қуда берганни кийсанг, ўзингники бўлмай қоладими?

Акмат жавоб бера олмай, каловланди. Қизи отасининг гапидан хафа бўлди: "Қудадан кийдим, қудадан кийдим... Бутун элга ёймаса бўлмайди, шекилли!"

– Шундай қилиб, жўнаяпман дегин, – деди Асан ниманидир айтмоқчи бўлгандай.

– Ҳа, боряпман, – Акмат айтсамми-айтмасамми, дегандай қизига қараб олди-да, – минг билан боряпман, – деди ниҳоят.

– Мингни қўйсанг-чи! – деди Асан бир нимани эслаб. – Анови ёмон хотин олиб...

– Ким?

– Ақил-чи? Иккинчи ўғлим. Хотин оламан дейди. "Олсанг, олавер!" дедим.

– Нима қилар экан?

Асан овозини пасайтирди:

– Хотинни нима қиларди, хотин қилади-да!

– Биламан... – деди Акмат ўнғайсизланиб, – ҳозир ёшлигида ўқиб олса...

– Тўйдим ўшанинг ўқишига! Ёши йигирмада, лекин биринчи синфнинг ҳисоб-китобини ҳам билмайди.

– Йўғ-э?

– Ит бўлайин! Бир куни менинг кўз олдимда ҳисобни чиқара олмади, "Мактабда нимани ўқидинг?" десам: "Бизнинг даврда бундай эмасди, буни пропессор ҳам аранг чиқаради", дейди. Кеча эса, – жаҳли чиқди, – икковимиз ўн саккиз кило шакар қанча бўлишини билмай, тортишдик.

– Кейин чиқардими?

– Ҳисоблаб ётиб чиқарди... Шундай экан, ўқиб кимни бой қиларди, ундан кўра, эски тракторни тариллатиб юра берсин-да, тўғрими?

Акмат кулиб бош ирғади.

– Шундай қилиб, боряпман дегин, – деди Асан қайтадан. – Тўйга қатнашмай кетар экансан-да?

– Мен бўлмасам ҳам, хотиним бор-ку. Унинг оғзи тегса...

– Сеники бошқа-да. Иккимизни эркак дейишади!..

Индамай жим қолишди.

– Қўй, ундай бўлса, кетайин, – деди Асан. – Озгина пул излаб чиққандим. Ҳеч кимда йўқ экан. Дўкончиларда ҳам... Сенда?.. – ялтоқланди.

– Менда қаердан ҳам бўлсин?

– Биламан. Бирор иложи бўлганида...

Акмат атрофга қараб олди, қизи йўлнинг нариги томонида турганини кўриб, Асаннинг енгидан тортди:

– Юр...

Иккови дўконнинг ортига ўтишди. Акмат чўнтагидан пул чиқариб, Асанга узатди:

– Эллик сўм. Етадими?

Асан қувониб кетди:

– Қўй! Уят-да! Ўзингиз йўлда қолиб кетмайсизми?

– Етади. Бу томонимда бир юзу эллик бор. Мен гулайт қилармидим? – Асанни ўзига тортиб, ички чўнтагини кўрсатди. – Бу ёқда минг бор!

– Минг деганинг нима?

– Пул. Минг билан боряпман дедим-ку. Отасининг гўри, эплаб ўтиб кетса... Пул нима?! Ма, ол...

Асан олди-да, бошини чайқади. Суюнди. Тағин жим қолишди.

– Қўй, бўлмайди! – деди Асан шошилиб. – Бўлмайди! – хуржундан бўш шишани суғуриб олди. – Оғиз тегизиб кетмасанг, бўлмайди, яхшиликка-да. – хуржунни қайтадан ағдара бошлади. – Боя грузовойдан биттасини солиб қўйгандай бўлгандим... А-а, топдим.

– Бўлмайди-да, йўл юраман...

– Йўқ десанг, ярмини ол. Маза қиласан. Кун ҳам салқин.

Акмат стакандаги арақнинг ярмини ичди. Қолганини Асаннинг ўзи ичиб, шишани хуржунга солди-да, отига минди.

– Энди кетайин. Яхшилигингни... ўлгунча... унутмайман.

– Э, қўйгин... – деди Акмат қўлини силтаб.

– Келишинг билан қайтараман. Сўзсиз. Зориқиб турганимда ҳиммат қилдинг.

Асан анчагача ўзи-ўзига гапириб борди. Акмат қизининг ёнига келди.

– Иккита автобус ўтиб кетди! – деди қизи ранжиб.

– Иккитами? Тўхтатмадингми?

– Тўхтатмадингми? Ўзи ётиб олади... – деди қизи йиғламсираб.

– Майли. Машина тўлиб ўтяпти, – Акмат кулиб қизини чалғитди. – Ҳалиги Ақил хотин олса, ҳаммаси бошидан бошланади, хотин эмас, ўтин олади.

– Қайси Ақил? – деди қизи қовоғини уюб. – Ҳалиги дарс билмаган аҳмоқми?

– Аҳмоқ! Аҳмоқ! Дарсни билмаган одам аҳмоқ бўлиб қоладими?

– Бўлмаса, нима?

– Сенинг аҳмоқ эмасларинг нимани қойил қилишяпти? Ҳалиги Карипнинг боласими, катта ўқишда зўр ўқийди, деб мақтайсизлар, ўзини осмонда сезиб, салом ҳам бермайди... Бу эса парвона бўлиб, оғалаб, саломини узмай...

– Салом берса, ақллими?

– Унда ким ақлли?! – Акмат қизини гапиргани қўймади. – Бурни кўтарилганларни бошимга ураманми?.. Мана, Шоурукни қарагин.

– Шоурук?.. – дея қизи масхараомуз кулди.

– Бизнинг овулда биргина ўшанинг ордени бор. У қаерда ўқибди. Ҳеч нимани билмай қолганида, муаллим: “Миянг қаерда сенинг, миянг қаерда?” деб бақирса, “Миям чийнинг тагида қолиб кетибди, эртага олиб келаман, мулла ака”, дебди. Ҳозир, қарагин, кўксида орден, ҳамма яхши кўради... Нима, у аҳмоқ бўлса, эл яхши кўрадими, ҳукумат орден берадими?! Аҳмоқ деб!.. – дея ғижиниб қўлини силтади.

Қизи норози бўлиб, нарироқ кетди, лекин кўп ўтмай пиқиллаб кула бошлади: “Миям чийнинг тагида қолибди”.

Акматнинг ёдига нимадир тушиб, қизининг ёнига келди-да, кулиб деди:

– Қўрқмай қўя қол, минг тугал. Эллик нима?! Зориқиб турганда...

Қизи унга гумонсираб қараб қўйди.

Акмат кўзини олиб қочиб, нари-бери юра бошлади. Ўзини бироз босиб олди. Қизидан тағин аччиқланди: “Қаердан ўрганиб олганини билмайман, бир нима бўлса, дарров “аҳмоқ” деб туради. Шундан кейин ҳам у қандай қилиб сўт бўлсин?! Худо ақл бермаса, нима қилиш керак?!”

Бирданига юқори томондан бир отлиқ кўринди. Акмат бир чўчиб тушиб, унга

тикилиб қолди. “Ўша, – деди кўзини узмай, – ўша, энангни!.. Етказган экан-да! – атрофга қаради, кўзига ҳожатхона чалинди. Уни чамалаб қадам ташлади. – Кетмай туриб олса, нима қиламан, кечгача ўтираверамаанми? Йўқ...” Ортига бурилди. Чиндан ҳам бригадир экан. У яқинлашиб қолганида Акмат тағин сўкинди: “Энангни!.. Аллақачон етказишган!.. Энди бу бошлайди!” Бригадир кулиб келаверди:

– Пўрим кийиниб... Бу ким бўлди экан деб, ҳайрон бўлдим. Бундай қарасам, ўқишга отланган Акмат экан. Ҳалигача кетолмадингларми?

– Автобус йўқ. – дея Акмат кўнглидагини айтди. Кейин пичирлади. – Ҳозир бошлайди!..

– Борганга яраша, ўтиб келинглар, – деди бригадир индамай бироз туриб, – шошиб турибман. Карипни кўрдингми, сув бошида ҳам, уйида ҳам йўқ? Уйига борсам, сувга кетган дейишди...

– Боя далага бораётган эди.

– Шеригинг у ерда ҳам йўқ, – бошини чайқади, – ер ёниб боряпти.

– Меники?..

– Сеникини биламан, – деди бригадир унинг сўзини бўлиб, – аллақачон битказиб қўйгандирсан. Сенга ишониб, ерингга қараганим йўқ...

– Ҳа! – деб Акмат суюниб кетди. – Ҳалиги... – қайта ўзини ўнглаб олди, – ўзини юборсам бўларди, лекин минг билан... – деди гуноҳкордай бошини эгиб.

– Бола дегани шу! – деди бригадир унинг гапига унчалик ҳам эътибор бермай. – Бир жойда тутиб туролмайсан!.. – отининг бошини бурди. – Қўябер, осонгина ўтиб келинглар, тағин қора жомадонни кўтариб, қайтиб келма... – бироз нарига бориб қичқирди. – Акмат, бозорлик дегани бўлади, унутма. "Пшеничный" деганлари у ерда оқиб ётади дейишади...

– У нима?

Бригадир эшитмади шекилли, индамай отини чоптириб кетди.

– "Пшеничный" нима? – деди Акмат қизига.

Қизи ғазабланди:

– Арақ!

– Э, яраси енгил экан, – деб Акмат кулди.

Севинди. “Ҳеч гап эмас экан. Эсли-да!” Карипни ўйлаб, ўзини айблай бошлади: “Бояқишни жўнгина жўнатибман!..”

Ҳаяжонланиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Бирданига эсига суғорилмай қолган ери тушди. “Ҳозир бўлмайди. Суғоришга ҳали эрта...” деди ўзини овутиб. Бироқ бу фикр миясидан чиқмай қолди, ўзини шунчалик яқин тутган бригадир ҳам кўз олдига келди. Энди тинчсизлана бошлади. Унутгиси келди. Аксига олиб, машина ҳам ўтмайди. Ёш боладай қувонган Асанни эслади. Нима қиларини билмади. Нарибери юрди... Қизининг ёнига келди.

– Машина ўтмайдиганга ўхшайди, – деди ниҳоят. Бироз индамай турди. – Эрталаб кетсак қандай бўларкин? Эртага йўлга барвақт чиқамиз...

– Эртагами? – деди қизининг жаҳли чиқиб. – Кечикаман-да! – йиғламсиради. – Ҳар куни эртага!

– Нега кечикасан, ҳали вақт кўп. Машина ўтмаяпти, бунинг устига пешин бўлиб қолди.

Қизи индамагани учун нима дейишни билмай қийналди. Тағин ялингандай деди:

– Бунинг устига, бригадир ҳам уришиб...

– Қачон уришди? – деди қизи қичқириб. –"Яхши боринглар", деб, кулиб кетдику!..

– Қизига ўгирилди:

– Сенинг олдингда сўкиниши керакмиди?.. Ер ёниб кетяпти деди, шу етарли эмасми?.. – жомадонни олди. – Кел, қайтайлик... – уйи томонга қадам ташлади.

– Кўринган билан арақ ичиб!..

Қизи йиғламсираб унинг ортидан эргашди. Акмат билиб-билмаганга олди. Бироз енгил тортди. "Бугун туни билан қолган ерни суғориб, эрта билан жўнаб кетавераман... Йўқ, Асанникига боришим керак. Кетиб қолганимда бошқа гап эди, кетмагандан кейин... Соат ўнгача уникида бўламан, кейин тун бўйи экин суғораман. Саҳарлаб йўлга чиқамиз. Уйқу нима? Бир кун ухламаса, Худо урмайди!.." Акматнинг кўнгли ёришди.

– Ана, ҳалиги? – деди қизи аччиқланиб.

– Ҳалиги! Ким?

– Пиянистанг! Асқар-чи?

– Қани?

– Ана.

Қизи қўли билан кўрсатди. Акмат ўша томонга қаради. Ҳеч ким йўқ.

– Қани?

– Келаётганди. Яширинганга ўхшайди... Қочиб кетди.

– Қочиб? Кимдан?

– Сендан-да!

– Менданми? – деди Акмат чинакамига ажабланиб. – Нега? Мен мелисамидим?

– Билмайман! Ҳалиги эски халтасини кўтариб келаётганди. Бизни кўриши билан...

– Одам экан-да!.. – деди Акмат суюниб.

– Одам?

– Қизиқ, нега қочади? – қизининг сўзига эътибор бермай кулди. Сўнг гапга тушди.

– Ҳой, у мелисадан қочмайди, – қатиқ кулди. – Мелиса уни нима қилади, жарима тўлашга тангаси ҳам бўлмаса...

Қизининг жаҳли чиқди:

– Ўзи-чи?

– Ким?

– Мелисанг!..

– Ии?..

– Ўзи ҳам маст бўлиб юради-ку?..

– Қачон?

– Ҳар кун. Кеча ҳам маст бўлиб хотинини қувиб юрганди...

– Маст бўлса ҳам, уни мелиса дейишади! – дея Акмат қизининг жиғига тегди. – У ҳеч кимдан қўрқмайди!..

– Қўрқмаса, ичиб юраверадими?

Акмат жавоб топа олмай қолди. Бироздан сўнг деди:

– Ичса ҳам, ўша керак бўлди-ку. Сен учун югуриб, начальнигига айтиб, ишга жойлаб...

– Ўзим ҳам жойлашардим!..

– Жаҳлимни чиқарма! – Акматнинг феъли бузилди. – Яхшиликни билиш керак!..

Қизи индамади. Чиндан ҳам Акматнинг қизини мелиса ишга жойлаштирган. Хотини: "Кўп бўлса, икки шиша арақдир. Бориб айт, шимингни ечиб олмайд

и-ку!" деб ҳар куни тинмай жавраб Акматни кўндирганди. Борса, у маъқуллади. "Мелисанинг қўлидан ҳам яхшилик келар экан!" деб Акмат суюниб қайтганди. Энди қизи бунинг ҳаммасини унутиб!.. У қизига қараб, бошини чайқаб қўйди. Ўзини босди, қизи кўзига аянчли аҳволда кўринди.

– Сен яхши мелиса бўл, – деди кулиб, – ичмайдиган...

– Мен мелиса бўлмайман!

– Унда ким бўласан? Шуни деб икки йил юрдинг-ку, чиқиллатиб...

– Бир нима бўлса, дарров чиқиллатиб!.. Мен терговчи бўламан.

– Ҳаммаси бир! – деди Акмат қизишиб. – Иккови ҳам одам қамайди!..

Қизи жаҳлланиб қўлини силтади. Акмат уни енггани учун қувониб кулди-да, ўзича гапира бошлади:

– Аввалларимелисани билмасдик, онда-сонда кўрсак, қўрқиб кетардик. Ҳозир... Йўл бўйида "ДАН"миз деб учтаси ўтиради қимирламай. Кўпайди. Нима, эл шунчалик бузилиб кетдими? – деди қизига қараб, у жавоб бермади. Ўзига-ўзи деди: – Эл қайдан ҳам бузилсин ҳозир, мелисалар яна кўпайса керак. Хотинлар ҳам... – қизига қараб қўйди.

Уйларига яқин келишди. Қаердандир келаётган хотини уларни кўриб, турган жойида қотиб қолди.

– Ана, мелиса! – деди Акмат.

– Қани?! – деб қизи чўчиб тушди.

Акмат кулиб хотинини кўрсатди. Қизи ҳам кулиб юборди. Иккисининг баравар кулаётганини кўриб, хотини баттар анграйди. Яқин келиши билан Акмат унинг оғзини очирмай, гапира бошлади:

– Қўрқма! Эртага жўнайлик дедик. Машина йўқ... Автобуснинг бирортаси ҳам бўш эмас, тиқилинч. Минг жойида. Эллик нима?! Беради-да, бермаса... Етади! Нима мен гулайт қилгани бораётганим йўқ-ку...

Акмат гапираверди. Отасининг ёлғонни қалаштираётганини кўриб, қизининг манглайи тиришди. Хотини ҳеч нарса тушунмай, ҳанг-манг бўлди...

...Акмат ёлғон гапира олмайди.

Қирғиз тилидан
Авлиёхон ЭШОН таржимаси



**Авлиёхон ЭШОН** – *1957 йилда туғилган. Ленинобод (ҳозирги Хўжанд) давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг "Тунги тиловатлар", "Қайғу гули", "Сирли пардалар", "Кўзгу ичида", "Райҳоний рангли сувратлар", "Тавба эшиги" сингари ўндан ортиқ китоблари нашр этилган.*



# Китобларнинг қатида шеърлар бориб келади

**Салим АШУР**

**"Доскага қаранг..."**

– Доскага қаранг!..
Ҳамма қарайди...
Ҳеч ким қарамайди доскага.
Ҳамма қизга қарайди...
Ҳеч ким қарамайди қизга.

Қиз сўзлар... ҳеч кимга тикилиб,
Исботлар таърифлар тўғрилигини.
Ёш муаллима келгач сезди ўсмирлар,
Ўзларининг ўғиллигини!

Баъзан қиз ҳам фаҳмлар чоғи,
Ўн бешта юракнинг ўттизта кўздан
Ўзини томоша қилаётганини.

Сўзини йўқотар... жим қолар,
Сўрар танаффус бўлган, бўлмаганини.
Ҳамманинг сўрагиси келади бирдан,
Билгиси келади билган, билмаганини.

Қўнғироқнинг безгаги ушлар...
"Идора"га кетар қип-қизил туфли.
Ёш муаллима қўйиб чиқар сумкасини,
Ҳаммага ишониб,
Ҳеч ким ишонмайди сумкага!

***Салим АШУР*** *– 1964 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил олган. "Атиргул", "Сиз эртага келасиз", "Аталган кунлар", "Дарз", "Муҳаббат китоби", "Титроқ" каби китоблари нашр этилган.*

Шарт очилар илоҳий сандиқча,
Афсус, хаёлдагидан анча ғариб:
Китоб, дафтар, ёзув қуроли.
– Тиқилма!
– Суқилма!
– Нима ҳам топардинг ахтариб?!.

Ва...
Мана атир... мана ойна... ва... мана тароқ...
Ҳаммага етади...
Ҳеч кимга етмайди бироқ...
Ўн беш йигитчанинг кўкси қатқалоқ...

Ўн саккизда...
Ўн саккизга синфдош қиз...
Юзларида сезилади севги изи.

...Шу қиз келгач, дарсдан кейин ҳам
Бировлар уйига кетмади.
Мактаб бўйича у ҳаммага етди...
Мактабда ҳеч кимга етмади.

Энди...

Мактабдан, илмдан таралар хушбўй,
Шамолда ўйнайди қизнинг сочлари.
Мактаб осмонида учирма бўлар,
Биринчи муҳаббат қалдирғочлари.

– Доскага қаранг!..
Ҳамма қарайди...
Ҳеч ким қарамайди доскага.
Ҳамма қизга қарайди...
Ҳеч ким қарамайди қизга.

## Китобларнинг қатида

Китобларнинг қатида
Шеърлар бориб келади.
Қиз чиройли хатида
Маъюс бахтлар тилади.

Ойбекнинг “Қутлуғ қони”,
Кейин эса “Улуғ йўл”...
Симираман зўр қониб,
Йўл кўрсатар қизнинг қўл.

Гулнор қандай ботир қиз!
Унсин нақадар гўзал!
Уларни севамиз биз:
Севги учун курашган.

Раҳмат сизга, у хатлар,
Раҳмат сизга, ул китоб.
Варақни юмшоқ қатлар,
Синфдош қиз, сен – офтоб.

Китобларнинг қатида
Севги бориб-келади.
Қиз чиройли хатида
Менга бахтлар тилади.

**Сизда бир гапим бор**

Қишлоқ кўпригининг ёни – бекатда
Автобус тўхтади кеч тушган маҳал.
Қарғалар қағиллар шудгор, эгатда...
Автобусдан тушди биз билан февраль.

Шаҳардан қайтардик, мактабларарО
Фанлар беллашуви ўтган кун эди.
Бизни табрикларди бутун хондарё,
Бир четда февраль ҳам кўп мамнун эди.

Ёшлик қувончига йўқ эди ҳудуд,
Ғофиллик бор эди қишлоқ тинчида.
Жудаям тор эди бу қобиқ, сукут,
У “8”да эди, мен – ўнинчида.

Қалбларнинг зарблари ўтди қадамга,
Ғира-шира кўча изоҳ сўрарди.
Ўртада сўз демай келар, елкамга
Февралнинг елкаси тегиб турарди.

Уфқда булутлар ғарам ва ғарам,
Қайдадир ингичка кишнар эди той.
Жуда узоқларга – ёнга қарасам,
Ўртада йўқ эди февраль деган ой.

Бир қадам мен томон ташлади шу пайт:
– Сизда бир гапим бор...
Овози титради айтган каби байт,
Сўнгра тез-тез кетди.
Келарди баҳор.

Сўнгра февраль кетди, баҳорлар кетди,
Кетди мактаб, кетди дорилфунунлар.
Мени кеча-кундуз кўп таъқиб этди,
“Сизда бир гапим бор…” деган жунунлар.

Талаба бўлганда, ҳайратга тўлиб,
Қишлоқ айрилганда ҳузру тинчидан,
Пойтахтда бир ўзим, биринчи бўлиб
Иссиқ хат олгандим тўққизинчидан.

Тақдир бизни ҳарбий хизматга солди.
Соғиндик кўнгилнинг маҳбубларини.
Бир овлоқ ўрмонда энг аввал олдим
Ўнинчи синфнинг мактубларини.

Бошимдан нималар ўтмади, дейсиз,
Ҳаётим ним кулган гулга ўхшади.
Феврални кўрмадим, баҳор ҳам эссиз...
Кейин хабар, хатлар тўхтади.

Баъзида юракка кирганда санчиқ,
Суратлардан боқди гул билан баҳор.
Баҳор мактублари бўлди суянчиқ:
“Сизда бир гапим бор…”

Эсимда, китоблар баҳонасида
Синглимни сўроқлаб келар эди ул.
Бир кўриниб хона остонасида,
Деразамга қўйиб кетар эди гул.

Ул баҳорни қўмсаб инграйди созим,
Бағримни қиймалар кечиккан изҳор.
Энди мен айтаман титраб овозим:
– Сизда бир гапим бор...

**Омонат**

Дейдилар, танангда жонинг омонат,
Ғамлаган сомону донинг омонат,
Тўкин дастурхонинг, нонинг омонат,
Довруғинг, шуҳратинг, шонинг омонат,
Нима бўлса бўлсин, ўлим бўлмасин,
Сени Яратганнинг ўзи қўлласин!

Омонат эмиш-ку қўрғон, қасрлар,
Омонат эмиш-ку шоҳлар, асирлар,
Карвон соясида келган асрлар,
Айтинг, англагайми буни басирлар?
Нима бўлса бўлсин, йитим бўлмасин,
Сени Яратганнинг ўзи қўлласин!

Омонат дейдилар ота ва она,
Дунё асли катта томошахона,
Ҳаёт – ақл-ҳушни олган жонона,
Бир куни ҳаммани айлар девона,
Нима бўлса бўлсин, кўрим бўлмасин,
Сени Яратганнинг ўзи қўлласин!

Эй, фарзанд, болалик ўтар мисли туш,
Ёшлик – пар-патлари қўлда қолган қуш,
Кексалик кўрингай кўзга бадбуруш,
Бир тандир нонда ҳам бор хамиртуруш,
Нима бўлса бўлсин, жафо бўлмасин,
Сени Яратганнинг ўзи қўлласин!

Кимнингдир кўзини куйдирар бахтинг,
Ўзингга панд берар баъзида аҳдинг,
Юксак юлдузларга етса-да шахдинг,
Бир куни қўлингдан кетгай тож-тахтинг,
Нима бўлса бўлсин, риё бўлмасин,
Сени Яратганнинг ўзи қўлласин!

Дийдор тўлдиргайдир кўнгил камини,
Ҳаё жиловлайди нафс дамини,
Ўчмасин десанг гар ҳаёт шамини,
Чек дўсту ватану халқнинг ғамини,
Нима бўлса бўлсин, хорлик бўлмасин,
Сени Яратганнинг ўзи қўлласин!

Қуёшнинг нурлари тушса юзингга,
Тириклик шамоли тўлар кўзингга,
Кимдир қулоқ тутса ғариб сўзингга,
Шира киргани шу ризқу рўзингга,
Нима бўлса бўлсин, зорлик бўлмасин,
Сени Яратганнинг ўзи қўлласин!

Шунча умр берди, шукр, аввало,
Ҳаёт бўстонидан сурур, аввало,
Ватан бўй-бастидан ғурур, аввало,
Ярқироқ манглайда муҳр, аввало:
Нима бўлса бўлсин, йигит ўлмасин,
Сени Яратганнинг ўзи қўлласин!

**Сен ҳам одам бўл энди**

Дунёни танибсану танимабсан ўзингни,
Аждодлар овозига мосламабсан сўзингни,
Болаларнинг кўзидан яширибсан кўзингни,
Нафс ўтида ёқибсан чориқ билан бўзингни,
Ёлғон билан топибсан нонинг билан тузингни,
Сен ҳам одам бўлдингми,
Одамлардек кулдингми?!

Ота дейсан нимадир отангдан унса агар,
Акангдан фойда етиб турса сен учун жигар,
Мансабга миниб кўрсанг нималигин зебу зар,
Дўстларингнинг ҳолидан олмайсан ҳатто хабар,
Даргоҳингга келгайдир ёғоч от миниб чопар,
Сен ҳам одам бўлдингми,
Одамлардек турдингми?!

Мунғайиб келса синглинг, артдингми кўзёшини,
Кўнглини кўтардингми уканг эгса бошини,
Эслаб ўтган дўстларинг, ўтган қариндошингни,
Қўйдингми қабристонга ҳеч хотира тошини,
Ўйладингми бир нафас чархнинг наққошини,
Сен ҳам одам бўлдингми,
Одамлардек юрдингми?!

Бўлолмайсан бу қадим дунёга асло устун,
Ҳар не фармонинг ила алишмайди тун ё кун,
Шошил яхшилик учун имкон топмасдан якун,
Кўнглинг ярим бўлмасин ва бағринг бўлсин бутун,
Тандиру ўчоғингдан аримасин ҳеч тутун,
Сен ҳам одам бўл энди,
Сен ҳам одам бўл энди.

**Қайтар дунё**

Қайтар дунё, қайтар дунё, дунё қайтар...
Минг йиллардан буён келар шундай хабар,
Ёшлик ўтар, даврон ўтар, ўтар падар,
Инсон фақат кетгувчига видо айтар,
Кетган жойинг чароғонми, азиз она,
Ўксик ўғлинг чароғбонми, азиз она?

Мушфиқ опам, мунис синглим, метин оғам,
Кўзларингиз сурмасида кўрмай ҳеч ғам,
Ҳаммамизда нимадир кўп, нимадир кам,
Ёғиларму ҳовлимизга файзу карам,
Кетган жойинг чароғонми, азиз ота,
Мазлум қуёш чароғбонми, азиз ота?

Фарзандларим – гулдек ўсган ўғил, қизим,
Қўзиларим, мададкорим, кўрар кўзим,
Сизга бир ор қолдирсаму кетсам ўзим,
Эслармисиз мени, агар ўчса изим,
Қачонгача турар экан қурган уйим,
Кечаларда йиғлатармн маҳзун куйим?

Кимларгадир асқотармн меҳнатларим,
Тушунарсиз қолмасмикан заҳматларим,
Сизга малол келмасмикан ҳасратларим,
Тўлқинларим, мавжлариму ҳайратларим,
Болалигим, тупроқ кўчам, мангу бедор,
Сиздан ўтсин шўх болалар миниб тулпор.

Эй, дунёнинг толе тўла пучмоқлари,
Отам, онам, дўстларимнинг қучоқлари,
Таманноси, истиғноси, ардоқлари,
Уфқларда қолиб кетган қишлоқларим,
Номим сизда қолсин, ўзим кетсам агар...
Бордимикан каптарларга мендан хабар?

**Қишлоқдаги сингилларимга**

Кипригига қиров қўнган сингилларим,
Ўн олтида йигит бўлди кўнгилларим,
Оғирингиз менга, сизга енгилларим,
Сиз ўзбекнинг даласида ёмғирмисиз,
Хирмон-хирмон пахталардан оғирмисиз?

Жаннатлардан олинганми тупроқлари,
Бўй қизларнинг ҳалволардек бармоқлари,
Отам эккан ғўзаларнинг чаноқлари
Қаттиқ-қаттиқ кулар сизга кеч кузларда,
Онасининг қарзларини қиз узар-да.

Ўзбекистон далалари – менинг ерим,
Сизга мадад бўлгаймикан йиғлоқ шеърим,
Дунёнинг бор чиройини сизга бердим,
Оёқларни илитармн калишингиз,
Шу пахтадек юмшоқмикан болишингиз?..

Шон-шарафга белагайсиз элингизни,
Меҳнат – мерос, буколмайди белингизни,
Кечалари ойга очинг дилингизни,
Учиб келган муҳаббатми ё қушларми,
Қўлингиздан толе бир бора ушларми?

Тандирлар ҳам соғинади тафтингизни,
Ўчоқлар ҳам ўпай дейди кафтингизни,
Бургутлардан олганмисиз шахдингизни,
Матонатда сиздан метин енгилади,
Сизни бутун Ўзбекистоним билади!

Нон ёпасиз, кир ювасиз, сут соғасиз,
Сингил эмас, опа эмас, чин оғасиз,
Юз йигитни бир ўчоқда сиз ёқасиз,
Қўлингизда лаби учган пиёлангиз,
Сиз шундайсиз, Худодан ҳам уялмангиз.

Балки мен ҳам бир хатарли ёшдадирман,
Ё адоқда, ё ўрта, ё бошдадирман,
Нону чойда, шакарда ё ошдадирман,
Бутун бўлсин доим кулча, нонларингиз,
Шошилмасдан отаверсин тонгларингиз.

Ўнгда юлдуз, сўлда ой дугонасисиз,
Туғилажак ботирларнинг онасисиз.
Ўзингизмас, сиз келажак деб ёнасиз,
Оғирингиз менга, сизга енгилларим,
Бармоқлари титраб турган сингилларим.

*Ижод дегани одамнинг фикр ва хиссиёт доирасидаги ички имкониятларини рўёбга чиқариш деганидир.*

**Озод ШАРАФИДДИНОВ**



# Кули кўкка соврилмас асар

*Эссе*

**Азизулло АРАЛ**

Ёшликдан эртак, ҳикоялар эшитишга жуда қизиқардим. Айниқса қиш кечалари узлуксиз ҳикоятлар тинглаш болалик ҳаётимнинг ёзилмаган эҳтиёжига айланганди.

Бу борада менинг бетакрор маънавий мураббийим, қалби қуёшдек ёруғ ва порлоқ, кўнгли юмшоқ ва юзлари ойдин, қордек оппоқ соқоллари ўзига ярашган нуроний ҳаммаслагим – Ҳожи бобом бўларди. Бобомнинг тиззаларига суянганча эшитган қанчадан-қанча эртагу ҳикояларим мен учун битмас-туганмас қувончли онлар бахшида этган.

Афсуски, бобом менга айтиб беришга улгурмаган яна қанча дурдона ҳикоятлар бўлгани аниқ. У киши оламдан ўтгач, мен афсона-ю ҳикоятлар эшитмоқ бахтидан ҳам маҳрум бўлдим. Аммо бобом қулоғимга қуйиб кетганлари ҳам анчагина эди. Улардан эсимда қолганлари: “Зайн-ул-Араб”, “Сўфи Оллоёр”, “Девони Машраб”, “Иброҳим Адҳам қиссаси”, “Лайли ва Мажнун”, “Ёзи ва Зебо”, “Қирқ қароқчи”, “Етти уруғ”, “Асҳоби каҳф”, “Алдар кўса”, “Бобо Қўрқут”, “Насриддин Афанди”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Дев ва Пари”, “Фарҳод ва Ширин”, “Манқурт”, “Ялангтўш”, “Дулдул ва Зулфиқор”, “Аждарҳо ва тулки”, “Ялмоғиз кампир”, “Ўткан кунлар”…

Буларнинг ҳаммасини ўз она тилим, ўзбекчада мириқиб тинглаганман. Атрофимдагилардан фарқли тарзда тилим ва адабиётимга эҳтиром туйғуси билан вояга етишимда Ҳожи бобом айтиб берган ана шу эртак ва ҳикоялар сабаб бўлгани аниқ.

Шу сабабдан ҳам мудом қишнинг узун кечалари тезроқ бошланса-ю, эртак эшитишга кўпроқ фурсатлар топилса, деб ўйлардим. Тароватли кўклам, саховатли ёзни қанчалар яхши кўрмайин, аммо улар қишнинг эртакли кечалари ўрнини боса

---

***Азизулло АРАЛ*** *– 1958 йилда туғилган. Қобул университетининг тил ва адабиёт факультети форс тили ва адабиёти бўлимини, Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тамомлаган. Унинг “Ўзбек тили алифбоси”, “Дарий-инглиз-ўзбек сўзлашгич”, “Соғинч”, “Ғазна нигини”, “Почохон”, “Ўзбекча, инглизча, туркча, форсча, паштуча иборалар” номли китоблари чоп этилган.*

олмасди. Чунки бобомнинг маромига етказиб айтадиган ҳикоятлари кўнглимни тўқ, вақтимни чоғ ва зеҳнимни ўткирлаб турадиган ягона восита эди. Шу боис бўлса керак бошланғич мактабдан бошлаб ўн иккинчи синфни битиргунга қадар, таҳсилда биринчиликни қўлдан бермаган, мактабнинг аълочиси бўлганман.

Аниқ эсимда, бир жума оқшоми бобомнинг хонасига кириб борганимда, у киши менга: "Кел бўтам ўтир, бугун сенга "Жулқунбой"ни айтиб бераман. Аммо лекин бу жуда узун ҳикоя, бир учи бу ерда бўлса бошқа учи Қўқонга етиб боради… Ўҳҳ… билиб қўйгин, яна давомин айтинг дея қистайверадиган бўлсанг, яхшиси бошламаганим маъқул. Бу бутун бир қишга етгулик достон", деб олдиндан мени огоҳлантирганди.

Мен эса "Жулқунбой" деганда, болалар ўйнайдиган турли рангдаги латталар илинган ёғоч қўғирчоқни тасаввур қилиб, бу эртакни тезроқ эшитишга қизиққанман. Ҳовлиқиб, бобомдан сўрайман: "Бобо, Жулқунбой сиз болалигингизда ҳам бўлганмиди, уни ким ясаган, у ҳозир қаерда?"

Бобомнинг қошлари чимирилсада, сабр билан тушунтирган: "Бўтам Жулқунбой сенларнинг ўйинчоғинг эмас. Жулқунбой ўзбекистонлик катта бир ёзувчининг тахаллуси. Унинг асл исми эса Абдулла Қодирийдир. Бу инсон ҳали чину-мочинда дунёга келмаган улкан бир "Ўткан кунлар" деган китоб ёзган". Сўнг қўлларидаги китобга ишора қилиб, яна-да ғурурланиб деган: "Мана кўраяпсанми, шу китобни ёзган! Худо хоҳласа бу китобнинг ҳаммасини сенга айтиб бераман. Диққат билан тинглаб эшитсанг, мулло бўласан бўтам, мулло!" дея оппоқ соқолларини бармоқлари билан силаб қўйганди.

Мен эса "Жулқунбой"ни эшитишга шошиламан. Бобом, чинни пиёладаги кўк чойдан бир ҳўплаб, қани бўлмаса бошладик дея: "Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда Худоёрхон мулки Қўқонда Кумуш отли бир париваш бўлган экан. Унга Тошканди шаҳри азимнинг бойваччаларидан бўлган, хушбичим, келишган Отабек исмли йигит ошиқи беқарор бўлиб қолади", деб сўзлай бошлайди. Аммо шу ондаёқ бобомнинг сўзларини кесиб, "Худоёрхон ким бўлган, Кумуш-чи?" деб, сўрайман. Бобом эса бўтам, дейди, сўнг яна эринмасдан тушунтира бошлайди: "Худоёрхон бояги айтганим Қўқоннинг амири эди. Кумуш дегани эса нуқра бўлади. Ўзбекчада тиллани олтин, нуқрани кумуш дейишади".

Билишимча бобом "Ўткан кунлар" романини эски ўзбек араб ёзувидаги нусхасини тўлиқ ўқиб чиққан экан. Нега деганда, 1965–1966 йиллар бобом ҳикоя қилиб берган "Ўткан кунлар" билан 1980–1981 йиллардаги (ўшанда мен Тошкент давлат университети, Ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси бўлганман) мен ўқиган "Ўткан кунлар" ўртасида унчалик катта фарқ йўқ эди. Тўғри, бобом у пайтлар асарнинг тошбосма шаклидагиси ёки Ўзбекистонда нашр қилинган қайсидир нусхасини ўқиган бўлиши мумкин. Қолаверса, кимдир ҳикоя қилиб берган роман мазмуни билан, кишининг ўзи тўлиқ ўқиб чиққан асар орасида, албатта, озми-кўпми фарқ бўлиши турган гап.

Аммо бир савол мени доим қизиқтиради. Ўзи "Ўткан кунлар" романи 1950 йилда (балки ундан ҳам олдинроқдир) Афғонистонга қандай қилиб олиб ўтилган бўлиши мумкин? Абдулла Қодирий бу асарни 1925–1926 йилларда ёзган, орадан 12 йил ўтар-ўтмас эса, яъни 1938 йили Тошкентда "халқ душмани" тамғаси остида отиб ўлдирилиб, асарлари тақиқланган. 1956 йилдан бошлаб собиқ СССРдаги қатағон тузуми қурбонлари номи озми-кўпми оқлана бошлагачгина унинг асарларига қўйилган тақиқ олиб ташланади. Аммо орадан ўтган ўша 18 йиллик кўркинчли тақиқ даврига қарамай унинг асарлари турли йиллар давомида турли йўллар ва кишилар воситасида ташқи ўлкаларга олиб чиқилган. Бу ҳаракатлар айнан ўша очарчилик, Иккинчи жаҳон уруши ва қатоғон йилларига тўғри кела-

ди. Худди ана шу даврларда ўзбекистонлик бир гуруҳ инсонлар айниқса қўшни Афғонистонга қочишга мажбур бўлган. Улар ўзлари билан айрим, кийим-кечак, пластинка, китобларни, жумладан, “Ўткан кунлар” романини ҳам олиб ўтган.

Шу ўринда мазкур мавзуга оид яна бир воқеани эслаб ўтмоқчиман.

1923–1951 йиллар оралиғида Шермуҳаммад Қўрбоши ҳам Афғонистонда яшаган ва у ерда туриб Ўзбекистондаги янгиликлардан хабардор бўлиб турган. У пайтлар тўғридан-тўғри алоқа йўқлиги сабаб, табиийки, хабарлар ҳам кечикиб келган. Қўрбоши эндигина ватандан келиб турган ўзбеклардан юртида қандай воқеа-ҳодисалар рўй бераётганини билиб турган. Фикримча, ана шу келиб-кетувчилар орқали ҳам “Ўткан кунлар” романи Афғонистонга олиб ўтилган. Кейинчалик, ўша 1960 йилларда бу романни фақат бобом ўқиган бўлишлари керак, деган хулосага келдим. Чунки бобом оламдан ўтгандан кейин “Ўткан кунлар” ҳақида бошқа ҳеч кимдан ҳеч нима эшитмадим.

1986 йили Ўзбекистонда олган таҳсилимни битириб, Афғонистонга қайтгач, бобомнинг “Ўткан кунлар” китобини қидирдим. Аммо афсуски уни топишга муваффақ бўлмадим. Агар бу китоб қийматини ўша болалик пайтларимда билганимда эди бу тошбосма асарни кўзларим қорачиғидек асраган бўлардим. Бунинг ўзбек тилида яратилган илк роман эканлигини, бобом айтиб берган эртакмонанд ҳикоялардан сўнг, чамаси 15 йиллар ўтиб талабалик давримда асарнинг кирилл ёзувидаги нусхасини мутолаа қилиб чиққачгина тушуниб етдим, аммо энди анча кеч эди.

1970 йилларгача Афғонистонда камдан-кам одам ўзбек тилида ўқий ва ёза билган. Чунки мамлакатда ўзбек тилида дарс ўтиладиган мактаблар йўқ, бу тилда газета-журналлар босиб чиқарилмаган, китоблар ҳам чоп этилмаган. 1956 йили “Халқ” номли афғон жаридасида илк бор ўзбек тилида иккита шеър босиб чиқарилганда ҳам кўпчилик, ҳатто ўзбекларнинг ўзи ҳам уни ўқий олмай, бу шеърлар қайси тилда ёзилган дея ҳайратда қолишган. Афғон юртидаги ўзбекчаси шу аҳволда бўлган халқ “Ўткан кунлар” каби романлардан ҳам бебаҳра бўлган! Чунки 1980 йилларгача Афғонистонда ҳукм сурган, марказлашган қабилавий сиёсий тузум мамлакатнинг бошқа миллат ва элат вакилларига ўз она тилларида савод чиқаришига имкон бермадигина эмас, балки уларнинг она тилларидаги мавжуд адабиётларини ҳам турли йўллар билан йўқ қилиб юборганди.

Маълумотларга кўра, 1960 йилларда Афғонистонда ҳоким табақа маъмурларидан Муҳаммад Гул Мўманд ўзбек тилидаги ёзма ёдгорликлар, айниқса, қўлёзма китобларни йиғиштириб, айримларини арзимайдиган пулга сотиб олиб, уларга ўт қўйган. Бобомнинг “Ўткан кунлар” китоби ҳам ана шу китоблар орасида кули кўкка соврилгандир, эҳтимол!

ХХ асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиёти учун жуда самарали бир давр бўлди. Ўзбек тилида яратилган илк роман “Ўткан кунлар”нинг ўзи эса ўзбек бадиий адабиёти тарихидаги унутилмас воқеадир. Абдулла Қодирий ўзининг қисқа умри давомида турли соҳаларда фаолият олиб бориб, ҳаётнинг иссиқ-совуғи-ю, аччиқ-чучугини тотиб, деҳқончилик, дурадгорчиликдан тортиб, матбуот ходимидан журнал муҳаррирлигигача, ҳикоянависликдан романнависликкача кўтарила олган улуғ зот ва адибдир. Шу сабабдан ҳам Абдулла Қодирий феномени мангуликка дахлдор.

Шукрки, қарийб бир асрдан буён ўз аҳамиятини йўқотмаган “Ўтган кунлар” романи эндиликда бобомнинг таъбири билан айтганда, эртакликдан чиқиб, бугунги кунга келиб Афғонистонда ҳам ўз нашрига эга. Бу роман Афғонистонда илк бор 2017 йили муаллиф ишлатган эски ёзувда чоп этилди. Романнинг нашр қилинишида журналист Муҳаммад Ҳасан Тўлқиннинг хизматлари беқиёс бўлган.

У романнинг интернетда чиққан кирилл ва лотин тилидаги кўринишини араб-форс алифбосидаги ўзбек ёзувига ўгирди ва асарни олий даражадаги китоб ҳолида Қобулда чоп этилишига ҳисса қўшди. Натижада салкам юз йилдан кейин қўшни Афғонистон ўзбеклари ҳам ўзбек халқининг тўнғич романи "Ўткан кунлар"ни бемалол ўқийдиган бўлишди.

"Ўткан кунлар" романининг Афғонистон нашрига сўзбоши ёзган адиб Муҳаммад Олим Кўҳкан бу борада шундай дейди: "Романнинг Афғонистон нашри мамлакат ўзбеклари, айниқса ўзбек адабиёти шайдолари томонидан катта шавқ билан ўқилади, деган умиддаман. "Ўткан кунлар"нинг илк бор Афғонистонда нашр этилишини мамлакатда ўзбек бадиий адабиётини азиз китобхонларга етказиш борасида ташланган асосий қадам деб биламан. "Ўткан кунлар" романининг қаҳрамонлари ва унда тасвирланган ижтимоий муҳит Афғонистон ўзбеклари ҳаёт кечирадиган муҳитдан сира фарқ қилмайди. Китобни мутолаа қиладиган ҳар бир афғонистонлик ўзбек романдаги воқеа-ҳодисалар айнан ўз қишлоқларида юз бергандек сезади".

Ушбу мақолага тартиб бериш жараёнларида "Ўткан кунлар" романининг Афғонистон нашрини мутолаа қилганларнинг ҳам бу асар ҳақидаги таассуротларини ҳам тингладим. Улардан бири Туркистон (Афғонистоннинг шимолий ҳудудлари халқи орасида шундай деб аталади) билим юртларидан бирида таҳсил олаётган, Ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг тўртинчи босқич талабаси Сурайё Ойдин эди. Сурайё Ойдин мазкур асар ҳақида: "Бу ҳаётимдаги ўзбек тилида ўқиган биринчи роман. Бизда ҳали ўзбек тилида роман ёзилмаган. Ўзбекистон бу борада бизга ёрдам бериши керак. Афғонистонлик ўзбек зиёлилари бу каби ўзбекча адабиёт китоблари билан таъминлаб турилмаганда, биз "Ўткан кунлар"га ўхшаш асарларни салкам юз йилдан кейин ҳам ўқимаган бўлардик. Бу романнинг равон ва ширин тили менда ўзбек ёзувчиларининг бошқа романларини ўқишга ҳам катта қизиқиш ўйғотди", деганди.

Ҳақиқатдан ҳам, "Ўткан кунлар" романининг Афғонистонда нашр этилгани мамлакат адабиёт осмонида порлаган қуёш бўлди. Ҳозирги кунга келиб, бу роман Афғонистон ўзбеклари томонидан завқ билан ўқиладиган севимли асарга айланди.

Мен ўзбекистонлик тиним билмас ёзувчи, ардоқли адиб дўстимиз Нурали Қобил билан тез-тез мулоқотда бўлиб тураман. Бир куни у киши билан телефондаги суҳбатларимизнинг бирида: "Тошкентда Абдулла Қодирий хотирасига бағишланган конференция бўлмоқчи, шунда сиз ҳам иштирок этсангиз. Афғонистонда "Ўткан кунлар" романи мавзусида бирор нарса ёзинг", деб қолди.

Гарчи бизда бу борада ҳеч қандай манба ва адабиётлар бўлмаса-да, Нурали Қобилнинг бу ишончи ва илтимосидан бошим осмонга етди. Не бўлса-да бу роман ҳақида албатта ёзишим керак, деган ўй-хаёлимни тарк этмасди. Шунда беихтиёр болалигим, бобом ва у айтган Жулқунбой хақидаги хотиралар селдай ёпирилиб кела бошлади ва ушбу эссени ёзар эканман, Абдулла Қодирийдек буюк ёзувчи қаршисида ота-боболаримиз эъзоз-эҳтиромини кеч бўлса-да, оз бўлса ҳам етказа олаётганимдан бахтиёрман. Зеро, "Ўтган кунлар" романи ҳар қанча ўқишга, уқишга, эслашга ва келгуси авлодларга бебаҳо ганжина каби етказишимизга арзийдиган, ноёб асарлардан биридир.

**Қобул шаҳри (Афғонистон)**
**2021 йил, август**



# Адабиётшуносликда аёл образи талқини

**Нигора АШУРОВА**

Мустақиллик даври ўзбек насри жанр жиҳатдан шаклланётган қарашларнинг ўзгариши, балоғатга етган бадиий асар намуналарининг эса назарий қолипларидан чиқиб кетиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Адабиёт оилада ота-онага меҳр-муҳаббат, болаларни ардоқлаш, дунёда табиат нафосати билан боқиш фасоҳатини ҳам инъом этган. Шу билан биргаликда ҳалоллик, ёвларга нафрат каби ўнлаб ғоявий мавзулар бор. Айтилганларнинг ҳар бири минг йиллардан буён юзлаб халқларнинг сўз санъатида чуқур, ҳар жиҳатдан талқин этилгани маълум. Мавқе жиҳатдан уларнинг ҳеч бири аёл ифодаси, тасвиричалик юксак поғонада турмайди. Дунё адабиётшунослиги ҳамда унга алоқадор соҳаларда аёл образини ва унинг нозик руҳиятини ўрганган олимлар сифатида Е.А.Шабатура, О.В.Митина, Пак Чжин Хван, Н.В.Воробьева, Норузи Махназ, Ю.Афанасьева, Н.В.Воробьева, Н.Л.Миркушина, А.П.Карагода, А.А.Халаф, В.Г.Андреева, А.П.Кашкарева, А.В.Перетягина, Н.А.Шоева, Г.Мухаббатова, Т.Н.Иванова, Ли Хи Су, Тао Ли, О.В.Смирноваларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг илмий изланишларида, мақолаларида аёл образи ва унинг жамиятда тутган ўрни, машаққатли ҳаёт йўлларидаги тутумлари, психологик тасвир тамойиллари илмий тадқиқ қилинган. Яна йирик адабиётшуносларимиз И.Султон, А.Алимуҳамедов, М.Қўшжонов, У.Норматов, Й.Солижонов, Қ.Йўлдош, Б.Каримов, З.Исомиддиновларнинг мақола ва китобларида ҳам аёл, она, қиз руҳиятининг турли тамойиллари хусусида сўз юритилган.

Рус тадқиқотчиси О.В.Смирнова ўзининг “Евгения Тур: Россияда XIX асрдаги ёзувчи аёллар тақдири” диссертациясида “Ж.Санд ва Е.А.Ганларнинг Е.Тур ижодига таъсирини ҳисобга олган ҳолда аёллар адабий анъанаси масаласини ҳал қилиш йўлларини ўргандик”, дейди [4].

Ўша давр ёзувчи аёлларининг тақдири қай даражада эканини айтиб, рус романларида аёл образининг қиёфасини кўрсатиб беради ва шундай дейди: “Биз 1860 йилларнинг бошларида Е.Турнинг журналистик ва нашриёт фаолиятига замондошларнинг муносабатини ўрганиб чиқдик. Шунингдек, 1860 йиллардаги рус романларини ўргандик. Ўша давр романлари учун озод қилинган аёл қаҳрамонлар прототип

---

***Нигора АШУРОВА – 1****981 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Мақолалари республика матбуотида эълон қилинган.*

бўлиб хизмат қилганига амин бўлдик” [4]. Барча даврларда ҳам аёллар тақдири долзарб масала бўлиб келган. Чунки улар жамиятнинг бир бўғинидир. Рус аёлларининг ўша даврдаги ҳаёти биз учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

XVIII асрда Англияда ҳам шу масала эътиборда турган. Аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи қуйидагича тасниф қилинган эди:

1) қуйи қатлам вакиллари;

2) ўрта қатлам вакиллари;

3) юқори қатлам вакиллари [1].

Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида аристократхонимлар (юнон худолари каби) вақтларини қандай ва қай тарзда ўтказиш ташвишида бўлган, хотин-қизларнинг ўрта қатлам вакиллари ўзига мос жуфт топиш, кийиниш ва ўзига зеб бериш билан кун ўтказишганлар. Қуйи қатлам вакилларини эртанги кун учун қаердан егулик топиш ташвиши безовта қилган. Юқоридаги каби табақаланишлар ва тенгсизлик масалалари айнан, ўша давр адабиётида ўз акс садосини берди.

Тадқиқотчи Севара Усмановaнинг “Ўзбек ва инглиз романларида аёл руҳияти тасвири (Абдулҳамид Чўлпон ва Самуэль Ричардсон Ижоди мисолида) диссертациясида ҳам шу ҳақида гап бориб, “XVII–XVIII аср бошларида Европада аёллар тенг ҳуқуқлилиги учун олиб борилган узоқ курашлар, аёлларга бахт-саодат, ҳуррият, оилавий тинчлик ўрнига бахтсизлик, оналик саодатидан бебаҳралик, хўрлик, камситилишга олиб келган. Ғарб демократлари қадимда Шарқ аёлларининг “оғир қисмати”, “фожиали ҳаёти” ҳақида аюҳаннос солган бўлса, Европада ҳам ҳурриятга эришган хотин-қизларнинг аҳволи таҳсинга сазовор эмас эди”, дейди [6].

Ушбу тадқиқотдаям аёллар тақдирида даврнинг ижтимоий тенгсизликлари акс этган ва уларга жаҳолатга юз тутган жамиятнинг бир вакили сифатида қарашган. Аёлни она, қиз, турмуш ўртоқ, сингил, келин, хола, амма деб биламиз. Аёл образи ҳар бир адиб изланишларида алоҳида бир меҳр, чинакам эҳтиром билан тасвирланади. Бу ҳурмат бевосита муаллифнинг ўзидаги фазилатлар билан туташади. Биз фикр юритмоқчи аёллар ижодидаги асосий лейтмотив – она образи эканлиги, бу тимсол бевосита муаллиф биографияси билан уйғунлашиб кетиши аҳамиятлидир. Бу ифода усули, биринчидан, тимсолнинг фалсафий жиҳатдан кенгайишига ёрдам берса, сўнгра персонаж руҳиятининг батафсил ёритилишига замин ҳозирлайди.

Инсон табиати гўзаллигининг ифодачиси бўлмиш адабиётда биринчи навбатда аёл қалбини тушиниш, кашф этиш илми аҳамиятли. Ёзилган қадимий асарлар ҳам аёлга бағишлангани, аёл ва унга алоқадор нарсалар тургани, шубҳасиз. Ҳатто айтиш мумкинки, адабиёт тараққиёти аёл руҳияти мавзуининг бадиий тадқиқи ҳамда унинг теранлаша бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Адабиётшунос З.Исомиддинов “Аёл бўлмаса, адабиёт бўлмасди. Адабиёт, аввало, аёлга атаб, аёл учун, унинг кўнглини олиш, дилидагини билиш, аёл деган хилқат не ўзи – шуни англаш учун яралган. Абдулла Қаҳҳор айтганидек, қушнинг ҳам эркаги сайрайди. Сўз санъати аввалбоши эр кишининг ижодидир, демак, эркакни қизиқтирган бош масала адабиётнинг асосий муаммоси бўлади. Эркакни эса, табиийки, энг аввало аёл қизиқтиради. Шу боис, адабиётнинг асосий қаҳрамони, бош мавзуи – аёлдир” [7].

Ижодкор идрокида асарнинг воқеалар ривожи, уларнинг муайян тартиб асосида узвийлиги, воқеалар тизимини ривожлантирувчи ва ҳаракатга келтирувчи кучни таъминловчи қаҳрамонлар ҳамда уларнинг иштирок жараёни, макон-у замон бадиий ижод учун зарурий шартлар ҳисобланиб, улар бажарилгач, энг мураккаб ҳамда оғир босқич – ижодкор шуурини, қалбини қамраган ғояни тасвирловчи барча компонентларни сўзда ифодалаб ёки баён этиб бериш ўқувчи вужудини забт этувчи ҳолатда истифода қилиш жараёни бошланади. Мана шу босқичларнинг барчасида ёзувчига эпик кечинма [3] руҳий кўмак бўлади. Эпик кечинма лирик кечинма ёки

драматик кечинмага қиёсан шиддатли ҳамда бевосита акс эттирувчи хусусиятга эга эмас. У бир маромда узоқ давомийликни сақлайди, яъни асарнинг бошидан охиригача узлуксиз давом этадиган кечинма ҳисобланади. Бу жараённи адабиётшунос Б.Саримсоқов шундай ифодалайди: “Эпик кечинма узоқ давомийлиги ва туранглиги билан ижодкорнинг руҳига оғир таъсир кўрсатади, унинг тинкасини қуритади. Чунки кечинмани асар бошидан охирига қадар мантиқий изчилликда тақсимлаш ниҳоятда китобхон қалбини ҳаяжонга солувчи, унинг шуурини нурлантирувчи шаклда якунлаш ижодкордан катта руҳий ва ҳиссий куч, кучли мантиқ, сабот, давомли меҳнат талаб қилади” [3].

Бу фикр юритилаётган адабий элемент роман жанрига хос бўлиб, эпик асарнинг образлилиги, бадиийлиги ва жозибасини камолотга етказувчи руҳий, ҳиссий ва ақлий босқичдир. Носир учун ижод жараёнида уни амалга ошириш ўзининг маҳорати, билими билан боғлиқ субъектив ҳодиса ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бу ўринда бир нарсага алоҳида аҳамият қаратмоқ шарт. У ҳам бўлса, шундан иборатки, аксарият ҳолларда ижодкор узоқ вақтлар давомида бир ёки бир неча хил жанрда кўпроқ қалам тебратгани боис, унинг қарашларига маълум даражада мана шу жанрлар табиати муқим ўрнашган бўлади ва мослашиб қолади. Сўнгра ижодкор бошқа бир жанрга мурожаат этганда, эпик кечинманинг бутун асар давомида тақсимланишида қийналиб қолади. Мисол учун, кўпроқ ҳикоя жанрида ижод қилган ижодкорлар муайян тажриба орттирмасдан туриб, йирик эпик асарлар ёзишга уриниб кўрганларида эпик кечинмани тақсимлашдаги ўзига хосликни ҳисобга олмай муваффақиятсизликка учрашлари табиий. Эпик кечинмани тақсимлашдаги ҳикояга хос оддийлик роман жанридаги эпик кечинмани тақсимлашга мутлақо тўғри келмайди. Сабаби шундаки, ҳикояда эпик кечинманинг портлаш маркази бир ўринда кузатилади. Романда эса бундай марказ бир нечта ўринда юз бериб, улар бир-бирларига мутлақо ҳалал бермайди. Шундан келиб чиқиб, эпик кечинманинг бадиий воқеликда тақсимланишига асарнинг жанр табиати ҳамда ижодкорнинг маҳорати белгиловчи аҳамият касб этади.

Ўз табиати ва амал қилиш қонуниятларига кўра эпик кечинма бадиий кечинманинг энг мураккаб тури бўлиб, уни акслантириш ижодкордан зукколик, билим ва маҳорат талаб қилади. Ижодкор иқтидорли шоир, улкан драматург бўлиши мумкин, лекин эпик кечинмани муваффақиятли истифода этолмаслиги мумкин. Бунинг учун ижодкорнинг истеъдод йўналиши, ижод майли эпик воқеликни ўз маромида ўзгаларга таъсир этадиган тарзда етказа оладиган қонуниятларга эга бўлиши лозим.

Жараёнда ижод аҳлига ва ўқувчилар эътиборини тортаётган адибалар: Зулфия Қуролбой қизи, Рисолат Ҳайдарова, Жамила Эргашевалар романларидаги аёл образи ўзининг оҳорли руҳий ҳолатлари билан ўзбек адабиётида ҳодиса тимсоллар саналади. Адибалар романларидаги аёл ҳаётга яқинлиги, ҳаёт ҳақиқатига ўхшашлиги, ҳаёт табиатига айнан мослиги ва ишонарлилиги билан муҳим қиммат касб этади. Бу борада ҳар уч ижодкор бошқа носирлардан тубдан фарқланади. Бу эса уларнинг роҳат ва азобга муштарак туйғуларида, эстетик идеалларида мужассам. Кўринадики, улар аёл образини яратаётганда ўз миллати онасини кўзда тутса, баъзан оналик шаъни, маҳобатини акс эттиради, баъзан аёл зийнатида йўқ, мос келмайдиган жирканч ифодалар билан ўқувчини бир қалқитиб олади. Қаҳрамонларга кўшилиб, ўқувчи азоб чекади, роҳатланади, алқисса асар руҳиятидан чиқиб кетолмай қолади. Ўқувчида аёлга бўлган ҳурмат-эҳтиром, фарзандлик самимияти мусаффо ҳаводек асарга сингиб кетгани сезилади. Бундан ташқари, улар аёлга тадқиқотчи Хадичахон Лутфиддинова фикрига монанд, “Эр кишининг хотини деб эмас, балки жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси – инсон деб қарайдилар ва бу ғояни сингдириш учун ҳаётий воқеаларни кўрсатишдан чўчимайдилар” [2].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, адибалар романларининг сюжет қурилиши пухта ишлангани (баъзи камчиликлар сезилса-да), воқеалар пиллапояси персонажлар руҳий олами теран таҳлили билан уйғунликда моҳирона ифодаланган.

Айтиш жоизки, уч адибанинг поэтик қарашлари бири-биридан тубдан фарқ қилади. Уларнинг бири миллат миқёсидаги муаммони кўтарса, бири ижтимоий-маданий муаммони кўтаради. Яна бири қалтис ёки авантюр муаммони кўтарса, иккинчиси маънавий-ахлоқий ва фалсафий муаммоларни қаламга олиб, моҳият билан иш тутади. Асарларида гоҳ қувонч, таскин, миқёсан тенгсиз умид, гоҳ дард-алам хуружи, азоб-уқубат, таҳқиру надомат, гоҳ йилт этган меҳр, хаёлдаги алдамчи ҳисфароғат, аслида эса адоғи йўқ кўргиликлар – кўплаб жилдли романга татигулик беором тунлар, кунлар, ойлар, йиллар силсиласи биргина роман контекстидан муносиб жой олиб ижодкор эстетик идеалини кўрсатган ва поэтик жиҳатдан мукаммал тасвирлашга ҳаракат қилинган. Асарларида тиғиз вазиятлар бот-бот такрорланади ва ҳар гал муаллиф беназир зот – аёл вужудида мужассам беқиёс меҳр ва чидамнинг янгидан-янги қирраларини кашф этишга эришади. Аёл иродасининг баъзан сустлиги, баъзан матонати хусусида таъсирли кечинмаларнинг беқиёс ифодасига дуч келаверасиз.

Ижодкорлар бадиий маҳорати ўзининг эстетик идеали ва қаҳрамон хотин-қизлар дунёқараши билан боғлиқ тарзда намоён бўлади. Х.Лутфиддинованинг “Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи (“Ўтган кунлар” ва “Кеча ва кундуз” романлари мисолида) номли тадқиқотида аёл образи ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида ҳамда бундай образлар ишланишига катта эҳтиёж борлигини айтиб ўтади: “Эстетик идеалсиз ҳаётий намунасиз кўп минглик жамият кишиларининг орзу-истакларини янгича гўзалликка йўналтириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётдан ҳам унинг яратувчилари бўлган ижодкорлардан мукаммал инсоний фазилатларга эга бўлган янги қаҳрамонлар образларини кутишга ҳақлимиз. Айниқса, аёллар ҳаёти, турмуш тарзи, мураккаблашган инсон сифатида меҳнат ва роҳатини тўғри ташкил этишга қийналаётган маънавий ёки ижтимоий сиёсий билимлардан тўла баҳраманд бўлолмаётган, айни пайтда жамият эстетик идеалини ташкил қилувчи умуминсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган намунавий қаҳрамонга замонамизнинг ўз Кумушбибилари ва Зебуннисоларига эҳтиёж катта” [2].

Шу жиҳатдан Зулфия Қуролбой қизи, Рисолат Ҳайдарова, Жамила Эргашева сингари истеъдодли адибалар томонидан ёзилган бозор ва инсон тақдири, маиший турмуш ҳамда тарихий мавзуга бағишланган бадиий жиҳатдан юксак, ғоявий томондан етук романлардаги қаҳрамонлар характерлидир.

Бундай персонажлар орқали глобал бозор муносабатлари муҳитида тўғри йўлдан адашган, миллий ўзлигидан жудо бўлган ва бўлаёзган, баъзан ўз ихтиёри ёки мажбуран ахлоқий бузуқлик йўлига кирган шахсларнинг фожиали тақдири ўқувчига ибрат қилиб кўрсатилади. Дарқақиқат, ёзувчи ўзи ифода этаётган мавзу ва муаммога мослаб танлаган шахс манфаату муддаолари, хоҳиш-истаги, армони шу шахсий манфаат устуворлигидан келиб чиқадиган эҳтироснинг ўйноқилиги, вақтинча ёки давомийлиги билан ҳам ҳисоблашишга мажбур бўлади. Мабодо бу ҳолат меъёрида тасвирланмас экан, шахс "мен"и бора-бора хиралашиб қолиши, асарда жонли образ эмас, шунчаки сунъий тарзда образ яратилишига олиб келади. Ёзилган асарлардаги аёллар оний лаҳзаларда жунбишга келган эҳтиослар туғёни совигандан кейин ўзини беихтиёр тафтиш қилишга уринади. Бунда эҳтироснинг тийиқсиз ва бемаъни таъсири аёлнинг онгига ўтгач, унинг ўзида яхшими, ёмонми – муносабат пайдо бўлади. Шундан сўнг аёл эҳтиослари жунбишга келган онда мулоҳаза юритишга улгурмаган майл ва истаклари ҳақида мушоҳада қилишга ўтади. Уларни таққослайди, хулоса чиқаришга уринади. Ҳақиқий ёзувчи бу жараённи иложи борича ростгўйлик

билан, табиий тарзда, энг муҳими, миллий ўзига хосликка қатъий амал қилган ҳолда ифодалашга масъул ҳамдир. Бу ҳақида адабиётшунос Йўлдош Солижонов шундай ёзади: “XXI асрнинг дастлабки ўн йилида яратилган насрий асарларнинг ўзига хос фазилати шундан иборатки, уларда ана шу жараёнда эзгулик ва ёвузлик қутбларига ажралаётган одамлар образи дунёга келди. Бундай қаҳрамонлар орасида, айниқса, аёллар характерининг ўзига хос талқини муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бозор иқтисодиёти бошқаруви шаклланаётган пайтда аёллар фаоллик кўрсата бошлагани ҳам сир эмас. Негаки, аёл шахси ўз табиатига кўра рўзғори доим бадастур, бекам-кўст бўлишини истайди. Бу мақсадига эришиш йўлида баъзан шаллақилик қилади, эрини тинч қўймайди, жанжал кўтаради. Мақсадини амалга ошириш учун ўзини қурбон қилишгача боради” [5].

Адибалар асарларида бевосита бозор муносабатлари авжига чиққан бир муҳитда шаклланган ёки тарихий шароитда тафаккури уйғонган, ўзлигини англаган ва англай олмаган одамлар тоифаси ҳақида ҳикоя қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз-ки, ҳар бир адиба танланган мавзу ва муаммога ўз эстетик дунёқараши ва идеали нуқтаи назаридан ёндашиши аниқ. Бу асарларда бозор бошқаруви ҳамда тарихий шароитда аёл шахсининг ўрни ва тақдирига алоҳида эътибор берилгани кузатилди.

Ўзбек адабиётига кириб келган аёл ижодкорлар ҳам ўз асарларида янги аёл-нинг характер хусусиятларини намоён этувчи образларни яратдилар. Улар қандай йўналишда ижод этишларидан қатъи назар роман ва қисса-ҳикояларида аёл харак-терининг гендер тенглиги масаласи натижасида юзага келган янги хусусиятларини гавдалантирдилар.

## РЕЗЮМЕ

**Аннотация**: Мазкур мақолада дунё ва ўзбек адабиётшунослиги ҳамда унга алоқадор соҳаларда аёл образини ва унинг нозик руҳиятини ўрганилганлиги ва бу борада олиб борилган тадқиқот ишларида берилган фикр-мулоҳазалар, кашфиёт-лар ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, илмий изланишларда, мақолаларда аёл образи ва унинг жамиятда тутган ўрни, машаққатли ҳаёт йўлларидаги тутумлари, психологик тасвир тамойиллари илмий талқин қилинган. Замонавий ўзбек адибала-ри Зулфия Қуролбой қизи, Рисолат Ҳайдарова ва Жамила Эргашева асарларида аёл образи, руҳияти тасвири таҳлилга тортилган.

**Аннотации**: В данной статье рассматриваются исследования образа женщины и ее тонкой психики в мировой и узбекской литературе и смежных областях, а также взгляды и открытия, сделанные в исследовательской работе в этой области. Также в научных исследованиях, статьях научно осмысливаются образ женщины и ее роль в обществе, ее отношение к трудным жизненным путям, принципы психологической образности. В произведениях современных узбекских писателей Зульфии Куролбой кызы, Рисолат Хайдаровой и Джамилы Эргашевой анализируется образ женщины и ее психика.

**Annotation**: This article discusses the study of the image of a woman and her subtle psyche in the world and Uzbek literature and related fields, as well as the views and discoveries made in research work in this area. Also in scientific research, articles, the image of a woman and her role in society, her attitude to difficult life paths, the principles of psychological imagery are scientifically comprehended. In the works of modern Uzbek writers Zulfiya Kurolboy kyzy, Risolat Khaidarova and Jamila Ergasheva, the image of a woman and her psyche are analyzed.

# Сиддиқий-Ажзийнинг Исмоил Гаспринский марсияси



**Тиловмурод ШАЙМАРДОНОВ**

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Русия мустамлакачилиги зулмини бошидан кечираётган туркий халқлар уйғонишининг бошида турган зиёлилар синфини тарбиялаб етиштирган Исмоилбек Гаспринский эди. У 1893 йилда Самарқанд ва Бухорога келиб, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдулқодир Шакурий сингари миллатнинг пешқадам кишилари билан танишади. Бухорода "усули жадид" мактабини очади. Кейинчалик Самарқанд, Қўқон, Тошкент, Андижон сингари шаҳарларда ҳам жадид мактаблари ташкил этила бошланди. Гаспринский Туркистон аҳволини таҳлил қилар экан, ерлик мусулмонларнинг "ҳаракатсиз, истаксиз, матлабсиз жон ва товуш асари чиқармай" туришларининг сабаби "жонсизликдан эмас, ғафлатдан, маорифсизликдан" деган хулосани беради."[1]

Жадидчилик ҳаракатининг асосчиси, "Учинчи муаллим"[2] дея ном олган Исмоилбек Гаспринский 1914 йил 11 сентябрь куни вафот этади.

Исмоилбек Гаспринский вафоти бутун мусулмон олами учун катта мусибат бўлди. Хусусан, бу айриликдан Туркистон зиёлилари ҳам қаттиқ изтироб чекдилар ва ўзларининг улуғ устозларига бўлган муҳаббатларини, қалб кечинмаларини вақтли матбуот саҳифаларида баён эта бошладилар.

"Қ.Ш.С" имзоси билан каркилик муаллифнинг "Улуғ бобом қайғуси" мақоласида: "Ҳей дариғ! Бу кун муҳтарам бобомизнинг вафотларини эшитдик. Оҳ! Буюк шарофатлу бобомиздан айрилубмиз. Русиядаги неча милюн мусулмонлар бу кунларда етим қолди. Хусусан, бизлар бобомизнинг мақола ва асарларини ҳар вақт

1 Исмоилбек Гаспринскийни эслаганда… / Нашрга тайёрловчилар: Б.Каримов, З. Абдирашидов, Н.Эгамқулова – "Turon zamin ziyo" нашриёти, 2014, Б.72

2 Гаспринсккий И. Ҳаёт ва мамот масаласи. (Таржимон, тўпловчи, нашрга тайёрловчилар Б. Қосимов, З.Абдурашидов), Тошкент: "Маънавият". 2006. 3-бет.

***Тиловмурод ШАЙМАРДОНОВ** – 1983 йилда туғилган. Қарши давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Илмий ва публицистик мақолалари республика матбуотида чоп этилган.*

кўзимизга суртуб ўқуб тушунур эдук. “Таржумон” деганда ўзингизни кўргандек кўргимиз келур эди. Жон ва дилимиздан ўқуб суюр эдук, муборак мақолангиздан баҳраманд бўлур эдук”[3], жумлаларини ўқиймиз.

Адабиётшунос Баҳодир Каримов Исмоилбек Гаспринский вафотига бағишлаб ёзилган ўзбек матбуотидаги нашрларни катта ҳажмли шеърий асарлар, публицистик мақолалар ва Боқчасаройга йўлланган қисқа сатрли таъзия мактублари шаклида уч гуруҳга ажратади[4].

Ҳамидий (Абдулҳамид Чўлпон)[5], Тўлаган Хўжамёров (Тавалло)[6], Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий[7], Ҳусайнхўжа Саодатий[8], Садриддин Айний[9], Каримбек Камий[10], Абдулла Авлоний[11], Фахриддин Рожий[12], Васлий Самарқандий[13], Хатоий[14], Мир Сарвар[15], Шамсиддинқори Хоиб[16] ва бошқа ўзбек жадидлар қатори Сиддиқий-Ажзий ҳам Гаспринский вафотига бағишлаб шеърлар битган.

**Таърихи вафоти Исмоилбек[17]**

*Оҳким устози киром Ғаспири этмиш вафот,*
*Олами исломи бағрин қони кўз ёшундадур.*
*Бан дабир ақлдан таърихин этмишдим савол,*
*Деди: "Ғуфрон" тожи Исмоилнинг бошиндадур.*

3 “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 17 октябрь. 44-сони.

4 Исмоилбек Гаспринскийни эслаганда... Нашрга тайёрловчилар: Б.Каримов, З.Абдирашидов, Н.Эгамқулова – “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2014, Б. 72.

5 Ҳамидий. Маърифатпарвар бобомиз Исмоил Ғаспринский ҳазратлари ҳаққинда тазияномамиз. // Садойи Фарғона. 1914 йил, 24 сентябрь. 64-сон.

6 Тўлаган Хўжамёров (Тавалло). Адиби замон, ношири “Таржумон” Исмоилбек Ғаприниский жанобларина таърих. // Садойи Фарғона. 1914 йил, 26 сентябрь. 65-сон.

7 Ҳ.Ҳ.Ниёзий. Марсия. // Садойи Фарғона. 1914 йил, 28 сентябрь. 67-сон.

8 Ҳусайнхўжа Саодатий. Марсия. // Садойи Фарғона. 1914 йил, 30 сентябрь. 68-сон.

9 Садриддин Айний. Буюк бобомизнинг мусибатила паришон ўлан хотирдан бир неча паришон шеърлар. // Садойи Туркистон. 1914 йил, 30 сентябрь. 42-сон.

10 Каримбек Камий. Ҳақойиқи огоҳ, маорифи дастгоҳ, утози замон, соҳиби “Таржумон”, жаноб Исмоилбек ҳазратларининг руҳи пурфутуҳларина иттиҳоф. // Садойи Туркистон. 1914 йил, 7 октябрь. 43-сон.

11 Абдулла Авлоний. Адиби шаҳар Исмоилбек руҳина. // Садойи Туркистон. 1914 йил, 7 октябрь. 43-сон.

12 Фахриддин Рожий. Исмоилбек ҳазратлариға. // Ойна. 1914 йил, 49-сон.

13 Васлий Самарқандий. Таърихи риҳлати жаноби Мирзо Исмоилбек соҳиби жаридан “Таржумон” раҳматуллоҳи роҳматан васиъатан ва адхалаҳу фи-л-жинан. // Ойна. 1914 йил, 52-сон.

14 Хатоий. Исмоилбек ҳазратлари ёдиға. // Ойна. 1914 йил, 55-сон.

15 Мир Сарвар. Таърихи иртиҳоли Мирзо Исмоилбек Ғаспринский. // Ойна. 1914 йил, 58-сон.

16 Шамсиддинқори Хоиб. Марҳум фозил-и нуктадон ва фарду-з-замон ноширi Таржумони аҳволи замон Имоилбек Ғаспринский жанобларининг таърих соли фавтлари // Туркистон вилоятининг газети. 1914 йил 12 октябрь. 80-сон.

17 ЎзРФАШи № 609, тошбосма, 28-бет.

Бу шеърда таърих моддаси "Ғуфрон" сўзи бўлиб, абжад ҳисобида “غ” – 1000, “ف” – 80, “ر” – 200, “ا” – 1, “ن” – 50 қийматларини ифодалаб, умумий ҳисобда 1331 га тўғри келади. Ҳижрий 1331 йилни милодий йилга айлантисак, милодий 1914 йил, яъни Исмоилбек Гаспринский вафоти йили келиб чиқади. Бу таърихнинг матнини “Айн-ул адаб”дан бошқа жойларда учратмадик. Шу боисдан ишимизда тўлиқ матнини келтиришни маъқул деб билдик.

Сиддиқий-Ажзийнинг “Эй миллати жалилаи ислом атолари” мисраси билан бошланувчи шеъри шоирнинг “Ганжинаи ҳикмат ёхуд адабиёти жадида” номли шеърий тўпламига киритилган бўлиб, унда фақат Исмоилбек Гаспринскийнинг вафоти муносабати билан ёзилган марсия ўзбек тилида, қолган шеърлари эса тожикча, Сиддиқий-Ажзийнинг шеърий китоби “Ганжинаи ҳикмат”нинг ЎзР ФА ШИда сақланадиган №3215 ва №9414 рақамли тошбосма асарларида учрайдиган мусамман шаклидаги ўн уч банддан иборат туркий шеърининг иккинчи бандини жадидшунос олим Бегали Қосимов “Ойна” журналининг 1914 йил 51-сонидан олиб “Исмоилбек ҳазратлари ёдиға” сарлавҳаси билан нашр қилдирган.

*Ажр эдан вазифасин қўл ила, лисон ила.*
*Нашр этти халқа мавъидасин “Таржимон” ила.*
*Халқ бўлди ошино бу сабабдин жаҳон ила.*
*Ҳал этти мушкилоти фунунинг баён ила.*
*Саъй этди хизмат этмакға сарват-ла, жон ила,*
*Ислома равнақ истади тўл замон ила.*
*Устози кулли махозин, урфон анахтари,*
*Исмоил забиҳча жонбоз Ғаспари.*

Иккинчи бандда учрайдиган матний тафовутларни нашр ва тошбосма нусхаларни солиштириб, нашрдаги хатоларни тошбосмага мувофиқ тузатишга ҳаракат қилдик. Нашрда келган **ажр, қўл, мавиъдасин, бўлди, урфон** сўзларини **ижро, Оллоҳ, мавъизасин, ўлди, ирфон** тарзида ўқиб табдил қилдик.

*Ижро эдан вазифасин, Оллоҳ лисони ила.*
*Нашр этти халқа мавиъзасин "Таржумон" ила.*
*Халқ ўлди ошно бу сабабдин жаҳон ила.*
*Ҳал этти мушкилоти фунунинг баён ила.*
*Саъй этди хидмат этмак сарват-ла, жон ила,*
*Ислома равнақ истади тули замон ила.*
*Устоди кулли махозин, ирфон анахтари,*
*Исмоил забиҳча жонбоз Ғаспари.*

“Ойна” журнали Сиддиқий-Ажзийнинг 13 бандли мусамман шаклидаги катта ҳажмли шеърининг фақат иккинчи бандини, яъни Исмоилбек Гаспринский ва “Таржумон”га тегишли қисмини “Исмоилбек ҳазратлари ёдиға” сарлавҳаси билан нашр қилдирган. Профессор Баҳодир Каримов ҳам **ажр, қўл, мавъидасин** сўзларини аслига мувофиқ **ижро, Оллоҳ, мавиъзасин** тарзида табдил қилган[18].

18 Қаранг. Исмоилбек Гаспринскийни эслаганда... / Нашрга тайёрловчилар: Б.Каримов, З.Абдирашидов, Н.Эгамқулова – “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2014, Б.72

Сиддиқий-Ажзий Исмоилбек Гаспринский вафотига бағишлаб “Исмоилбек Ғаспринский марсияси” сарлавҳали марсия ҳам ёзган. Бу марсия 11 байтдан иборат ғазал шаклида бўлиб, музорийи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф, яъни мафъувлу, фоилоту, мафоийлу, фоилун вазнида ёзилган (Тақтийи - - V/ - V- V/ V - - V/ - V –). Марсия тили мураккаб, ташбеҳларга бой. Асар тилидан Сиддиқий-Ажзийнинг ёшлигида мадрасада таҳсил олганлиги, ўз она тилидан ташқари араб, форс ва озарбайжон тилларини яхши билганлиги, озарбайжон шоири Фузулийга эргашиб ижод қилганлиги сезилиб туради.

Шоир марсияда Исмоил Ғаспиралига “руҳи маънавий”, “қалблар садафларининг тоза гавҳарий”, “Хизри роҳ, йўлида қолонларни раҳбарий”, “кишвари тараққий”, “фаттоҳи аъзам”, “булбули беҳишт”, “жаҳоннинг суханварий” каби сифатларни қўллайди ва у зотни маърифат осмонининг нур таратувчи қуёшига, бахт юлдузига ўхшатади.

Бу ғазал шаклидаги марсия Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида №609, 9436, 9574 ва Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи экзпозиция залида №254 инвентар рақамлари остида сақланаётган “Айн-ул адаб”[19] номли шеърий мажмуасидан ўрин олган. Марсиянинг яна бошқа нусхалари топилганда турли нусхаларни қиёсий ўрганиб, сўнгра эълон қилиш ниятимиз бор эди, бироқ 7–8 йиллик изланишимизда Исмоилбек Гаспринский вафотига бағишланган // 11 байтдан иборат ғазал шаклидаги марсиянинг бошқа бирорта нусхаси топилмади. Шу сабабли Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида №609 инвентар рақамли тошбосма нусхаси асосида марсия матнини эълон қилишни лозим топдик.

**Исмоилбек Ғаспринский марсияси**

*Эй, қиблагоҳи миллати ислом Ғаспирий,*
*В-эй, осмони маърифатнинг меҳри анворий.*

*Исломи саъд кунларининг субҳи содиқи,*
*Буржи шарафа толеъ ўлан саъд ахтарий.*

*Эй, жисмларда жилваидин руҳи маънавий,*
*В-эй, қалблар садафларининг тоза гавҳарий.*

*Эй ташналар, эй, чун қаламинг чашмаи ҳаёт,*
*В-эй, Хизри роҳ, йўлида қолонларни раҳбарий.*

*Эй, кишвари тараққий, эй, фаттоҳи аъзам,*
*В-эй, олами тамаддуни сардори акбарий.*

*Эй, маърифат қуёши букун айладинг ғуруб,*
*Биздинми гизлади сени бу чарх чамбарий.*

19 Сиддиқий Ажзий. Айн-ул адаб, 1916 (ҳижрий 1334) йил. Самарқанд Б.А.Газаров литографияси. 27–28 бетлар.

*Дуфроға маҳрам ўлдими гул барги оразинг,*
*Сандуқа душди жисминг якдона гавҳарий.*

*Нақл макон эдуб абадий барҳаёт санг,*
*Эй, булбули беҳишту жаҳоннинг суханварий.*

*Нўш айладинг жоми ажалдан шароби мавт,*
*Этсун Худо насиб сенга ҳовзи кавсарий.*

*Жаннат бу лаҳза руҳинг, эй, чун жилвагоҳдур,*
*Ҳамсуҳбатинг бўлмаҳа Худонинг симбарий.*

*Ёғсун мазорингга абадий раҳмати Илоҳ,*
*Ўлгил ризои Холиқи аълони мазҳарий.*

Исмоилбек Гаспринский тавсифи ортиқ даражада муболағали мақтовлар ва халқ мотами сифатида кўринса-да, марсия жанри анъаналарига риоя қилган ҳолда марҳумнинг таъриф-тавсифига реал баҳо берилган.

Исмоилбек Гаспринский вафотига ёзилган марсия ўзининг маълум тарихий аҳамияти билан бир қаторда Сиддиқий-Ажзий санъати ва маҳоратини намойиш қилувчи янги асардир.

## РЕЗЮМЕ

**Аннотация:** Мақолада Исмоилбек Гаспринский фаолияти ва унинг вафоти муносабати билан ёзилган Сиддиқий-Ажзий шеърлари ҳамда бошқа жадид шоирларининг марсиялари ҳақида фикр юритилган.

**Аннотации:** В статье рассматриваются стихи Сиддики-Айзи, написанныев связи с деятельностью Исмаилбека Гаспринскогао и его смертью, а также сетования других поэтов-джадидов.

**Annotation:** The article discusses the poems of Siddiqi-Ajzi, written in connection with the life and death of Ismailbek Gasprinsky and the laments of other jadid poets.



# Яшил ишқ ва ранг-баранг гуллар

**Зумрад МАШАРИПОВА**

Бугунги шеъриятимиз услубий-шаклий изланишларга бой. Янги тасвирий воситалар топиш, сўзнинг кўчма маъноларини кашф этишга интилаётган ижодкорлар орасида Гулжамол Асқарова алоҳида ажралиб туради. Шоира тараннум этган асосий мавзу бу – муҳаббат. Бизнинг эътиборимизни жалб этган жиҳат ушбу мавзудаги шеърларда хаёлан ўйлаб топилган образлар, деталлар, ташбеҳу тазодлар, истиораларнинг янгилигидир.

Гулжамол Асқарова лирик қаҳрамони, Усмон Азим таъбири билан айтганда, шеъриятнинг пичоғини қалбга санчиб, жондаги, руҳдаги, хаёлдаги азобларни, оғриқли сезимларни сўз билан ифодалаётган, кўнгил изҳорини дангал айтаётган замондошимиз образидир.

Қарама-қарши маъноли сўзлар, кенгроқ олиб қаралса, қарама-қарши фикрлар, қарама-қарши туйғулар тасвири шеър санъатида “тазод” деб аталади. Гулжамол Асқарованинг шеърларида аёл қалбидаги қарама-қарши туйғулар маҳорат билан ифодаланади. Умуман олганда, ҳаётнинг ўзи қарама-қаршиликлардан иборат. Бугунги бадиий асарлар қаҳрамонларини кескин ижобий ва салбий образларга ажратиш жуда жўн ҳол. Ижобийми, салбийми – бир одамнинг ичидаги зиддиятларни тасвирлаш чинакам инсоншунослик саналади. Гулжамол Асқарованинг “Нега” сарлавҳали шеърида бир инсон ҳаётидаги қарама-қарши, мураккаб ҳолат қаламга олинади.

---

***Зумрад МАШАРИПОВА –*** *Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси. 1990 йилда туғилган. Урганч давлат университетининг филология факультетини битирган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти. “Зомин” республика семинари иштирокчиси. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.*

*Кечиш мумкин нечун баҳордан,*
*Ундан кечсам, жоним ўлмайди.*
*Атиргулдан кечиш мумкину,*
*Нега сиздан кечиб бўлмайди?*

Шеърда урғу “нега?” деган саволга қўйилган. Баҳор, атиргул – бу ҳаёт, тириклик ва гўзаллик тимсолларидир. Ўзбек тилида шахси маълум ва шахси номаълум гаплар бор. Одамнинг номини айтмасанг ҳам эгаси билиниб турадиган гаплар шахси маълум гаплардир. Ушбу шеърда ҳам номи айтилмаган от, бу – севги. Туйғуни кўнгилда пинҳон сақлаш, айни пайтда ишоралар орқали уни маълум қилиш шарқ шеъриятининг энг қудратли бадиий усулларидан биридир.

Шеърнинг кейинги бандларида лирик қаҳрамон юлдуз, қуёш, шеърдан, ҳатто ўз қалбидан воз кечиши мумкинлигини айтади ва ниҳоят севгисига иқрор бўлади:

*Исмингизни қонимга ёздим,*
*Ким севганда ёниб севмайди?*
*Жону тандан кечиш мумкину,*
*Нега сиздан кечиб булмайди?*

Чин юракдан севган киши севгиси учун жондан ҳам, тандан ҳам кечишга тайёр бўлади. Ёнимда севганим бўлмаса, менга жоним не керак, менга таним не керак – бу садоқат, вафо, фидойилик каби олижаноб инсоний хислатларга эга бўлган улкан шахснинг иқрори. Устоз Абдулла Ориповнинг “Йигитлар мактубин битганда қондан” деб бошланувчи шеъридаги аёл образи ана шундай метин ирода, енгилмас қудрат соҳибасидир. Гулжамол Асқарова ўзбек аёлининг ориятини шундай ифодалайди.

*Онт ичаман: кечдим бугундан,*
*Бир туйғу бор, ҳеч тинч қўймайди.*
*Қасамлардан кечиш мумкину,*
*Нега сиздан кечиб бўлмайди?!*
*Нега?!*

Гулжамол Асқарова шеърларида ранг тимсоли ўз маъносидан бошқа кўчма маъноларда ифодаланади. Умуман, у шеърларида ранглар, бўёқлардан унумли фойдаланади. Ёрқин ва тиниқ образли конструкциялар ўқувчи нигоҳи ва шуурида ўчмас из қолдиради.

“Дунёнинг ранги” сарлавҳали шеърини табиийки, ўқувчи ижодкор нимани назарда тутган, дунёнинг ранглари қанақа экан, деб ўйлаб ўқийди. Сатрлар устида кўзингиз югуради.

*Дилбарлик рангида келди бу баҳор,*
*Бир лаҳза исмимни унутди ёдим.*
*Тоғларнинг кўксида жарангласа-да,*
*Сизнинг кўксингизда синди фарёдим.*

Яна дунёнинг гўзаллиги, баҳор тимсоли. Баҳор, шубҳасиз гўзал фасл, лекин бу фасл латофати инсон севгиси, меҳри ва муҳаббати билан янада чиройли, янада дилбар. Шоира тасаввурини қаранг, “Дилбарлик рангида келди бу баҳор”... Дилбарликнинг ранги қанақа? Оқми, қизилми, пуштими?.. Ё осмоннинг мовий-зангори, майсаларнинг яшил, сувларнинг зумрад рангидами... Инсоннинг шодлиги ва бахтида бундан ҳам гўзал, чиройли ва ранг-баранг ранглар мавжуд деган фикр хаёлдан ярқ этиб ўтади. Беихтиёр шеърнинг кейинги мисралари бу фикрни шундай изоҳлайди: “Тоғларнинг кўксида жарангласа-да, Сизнинг кўксингизда синди фарёдим”. Тоғлар чўнг ва буюк, лекин уларга қараб ҳайқирсанг, фарёд қилсанг, товушингни ютмайди, сенга ҳамдард бўлмайди, сени юпатмайди. Омон Матжон: “Кўп кезма дарахтзор боғлар ичинда, Дарахтлар дил дўстинг бўлолмас сенинг. Чорласанг, келолмас, ёниб қучолмас, Сен фақат менинг бўл, меники, менинг”, деганидай одамга фақат одамгина ҳамроз, ҳамфикр, ҳамдард бўла олади. Одамга одам меҳр беради, севади.

Гулжамол Асқарова рангларнинг қарама-қаршилигини хаёлан тасаввур қилади. Бу ўринда туйғулар, воқеа-ҳодисалар, ҳолатлар зиддиятини ҳам назарда тутади. “Ранглар зиддияти” сарлавҳали шеър фақат Гулжамол Асқаровaнинг хаёлига келиши мумкин бўлган ўзгача тимсоллар билан диққатни тортади.

*Кўзларимни тўлдирар севги,*
*Кўзларимни тўлдирган сиздай.*
*Ҳайқириб юборар телефон,*
*Кутавериб чарчаган қиздай.*

*Қўлларимга оламан секин*
*Алвон рангли қизил дастакни.*
*Аммо, тушун, қўлларимга мен*
*Ололмайман қизил юракни.*

Қизил дастакли телефон орқали сўзлашиш – оддийгина турмуш ҳодисаси. Шеърга “Ранглар зиддияти” деб сарлавҳа қўйилиши ва кутилмаган ўхшатиш ўқувчини ҳайрон қолдиради. Нима учун қизил дастакли телефонни қўлига олганидай қизил юракни қўлига ола олмайди? Сабаби, юрак бу одам истаган пайтида ушлайверадиган телефондай жонсиз нарса эмас. Юрак инсонга ҳеч қачон бўйсунмайди, аксинча инсон юрак амрига қулоқ тутади. “Ўзингни тут, ўзингни қўлга ол” деган иборалар бор халқимизда. Шеърда “ранглар” сўзи туйғулар, инон-ихтиёр ва имконият маъноларини ҳам ифодалайди. Бу зиддият шахснинг ўз ички зиддиятини ҳам англатади. Демак, инсон ҳамиша ҳам ўз истаганини амалга ошира олмайди. Шеърда “Ҳайқириб юборар телефон”, “қизил юрак” каби образли ифодалар борки, улар муайян воқеа, иш-ҳаракати, ҳолат ва манзарани ифодалайди.

Гулжамол Асқаровaнинг шеърларида рангларга ҳамоҳанг тарзда гул образи ҳам кўп учрайди. Гул кўнгилга, кўнгил гулга қиёсланади. Бу образ шеъриятда жуда кўп ишлатилган анъанавий образдир. Гулжамол Асқаровaнинг шеърида гул шунчаки бир детал ўрнида эмас, туйғуни, ҳолатни ифодалагани учун ҳам ўқувчига ёқмасдан қолмайди.

*Мен кунглимни ўзим узарман,*
*Умидсизлик гуллари билан.*

“Кўнглимни узарман”, ифодасининг ўзи ишонмаслик, умидини йўқотмоқ маъносини англатади, “умидсизлик гуллари” метафораси эса, маънони яна-да кучайтиради.

*Айтинг, сизга бориб бўларми,*
*Турналарнинг йўллари билан.*

Яна бир метафора – “Турналар йўли” ўқувчини ўйлантиради. Шоира нимани назарда тутаяпти? Табиат ҳодисаларидан ижодкорлар руҳий ҳолатлар, орзу-умидлар, сезги-кечинмаларни ифодалашда фойдаланишади. Ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқат ўртасидаги алоқадорлик ва ўзгачалик мана шу бадиий воситалар орқали намоён бўлади. Маълумки, турналар совуқ тушмасдан аввал иссиқ ўлкаларга учиб кетишади ва яна баҳор келиб, кунлар исигандан сўнг қайтиб келишади. Демак, лирик қаҳрамоннинг орзуси муҳаббатнинг иссиқ ва бахтиёр манзилларидир, у севимли ёр висоли сари турналардек учиб боришни истайди. Зотан, ёрсиз манзил қиш каби совуқ...

Шоира “Сариқ гуллар” сарлавҳали шеърида ҳам ҳижронни, айрилиқни тасвирлайди. Бунда ҳам у гул образига мурожаат қилади. Айтишларича, сариқ ранг – айрилиқ ранги эмиш. Мумтоз адабиётда қизил юзнинг сарғайиши ишқ дардидан, соғинчдан. Умуман, сариқ ранг шеъриятда полифоник, кўпмаъноли тимсол. Афсоналарга кўра, муҳаббат тимсоли бўлган оппоқ атиргул хиёнатга гувоҳ бўлгандан сўнг уялганидан сарғайиб кетган эмиш. Гулжамол Асқарова сариқ атиргул тимсолида ҳижронни назарда тутади.

*Биздан ўтди. Барига узр!*
*Ҳажрингизга тўлди қароғим.*
*Мен яшил ишқ кутгандим сиздан,*
*Хайр энди, сариқ япроғим!*

Ушбу шеърдаги янги образлардан бири “яшил ишқ” метафорасидир. Банднинг дастлабки икки мисрасини кейинги икки мисра тўлдиради, изоҳлайда ва кучайтиради. “Яшил ишқ” метафорасини навбаҳордай гуллаб-яшнаган, ям-яшил бўлиб кўкарган, оламни ва руҳни янгилаган муҳаббат деб талқин қилиш мумкин. Бироқ яшил рангнинг яна бир маъноси бор, бу – зарбалардан кўкарган, захда зангори бўлиб кетган, лекин яшашдан, ҳаёт учун курашдан қайтмаган жонли мавжудот тимсолини ҳам беради. Биринчисига ёрқинлик, жўшқинлик ва тўлқинланиш хос бўлса, иккинчиси сабр, матонат ва иродани англатади. Демак, лирик қаҳрамон ўз ошиғидан садоқат ва фидойиликни, оловли севгини истаяпти. “Яшил ишқ” деган янги сўз бирикмаси, бизнингча, шу маъноларни англатади. Бироқ, шоиранинг шеърий қиссасида яшил ишқ кутган қизга истагани насиб этмайди. Мисралар замирида яшил ишқ ёки қизил гул эмас, сариқ гул тимсоли ниҳон. Қизнинг орзулари бевафо йигитнинг кўнглидан япроқдай тўкилиб кетади.

*Мени нега умидвор этди,*
*Кўзларингиз меҳр-ла кулиб?*
*Айтинг, қачон тўкилиб кетдим,*
*Кўнглингизнинг япроғи бўлиб.*

Кўнгилнинг япроғи бўлиб тўкилиб кетиш – бетакрор бадиий образ. Тасаввур қилинг, тенглаштириш – кўнгилдан туйғулар тўкилади, дарахтдан эса, япроқлар. Ҳаёт ҳақиқати шундай. Бадиий ҳақиқатда эса, кўнгилдан япроқлар тўкилади, дарахтдан эса, туйғулар тўкилади. Хаёлда дарахт юриши, ҳатто югуриши мумкин, одам эса тупроққа илдизи ботиб, бир жойда қимирламай қотиб қолади. Хаёл ва тасаввур кенгликларининг кашфиётлари ва мўъжизалари нақадар бетакрор бўлса, бу ижодкорнинг бадиий маҳоратини намоён этади...

*Айриликнинг рангида кўнглим!*
*Маҳзун яна ёмғирлар синган.*
*Ўлганимда сариқ гуллармас,*
*Қизил гуллар келтиринг менга.*

“Айрилиқнинг рангида кўнглим”, кўнглим сап-сариқ куздай ҳувиллаган, тинимсиз ёққан ёмғирлар эса унга синггиб кетган. Тириклигимда алвон атиргуллар ҳузурини кўрмасам, ҳижрондан ўлганимда сариқ гуллармас, қизил гуллар келтиринг, деган гапларни айтиш йўлида фидо бўла олиш жасоратини ифодаламайдими? Тазод санъати баҳор-куз, сариқ-қизил, ҳижрон-висол, ҳаёт-ўлим сўзлари маънолари гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон ишора билан чизилади шеър сатрларида. Бу эса, поэтик тилнинг гўзаллигини кўрсатади. Хулоса, эса кутилгандек анъанавий эмас, мутлақо ўзгача мазмунда. Бу лирик қаҳрамоннинг иқрори:

*Тамом! Энди меҳр кутмасман!*
*Сиз ҳам бир гул ишқнинг кафтида.*
*Учрашамиз ташлаб кетилган*
*Сариқ гуллар мамлакатида.*

Сатрларда гул сўзига яна бир маъно юкланади. Мен гул эдим, лекин ишқнинг кафтида сиз ҳам бир гулсиз, дейди лирик қаҳрамон севган кишисига.

Шеър бошида келтирилган “яшил ишқ” иборасига яна бир ташхис қўшилди “ишқ кафти” ва яна бир метафора “сариқ гуллар мамлакати”... Тасаввурнинг бепоёнлиги шоирага орзунинг ниҳоятда кенг имкониятини беради. Сариқ – айрилиқ, ҳижрон, азоб-уқубат тимсоли бўлса, сариқ гуллар мамлакати – бу айрилганлар борадиган манзилдир. Шеър қайғули якунланса ҳам, шоира ҳаётбахш ният, албатта учрашамиз деган умид билан бирга қолади. Маънодаги нозиклик – айриликда учрашиш ниҳоятда ҳайратланарли.

Ранглар ўйини – шоира шеърларида муҳим ўрин тутади. Инсон ҳолати, шодлиги, ғами, дарду армонлари ранглар тилида ифодаланади. Юқорида “Дилбарлик рангида келди бу баҳор”, “Айриликнинг рангида кўнглим” деган сатрларга эътибор қаратсак, умуман, ҳаётнинг ўзи турфа хил ранглардан иборат, деган қарашни илгари суради. “Ранг” сўзи бунда рамзий маъно касб этади. “Оқ гуллар” сарлавҳали шеърида ҳам Гулжамол Асқарова худди шу усулдан фойдаланади.

*Дил бахтсизлик рангида эди,*
*Ва сирпанчик эди бу йўллар.*
*Не мўъжиза... бир куни келиб,*
*Олиб кетди мени оқ гуллар.*

Оқ гул – беғуборлик, ҳаётбахшлик, очилиш, жўшқинлик, шу билан биргаликда, она меҳри, улуғворлик ва илоҳийлик тимсолидир. Гулжамол Асқарованинг "Олиб кетди мени оқ гуллар" дегани мажозий маънода тушунилиши керак.

"Дил бахтсизлик рангида эди", дейди шоира. Бахтсизликнинг ранги қанақа? Унинг ранги кўп, шунинг учун шоира аниқ бир рангни айтмайди. Бахтсизлик рангини ўқувчининг ўзи тасаввур этади. Бу кўчма ибора сезги, ҳиссиёт, тасаввур билан боғлиқ.

*Шундан буён туйғуларим оқ,*
*Кўнгил тушмиш оқлик азмига.*
*Кейин мени бошлаб кетдингиз,*
*Оқ атиргулларнинг базмига.*


Инсон хаёл суриши, ҳис эта олиши, ўзга оламларни тасаввурида ярата олиши билан кучлидир. Бахтли ҳаётнинг ранги оқ, севгининг ранги оқ, висолнинг ранги оқ, туйғуларнинг ранги оқ. Кўнгил оппоқ бўлиб ёришади. Шеърда руҳий ҳолат чизилади. Образлар хаёлий, манзаралар хаёлий. Ишоралар, тимсоллар бу ҳаётни эмас, хаёлни назарда тутгандек. Меҳрни, севгини, ишқни кўриб бўлмайди, уларни ҳис этиш мумкин. Уларнинг сурати, шаклу шамоили Гулжамол Асқарова ўйлаб топган тимсоллар орқали чизилади.

*Бугун ҳатто дийдорингиз оқ...*
*Кўзларимга кетяпсиз тўлиб.*
*Кўнглингизга кириб боргайман,*
*Бир кун оппоқ атиргул бўлиб.*

Яхшилар меҳридан баҳраманд бўлган кишининг ўзи ҳам оқ атиргулга айланиб қолади. Гулжамол Асқарованинг фикрлаш, туйғуларини ифодалаш усули сеҳрли, образлари сирли, бироқ тасвир объекти аниқ, бу – ҳаёт. Инсон туйғуси, дарди, орзу-умиди, сезгиси, ҳайрат-ҳаяжони. Ўз ифода услуби билан у ана шуларнинг барчасини ўқувчи қалбига юқтира олади.

"Сендан кетдим, эй қаҳрли гул", "Бораяпман гул баҳоримда, Ўн саккизта гулни қучоқлаб", "Қўлларига тиканлар ботиб, Ким узаркин боғимдан мени?", "Ким бўлсанг хам озорланма, бас, Гулиқаҳқаҳ каби куларман. Бир гулимни узганинг ҳаққи, Юз гулимни фидо қиларман", "Гул бандига банди бўлдик, гилга кетдиг-о, Гулим"...

Гулжамол Асқарованинг шеърларида гул образи жуда кўп учрайди ва хар хил кўчма маъноларда қўлланилади. Яшил ишқ ва ранг-баранг гуллар шоиранинг шеърларини яшнатиб, ўқувчиларга бир олам завқу шавқ бағишлайди.



# АМИР ТЕМУР

*Тарихий драма*

**Исроил САПАРБОЙ**

*Иштирок этувчилар:*
**Амир Темур**
**Хўжа Аҳмад Яссавий –** Амир Темурнинг маънавий пири
**Имом Барака –** Амир Темурнинг маънавий устози
**Илёсхўжа –** Самарқанд ҳукмдори
**Ҳусайн –** амир
**Жаҳонгир –** амирзода
**Бархан –** баҳодир
**Арғуншоҳ –** сарой сардори
**Жавҳархон –** Арғуншоҳнинг қайлиғи
**Валиддин ибн Халдун –** Бағдод шоири
**Қайсар (Боязид) –** турк султони
**Сароймулкхоним,**
**Ингкорбегим –** Амир Темурнинг хотинлари
**Чўлпон Мулк**
**Амирлар, навкарлар, сарой хизматкорлари...**

***Исроил САПАРБОЙ –*** *“Ёлқин” миллий мукофоти лауреати, “Парасат” ордени соҳиби. 1941 йилда туғилган. Чимкент педагогика институтининг филология факультетини тугатган. “Кўклам нафаси” “Овуллик гўзал”, “Амир Темур”, “Абай билан Тўғжан”, “Муҳаббат байрами” сингари кўплаб пьесалари саҳналаштирилган.*

## БИРИНЧИ БЎЛИМ
## Биринчи кўриниш

*Тоғ дараси (Амир Темур дарвозаси). Чодир ичида Амир Темур дарғазаб. Ёнида Бурхан билан бошқа шериклари.*

**Бархан**
Кимдан безиб, тоғ паналаб, жар босдинг?
Қайси ёвнинг ёқасига тармашдинг?
Киймаймизми кафанин биз ҳам эрта,
Кеча уррос қочган Ҳожи Барлоснинг?
Хондан қўрқиб, бошим омон сақлай деб,
Қочиб кетди қуён юрак алвастинг!

**Амир Темур**
Кўнглимдагин
Аччиқ айтдинг, рост айтдинг.
Бу сафарми?
Етар энди, бу сафар
Наҳот яна алданганча қоламан?
Келаётир девлар билан олишгим,
Айдаҳорни алдаб йўлга соламан!!!

**Бархан**
(*Сўзини бўлиб*)

Ёта-ёта ёнбошингга ўнгирда
Ерлар ботди, яна қанча қоларсан?
Сонсиз эмас, сарбозинг ҳам саноқли,
Қаторингга тағин кимни оларсан?

**Амир Темур**
(*Қучоқлаб олиб*)

Қиёматли дўстим, Бархан, аввало
Ишонаман сенга жону танимдан.
Ҳар қайсиси бир туманга татиган
Дўстлар билан чўчийман қай ғанимдан?

**Бархан**
Сир айтганинг маъқулдир
Бундай очиқ ва кулиб...
Хон уруғи – Туғулиқ,
Юрмассан майиб бўлиб.
Сен у билан тўқнашиб,
Ўнг ёғингдан ўқ учиб,
Сўл ёғингдан ел туриб...

**Амир Темур**
(*Барханни орқага итариб ташлаб*)

Сен туркдирсан, мен ҳам туркман. Нега сен
Бидирлайсан аччиғимни келтириб?
Сўнг юришим керакмиди шу тарзда
Жигаримни ерга уриб,
Номусимни ўлдириб?

**Бархан**
*(Қони қочиб, ранги оқариб)*

Ундай бўлса, гапир, хўп,
Ким боғлабди қўлингни,
Ким тўсибди йўлингни?

**Амир Темур**
*(Шартта бурилиб, кўзини осмонга тикиб)*

Ажратолмай жонкуярни, яқинни,
Аро йўлда қолди мендай фақиринг,
Кечир, менга керак бўлди маслаҳат
Сен не дейсан, Парвардигор, ё, пирим?

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
*(Ўзи кўринмай, овози эшитилади)*

Ҳазрат Алининг
Мана бу сўзларин эсингга олгин:
"Агар осмон садоқ бўлса эгилган,
Тақдир ўқдир кўкдан ерга тўкилган.
Хос мерганнинг ўзи бўлса Яратган,
Жон қутулмас жойга ўқини отган..."
Бу мисолнинг таъбири шу, тамсил – шу:
Қарши борма қаттол ёвга, қоч, ёҳу...

## Иккинчи кўриниш

*Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри. Кичик кенгаш*

**Амир Темур**
Бу Туғлуқхон ваъдасида турмади,
Кундан-кунга ортиб борар жумбоғи.
Ҳузурида минг эгилиб энди биз
Ўламизми уни деб?
Ана, мени алдаб қўйиб Кеш билан –
Анов боласи –
Самарқандни ўзбошимча бошқарар.

Қўлдан келса, қайсарланиш, баҳслашув,
Омад келса, от қуйруғин  кесмак – эм!..

**Ҳусайн**
Сўнгги дамда ким йўлади қошингга,
Фарзанд тилаб олмайсанми бошингга?

**Амир Темур**
Шамшир ушлаб, онт ичган
Сендай дўстга ишондим!
Ҳаккадай ҳадис олган,
Бургут мисол чанг солган
Ёнимдан юрган, сенга
Ишонаман, Шоҳ Малик!
Тайсалламас қаҳрдан,
Ишонаман, Сулаймон!
Бир умр дўст бўлишга
Белинг маҳкам боғлиқдир,
Ишонаман, Бурундиқ!

*(Атрофидагиларни бир-бир кўздан кечириб)*

Ишонаман жалойирга, барлосга,
Бошчи бўлган йигитларга – ҳар касга!
Туғлуқхоннинг эсин еган боласин
Иншооллоҳ, Самарқанддан ҳайдаймиз!..

*(Ўша кезда Бархан бошчилигидаги айғоқчилар саройга киради)*

**Бархан**
Самарқанднинг сирларин
Била келдик, ҳукмдор.
Бор хабарни назарга
Ила келдик, ҳукмдор:
Қўриқчиси маст экан,
Қамали осон экан,
Қўрғон деган паст экан...

**Амир Темур**
Сизлар бораверинглар!
*(Қўриқчилар чиқиб кетади)*

Излаганки топади.
(*Таҳдид қилиб*)
Буни ҳеч ким билмаслиги шарт эрур!
Сонсиз сарой дарвозаси очилар,
Самарқандни олар бўлсак соғ-омон.

**Ҳусайн**
Хон саройи – ўрдадир
Уни қўлга олгани,
Ўйин қилиб, от қўйиб,
Ўкинмасак бўлгани...

**Амир Темур**
*(Шубҳаланиб)*

Нимадир деб эдингми?
Мени бундай ўйиндан
Ангда қолди дедингми?

**Ҳусайн**
Балоларга қоласан
Ухлаган девни туртсанг,
Қумурсқалар тўдаси
Еб қўяр, қараб турсанг.
Сенга ўзи етмасми
Бир Кешни сўраб юрсанг?..

**Амир Темур**
Анқовсима, қайноға,
Шу ҳам сенга хосмиди:
Оғзингдан чиққан шу сўз
Макрмидими, ростмиди?

**Ҳусайн**
Қизишсанг-да енг тириб,
Бўлтирик – хон боласи.
Ойга қараб чопай деб
Оқсоқланиб қоласан!..

**Амир Темур**
*(Ғазаб отига миниб)*

Ҳмм... оқсаб, оқсоқланиб!!!
Ётаверайми уйда
Носусимни ўлдириб?
Нима деб валдирайсан
Аччиғимни келтириб?!..
*(Бошқалар томон бурилиб)*
Нима дейсан қолганинг?

**Шоҳ Малик**
Бир кўрайлик Аллоҳнинг
Бошимизга солганин.

**Шайх Сулаймон**
Қабул бўлсин тилагинг,
Қолмасин ҳеч армонинг.

**Бурундиқ**
“Омадинг ёринг бўлсин”,
Сен кечикиб қолмагин,
Дардсиз кесак, қовоқбош
Тишлаб қолсин бармоғин!

**Амир Темур**
*(Бургутга ўхшаб ҳамла қилмоқчидай)*

Йўлга тайёрланинглар!

**Ҳусайн**
*(Жаҳли чиқиб, ўзини бошқалардан четга олиб)*

Балиқ қолиб, бақа тутиб юрмасин,
Эҳтиёт бўл, қармоғинг!..

## Учинчи кўриниш

*Тун чоғи. Самарқанд. Илёсхўжанинг ҳашаматли саройига кирган Амир Темур сарбозлари. Қонсираган соқчи, сондираган сарбоз. Амир Темур билан Бархан Илёсхўжанинг ётоқ бўлмасига довулдай кириб келади.*

**Илёсхўжа**
*(Тўшагида қўрқиб кетиб)*

А... а... Оқ... соқ... Те...мир...ми?...
Ўнгимми бу, тушимми?
Саройда ким юрибди?
Қани қоровул,
Сарой соқчиси қайда?

**Хоннинг хотини**
*(Ҳуррраси учиб)*

Бу – кимларнинг фитнаси?
Бу кимнинг душманлиги?

**Амир Темур**
*(Илёсхўжага қаҳр билан тикилиб)*

Сен туш эмас, ўнгингда
Кўриб турибсан мани
Ўша бўлар тилингнинг

Калимага келгани!
Саройга кирмоқ бизга
Ҳеч машаққат бўлмади!

*(Барханга қарата)*

Икковинг ҳам бўла қол,
Бўшатинглар бўлмани!

*Бархан пичоғини қинидан суғуриб олиб, эссиз-туссиз турган икковига ҳамла қилади. Амир Темур тахтга яқин бориб тўхтайди. Зум ўтмай Тархан ҳам етиб келади.*

**Амир Темур**
*(Ўзига-ўзи)*

Ўз-ўзимдан оша олмай,
Олға қадам босолмай,
Тайсаллашим нетганим?
Хон тахтига ўтирмай
Ғазабимни асовдай
Қантарганим нетганим?
Хон тахтига ўтирмай
Не қилдим, ё пирим-ай?..

*(Ялт этиб Барханга қарайди)*

**Бархан**
*(Ўзи билан ўзи гапириб)*

Нега менга қаради?
Қонли кўзин қадади?
Аждарҳодай, чамаси.
Оғзи очилиб турар.
Бу югурик умрда
Бундайи бир бўлади!
Сен у ҳолда илдамроқ
Ҳазир бўлиб бахтингга,
Тахтингга қўн, тахтингга!

*(Тахт сари интилади)*

**Амир Темур**
Тўхта!
Қайга борасан?
Бир-бирига тахт билан
Бархан ярашармикан?
Одам деган аввало
Билмасми ўз ҳаддини?

**Бархан**

Э-э!
Тахтни талашасанми?
Бархандай хос ботирга
Нега ҳамла қиласан?
Хон билан хонимини
Тавбасига, мен эмас,
Таянтирди ким, иним?

**Амир Темур**

Рост айтасан, тана, бурун, оғиздан
Қизил қонин сув мисоли оқиздинг.
Икковининг жонин олиб, жаннатга –
Ўз вақтида равона қилдинг, албатта...

**Бархан**

Қўлим қонга бўянди,
Кўксимдаги кўп йиллик
Бўғиб ётган бир ғазабим уйғонди.
Энди унинг тинмаслиги аёндир.
Тангри отган ул дажжол
Келиб тушди ёнингга.

*(қуролини ўқталади)*

**Амир Темур**

Шунда... шунда...
Қайда қолди кечаги
Қасам ичган дўстлигинг?

**Бархан**

Дўст дейсанми?
Ҳеҳ-ҳеҳ-ҳеҳ!!!
Қанақа дўст?
Тахтдан ўзга бўлган эмас армоним,
Ҳақдан ўзга бўлган эмас дармоним!!!

**Амир Темур**

Шунақа де?
Дўст эмасман, қош[1]ман де?
Қора ботмон тошман де?
Ҳаммасидан воз кечиб,
Тахтга қадам босдим де!..

1 **Қош** – ёвуз ниятли киши.

**Бархан**
Отга миниб чалқайишни,
Тахтга чиқиб талтайишни
Мен тугул ва сен тугул
Йўқсиллар ҳам ёқтирар!

**Амир Темур**
Қиличингни чиқар унда қинидан!

**Бархан**
Анов икковга ўхшаб.

*(Қўли билан кўрсатиб)*

Сен ҳам энди жой олавер жаннатдан!

*Иккаласи тахт айланиб, қиличлашади. Иккови ҳам бир-бирига яқинлаша олмайди. Амир Темур эпчиллик билан унинг қўлини қўлтиғидан чопиб ташлайди. "Воҳ" деган аччиқ товушдан икки сарбоз югуриб кириб келади. Бархан жон таслим қилиб, тахтга ёпишганча қулайди.*

**Амир Темур**
*(Тахтга ўтириб)*

Иблис еди бошини,
Олиб кетинг лошини!

*(Бўйини тик тутиб)*

Кўриб чиқиб ҳар жойни,
Тозаланглар саройни...

*Амир Темур тахтдан тушиб, уни бир айланиб ўтиб, нарироққа бориб тураді.*

**Амир Темур**
Нима бўлди бу ўзи?..
Тангри амр қилдими?
Хоннинг тахти учун қон
Тўкиш раво бўлдими?
Шуни орзу қилиб ёндими ичим?
Яна кимга ўқталарман қиличим?
Кўзи қонга тўлган қашқир мисоли
Келяптими ёв ҳар ёқдан от солиб?

*Бархан, Илёсхўжа, Ҳусайн ва яна бошқалар ҳар томондан ўраб олади.*

...Дўст тутқаним Ҳусайн ҳам пасткашми?
Сизлар учун аямайман ўзимни.

Қариндоши – худой қўшган жон ёрим.
Қуръон ушлаб,
Нон ушлаб
Дўст бўлдим деб айтса-да,
Кундош хотинга ўхшаб,
Кундан-кунга бораётир узоқлаб...

*(Тахтга яқинлашиб)*

Йў-ў-ў-ўқ!
Аждарҳонинг оғзидай
Бир ўй мени тортиб борар комига.
Боболардан,
Донолардан қолган сўз:
"Ким аяса ёвни – ўзи ярадор".

*(Тахтга яқинлашиб)*

Унга менинг қўшарим:
Сен душманни енгмасанг,
Сени енгар душманинг!!!

*(Тахтга қайта ўтириб)*

**Амир Темур**
Соқчи!!!

*(Соқчи зум ўтмай кириб келади)*

Ҳамма лашкарбошиларни чақир!

*Саройга Шайх Сулаймон, Шоҳмалик, Бурундиқ, Шайх Нуриддин ва Кайхусрав йиғилади.*

**Амир Темур**
Қулоқ тутинг сўзимга:
Бир нарсани ўйлаб ҳеч
Келолмайман ўзимга,
Хаёлим банд эрта-кеч.
Хуллас, гапнинг қисқаси:
Ҳусайн билан орани
Узсамми деб ўйладим.
Унинг қўрғон-қалъасин
Бузсамми деб ўйладим.
Бугун-эрта ўрдасин
Боссамми деб ўйладим.
Балх ўлкасин юртимга
Қўшсамми деб ўйладим.
Хоразмни олгач, сўнг
Тағин юриб Ҳинд сари

Ошсамми деб ўйладим.
Бунга ким нима дейди?

**Шайх Сулаймон**
Куну тун қуролини
Шайлаб юрар Ҳусайн.
Қалъа қуриб, қиличин
Қайраб юрар Ҳусайн.

**Бурундиқ**
Қув тулкидай олд-ортин
Ўйлаб юрар Ҳусайн.
Керак деб боғимизни
Пойлаб юрар Ҳусайн.

**Амир Темур**
Эҳ, Ҳусайн, Ҳусайн...
Ҳусайннинг ортидан
Чироқ олиб тушайин!
Энди сўзим тингланглар:
Тарқаб кетган хонликнинг
Бошини қовуштириб,
Билак этмоқ[2] ўйим бор.
Турон тоғин барига
Тиргак этмоқ ўйим бор.
Самарқанду Яссини
Юрак этмоқ ўйим бор!
Бир Аллоҳдан ўшани
Тилак этмоқ ўйим бор!..

"*Яхши*", "*Қўллаймиз*" *деган товушлар эшитилади.*

**Кайхусрав**
Амирим!
Менга муҳлат берсангиз,
Бугун отга минайин!
Ҳусайндан ўчимни
Кеч бўлса ҳам олайин!
Қонин ерга қорайин,
Бузиб ташлай саройин!

**Амир Темур**
Ботирларинг олиб тез,
Балхга бориб бошин кес...

*(Қирғийдай ваҳм солиб, Йўлбарсдайин куч олиб)*

Шу билан сўзим тамом!

2 Билак этмоқ (Білек етпек) – бошқармоқ маъносида.

## Тўртинчи кўриниш

*Балх шаҳри. Ҳусайн саройи. Амирнинг юзи тунд. Амир Темур Самарқандни босиб олгани тўғрисидаги хабарни эшитиб, кайфияти тушиб, таъби тирриқ бўлган. Елпиғични елпиб турган икки гўзал қиздан бошқа бирор тирик жонни ёнига йўлатар ҳолда эмас.*

**Ҳусайн**

Иши юриб чўлоқнинг
Ёрлақар Эгам – Тангри.
Моваройннаҳрда у –
Ҳокимдир, ҳукми янграр.
Илож қанча ўйласа,
Ўйласаю сўйласа
Икки дунёдан бирдан.

*(Ғижиниб)*

Кимлигини билсин қароқчи олдин,
У оқсаган оёқ билан шу олтин
Тахтни олмоқ учун наҳот шайланар?
Хон тахтини ялангоёқ олибди
Десанг кўнглим айниб, бошим айланар.
Босиб келса эртага у Балх томон,
мени қўярми омон?..

*Соқчини чақирмоқчи бўлганда сарой ичи бир лаҳзада тўс-тўполон бўлиб кетади. Хабарчи урина-сурина ичкари киради.*

Ам...и...ри...м!

**Ҳусайн**

Тилинг кесилсин сенинг!
Жағинг эзилсин сенинг!
Нима бўлди, айтсанг-чи?

**Хабарчи**

Амир Темур!.. Амир Темур!..
Ёв босди.
Қалъани ҳам, қўрғонни ҳам текислаб
Битта қилди ер билан!...

**Ҳусайн**

*(Қути ўчиб)*

Оқсоқ Амир Темур дейсанми?

*Қиличлар жаранги, аёлларнинг чинқирган товушлари аралаш-қуралаш яқиндан эшитилади. Саройга Кайхусрав етиб келади.*

**Кайхусрав**

Сен қўли қон, айниган,
Тахтдан тушма, майлига.
Сендан қасос оламан!
Оппоқ, шинам хонангни
Остин-устин қиламан!
Тақир бошинг думалаб,
Тошдай қочиб танангдан,
Тахтдан тушсин, илойим,
Темурга йўлин очиб!

*(Ҳусайн томон талпинади)*

*...Саройни қўлга киритган Амир Темур ваҳимага тушиб чувлашиб ётган ҳарам эшигини очади.*

**Амир Темур**

Оқ қирғийга бургутча
Човут солган, ажабо.
Оқ қуённи олисдан
Илиб олган, ажабо.
Қиз билан айш қилишни
Билиб олган, ажабо.
Олд-ортига қарамай
Олам кўрки – ҳарамда
Юрган экан, ажабо!..

*У қўрқиб қараётган бир қизнинг олдида тўхтайди.*

Гўзал экан шуниси,
Эга бўлар сийлиққа.

*(Навкарларига қарата)*

Ҳусайннинг хотин – завжаларини,
Яна мана бу бокира қизни ҳам –
Самарқандга етказинглар барини,
Соғ-саломат, эсон-омон,
Эрк беринглар қолганларга ҳам шу он!..

*Ҳарам тутқинлари шовқин-сурон кўтариб, ҳар томонга югуради.*

## Бешинчи кўриниш

*Самарқанд шаҳри. Амир Темурнинг Кўксаройи. Холи хона. Хизматкор рухсат сўраб, ичкарига қизни олиб киради ва қайтиб чиқиб кетади.*

**Амир Темур**
*(Қизга қарата)*

Сен-чи, қуён эмассан,
Мен ҳам қашқир эмасман.
Чўчима, кел, олдимга,
Мендан қўрқиб қолдингми?
Кел, келсанг-чи?..

*(Ҳиссиётини жиловлаб)*

Эркак дамин туймаган
Эпсизлигинг сезилди,
Яширмагин кўзингни.
Қани, гапир бир бошдан,
Эшитай-чи сўзингни.
Нафс бандаси Ҳусайн
Қайдан топди ўзингни?

*(Қизга яқинлашганда у ҳўнграб йиғлаб юборади)*

**Амир Темур**
(*Ҳайрон бўлиб сўз қотади*)

Қўзларингдан ёшингни
Оқиздимми билмасдан?
Нега йиғлаб юбординг
Ноз-карашма қилмасдан?

*(Сочига, қошига қизиқсиниб қараб)*

Узун, қайқи кипригингда ёш қотди...
Бир соғинчим юзлар бўлди, минг ортди.

**Қиз**
*(Ўксигини боса олмай)*

Сиз амирсиз,
Кўкдан тушган тангрисиз,
Биз бандамиз – қадрсиз...

**Амир Темур**
Тангри эмас, бор бўлдиғим амирман,
Замонанинг қўлидаги қуролман.
Қинга қайтиб жойланган бир қиличдай,
Эрта бир кун ажал келса, туролмам...
Айт, тўхтама, сўйла, бос
Бу ер қамоқ эмасдир,
Зиндон эмас, хона – хос.

**Қиз**

Тўти эдим қафасда
Озод қушга айландим.
Қўрғон излаб, жой излаб
Қўлингизга бойландим.
Амрингизга бўйсуниб,
Дамингизга юзма-юз –
Кела олмай турибман.
Эртам борми, билмайин
Шўргинам ҳам қурибман.

**Амир Темур**

Борган сари жумбоғинг
Кўпайиб бораётир.
Шу жумбоқни даставвал
Тинглагим келаётир.
Айт!

**Қиз**

*(Енгил хўрсиниб)*

Қўрқув билан ваҳимам
Энди бироз босилди.
Ўз юртимда бир бўз йигит бор эди,
Кўнглимга йўл топган эди бахтиёр.
Мен сиз Балхни олган куни ҳарамга
Тутқин бўлиб келгандим беихтиёр.
Арслоним – Арғуним
Сезмасдан қолди у қисмат ўйинин.
Жумбоғим шул эрур. Қурсин бу куним.

*(Сал хўрсиниб)*

Онасидан эрта қолган улоқдай
Қўлингизда энди менинг тақдирим...

**Амир Темур**

*(Нима дейишини билмай овозини кўтариб)*

Бўлди, етар, қолганини айтмагин,
Ёринг келар, насиб қилса қайтмаги.
Иншоллоҳ, бугун айтган сўзингнинг
Салмоғини кўтаради шу йигит!!!
Рост айтганинг – мендан озод бўлганинг.
Ёлғон айтсанг –
Унда... унда ўлганинг!

*(Бироз тўхтаб)*

Ёшингни тий, қўрқма сира, бемалол
Тонг отганча сен шу ерда қола қол...

## Олтинчи кўриниш

*Кўксарой. Амир Темур тахтда ўтирибди. Атрофида лашкарбошилари, Имом Барака бошчилигидаги уламолар...*

**Соқчи**
Амирим, қайтибди Балхга кетганлар!

**Амир Темур**
Кирсин!

*(Икки йигит саройга киради)*

Балхга бориб келдик,
Арғунни топиб келдик, амирим.

**Амир Темур**
Келтиринглар!

*(Икки йигит Арғунни олиб киради)*

**Амир Темур**
Излаганим топилди.
Қани, шундай тура тур.
Кўпчиликнинг олдида
Синаган дуруст бўлур.

*(Соқчига)*

Келтиринг анов қизни,
Бунга кўнгли бор экан.

*(Арғунга)*

Синовдан ўтолмасанг
Ўз уволинг ўзингга –
Ўта олсанг синовдан
Қизғалдоқдай қизингга
Қўшиласан соғ-омон.

*(Сароймулкхоним қизни олиб киради)*

**Арғун**
Амрингизга мунтазир
Турибман, улуғ амир!
Бу синовга бошимни
Тикай, садқадир жоним!
Тахтингиз тавоф этай,
Айтсангиз синов сонин...

**Амир Темур**
Бўлади!

*(Арғун тиз чўкиб, тавоф этиб, жойига бориб тураді)*

**Амир Темур**
Асли сен учун синов
Уч саволдан иборат.
Биринчи саволни ўзим бераман,
Иккинчи саволни буюк аллома Имом Барака беради,
Учинчи савол – кўр таваккал, пешонангдан кўрасан!

**Арғун**
*(Қўлини кўкка кўтариб)*

Эй, Яратган, жон Эгам!
Қирқ чилтоним, авлиём!
Оғир дамда қўрғаган,
Қўлтиғимдан қўллаган,
Хўжа Аҳмад, жон бобом!
Мадад бергин, йўллагин!

*Ўтирганлар ўртасида ғала-ғовур бошланади. "Оҳ!" деган қизнинг оғзини Сароймулкхоним ёпади. Бошқалар буни англамай қолади.*

**Амир Темур**
*(Жаҳонгирга)*

Ол, болам,Отабекдан –
Не ўргандинг, не олдинг,
Ҳунарингни кўрсатгин
Издиҳом кўриб қолсин.
Ўртага чиқ тезроқ, ҳов!!!!
Арғун билан қиличлаш,
Сен енгмаган борми ёв?!

*(Соқчига)*

Қилич узат Арғунга,
Қани, йигит, бўла қол,
Бир-бирингга қилич сол!

*(Иккови қилич сермаша кетади, бир-бирини енга олмайди)*

**Амир Темур**
Ҳа, бўлади,
Бўлди, бас!
Кўрдим, иккови қўрқмас,

Тикка олишар, дангал.
Энди бошқа синовга
Бермоқчиман навбат, гал!

*(Жаҳонгир жойига бориб ўтиради)*

**Имом Барака**

Эр йигитнинг қўноғи – куч-ғайрати,
Бундан ўзга бўлади уч ғайрати.
Шундан бири...
Бу ҳаётнинг мазмуни –
Ислом дини олами.
Шул мусулмон динига
Хавф-хатар келган они
Ҳам умрини, ҳам жонин
Кимлар қурбон қилганин,
Ким этишин жон фидо,
Йигит айтса, ақлига
Айтар эдик тасанно!

**Арғун**

Муҳтарам, азиз Имом,
Саволингиз тушундим:
Дунё деган – тўққиз йўлнинг тармоғи.
Ҳақдан бошқа бир қудрат,
Биз сингари бандасин
“Яратдим" деб айтмади ҳеч бировга...
Ҳар юз йилда Яратгувчи шу Эгам
Бир фарзандни назарига олади.
Мусулмонлар душман билан сўғишса,
Ўшал фарзанд қўрғайдиган бўлади.
Саккизинчи ҳижрий аср – юз йилда
Ҳақнинг суйган қули,

*(Амир Темурга қараб)*

Улуғ амирим...
Бундай ишга куч-қувватин солади!

*(Имом Баракага қараб)*

Амир Темур жаҳонгирдан аввалги
Еттовининг айтайинми нисбасин?

**Имом Барака**

Етар, ўғлим, етади,
Жаннатдадир еттовининг макони...

**Амир Темур**
*(Хурсанд бўлиб)*

Ўтиб олдинг қўш синовдан бемалол!
Энди эса учинчисин бошлайлик.

(*Сароймулкхонимга*)

Бўлди, қизни олиб кет,
Ола-қора ўралсин,
Сўнгра бешов қиз бўлиб,
Аралашсин, қуралсин.

*Сароймулкхоним қизни олиб чиқади, орадан кўп ўтмай, бир хил кийинган, бўйлари бир хил, юзлари берк беш қизни олиб киради.*

**Амир Темур**
На ақлинг ва на кучинг,
На орқа қилар кишинг
Кела олмас ёрдамга.
Топиб олгин ёрингни,
Ишга солиб борингни!
Тополмасанг, жон билан
Хўшлашасан, билиб қўй.
Гар топсанг, ёринг билан
Қўшиласан, билиб қўй.

*(Арғун қизларга қараб юради)*

**Арғун**
Беш қиз турар, юрак ҳовучлаб бари,
Беш қизнинг ҳам кўринмайди юзлари.
Икки кўзим хато қилса бўлурми,
Эй юрагим, недир сенинг сўзларинг?
*(Қайси бирини танлашни билмай,шивирлайди)*

Беш қизнинг ҳам толчивиқдай бўйи бор,
Кўрган киши ичмай-емай тўяди.
Хато қилсам, бир сония ёримдан
Мени мангу жудо қилиб қўяди.

*(Бировининг ёнида тўхтаб)*

Беш қизнинг ҳам кўнгли вайрон, кўзи мунг,
Адо бўлмиш тоқати ҳам тўзими.
Икки кўзим хато қилса бўлурми,
Сен не дейсан?
Сен не дейсан, сезимим?

*У шундай деб қизнинг бетини очади ва кўзи ёшга тўлган Жавҳархонни кўради.*

Излаганим – чопганим,
Йўқотганим, топганим!

*(Шундай деб у билан кўришади)*

**Овозлар**
Баракалла!
Чин йигитнинг ўзи экан!
Синовларда суринмади мард йигит!!!
Парвардигор берсин унинг омадин!...

**Амир Темур**
*(Тахтидан тушиб Арғун билан Жавҳархоннинг олдига келади)*

Худой қўшган қўшоқни
Кимки бўлса, у – фосиқ.
Бу эрка ва эсли қиз
Эр йигитга муносиб.

*(Елпиниб)*

Заррин нурга чулғангандай манглайим,
Чўнг, муҳташам бўлиб кетди саройим!
Кел ёнимга, қучоғимга олайин!
Кел ёнимга, бир бағримга босайин!

*(Меҳри товланиб, кўзига ёш олади)*

Кел ёнимга, айланайин, Арғунжон,
Аллоҳ сени ёрлақасин ҳар замон!...

*(Арғунга оқ шамширини узатиб)*

Шамширдай ҳамдамим бўл,
Ишонган одамим бўл!

(*Жавҳархоннинг манглайидан ўпиб)*

Сен эса келиним бўл...

## ИККИНЧИ БЎЛИМ
## Еттинчи кўриниш

*Амир Темурнинг кўк чодири. Бағдод яқинига келиб, чодир тикиб ётган қўшиннинг шовқин-сурони...*

**Соқчи**
Улуғ амирим!
Оқ саллали, ҳассали
Бир қария келибди.
“Бағдоддан келган элчиман” дейди.
“Худойи қўноқ, қўшниман” дейди...

**Амир Темур**
*(Киноя билан)*

Қўшниман?
Кўрайлик, кирсин!

**Валиддин ибн Халдун**
Ассалому алайкум!

**Амир Темур**
Ваалайкум ассалом!...

**Валиддин ибн Халдун**
Юришинг билан йўлингни
Аллоҳ ўнгласин, улуғ Амир...

**Амир Темур**
*(Қаҳр билан)*

Сенда икки қулоғим!

**Валиддин ибн Халдун**
(Разм солиб)

Чироғим,
Қутлуғ бўлсин қўнган жойинг – туроғинг,
Мангу ўчмай, ёниб турсин чироғинг...

**Амир Темур**
Омин!

*(Ўзига-ўзи)*

Бунча ақл ўргатади!

*(Жиддий)*

Сенда икки қулоғим!!!

**Валиддин ибн Халдун**
Сен сўраган шу Бағдод
Менинг макон – туроғим...

**Амир Темур**
Хўш, шунга нима бўпти?
Келишмакка келдингми?
Кўришмакка келдингми!?
Тилагинг айт, термилма!

**Валиддин ибн Халдун**
Айланмасин жаннатим
Тобуту дўзахга, оҳ!
Қанча улуғ бўлсанг ҳам,
Халқни дер қодир Аллоҳ...

**Амир Темур**
Тушаман деб тобутга
Қайғу ютиб, ема ғам.
Тугади деб толқоним
Қўрқма дўзахидан ҳам.
Нима истак, не зоринг –
Айта қол, дилда боринг!

**Валиддин ибн Халдун**
“Ғазаб – душман, ақл – дўст”,
Ақлинг билан кўргин иш,
Ҳаддингни бил, эсинг йиғ.
Халифага қасдлашиб,
Бу халққа кўтарма тиғ.
Шу халқнинг бири менман,
Олсанг, садқадир бошим,
Садқадир кекса ёшим,
Шуни айтгани келдим...

**Амир Темур**
*(Ўзига келиб)*

Ҳайбатингга қарасам:
Етти ўлчаб сўйлаган
Икки дунё орасин,
Донишмандсан, ўйлаган.
Идрокингга қарасам:
Босиқсан ва сарасан.
Илиқ, юмшоқ сўз билан
Ичга кириб борасан.
Айланиб ўт дермисан
Яшил жаннат жавҳари –
Манов Бағдод шаҳрини?

*(Қўққисдан жаҳлланиб)*

“Темур келди, урушсиз
Енгил” деган хатимга,
“Оқ туғ олиб олдимга
Келгил” деган хатимга
Жавоб бўлмагандан сўнг
Подшонинг куч-қудратин
Пайқайин деб келганман!
Бор уруғин довулдай
Чайқайин деб келганман!!!

**Валиддин ибн Халдун**

Айт-айтмагин, рости-да,
Бағдоднинг халифаси
Шошиб қолди сен келгач,
Ичга тушиб нафаси.
Шу сабабдан ўрдангга
Келиб турган жойим бор.
Бошимга не солсанг ҳам
Кўниб турган жойим бор...

**Амир Темур**

Ажал излаб келган жон
Азобидан қўрқарми?
Ундай бўлса, сен, оқил,
Эрону Ҳинд аймоғин
Харитангга чизиб кел!
Сенга бир ҳафта муҳлат,
Умидинг бўлса жаннат,
Қочишни қилма хаёл!

**Валиддин ибн Халдун**

Айтган сўзинг, амирим,
Қулоққа қуйиб олдим.
Сен гуноҳсиз эл-юртни
Йиғлатма, дарди урсин.
Қайқи қилич қайровли
Қинида тура турсин...

*(Таъзим қилиб, хўшлашиб чиқиб кетади)*

## Саккизинчи кўриниш

*Амир аскарларнинг жанговар ҳозирлигини кўздан кечиради. Сарбозлар ўзаро қиличлашиб, найзалашиб, мерганлик синовидан ўтиб, ҳар хил ҳунарларини кўрсатади. Амирнинг ёнида – вазирлари, навкарлари, баҳодирлари... Қони қизиб, ғайрати қўзиган Амир ёш сарбознинг қиличини юлиб олиб, бир кучли сарбоз билан курашга тушиб кетади.*

**Амир Темур**

Ол, аяма, арлоним,
Талай-талай тўпларни
Ёрган менинг тарлоним!
Амир бор деб олдимда
Бўлдирмагин, олдирма!
Бўл, ўзингни қўлга ол,
Кучинг бўлса, қилич сол!!!

*Шошилинч олишувдан кейин қизиган Темурдай ёниб, гандираклаб чиқиб келаётган Амирга ясавул совуқ хабар келтиради. У ҳушидан айрилар тарзда чодири томон юради. Чўчиган, шошиб қолган қўшин орасида ғала-ғовур бошланади:* "*Соҳибқироннинг суюкли набираси ва меросхўри Муҳаммад Султон Қаршида қазо қилибди...*" *Қайғурган, қантарилган, руҳи чўккан лашкар... Ичкаридан қайғули овоз эшитилади.*

**Амир Темур**

Тонг оқариб отгандай,
Кун қонталаш ботгандай.
Қоқ туш чоғида Тангрим
Белдан тутиб отгандай.
Қўзларимдан ёш эмас,
Юлдуз оқиб ётгандай...
Оҳ, Султоним, шунқорим....

*Қўлида қўбизи бор атоқли шоир Карманий одамлар орасидан чиқиб, сарой томон юради.*

**Карманий**

Қайғунгга шерик бўлай деб,
Амирим, келдим қошингга.
Азамат эр эрта кетиб,
Жудолиқ тушди бошингга.
На илож, олтиндай ўғил,
Тушса ажал тузоғига?
Қолганларга умр берсин,
Умрнинг ҳам узоғини.
Қўйнингга тиққан Қуръондай,
Бўйнингга таққан тумордай,
Ўнг-сўлни билмай бояқиш
Кафанда кетди – оқ қордай...
Чин қардошинг, туғишганга
Ёпишади ажал, кўрса.
Эгаси унинг – бир Худой,
Ҳаққинг йўқ сўрарга фурсат.
Ўрнингдан, Амир, тургайсан,
Юзингни бу ён бургайсан,
Белингни маҳкам бўғгайсан,
Кўкимтир Нил суви билан

Кўзингнинг ёшин ювгайсан.
Қочган бир куннинг ортидан
Арқонни олиб қувгайсан!
Қанчалик жасур бўлсанг ҳам
Умрга барибир тўймайсан!
Амирим, тургин, тургайсан!!!

*Иккови қучоқлашиб кўришади. Шоир бўзболага атаб аза оятини ўқиб, юзига фотиҳа тортганда эшикдан соқчи киради.*

**Соқчи**
Қайсарга юборган элчингиз келибди, Амирим.

**Амир Темур**
Кирсин...

**Элчи**
*(Кириши билан тўхтаб, нима дейишини билмай туриб қолади)*

**Амир Темур**
Қани, гапир!..

**Элчи**
Қайсарга бориб келдим,
Жавобин олиб келдим...

**Амир Темур**
Ўқи...

**Элчи**
*(Ўқий бошлайди)*

*“Аллоҳнинг қаҳрига учрай демасанг, ортингга қайт. Кучинг кўп бўлса, нега аввал анави қурт-қумурсқадай беадад Чинни олмадинг? Ундан кейин қалин ўрмон – Жинни нега чопмадинг?..”*

*(Элчи Амир Темурнинг юзига қарайди)*

**Амир Темур**
Ўқи!

**Элчи**
*(Ўқийди)*

*“...Бу қилаётган ишинг дуруст эмас. Турк ерига етгунча муқим мусулмонларни қирганинг – ўз илдизингга болта урганинг. Улар сенинг қурбонинг бўлиши керак эмас эди... Бу ёққа юришинг – ҳалокат!.. Ўйла, эсингни йиғ, ортингга қайт!.. Анов Қора Юсуфни сенга ушлаб бера олмайман, у сенга қароқчи бўлган билан менга қоровул...”*

**Амир Темур**
Бўлди, етар!!!
Аҳмоқнинг тайин гапсиз
Валдирашини қара!
Ҳали тонг отмай туриб
Алжирашини қара!

*(Бошини қуйи солиб, ўйланиб қолади)*

Ўша Қора Юсуфни
Нега қўрғаб қолибди?
Қонхўр, айёр тулкини
Ёнбошига олибди.
Макка билан Мадина
Орасини бузган шу
Ярамас эмасмиди?

*(Элчига)*

Сен боравер!

*(Шоир билан элчи чиқиб кетади. Ўзи қолади)*

**Амир Темур**
Ҳамма мени унутди,
Кўксимни тирнади шер.
Боязид оқилсиниб,
Бўлар-бўлмас гапни дер:
“Қумурсқадай сон-саноқсиз Чин эли...”
“Қора ўрмондай Жин эли...”
Оқилсиниб гап сотар,
Чиқаради жонимни.
Сон-саноқсиз ғанимни
Мен чопмайман дедимми?
Ўмондаги балони
Мен қопмайман дедимми?
Тўхтамиш-ку, Тўхтамиш
Йиқитмоқ бўлган душман
Мени тахтимдан буткул,
Зарра қилмаган пушмон.
Улуғ Чингиз хоқоннинг
Озиб-тўзган уруғи.
Сумалакнинг сарқитдай
Суви қочган қуруғи...
У Қобил, мен Ҳобилнинг
Авлодимиз, мен хонми,
Сен қорами? Барибир –
Бандага Ҳақ фармони!

*(Жаҳли чиқиб)*

Шундай экан, мен юрган
Йўлимдан қайтолмасман!
Борар йўлдан адашиб
Кетдим деб айтолмасман!
Айбдоринг мен эмасман!
Аҳмоқ икки хил сўзлар,
Мен икки хил демасман!
Эй, Боязид, сен ҳам тур,
Жангга чиқ, биз икки турк
Сиғмасак битта ерга,
Бир ўзинг киргин гўрга!!!

*(Тахтидан тушиб, у ёқ-бу ёққа юради)*

...Эй, сиз, мусулмон қавми...
Қуллик тамғаси билан
Қуллигини унутган,
Озғин бўйнига гуноҳ
Ортиб, ёзмишин кутган,
У ҳам синовдан ўтсин!!!
Менми? Мен... Мен... Қулман,
Бандалигим билганман.
Аллоҳ амрин бу ерга
Бажаришга келганман!...
Ҳинду Болқон, Анқара...
Қайтолмасман ортимга
Жину Чин бўлар вайрон,
Аллоҳ етар додимга!
Қурбонлик ҳам Худодан,
Қулчилик ҳам Худодан!

## Тўққизинчи кўриниш

*Бағдод шаҳри чеккаси. Амир чодир ичида ўтирибди. Оқ чопонли, оқ саллали, қўлида ҳассаси бор Валиддин ибн Халдун узр сўраб, бўсағадан ҳатлайди.*

**Амир Темур**
Тўрга ўтгин, уламо,
Қадрли меҳмоним бўл.
Бизга шу ер бўлади.
Яёвларга олис – йўл.
Чарчаб келган чиқарсан
Сен йўл босиб,
Чўл босиб.

**Валиддин ибн Халдун**
*(Хўрсиниб)*

Чой ҳам ичилар, Амир,
Чанг ҳам босилар, Амир.
Ёв билан дўст орасин,
Ёв билан ёт орасин
Бир қувонч, бир қайғудан
Сўнг ажратиб оласан.
Иттифоқо қайғу келса, нетарсан?
Бел бойласанг, унга чидаб берасан.
Бўшанг бўлсанг, ўлиб-нетиб кетарсан.
Ҳориб-толиб ётиб, қайта турасан.
Берган олар,
Олган берар ҳар замон,
Аллоҳ амри вожиб эрур одамга,
Ким қолади дейсан ушбу оламда...
Сен бердингми – Аллоҳ олди,
Хайрли бўлсин қолгани...
Омин...

**Амир Темур**
Айтган ҳар сўзи улуғ
Зот камдан-кам туғилар.
Очиларми бу кўнгилмнинг тумани,
Босиларми кўксимдаги гумоним.
Қароғимнинг салобати, сумбати,
Қандай эсдан чиқади?..
Ёлғон дунё!...

*(Хўрсинади)*

Ё ҳовлиқиб, шошдимми?
Ёки ошиб-тошдимми?..
Қора бошин гангитиб,
Қараб юрмай қон ютиб
Ёки ҳаддимдан ошдимми?
Қора ернинг остида
У ётмай, мен ётсам-чи!?

**Валиддин ибн Халдун**
Астағфируллоҳ!..
Гуноҳ йўли куфрдир,
Банда эми шукрдир.
Бунақа раъйингдан қайт,
Яхшиси, салавотлар айт
Ҳақ Таоло отига,
Доғ тушмасин ҳеч кимнинг
Оти билан зотига!..

**Амир Темур**
*(Тетикланиб, қатъийлашиб)*

Темурдай қаҳри қаттиқ
Одамни ажал енгди.
Қайғу енгди...
Бироқ, бироқ!..
Совуқ шамшир сайловли!
Қайқи қилич қайровли!!!
Қани у, мен топширган
Харита... Топинглар тез!

*(Унга қадалиб қарайди)*

Халифа-ла келишиб,
Мен-ла яна кўришиб,
Юрибсанми иззату
Амалингни ошириб?

**Валиддин ибн Халдун**
Амалимни оширгани келмадим,
Айтаримни яширгани келмадим.
Хизрники билан тенг шу ёшимда
Ҳузурингга бош ургани келмадим!
Бош кесмоқ бор,
Тил кесмоқ...
Орада элчи эмас,
Эссиздай жилпангласам,
Мен бадбахтни шу кўйи
Ким кечирар, англасанг?

*(Бироз тин олиб)*

Гуноҳсиздан бош кетса,
Тили ҳам бирга кетар!..
Куни битса бир куни,
Подшо ҳам, қул ҳам ўтар!..
Мен аввалдан олдингга
Келдим таваккал қилиб,
Қуллуқ учун келмадим,
Келдим уни ор билиб.
Чинини айтсам сенга:
Ҳар нарсадан устувор
Ота-бобо ниятин
Бузолмадим мен зинҳор.
Чизолмадим Эрону
Ҳиднинг тоғ, тош, адирин...
Сен сўрама "Нега?" деб,
Ҳақ амри шу, Амирим.

**Амир Темур**
Унда, унда...
Боя ўзинг айтгандай,
Ёлғон бошга етади,
Тил билан бош кетади!!!

*(Қўли билан ура кетади. Соқчи етиб келади)*

Чақиринглар жаллодни!!!

**Валиуддин ибн Халдун**
Сўнгги битта арзим бор...

**Амир Темур**
Айт! Айтиб қол!...

**Валиуддин ибн Халдун**
Бош, майли, кетса, кетар,
Тилнинг ёзиғи надур?
Кечаги чин деганинг
Бугунги афсонадур.
Мумкин бўлса, шеър ўқиб –
Бермоқчиман, сўнгги он
Халифа эмас, халқим –
Учун шу бошим қурбон!
Билдим... сезиб турибман...
Оғир сенинг дард-ғаминг!..
Бир Аллоҳнинг қўлида
Ул оғриқнинг малҳами...

**Амир Темур**
Ҳукм сира қочмайди,
Амир Темур шошмайди!
Сўзнинг арқоғин бузма,
Сўзла, гапингни узма.!

*(Жаҳли отига миниб)*

Кўргум талай чечанни,
Кўмгум талай “даҳо”ни!..
Гапни қўй-да, шеърингни
Ўқи, берай баҳони!!!

**Валиуддин ибн Халдун**
Аччиқланма, урма дам,
Айтаман мен ушбу дам.
...Бошига боқ,
Ҳар иши қутли бўлган,
Ажалдан омон қилган,

Талай жонни қутқарган
Қорамисан, хонмисан –
Кўнглингга қарамаган
Чин-Мочиннинг элида
Машҳур эмчи бор экан,
Бахт қуши қўниб бошга,
Аллоҳ қут бериб ишга:
Келганни ҳам эмлабди,
Ўлганни ҳам эмлабди.
Ерга тепиб, тепкилиб
Кўмганни ҳам эмлабди.
Чан-Чун экан от-зоти,
Довруғин эшитганлар
Ер юзидан келибди.
Эмчининг карорматин
Кўзи билан кўрибди.
Жаннатдайин ҳавоси –
Тибет экан маъвоси.
Номи тилларда достон
Эмчини эл сўзига
Қулоқ солиб Чингизхон
Олдирибди ўзига:
“Ғазабидан Хоқоннинг
Қалтирайди жаҳоним!..
Шунга қарамай...
Қўлимдан қурол тушса,
Бошим гангиб қолади.
Мунгим билан бошқа кимнинг иши бор,
Қайғу чекиб, қанотларим қайрилар.
Ўз қўлимдан кетиб борар ихтиёр,
Ўз тахтимда товонларим тойрилар.
Гарчи кўнглим осмонларни кезса-да,
Ёш оқади кўзларимдан шашқатор.
Ўй етса-да, бўй етмайди оламга,
Гарчи нафсим ором билмас бадкирдор,
Шовуллайди қулоғим,
Шувуллайди юрагим,
Очилади бир тузалмас жароҳат...
Иблис аврар, қилурман начора мен?
Чини билан тугарми ризқ, мол-ҳолим?
Чини билан тугайдими иқболим?
Қайдан келиб, қайга кетиб бораман?
Бу жарликджан қутқаргувчи,
Белга қувват, қут бўлгувчи
Сўлган юзни қизартгувчи,
Ҳаётимни узайтгувчи,
Борми, айт-чи, бир амалинг?”

**Эмчи**
*(Бош чайқаб)*

Аллоҳ берган умрни
Фақат ажал ўчирар!
Қолганини, буюрса,
Бола-чақа кечирар...
Мияга сингиб кетган
Оғриққа борми шифо?
Мушкул экан дардингиз...
Унга топмадим даво.
Унинг эми – ирода,
Иродага бўйсунинг,
Тавба қилишга кўнинг.
Ўзганимас, энди сиз
Ўзингизни енгингиз!!!
Шунда умр маъниси
Мангуликка дўнади,
Ажал уни ёр мисол
Суймоқликка кўнади...

**Чингизхон**
Искандарга буюрмаган бу жаҳон
Тангрим, кимга насиб, кимларга армон!...
Ёздим... доридим,
Оздим... аридим.
Тузатдинг банданинг касалин
Дорисиз, давосиз, асалсиз.

*(Шундай деб эмчини иззат-ҳурмат билан кузатиб қўйди)*

**Валиуддин ибн Халдун**
Искандардан қолган дард
Чингизхонга ўтибди.
Чингизхонга қўнган дард
Энди сенга ўтибди.
Айтса-айтмаса афвли,
Бу касал, жуда хавфли!

**Амир Темур**
*(Ўйга чўмиб)*

Э, шундай де, донишманд?
Узоқдан бошладинг гап.
Сенинг-ча, қароқчилар
Ўғрини кетди талаб.
Кимга вафо қилибди,
Манов дунё – зимистон...
Искандару Чингизхон...
Иккиси ҳам жаҳонгир,
Иккиси ҳам арслон.

*(Қўққисдан жаҳли чиқиб, ўткир кўзини уламога тикади)*

Йўлбарси мен бўламан:
Яралган ор-номусдан!
Номус икки ўлмайди,
Ўлса, қайтиб келмайди!
Ўзи берган дардини
Ҳаёт ўзи эмлайди!
Йўлбарс – ёввойи ҳайвон,
Ўз-ўзини ҳеч қачон
Енга олмас!
Енгмайди!!!

*(Ўзини босиб олиб)*

...англадим гап маънисин:
Сен ҳаддингдан ошмадинг,
Мен ҳаддимдан ошмадим.
Сен маънисин чақсин деб
Салмоқли ўй ташладинг.
Элдан ошган уламо
Эканинг исботладинг...

*(Розилик билан)*

Халдун бўлармидинг, ўлиб
Хон билан халқ ўртасида,
Гоҳ сарой, гоҳ ўрдасида
Югурмасанг сарсон бўлиб?!
Бағдоднинг хони, жони ҳам
Сенга совға!
Сен енгдинг,
Мен кўндим...

## Ўнинчи кўриниш

*Дала жамлоғи. Кўк чодир. Ғолиблик ҳукм сурмоқда. Аскарлар хурсандчилик қилмоқда. Амир Темур кўк чодирда. Икки қўриқчи тутқин Қайсарни ичкарига олиб киради.*

**Амир Темур:**
Оёқ-қўлинг бўшатинглар арқондан!

*(Ўрнидан сакраб туриб)*

Худойим-эй, қай еringдан қон томган?
Кимлар билан олишиб,
Кимлар билан юлишдинг, сен бояқиш?..

**Қайсар**
Ким билан бўлар эди?
Улоқиб сен билан-да!

**Амир Темур**
*(Қайсарни бир айланиб ўтиб)*

Вой, бечора!
Мен билан?
Сўйласанг-чи жўн гапни,
Ўжарларнинг арслони...
Қўшинингни енгдим мен!
Башарангни кўрдим мен:
Йигитларнинг султони!!!

*(Жойига ўтираётганда елкалари силкиниб кулиб юборади)*

**Қайсар**
*(Қаттиқ озорланиб)*

Йиқилганни тепкилашми кулганинг?
Ўша бўлса билганинг,
Камардаги ханжарни ол, аёвсиз
Кўкрагимни кес менинг!!!

*(Кўк совутини йиртиб ташлайди)*

**Амир Темур**
Бандага Тангрим – Эгам
Берган экан ҳеч бекам
Ниманики истади,
Шу кулгимни қистади,
Мен оқсоқман,
Сен – тўқсоқ,
Сену мени ийлади!
Лекин Тангри таоло
Иккимизни сийлади!
Ҳатлаб ўтиб устидан
Ўранинг ажал деган,
Олмоқ бўлдик жаҳонни.
Начора, тақдир экан,
Ёв икки бўлган билан
Фақат битта Ер экан...

**Қайсар**
Лекин сен мени йиқдинг,
Яратганга барибир
Мендан яқинроқ чиқдинг!...

**Амир Темур**
Тил теккизиб Аллоҳга,
Қийнамагин жонингни.
Сен бўлмасанг, ким эди
Йўлга бўлган кўндаланг,
Келишимга кўнмаган?

**Қайсар**
Борлигингни қайтайин,
Норлигингни қайтайин,
Гапларимга кўнмасанг?

**Амир Темур**
*(Дарғазаб бўлиб)*

Енгилма, бўлма таслим!
Менга қолганда қалбинг
Тош қотган экан асли...
Нор бўлсанг ҳам қайтайин,
Ҳамиятимга тегсанг,
Бор бўлсанг ҳам қайтайин,
Бошингни менга эгсанг?!

**Қайсар**
Увлаб айтган сўзимни
Англамасанг начора.
Чимчиб айтган сўзимни
Тингламасанг начора...
Улуғ тоғлардан ошиб,
Улуғ қўрғон элини
Енголмасанг начора!..

**Амир Темур**
Гўнг теккан ер ўт-ўланли бўлади,
Енгилган эр қалби ғамга тўлади.

**Қайсар**
Енган одам художўй бўлар,
Енгилганда ёмон ўй бўлар,
Ўтинчим ҳам, тавбам ҳам, ишон,
Тугамайди сенга ҳеч қачон!

**Амир Темур**
Айт, айтавер!

**Қайсар**
Чиқиш эмас, ботишга
Аланглasанг на чора.
Жанг қилишга хос ёвни

Тополмасанг на чора?..
Ўрмон юртин болтадай
Чополмасанг на чора?..

**Амир Темур**

Ҳечдан кўра кеч яхши,
Кечдан кўра эс яхши.
Ҳмм... Эсинг кирай дебди....
Кўк совутинг йиртилиб,
Ўрансанг-да кафанга,
Юрма юз-хотир қилиб,
Чекинмагин орқангга:
Ўжарлигинг, ўрлигинг
Етиб ортар сенинг ҳам!
Мен эмасми аслида
Сендай Қайсарни ҳар дам
Чақирган муросага?
Ўзинг кел хулосага!
Мен-ку умр тилаган,
Турк элдошинг йитирдинг.
Бовурингни тепкилаб,
Нега бунча қутурдинг?

**Қайсар**

Сенинг обрўйинг ошди,
Мени алвасти босди.
Дўст баҳонгни беради,
Душман ерга уради.
Устимдан кулиб тўйгин!
Оловингга мой қуйгин!

**Амир Темур**

Сабр қилгин, ҳой, Қайсар,
Ўзингни бос сен қайсар.
Бировни бахт қийнайди,
Бировни тахт қийнайди.
Эсингда тут, эр Султон:
Икки юлдуз бир манглайга сиғмайди.
Эмасдир бу манглайнинг торлигидан,
Аслида бу – Худонинг ёрлигидан.
Мен Аллоҳ амрига қилдим итоат,
Билганим – У буюк соҳиби қудрат.
Сен-чи, сен...
Сен – улуғ туркнинг Султони,
Мени қондош, диндош демай безландинг,
Қарши чиқдинг, урушай деб хезландинг,
Қанотларинг қайрилди,
Бор-будингдан айрилдинг.

**Қайсар**

Кимки енгса, оғзи-бурни мой бўлар,
Ким енгилса, кўзин ёши сой бўлар,
Тағин нима демоқчисан?

**Амир Темур**

Бас, етар!
Тақдирга тан бериб, умид узмагин,
Ўзингни бос, хаёлингни бузмагин:
Муҳаммад ва ислом дини зафари
Йўлида, кел, бирлашайлик баримиз.
Мен кўтарган турк байроғи остига
Сен ҳам келгин, айтай гапнинг ростини!

**Қайсар**

Сен... сен мени қайрама,
Тўти қушдай сайрама,
Тахтингда тўлиб-тошиб.
Менинг тахтим қулаган,
Сен йўлингдан кетавер,
Қирлар ошиб, тоғ ошиб!..

**Амир Темур**

Майли, етар, бўлади,
Енгилсанг ундан нари...
Кел, муроса қилайлик,
Анқарани қайтариб
Берай, Ҳақни унутиб,
Бошлаб юбормагин тўй.
Қайтадан айтиб юрма
Эски ашулангни, қўй!

**Қайсар**

Менга раҳминг келмасин,
Ўз жўнингга юравер.
Мен битганман, аяма,
Бор кунингни кўравер.
Эсонман, ёвлигим йўқ,
Сулҳни, мардликни унут.
Кечир тутқин Қайсарни
Мен кечирмам, ёдда тут!

*(Оғзидан кўпик оқиб, типирчилайди)*

**Амир Темур**

Кунингни тун қилганча,
Умид узасан нечун?
Бирликка ишонмайин
Кўнглинг бузасан нечун?

**Қайсар**
Бари битди!..
Энди кеч!...
Қайсар энди ярамас!!!

*(У ҳам Амир Темурга ўхшаб кулади. Бармоғи билан кўкка ишора қилиб)*

Эшикдаги, тўрдаги
Банда – Аллоҳ эрмаги.
Мен арвоҳман гўрдаги,
Сен Худосан ердаги!
Кўкда битта Худой бор!
Ерда битта Худой бор!

*(элга қараб)*

Қутлуғ бўлсин худойлар!
Улуғ бўлсин худойлар!

**Амир Темур**
Гуноҳларни кечираман ушбу дам,
Ҳеч қим қуруқ қайтмас бугун ёнимдан!
Боязиднинг касалин қодир Эгам
Афв этсин, кечиб қошиқ қонидан...

*(Навкарлари билан қўрбошиларига)*

Йўл оламиз энди Чиқиш томонга!
Дурустми?!!
*(Қўллаган, маъқуллаган товушлар кўк чодирни кўтариб олиб кетади)*

## Ўн биринчи кўриниш

*Ясси. Амир Темурнинг ёлғиз ўзи. Олдинги юришларини хаёл элагидан ўтказади. (Экранда ёки мизансаҳнада қонли жанг саҳналари ўтиб ётади. Шовқин-сурон... Довул садолари... Қиличлашув онлари... Бир лаҳзада бари тиниб қолади.)*

**Амир Темур**
Тахт устига мингали,
От устида юргали
Ютқазишни билмадим,
Босган изим – илгари.
Тўрга солдим тўшакни,
Кенгга солдим иргани[3].
Бағдод, Миср бош эгди,

3 Ирга (шева) – ўтовнинг кигиз билан бекитиладиган пастки қисми; пана-пасқам жой.

Ҳиндларга қочмоқ тегди.
Икки бураб босганда
Қайсарнинг ҳам тўзони
Чиқиб кетди осмонга!
Иқлимларга таралиб шон-шуҳратим,
Ортиб борар борган сари довруғим.
Ер юзини қўлларимдан чиқармай,
Ҳилпиратсам дейман Туроннинг туғин!

*(Елпиниб туриб ўзига келади)*

Кавказни ораладим,
Ботишни ҳам борладим.
Энди битдай бижғиган,
Энди итдай изғиган
Чин элига йўл солиб,
Измини қўлга олиб,
Ҳукмим юргизсам дейман,
Йўлга киргизсам дейман.
...Ўнғай бўлмаган эди
Юриш олдинги сафар,
Қуръоннинг сўзи билан
Айтсам. Ёр бўлсин зафар...

*(Қўлларини тепага кўтариб)*

Ё, Яссавий!
Ё, пирим!
Ўзинг мени қўллагин!

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
*(Ўзи кўринмай, овози эшитилади)*

Довул қоқиб ҳар тарафдан,
Сасинг етди чор тарафдан...
Кўзи қонга тўлган қантар[4],
Қут[5] ўтгунча нафсинг қантар,
Сабр қилгин, сабр қилгин...

Юриш ғамин ўйлагайсан,
Ўй тубига бўйлагайсан.
Қиличингни қайрагайсан,
Сарбозингни сайлагайсан,
Сабр қилгин, сабр қилгин...

4 Қантар – январь.

5 Қут – февраль

Тангрингга ҳозир бўлгайсан,
Умрингга ҳазир бўлгайсан,
Йўли узоқ, хитлангайсан,
Кўклам, ёзда отлангайсан,
Сабр қилгин, сабр қилгин...

**Амир Темур**
“Умрингга ҳазир бўлгайсан,
Тангрингга ҳозир бўлгайсан...”
Пирим нега шошма дейди?
Қалтирайди нега сасим?
Нега рангу қутим ўчиб,
Ичга тушар бу нафасим?

“Сабр қилгин, сабр қилгин...”
Дуруст гапдир – гапнинг бели...
Нима сирли жумбоғинг бор,
Чиннинг эли, Жиннинг эли?

*(Жаҳли чиқиб, тахтга ўтиради)*

**Соқчи**
Улуғ амирим,
Чин элчиси келибдур.

**Амир Темур**
*(Ёқтирмай)*

Кирсин!

**Элчи**
*(Саломлашиш расм-русумини қилиб)*
Муҳтарам хон – адолатнинг қўрғони,
Сизга салом йўллади...

**Амир Темур**
*(Ўзига ўзи)*

Қайтсам экан манов чирик хатини?
Саломдан сўнг нима деди?

**Элчи**
Беш йилдирки тўланмаган қарзларнинг
Сабабини бил дейишди.

**Амир Темур**
Шу бўлса унга кераги,
Хонингга айт:
“Амир Темур кўп кечикмай келади,
Беради ўз қўли билан”.

**Элчи**
*(Амирнинг важоҳатидан шошиб)*

Хўп бўлади, мен айтаман,
Юртга эртароқ қайтаман...

*(Орқасига юриб чиқиб кетади)*

## Ўн иккинчи кўриниш

*Ясси шаҳри. Ёлғиз ўтириб бўлмади – Амир Темур Ингкар Бегим билан. Ингкар Бегим момиқ тўшак устида, шам ёруғида Амирнинг елкасини, оёқ-қўлини силаб ўтирибди.*

**Ингкар Бегим**
*(Нозланиб)*

Тўрт йил...
Беш йил...
Хаёлларим чалкашди,
Оламан деб ботишни
От устида ҳорибди,
Қаранг қотиб ётишни.
Сизни қаттиқ соғиндик,
Кўнгил уздингиз наҳот?
Сизни соғинди Ингкор
Ҳамиша ва ҳар заҳот.

*(Осилиб ва эркаланиб қилиқ кўрсатади)*
**Амир Темур**
Аёл деган мана шундай, Аллоҳим,
Тегиб кетсанг, еб қўяди жонингни.
Керакмиди ётишим,
Қимирламай қотишим
Қучоғингда қуёндай
Кеча-кундуз уйғонмай?

**Ингкар Бегим**
Ўт қопласа вужудимни, танамни,
Амирим, айт, не қилайин, ал-аъмон?!
"Қарамаса, хотин кетар" нақлини
Эсга олмоқ керакмикан ҳар замон...

**Амир Темур**
*(Ижирғаниб)*

Нима деб алжирайсан?
Маънисиздир демагинг!
Хон хотини қай қулнинг
Бўлиб эди эрмаги?!

**Ингкар Бегим**
*(Каловланиб)*

Оғушимга олиб сизни, эркалаб,
Турганимда нелар ўтди дилимдан?..
Сиз йўқ кезда бўлган ишлар "лоп" этиб,
Чиқиб кетса бўладими кўнглимдан?

**Амир Темур**
*(Шубҳага бориб)*

Қанақа иш? Нимани
Эсга олдинг? Қани, айт!
Сен мен билан...
Ҳазиллашма бундай пайт!

**Ингкар Бегим**
Шу баланд иморатни,
Кўргани тайёрмисиз?
Меъморга марҳаматни
Кўргазмоққа бормисиз?

**Амир Темур**
Тўрдаги кўк гумбазнинг
Нақши кўзни олади!
Бош устанинг меҳнати
Таажжубга солади...

**Ингкар Бегим**
Уста дейсиз...
Уста йигит астойдил
Нақшларга сарфласа-да ҳунарин,
Қочиб кетган кўринади сиз келмай,
Аниқ сезган қўлингиздан ўларин...

**Амир Темур**
Ким куни битди дейсан?
Ким қочиб кетди дейсан?

**Ингкар Бегим**
*(Ҳеч нарса бўлмагандай)*

Абулғози – ёш уста,
Ёш бўлса-да, бош уста...
Экан бозори чаққон,
Яна кимгадир ёққан...

**Амир Темур**
Ҳунарими, гўрими
Ҳуллас, нима дахли бор
Бунинг Амир Темурга?
Қани, айтгин, бадкирдор!

**Ингкар Бегим**
*(Маккорона)*

Шамолсиз қилт этмас дарахтнинг боши,
Ғунажин ўтлоққа кўзини сузмас,
Салқи бўлмаса гар нўхтасин узмас...
Кўклам келса, Самарқанднинг кўк тоши
Эрийди-ку муздай офтоб текканда...

**Амир Темур**
*(Шошиб қолиб)*

“Самарқанднинг қабртоши...”
“Ғунажиннинг нўхтаси...”
Гапни айлантирмасдан,
Тўғрисин айт, тўхта-чи!

**Ингкар Бегим**
(*Айёрлик билан*)

Эл гапирмай қоларми,
Шайтон кирса ўртага?
Сизга ёқимсиз бир гап
Оралабди ўрдага.
Суюкли, истарали
Чўлпон айтсин давомин,
Не деганин авомнинг...

**Амир Темур**
*(Жаҳли чиқиб)*

Ҳмм... Шундай де?
Шундайми?
Чўлпон...
Чўлпон! Қани у?
Мен йўқ пайти бир илон
Ўрмалади десанг-чи
Болоқдан бўрбой томон!

*(Ўрнидан юлқиниб туриб кетиб)*

Тулки хотин, тул хотин
Амирнинг пок тўшагин

Наҳот булғашга қодир!?
Яратганнинг аталган
Унга жазоси бордир!!!

**Ингкар Бегим**
*(Юзига мазах тусини бериб, ўзига-ўзи)*

Гуноҳга ботган ўзинг,
Мендай тўти турганда
Тўр ташлайсан Тўрғайга!

*(Одамларга қараб)*

Ўтда ёниб турган чоғда юрагим,
Нечун чидай, мен нимадан қўрқайин?!
Чангали қон бургут мисол чанг солиб,
Ўша кўйда бориб боссин Тўрғайин!
Менга дейсизми...
Менга
Истасам, тўшак тайин,
Тўр тайин!..

* * *

*...Амир Темур кириб келганда, Чўлпон Мулк икки ўрим сочи оқ тўшакдан осилганча, фаришта мисоли роҳат қилиб ухлаб ётар эди. Бош тарафида чироқ хира ёниб турибди. Амир Темур унинг илондай тўлғониб ётган икки ўрим сочини қўлига олиб, уйқудаги Чўлпонга тикилиб қарайди. Икки ўрам бўйнига ўралиб, нафаси тиқила бошлаган Чўлпон Мулк уйғониб кетади ва беғам кўйда кўзини очиб, кулимсираб сўз қотади.*

**Чўлпон Мулк**
Кута-кута, эшик томон тикилиб,
Кетган экан кўзим бир оз илиниб,
Тўрга ўтинг, Амирим...

**Амир Темур**
*(Товуши титраб)*

Икки кўзинг у ҳолда
Қолсин мангу юмилиб!

*Икки ўрам сочини бўйнига ўраб, бўға бошлайди. Чўлпоннинг кўзи олариб, типирчилайди. Ширин жилмайиши ўрнини қўрқув эгаллайди.*

**Чўлпон Мулк**
Ами...ир...им...

**Амир Темур**
Оёғингга тармашган
Ўша илон буралсин,
Шу бўйнингга ўралсин!
Эс-ҳушингдан айрилиб,
Уйқуларга қонарсан,
Мангу тиним топарсан!..

*Соч ўримдаги қўлини бўшатади.. Кўзи очиқ, нафас олиши тўхтаган Чўлпон Мулкнинг жонсиз кўзини ёпгандан сўнг кафтини юргизиб, юзини силайди. Жойидан туриб, гандираклаб бориб, чироғини ўчиради.*

**Амир Темур**
Тополмасдан жумбоғингнинг ечимин
Манглайдаги чироғингни ўчирдим,
Жаннатингни кўкрагимга кўчирдим.
Ёмон ишнинг оқибати ўч экан,
Ўч йўлида ноҳақ кетсанг, кечиргин...

*(Қўққисдан азобланиб, жаҳли чиқиб)*

Йў-ўў-ўққ!!!
Булғанса ёр тўшаги,
Амир қандай кечирар?
Тангри қандай кечирар?!
Шамолда ёнган ўтда
Урчиб кетса қайтаман
Эртан элнинг ўшаги?

*(Осмонга кўзини олайтириб)*

О, Аллоҳим!
Ёлғиз ўзинг қўллагин,
Хиёнатин кечиролмай банданинг
Қонга ботди энди менинг қўлларим!

*(Ўзига-ўзи)*

Аёл ёвуз, лозимин
Боғи узун, қайтайин?
Шайтон йўлдан урганнинг
Қай қилиғин айтайин?...
Ақли оз,
Тақими бўш хотиндан
Эсинг бўлса, нари юр!
Эсинг бўлса, нари юр!!!

"*Нари юр*" деган овоз янграб кетади. Қоронғини пайпаслай-пайпаслай эшик томон гандираклаб юриб келади. Бунга қадар бўлган ишларнинг барини кўриб турган Ингкар Бегим ҳеч нарса бўлмагандай овоз бермай, унга пешвоз чиқади.

**Ингкар Бегим**
Тўшагида йўқ эканми, ўлмагур?
Нега чироқ ёқилмаган бўлмада?

**Амир Темур**
Дўзахга жони учди,
У дунёга қовушди,
Эшик қайда?
Гўр қайда?
Икки қўлим тортишди...

*Амир Темур чиқиб кетади. Ингкар Бегим ичкари кириб, чироқни қайта ёқади. Ўз соч ўримига бўғилиб ётган Чўлпон Мулкни кўриб чўчиб кетади ва кўзлари косасидан чиққудай бўлиб, гап нимада эканини тушунади.*

**Ингкар Бегим**
Вой-дод!
Ким бор манов саройда?

*(Чўлпон Мулкка жирканиб қараб)*

Шуми ҳолинг, қув қанжиқ?..

*Шартта бурилиб, тез-тез қадам босиб чиқиб кетади. Саҳна қоронғилашади.*

## Ўн учинчи кўриниш

*Ясси шаҳри. Тонг олдидан карахтланиб ухлаб қолган Амир Темур туш кўради. Тушига пири Аҳмад Яссавий киради.*

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
Уйқу – ўлим элчиси.
Элчига эргашибсан
Эркингни улашибсан.
Ётишингни қарагин, сен тириклай
Вужудингни гўрга кўмган экансан!
Битта ғарнинг ҳийласига алданиб,
Шайтоннинг макрига кўнган экансан...
Ҳайҳот, не томошадур?..
Тур ўрнингдан!
Амир, тур!

**Амир Темур**
Қовоғингиз уюлган,
Саломингиз ҳам канда...
Темурнинг хатоси не,
Не гуноҳ қилди банда?
Айбимми тани ифлос
Тақими бўш хотинни
Жазога буюрганим,
Берганимми додини?

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
Ақлу ҳушин Азозилга олдирган,
Ғазабини рашк ўтига солдирган –
Ўша бўлар ожизлиги бандaнинг.
Ҳой, болам-а, шошиб қилич сермадинг,
Шу ақлингга нега навбат бермадинг?

**Амир Темур**
Таёқ этдан,
Сўз суякдан ўтади.
Ор билан ўч ақлга
Йўл бермайин кетади.
Урғочининг ел турмай,
Жалпилласа[6] этаги,
Шу бошига етади.
Мен Аллоҳнинг амрини
Адо этдим, вассалом...

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
Хато қилдинг яна тайин,
Айт, сабабини билайин?
Қонталашар нега кўзинг?
Қалтирайди нега қўлинг?

**Амир Темур**
Ҳа... қўлларимми?
Қўлларим...
Буни била олмадим мен...

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
Гуноҳингни сен бўйнингга
Ололмасанг, мен айтаман:
Кўзларинг қонталашгани –
Айбсизга гуноҳ ортганинг!
Қўлларинг қалтирагани –
Ўзинг гуноҳга ботганинг!

**Амир Темур**
Бош устимда ўйнагандай
Парвардигорнинг таёғи,
Кўзингиздан отилади
Ёй ўқи – бўшар садоғи!
Не бўляпти, ё пирим-эй,
Ёвуқлашдими адоғим?

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
“Бесабаб қон тўкмайман” деган,
“Касни ноҳақ сўкмайман” деган
Ваъданг қайда қолди, чирофим?

6 Жалпилламоқ (шева сўзи) – силкинмоқ.

**Амир Темур**
Қон тўкмадим,
Жазо бердим-ку, ахир?

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
Аллоҳ жазо бермасмиди?
Банда унга кўнмасмиди?

**Амир Темур**
Тахтга ўтирган Амир,
Отга минган суворий
Эмасмиди, улуғ пир?

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
Тахтингга ўтирганинг
Ҳақдан безганингми, айт?

**Амир Темур**
Асло бундай демангиз –
Мен отамнинг ўғлиман,
Аллоҳимнинг қулиман...

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
Қулон ҳумой бўлсам дейди,
Қул ҳам Худой бўлсам дейди –
Шундай қилиб бузилади.
Ҳақ қаҳрига дуч келади.
Аллоҳимнинг қаҳри ёмон
На шоҳ, на қул топар омон,
Ноҳақ ўлим кечирмайди
Ҳеч бир кимсани ҳеч қачон!

**Амир Темур**
*(Талвасага тушиб)*

Жон, бобожон,
Ё, пирим!
Бу дунёда не сирим
Бўлса, сизга айтардим.
Эмланг фақирнинг дардин.

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
Чироғим,
Мендан эмас,
Буни Аллоҳдан сўра...

*(Кетиб боради)*

**Амир Темур**
Мени қолдириб танҳо...

*(Атрофига аланглаб)*

Қайдан чиқди акс-садо?
Бу кун нелар берди рўй?..

**Хўжа Аҳмад Яссавий**
*(Акс-садога айланиб)*

Аллоҳ амри кечикмас,
Фақат ғафлатда қолма,
Фақат ғафлатда қолма...

*Амир Темур уйғониб кетади. Руҳсизлик кайфиятидан қутула олмай, Имом Баракани чақиртиради.*

**Амир Темур**
Битта ёмон туш кўрдим...
Пирим сочди заҳрини.
Энди кўрсатмаса, бас,
Ҳақ Таоло қаҳрини...

**Имом Барака**
Бўйсуниш ҳам, хулқинг ҳам
Ҳақ измида, дедим-ку...
Недан чўчидинг, бундай
Одатинг йўқ эди-ку?

**Амир Темур**
Чўчитди кўрган тушим,
Бошимдан учди ҳушим.
Тоқатимдан айрилиб,
Дардланмасам бўлгайди.
Манзилимдан эртароқ
Отланмасам бўлгайди...

**Имом Барака**
Аллоҳдан келган фармон –
Бандага бўлар армон.
Манглайга ёзилганин
Толеингдан кўрарсан,
Фарзинг бўлса – ўтарсан,
Қарзинг бўлса – тўларсан...

**Амир Темур**
Фарз... қарз...
Иккови ҳам баробар
Қўш елкадан босади,
Иш бошимдан ошади...

**Имом Барака**
Ҳа, бўтам,
Икковин ҳам кучи тенг,
Бир-бирига қарамас.

*(Бироз тўхтаб туриб)*

Ундай бўлса, кўрпага
Бурканишинг ярамас!

*(Қўлтиғидан кўтариб)*

Бўлди, тургин,
Отга мин!
Туёқлар дупуридан
Эсини йиғиб олсин
Дунё деган чала маст!!.

*(Қўлини дуога очиб)*

Белдан тушмай яроғинг,
Бардам бўлгин, қароғим!
Бардам бўлгин, қароғим...
Омин!

**Хотима**

*Қора кўланка. Саҳна бурчагида икки қўлига икки чироқни ушлаган Амир Темур шитоб билан олд томон юриб келади. Атроф ёруғлашиб, қора кўланка қоча бошлайди.*

**Амир Темур**

Ўнг қўлимда – бир чироқ,
Сўл қўлимда – бир чироқ.
Кўнглимда – минг-минг гумон,
Бўғзимда – шунча сўроқ...
Жоним қандай тин олсин
Ёруғлик турса ўраб,
Гўёки мен онадан
Туғилгандай хун сўраб?

*(Саҳна олдига яқинлашиб келади)*

Ўнг қўлимда ёғду бор,
Сўл қўлимда ёғду бор.
Қўшилганда қўш чироқ,
Дўзах элин тарк этиб,
Жаннатларин танидим.
Тугамасин, илоҳим,
Ёруғлигу юришим!!!

*Саҳнанинг ҳар тарафидан аскарбошилар, навкарлар, амирзодалар, уламою дин пешволари ва ҳоказолар чиқиб келиб, қиямасига қуршаб, қўллаб-қувватлаб, шовқин-сурон солади.*

Қабул бўлсин қаловинг,
Ўнгдан келсин тиловинг!
Қўлларингдан чиқарма
Бу дунёнинг жиловин!
Авлодинг бош-қош бўлсин
Туркнинг улуғ элига!!!
Туркнинг улуғ элига!!!

**Тамом**

**ФАХРИЁР таржимаси**



***ФАХРИЁР –*** *1963 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Дарднинг шакли”, “Аёлгу”,“Излам”, “Геометрик баҳор”, шеърий тўпламлари, “Янгиланиш анъаналари” публицистик мақолалар тўплами нашр этилган.*

# “Сўзим халқ оғзида қолса розиман...”



**Мухаммеддин БАУЕТДИНОВ**

Узақбай Пиржанов XX аср қорақалпоқ адабиётида ўз ўрни, ўз йўлига эга ижодкорлардан. 1937 йил 18 августкуни Қорақалпоғистон Республикасининг ҳозирги Бўзатов тумани, “Эркиндарё” элатининг Хўжа қишлоғида туғилиб, 1957–1966 йиллари Нукус давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида таълим олган Узақбой Пиржанов 1963–1977 йиллари Қорақалпоғистоннинг бадиий адабиёт, танқид ва ижтимоий тафаккур нашри бўлган “Амударё” журналида назм ва наср бўлимларини бошқарган. 1978–1989 йиллари “Қорақалпоғистон” нашриётида, 1990–1995 йиллар эса Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясида етакчи муҳаррир лавозимларида фаолият олиб борган. Марказий ижтимоий-сиёсий газета ва журналларида адабий танқид ва адабиёт назарияси соҳасига оид кўплаб публицистик ва танқидий мақолалари билан танилган. Аммо шу билан бирга Узақбой Пиржанов қорақалпоқ адабиётида ўтган асрнинг 60-йиллариданоқ янгича руҳ, янгича нуқтаи назар, адабиётдаги янгиланиш белгиларини ифодаловчи ўзига хос шеърияти, мардлик, инсон психологиясининг очилмаган қирралари, аччиқ ҳақиқат билан суғорилган, ўйлашга, ўзликни англашга чорловчи насрий асарлари билан ҳам алоҳида эътибор қозонган.

Маълумки қорақалпоқ шеърияти ўзига хос ғоявий, жанрий, шакл ва бадиий кўриниши билан ажралиб туради. Узақбой Пиржанов лирикасида худди шу жиҳатлар янада ёрқин ифодаланган. Шоир ўз шеърларида жамиятда учрайдиган инсонийликка ёт салбий иллатлар, жумладан кибр, ёлғончилик, манманлик, амалпарастликлардан нафратланиш, шу билан бирга чидамлилик, донолик, виждон билан иш тутиш, инсоф, инсонийлик, ҳақиқатни улуғлаш ғояларини ҳам алоҳида қаламга олади. Унинг “Аскарнинг беваси”, “Ўша кунни кўргайман”, “Геологлар”, “Хоннинг қизи”, “Мен сизларга ишонаман”, “Ўқиб юрибман қайтадан”, “Қорақалпоқман”, “Ғалаба”, “Цитата”, “Лўли қизи”, “Қадимги дунё

---

***Мухаммеддин БАУЕТДИНОВ*** *– 1996 йилида туғилган. Нукус давлат университетини тамомлаган. Илмий-публицистик мақолалари республика матбуотида эълон қилинган.*

тарихи саҳифаларидан”, “Диалог”, “Арабларга ҳамдардлик”, “Аймерекенинг айтганларидан”, “Қалпоқли радио”, “Эрназар Алакўзнинг тўлғови” ва бошқа шеърлари шулар жумласидандир.

Узақбай Пиржановнинг бутун ижодий фаолияти қарама-қаршиликлар ичида ўтди. Аммо шунга қарамай у бадиий адабиёт, айниқса, ижодкор шахснинг улкан масъулияти ҳақида ўз нуқтаи назарларини дадиллик билан баён қилди.

Масалан унинг “Цитата” шеърида:

*Шапатидай мақола ёзса ҳам – цитата,*
*Кенг қулоч қилиб ёзса ҳам – цитата.*
*Пастида манбаси,*
*Юқорисида цитата,*
*Ўртасида ҳам цитата,*
*Та-та-та*
*Цитата!!!*

*Сабаби бу ҳар доимгидек*
*Белинский бундоқ деган бўлиб,*
*Цитатани келтириб,*
*Қўш тирноқни ёпади –*
*Ёпади-да кейинига:*
*“Десак муболаға бўлмайди”, деб*
*Чираниб ҳам олади.*
*Цитата!*

каби жумлари орқали адабиётшунослик илми йўлидаги айрим олимларларнинг сифатсиз ишлариини танқид қилиб, улар устидан кулади, бошқа илмий ишлардан йирик-йирик иқтибослар келтириб, ўз илмий концепциясини очиқ-ойдин кўрсата олмайдиган, ҳатто бундан қўрқадиган олимлар образини очиб беради. Шоирнинг мазкур шеърига поляк адиби Станислав Ежи Лецнинг: “У қўрқоқлигидан ўз фикрларини бировларнинг калласида сақлар эди”, деган жумласини эпиграф сифатида қўллаши эса асар маъносини янада очиқ ифодалашда қўл келган. Шеърдаги шоир образидаги лирик қаҳрамон ўз фикрига эга бўлмаган олим-танқидчиларнинг ҳаракатларидан норози бўлади, уларни ўз тадқиқотларини манбабозлик билан ифодаламай, илмнинг асл моҳиятини тушунтиришга чақиради. Бу каби шеърлардан эса шоирнинг ўзи чин маънода адабиёт жонкуяри бўлганлигини англаш мумкин.

Узақбай Пиржанов лирикаси халқчиллиги, самимий ва юракка яқинлиги, миллий соз ирғоқларига майиллиги туфайли таниқли бастакорлар Қудайберган Турдиқулов ва Шарапатдин Пахратдиновлар томонидан мусиқалаштирилган. Бу қўшиқлар, айниқса, машҳур қорақалпоқ санъаткори Далибай Мамбетмуратов ижросида кенг танилди.

Ёзувчи Узақбай Пиржановнинг “Сурат”, “Оқ тол остидаги оқшом”, “Қорда қолган излар”, “Қизил кендирнинг гуллари”, “Апрелнинг сўнгги оқшоми” қиссалари қорақалпоқ адабиёти учун катта адабий мерос бўлиб қолди. Мазкур қиссалар қаҳрамон характери эволюцияси ва ҳаётий ҳақиқатнинг бежалмай, аниқ-тиниқ ифодалангани билан ҳам ажралиб туради. Бошқа адиблардан фарқли равишда қуруқ баёнчиликдан йироқ, қаҳрамонлар тақдири ва ҳаёт ҳақиқати лиро-психологик усулда ҳаракатга келтирилган ушбу асарлар муваффақиятли услуби замирида нинг жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилган қатор таржималари

таъсир ва самараси борлиги шубҳасиздир. Чунки Узақбай Пиржанов дунёга машҳур “Амир Темур тузуклари”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Турклар шажараси”, Чингиз Айтматовнинг деярли барча асарлари, жумладан, “Алвидо, эй Гулсари”, “Сарвиқомат дилбарим”, “Эрта қайтган турналар” қиссалари ва “Асрга татигулик кун” романини, Махтимқули, Кришан Чандр, Станислав Ежи Лец, Михаил Булгаков, Михаил Зощенко, Григорий Бакланов, Юрий Леонтичев асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилган.

Чингиз Айтматовни ўз руҳий ва маънавий устози деб билган Узақбай Пиржанов ўз вақтида адиб билан учрашиб, ўзаро адабий алоқаларни ҳам йўлга қўйган. Чингиз Айтматов ҳам қорақалпоқ ёзувчиси Узақбай Пиржанов ижодига юқори баҳо берган.

Узақбай Пиржанов жаҳон дурдона асарларидан бири Уильям Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” трагедиясини қорақалпоқ тилига таржима қилган ва бу асар 2007–2008 йиллари “Амударё” журналида чоп этилган. 2021 йилнинг март ойида эса Нукус шаҳридаги Ёш томашабинлар театрида мазкур трагедия премьераси (режиссёр: А.Қудайназаров) бўлиб ўтиб, кенг жамоатчилик бу спектаклни илк бор қорақалпоқ тилида томоша қилишга муваффақ бўлди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг таниқли адиби Нурали Қабулнинг ёзувчи ҳақида “Классикларни таржима қилиш учун таржимоннинг ўзи ҳам классик бўлиши керак” деган фикрини келтириб ўтарканмиз, Узақбай Пиржанов дарҳақиқат қорақалпоқ адабиётининг классик ижодкори бўлганини яна бир бор қайд этмоқчимиз.

Узақбай Пиржановнинг турмуш ўртоғи Ширин хоним Халмуратова ҳам иқтидорли шоира сифатида танилган. Унинг “Ўн саккиз баҳор”, “Азиз одамлар”, “Булбул овози тонгда уйғотар мени” номли шеърий тўпламлари кўплаб шеърият ихлосмандлари меҳрини қозонган. Узақбай Пиржанов ва Ширин Халмуратованинг гўзал адабий ҳамда намунали оилавий жуфтлиги ўз бетакрор асарлари билан халқимиз руҳий-маънавий дунёсини янада бойитди. Биргаликда беш фарзандни дунёга келтириб, тарбиялаб, вояга етказган, яна беш невараниng севимли бувиси ва буваси бўлган бу ижодкорлар ўз ҳаётлари давомида доимо оддий турмушдан тортиб кенг адабий муҳит даврасида ҳам барчага ўрнак бўлиб келишди.

Узақбай Пиржанов 2020 йилнинг 4 январь куни Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманида вафот этди. Аммо унинг “Муҳаббат қўшиғи” (1970), “У он баҳор эди” (1977), “Кузги барглар” (1983) шеърий тўпламлари, “Сурат”, “Оқ тол остидаги оқшом” (1974), “Қорда қолган излар”, “Қизил кендирнинг гуллари” (1984), “Апрелнинг сўнгги оқшоми” (1987) қиссалари ва “Оқим” (1981) деб номланган ҳикоялар тўплами нафақат ўз даврида кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўқилди, балки ҳозирги вақтда ҳам китобхонлар талаб ва тавсиялари билан қайта-қайта нашр қилинмоқда.

Бутун ҳаёти давомида шон-шуҳратга қизиқмаган, бадиий адабиёт йўлини, ижодини ҳар қандай унвон ва мукофотлардан юқори қўйган Узақбай Пиржановни адабиёт шайдолари ҳамон ҳақиқий халқчил ёзувчи, халқ шоири сифатида қадрлайди. Ўз шеърларидан бирида:

*Халқ – денгиз, мен бир ёлғиз томчиман,*
*Силдираб ета олсам йўлда тугамай.*
*Сўзим халқ оғзида қолса розиман,*
*Майли ўчсин исми-номим айтилмай.*

деб ёзган Узақбай Пиржанов қорақалпоқ халқи қалбида адабиётининг етук ижодкори, ўз эли чин жонкуяри, фарзанди сифатида барҳаёт қолишига ишонамиз.



**Фотима**
**АБДУРАИМОВА**

# Илинж

*(Бир ошиқ йигитнинг кўнгил кечинмалари)*

*Новелла*

Куз кунларининг бири.

Кетиб боряпман. Қўлимда халта-тўрва. Уйимдан юборилган бир нималар тўлғизилган ва яна майиз, қурут, бодом. Айниқса мен хуш кўрадиган қовоқни айтмайсизми? Қовоқ солиб ёпилган нон ҳиди шундоқ димоғимни қитиқлаб турарди. Шайтон қурмагур: “Шу ернинг ўзида ўша нонлардан биттасини паққос тушир!..” дейди-ю, аммо ҳамхоналарим йўлимга ойдек қараб ўтирганини эслаб. Шайтонга ҳай бердим.

Кетиб боряпман. Кўзларимда қувонч. Нима бўлди-ю, атир ҳиди анқиди димоғимга. Ортимга ўгирилдим. Шунда, шунда…

Сизни кўрдиму...

Ҳа, сизни илк даъфа кўрган он тўхтаб қолгандек бўлди томиримда қон! Сезган бўлсангиз, шу куни тонг ҳам ажиб бир тароват билан, ол тусда товланаётган уфқ ҳам илоҳий кўриниш кашф этиб отган эди. Тонгданоқ қадам товушлари, қатнов овозлари кўчани тўлдириб юборди. Шу куннинг очиқ, қуёшли кучоғи қувончга, шодиёнага тўлиб кетган, бағри тўлиқ кўчаларнинг янгроқ кулгиси кўкни тутган эди. Хушчақчақ оломон ясан-тусан, батартиб қатнов ясан тусан, басавлат бинолар ясан-тусан. Ясан-тусан... Ҳатто йўлакларнинг азамат посбонлари – дарахтлар ҳам япроқларини шилдиратиб қарсак чаларди гўё. Қўлларда ҳилпираб бораётган алвон байроқчалардек!

Биз ёшлар ғоят шод эдик. Ахир тонгданоқ ҳар уйга ҳар дилга хушкайфият улашаётган бугунги байрам катта шодиёналик куни эди-да. Ҳа-а, тонгданоқ ҳар жабҳада, ҳар лаҳзада кўтаринкилик руҳи кезаётган бугунги байрам ўзгача байрам эди!

---

***Фотима АБДУРАИМОВА** – 1971 йилда туғилган. Унинг “Яхшилик” (таржималар), “Соғинч”, “Тушда ўргатилган илм” номли насрий китоблари эълон қилинган.*

Қўлимда тўрва халта кўтариб олган куним эди. Кутилмаганда юзма-юз келиб қолдик. Шунчаки бир назар ташладингиз менга. Шошиб ўтиб кетмоқчи бўлдингиз. Йўқ, яна қарадингиз. Ана, яна... Ҳайрат тўла ўтли нигоҳлар! Тикилиб қолдингиз. Нигоҳингиздан олов сачради қалбимга. Вужудимни жимирлатиб, ўт чақин югурди танамга. Юрагим тўлқинланиб ҳаприқиб кетди бунчалар?!

Сиз ўтиб кетдингиз. Бир муддат тўхтаб ўтиб кетдингиз. Шундоқ ёнгинамдан. Хушбўй атир ҳидини уфуриб, оташ эпкин урилди димоғимга. Хушбўй оташ нафасингиз... Илгари эшитгандим: "Ҳазрати аёл нафаси инсонга мисли кўрилмаган буюк кудрат ато этади". Чин экан! Мен ҳам қаддимни тикладим, вужудимга аллақандай куч иниб: худди саратонда бўғриқиб турган нимжонгина ниҳолнинг кўксига шабада текканидай, худди томирига оби ҳаёт инган саҳро явшанидек... Оломон орасида хушҳол, бир ажиб ҳисдан энтикиб-энтикиб турар эдим мен!..

* * *

Орадан олти кун ўтди. Гўё олти йил ўтди орадан. Сизни қўмсаб, сизга интиқ бўлиб кечди олти кун. Ва ниҳоят!..

Тасодифан яна учрашиб қолдик. Бу гал ёлғиз эмасдингиз. Қизлар билан келардингиз. Бири-биридан сулув бир гуруҳ қизлар ила. Сулувларни на қилай? Мен сиздан – гуруҳ юлдуз ичра ёниб турган Чўлпондан кўз узолмасдим. Сиз эса кўрмасдингиз мени.

Менга кўзингиз тушганда эса... Тўхтаб қолдингиз. Нигоҳингизда бир учқун "ялт" этди. Киприкларингиз пирпираб кетди. Лаҳзалар... – Соҳибжамол! Исмингизни билкис айтган дугонангизнинг овозидан чўчиб тушдингиз. Елкангиздаги сумкангизни бир силтаб қўйиб, юриб кетдингиз. Қизлардан илдамлаб кетдингиз.

Дугоналарингиз билан кириб кетган қўшқаватли эшик тепасига қарайман: "Рус тили ва адабиёти факультети". Шу заҳоти хиёбоннинг нариги томонидаги эшик тепасига қарайман беихтиёр: "Тарих факультети". О, қаранг-а, ёнма-ён биноларда ўқир эканмиз-ку! Эшик билан эшик ораси эллик одимча! Наҳотки сизни ҳеч илгари кўрмаганман? Шунча вақтдан бери-я? Ҳам ҳайратдан ҳам қувончдан дилим яйраб, дарсга чопдим: "Соҳибжамол!.. Соҳибжамол!!. Ёнгинамда у!.."

* * *

Энди мен сизни ҳар куни кўраман. Ҳар куни учратаман сизни, Соҳибжамол. Гоҳ ёлғиз, гоҳо қизлар билан, гоҳида... йигитлар билан ҳам. Нима ҳақда сўзлайди улар? Йигитлар билан кўрганда сизни, негадир, руҳимда бир ғалаён пайдо бўлади! Уларнинг биттаси ҳам сизга муносиб эмас. Тенгингизмас! Ким бўлибди улар сизнинг олдингизда? Ойдай оразингиз олдида ким улар? Ҳеч ким! Бир сурув "вақ-вақа"лар! Мен сизни ўша тўпорилардан қизғанаман. Сиз яхшисиз, Соҳибжамол, фариштасиз! Йўлатманг уларни ёнингизга. Қувиб солинг!..

Нималар деб валдираяпман ўзи? Ахир биз ҳанузгача бир оғиз ҳам гаплашмадик-ку? Сиз менинг исмимниям билмайсиз-ку! Мен сизнинг тенгингизманми? Муносибманми мен сизга?

Мен асли овулликман. "Тандирлиовул" дейилади овулимиз. Кулоллар овули. Ражаб кулол, Муҳаммад кулол, Хайдарбек кулол, Машарип кулол... Эҳ-ҳе, шулар сингари донғи довон ошган усталар овули. Овулни ёдга олсам, негадир нуқул болалигим эсимга келади. Хаёлимда болалигим ҳайқириб сурон солиб туради. Ҳамиша шундай. Овулимиз лавҳалари ўтган лаҳзалар жонланаверади кўз ўнгимда. Ана, том бошида ориққина буғдойранг болакай! Устида пахталик нимча, бошида қулоқлари шалпайган кўримсиз қулоқчин. Оёғида товони ейилиб кетган кирза этик. Қўлида дафтарнинг бир варағидан ишланган варрак... У хуштак чалиб "шамол" чақириб турибди. Шамол бўлмаса варраги учмайди-да? У варракни қўйвориб, чопа бошлади. Икки кўзи варракда. Шох ташлай, шох ташлай кўкка аранг кўтарилаётган варракнинг қизиғи билан болакай бехосдан томнинг қиррасига келиб қолганини сезмади. "Учиб" тушди пастга. Бир ўлимдан қолди, болакай, қўлини чиқариб олди...

Ана "чўкиб" ётган туя қаршисида турибди бир бола! Туяни кўп кўрган у, лекин миниб кўрмаган-да. Азбаройи қизиққандан ётган туянинг устига сакраб минди у. Туя туришга тараддудланди. Бола тез энгашиб, бўйнига ёпишди. Болакай билмасди, ҳа, туя туришга чоғланган пайтда дастлаб орқа оёқлари кўтарилишини билмасди болакай. Орқа оёқлар кўтарилиши биланоқ туянинг бўйнидан унбалоқ ошиб, қоқ яғрини билан ерга тушди болакай. Урра қочди, туяни ҳайрон қолдириб...

Ана, пойгада от чопиб келяпти бир чавандоз бола! Биринчи марта. Шунданми, жиловни маҳкам ушлаган жажжи қўллари қотиб қолган. Тагидаги тулпор пишқириб, сувлиқни тортқилайди. Бола сувлиқни ўз ҳолига қўймаяпти. Ранги оқариб, кўзидан ёш дувиллайди. Қулоқлари остида шамол гувуллайди. Ниҳоят марра чизиғидан охирида ўтди болакай. Отга ўта ишқибоз бобоси, ёнбошдан от қўшиб чиққан жаҳлдор бобоси болакайнинг боши узра қамчи кўтарди.Ўрама қамчи ёш чавандознинг кўйлагини тилиб ўтди. Хўрлиги келганидан қумга ағанаб йиғлаяпти болакай...

Ана ...

Лавҳалар, лаҳзалар... Кўп ва ранг-баранг!

Соҳибжамол, ўша том бошида варрак учирган ҳам, туя минган ҳам, пойгадаги сўтак чавандоз ҳам мен эдим. Ҳаммаси шу "Тандирлиовул" кенг даласида юз берган. Мен шу овулда ўсдим, шу овулда ўқидим. Камолга етганман шу овулда. Шу овул мени, онамнинг таъбири билан айтсам, "катта ўқишга – мустақил ҳаёт"га кузатиб қолди бултур. Ўқияпман, мана. Бахтим бор эканки, сизни учратдим бу ерда. Сиз эса... Мени танимайсиз ҳали. Исмимниям билмайсиз. Бир оғиз гаплашмадик... Ақалли бир оғиз сўзам-а?

"Сабр қил, Тонготар, дейман ўзимни-ўзим юпатиб. Сабр таги сариқ олтин эришасан орзуинга. Ҳали ширин-ширин дамлар кечур бошингдан ул малак ила. Бафуржа-бафуржа гапириб ҳам берарсан ҳали овул ҳангомаларидан..." Қанийди!..

Бир кўришданок севиб қолиш мумкинми?

Ёдимда, бу ҳақда ўтган йили, биринчи босқич пайтимизда баҳс, кечами ўтказилган эди. Карим деган йигит бўйнини чўзиб, ҳаммадан олдин шовқин кўтарганди:

– Мумкин эмас!

Каримнинг фикрига Роҳила деган қиз ҳам қўшилди:

– Мумкин эмас. Ишқ бошқа ҳавас бошқа!

Кимдир қичқирди:

– Мумкин! Кимдир дўриллаб қичқирганни маъқуллади:

– Мумкин! Достон қилса арзигулик севги у!

– Мумкин эмас. Кўтар достонингни!

– Ҳиссизлар!..

Ўшанда баҳсимиз жанжал билан тугаган.

Ҳозир ҳам хаёлларим алғов-далғов. Бир кўришданоқ севиб қолиш мумкинми? Ўйга толаман. "Ишқ оромингни ўғирлайди". Оромим йўқлиги рост. "Ҳижронидан кўзга олам тор эрур, "Ҳа, ўқишга борсам ҳам, аудиторияга сиғмай кетаман. Ётоқхонага келсам тор кулбамга сиғмай кетаман. Кўчага отиламан. Оломон орасига ураман ўзни.Таскин излайман дилга! Шу ишқмикин ё? Ҳавасмикин ё? Хаёлмикин ё?..

* * *

Бугун биринчи марта гаплашдик сиз билан, тўғриси. Гаплашма... Йўқ. Гаплашдик!

Хиёбон олдида юзма-юз келиб қолди-ку, сиз:

– Салом, – дедингиз.

Мен ҳам шоша-пиша:

– Салом, – дедим, холос!

Бир оғиз сўз! Шунга ҳам минг марта шукрона айтдим.

Минг маротаба. Ахир жамики хайрли ишлар бир оғиз ширин калом саломдан бошланади-ку?

Шу кун, назаримда, одатдагидан ўзгачароқ кун бўлди. Қандайдир ёрқинроқ, файзлироқ. Ҳар қадамда қувноқ чеҳраларга дуч келардим. Кўркам кўчалардаги машиналар "тарақ- туруғи" ҳам, бекатлардаги оломон ғала-ғовури ҳам, ўйноқи еллар нафаси ҳам, майса кўкатларнинг саси ҳам қулоғимга аллақандай ёқимли мусиқадай эшитиларди. Бари-бари яқинлашиб келаётган тасодифий қувончдан яхшиликдан дарак бераётгандек дилим тобора равшан тортиб борарди. Эзгу инъоми тонг гўё яқин қолгандек... Саломнинг қудрати эмасмикан шу?

Минг марта такрорладим хаёлан: "Салом!" Сенинг ўтли каломингни: "Салом!" Ўзимнинг ҳовлиқиб айтган калимамни ҳам: Салом, отаётган оппоқ тонгларим менинг!"

* * *

Саломлашиб турамиз энди. Саломга алик олиб. Ҳар гал ширингина табассум ҳадя қиласан менга. Оғзимнинг таноби қочиб илжаяман. Эшигингача кузатиб қўяман сени. Лекин сен қайрилиб боқмайсан бошқа."Салом" – тамом.

Яна соядек эргашиб келаётувдим орқангдан. Сезсангиз хам сезмаганга олиб борарингиз. Эшикка яқинлашганда, калта соч дугонангизга қараб:

– Айтганча, бугун мен Замираларникига бормасам керак, – дедингиз қувноқ. Яна қўшиб қўйдингиз. – Учрашувга бормоқчиман!

Қулоғим шанғиллаб кетди. Шу сабаб калта соч дугонангнинг нима деганини аниқ-тиниқ эшитолмадим. Юзларим ловуллаб, туриб қолдим аро йўлда. "Учрашувга боради! У бошқани... Унда пойлоқчидек мен нима қилиб юрибман?..

Уял, Тонготар, қайт орқангга. Ўл, Тонготар..."

Бошимга тоғ қулгандек, ортга қайтдим сўлжайиб. Оёқларимни аранг босиб.

Факультетимиз эшиги олдига борганимда, ўлганнинг устига тепган деганларидек, нақ елкамга бир бало гурсиллаб тушса бўладими? Ўзим ушоққина йигит, зарбнинг эпкинидан эшикка қапишиб кетай дедим. Шарта айландим ортимга. Қарасам курсдошим Зокир!

– Ўв, ҳа?

– "Учрашувга борамизми" дейди ишшайиб.

– Қанақа учрашув? – овозим одатдагидан қаттиқ чиқиб кетди. – Азроил биланми?

– Нега бақирасан, ҳов? Ана эълон, ўқи, ўзинг...

Зокир кўрсатган томонга қарадим. Хиёбон четидаги эълонлар тахтасидаги йирик-йирик ёзувга кўз югуртира кетдим. Бугун "Ўзбекистон Қаҳрамони билан учрашув..." О, гап бу ёқда экан-ку?!

Қаршимда ҳамон анграйиб турган Зокирнинг елкасига мен ҳам гурсиллатиб мушт туширдим:

– Бормаган номард!..

* * *

Охирги қўнғироқ чалиниши билан кулбамга чопдим. Ахир кийимларни ювиш, дазмоллаш... Биласизми, Соҳибжамол, биз бир хонада учовлонмиз: Болғабой, Тўраниёз ва мен. Қишлоқиларимиз! Чинимни айтсам, ҳамхоналарим тилло йигит. Очиққўнгил, мард икковиям. Бири Чимбойдан бири Мўйноқдан. Бирга ўқиймиз. Ўта қалин оғайнилармиз. Кўришмасак туролмаймиз. Лекин шундай бўлса-да, ҳамиша бир-биримизнинг жиғимизга текканимиз-теккан. Айниқса Тўраниёз сал чатоқроқ. Лақабчил, тақво. Болғабойни Чўкичбой дейди. Менга эса бўлмағур лақаб қўйиб олган: Ушоқ хўжа! Ориқ ва жуссам кичик бўлгани учун шундай деса керак, баттол. "Хўжа"сига бало борми? Бунинг устига Чўкичбой онда-сонда лақабимнинг олдига “ҳазрат”ини ҳам қўшиб айтади. Тўраниёзнинг лақабими? Тили аччиқлиги учун биз ҳам унинг исмининг “пластинка”сини терс айлантириб олганмиз Пиёз Тўра! Ҳозир лақабларимизни эшитганда, илгаригидек унча жаҳлимиз чиқмайди. Этимиз ўлиб қолган.

Пиёз Тўра ҳар куни учрашувга ошиқади. Ҳар куни ясан-тусан. Бундан Чўкичбой хуноб кунда, жаҳли қўзийди. Ахир Пиёз Тўрамиз қараб кетмайди. Уст-бошимизни тунаб кетади-да. Бизда ўзи шунақа одат. Учовдан биров учрашувга ё зиёфатга борадиган бўлса, албатта, қолган икковнинг кийимлари ҳисобига "пўрим" бўлиб олади. Бугун энди навбат меники!

Эшикдан кирган заҳоти кўзим стол устидаги хилма-хил ноз-неъматларга тушди. Олма, узум, анор... Ҳатто, шапалоқдек-шапалоқдек япроқлар устига териб қўйилган анжирлар... Ҳайрон бўлиб, каравот устида кавшаниб ўтирган Чўкичбойга саволомуз тикиламан. У эса бу оламдан бутунлай бехабар одамдек, ўз нафси ўпқони билан машғул. Шу пайт орқамдан кимдир келиб, қўллари билан кўзларимни бекитди. Чўкичбойга жон кириб қичқирди:

– Аҳ-ҳа-аа! Айт-чи ким экан? Кимлигини топ-чи?

Қўллар... Бу қўллар менга таниш эди! Кафтидаги ғадир-будир қадоқлари юзимга ботиб борар, ҳарорати пешонамни ёндириб турарди. Кўз олдимда овулимиз жилоланди.

– Ака!

Акам билан қучоқлаша кетдик. Савол-жавобим тамом бўлай демасди. Бу орада Пиёз Тўра келди саланглаб. Столдагиларни кўриб, унинг ҳам кўзи чақнаб кетди. Чунки талабанинг дастурхонида бунақа тўкин емиш жуда кам бўлади-да. Акамнинг келиши биз учун байрамга айланганди.

Акам юзимга тикилиб ўтириб, меҳрибонлик билан аста сўради:

– Рангинг бироз синиққанми, ука?

Шунда "ярқ" этиб ёдимга сиз тушдингиз, Соҳибжамол. "Ярқ" этиб учрашув тушди ёдимга. Қандай бораман энди?

Пиёз Тўра билан Чўкичбой эса шу ондаёқ, менинг таърифимни "дўмбира қилиб "нағмаларини" бошлаб юборишди:

– Бунингиз кеча-кундуз кимнидир ўйлагани-ўйлаган!"

О, Соҳибжамол, Пиёз Тўранинг шу гапини сиз ҳам эшитсайдингиз..."

– Ўқишининг ҳам мазаси қочди ҳафтадан бери!

"Чўкичбойнинг луқмасини эшитсайдингиз, Соҳибжамол..."

– Овқатдан қолди!

– Кунда кўзгу олдида.

Соқолини уч марта қиртишлайди.

– Муштдай иягига жавр бўлди.

– Кўчага қочади.

– Уй зиндон – кўча хандон!

– Адабини бериш керак!

– Аямасдан!.. “Шу қочириқларни эшитсайдингиз, Соҳибжамол..."

Мен қизариб-бўзариб, баҳонамни айтаман акамга:

– Озгина мазам қочиб... Ҳозир яхшиман...

Акам ниманидир сезди, шекилли, жилмайиб қўйди. Бир оғиз гапириб, чақимчи ҳамхоналаримнинг оғзини суваб ўтди:

– Ҳечқиси йўқ. Ҳозир яхши бўлсанг, ука, нур устига аъло нур. Охирида янада яхши бўп кетади.

"О, айтганингиз келсин, ака!.."

Шу кун то тонгача чироғимиз ўчмади.

* * *

Эрталаб каллаи саҳардан кузатиб қўйдик акамни. Автовокзалга етгунимизча Пиёз Тўра билан Чўкичбой яна тўлиб-тошиб, "мадҳим"ни куйлаб боришди. Қайтишда эса мени роса ростакамига қистовга олишди иккови.

– Жўрамизми сен билан? – Биринчи бўлиб Пиёз Тўра ҳужумга ўтди. – Жўрамиз! – Раз шундай экан, оғайним, айтасан бизга ўша қизнинг кимлигини?

“Соҳибжамол... Айтиб бўпман уларга исмингни!.."

Пиёз Тўра тинар-тинмас Чўкичбой хуруж қилди. Унинг бир ярамас одати бор: ҳамсуҳбатини туртиб-нуқиб гапиради. Гапга бир тушиб кетса, ҳангомаси адо қилгунча, туртиб-нуқиб сил қилади одамни. Неча бор айтдик, "Ташла шу бўлмағур қилиғингни!" деб. Ҳар гал, "Тарки одат амримаҳол", дея илжайиб тураверади. У ҳозир ҳам биқинимга бир нуқиб олиб, гапга қўшилди:

– Айтасан, жўра. Ҳеч бўлмаса бўй-бастини, тур-тусини тусмоллаб айтиб бер-да, аҳмоқ?

"Хаёлан суратингни чизаман. Соҳибжамол, чумолибел, қорамағиз... Яна? Қора қош, қора кўз, қора соч... Хўш? Биринчи курсда ўқийди. Асли Берунийдан, шаҳарлик қиз...

Бошқа билмайман.

Билганда ҳам бировларга айтармидим ҳеч?.."

– Яширсанг агар, унда ўзингдан кўр. Сенсизоқ билиб оламану, сени шундай, "мақтайки", номингни эшитган жойни ҳар куни тўқсон тепиб ўтади ўша қиз.

– Агар бехосдан юзма-юз келиб қолсанг унга, – деб аниқлик киритди Пиёз Тўра.

– Манави бодрингдай бурнингнинг холига маймунлар йиғлайди. Ишонавер, Ушоқ хўжам.

– Ҳа-аа хўжам. Ўзинга ёмон.

– Ундан кўра айт. Ўзингга яхши бўлади. "Айтиб бўпман!.." Охири ҳамхоналаримнинг хафсалалари пир бўлди.

– Э-э-э, бизга нима? Айтмасанг айтма! Тумтайди Пиёз Тўра. – Жа-аа пари-ҳурлиқодир ўшанг!

Чўкичбой ҳам навбати билан бир "чўкич" урди:

– Боғи Эрамда юрган фариштадир!

"Ҳа, кўнгил боғимдаги фариштамсан, Соҳибжамол!.."

Сўйламай енгдим уларни бу гал.

Учовлон ўқишга ошиқдик.

* * *

Омадимдан айланай!

Катта танаффус пайтида ошхонадан чиқиб келаётганингизни кўриб қолдим, Соҳибжамол. Ёнингизда ўша калта соч дугонангиз. Нимадандир мамнун, ўзаро хушҳол гурунглашиб келардиларинг. Биз эса – Пиёз Тўра, Чўкичбой, мен – овқатлангани бораётувдик. Сиз билан бир оғиз бўлсаям тиллашиш илинжида, ҳамхоналаримнинг эътиборини жалб қилмай, секин орқада қолдим. Тўғримга келганингизда эса, тўхтадим. Бу сафар ҳам одатдагидек "салом" дедингиз ва... Тўхтаб, қўл узатдингиз! Қўл бериб кўришдингиз бу сафар! Ҳимматингиздан эриб кетдим. Юмшоқ кафтингизниг тафти вужудимни жимирлатиб юборди. Менга қолса, шу дамда момиққина қўлингизни қўйиб юборгим йўқ эди. Нақадар назокатлисиз, Соҳибжамол! Тафтингиздан қалбимга завқ-шавқ, куч-қувват ёғилаётган эди. Шу завқ-шавқ менга журъат ато этди, шу куч-қувват забон ато этди!

– Салом, Соҳибжамол, – дедим дадилроқ. – Кечаги учрашув яхши ўтдими? Шеърият кечасини айтяпман.

– Раҳмат, – дедингиз қўлингизни аста тортиб олаётиб. – Кутганимиздан ҳам аъло бўлди. – Сўнг тезда дугонангизни таништира бошладингиз. – Бу – Жумагул, дугонам. Бирга ўқиймиз.

Жумагулга қўл узатдим.

– Менинг исмим Тонготар. Танишганимдан хурсандман.

– Мен ҳам! – Жумагул шўх қиз экан. Худди эртаклардаги маликалардай бош эгиб, якбора таъзим қилди менга. Кўзлари айёрона кулиб турарди. – Сиз ҳам шу ерда ўқийсизми? Қаердан бўласиз?

– Шу ерда ўқийман. "Тарих"да. Асли Тўрткўлданман. "Тандирлиовул" деган овулидан.

– Ўҳ-ҳў, овулингиз номи қизиқ экан, Тонготар.

– Ажойиб десангиз ярашади, – дейман завқим ошиб. – Овулимизни бир оралаб ўтсангиз, гўё ҳар бир хонадон ҳовлисидан димоғингизга хушбўй нон ҳиди урилгандек бўлади.

– Ўҳ-ҳў, – дейди Жумагул шўх-шодон. – Овулингизда сизга ўхшаган шоиртабиат йигит-қизлари ҳам кўпдир? Шоирона мақтаб юбордингиз-ку?

Бўш келмасликка ҳаракат қилиб, ҳазил бедовига қамчи босаман:

– Бу таъриф ҳали хамир учидан патири, Жумагул. Агар овқатга яхши тўйиб олиб, таърифига жиддий тушиб кетсам борми, унда Боғи Эрам таърифи унинг олдида бир чўпчак бўлиб қолади!

– Ўҳҳ-ҳҳў-ў!..

"Боғи Эрам!.." Бирдан Чўкичбойнинг гапи тушди ёдимга:

"Боғи Эрамда юрган фариштадир!" Ажабмас-ов ҳали "Тандирлиовул"да ҳам. Беихтиёр бизнинг даҳанаки баҳсимизга қулоқ тутиб, майингина жилмайиб турган сизга қарайман, Соҳибжамол. Кўз кўзга тушган заҳоти нигоҳингни Жумагулга бурасан. Жумагул яна бир нарса дейишга чоғланаётганда, уни тўхтатдингиз.

– Сенинг шу шўхлигинг қолмайди-да, Жумагул. Дарсга кеч қолмайлик яна.

– Бўпти, кетдик. Жумагул дарров кўна қолди. Сиз менга қайрилиб, мулойимгина сўрадингиз:

– Шоир демоқчи, Абдулла Ориповнинг китобидан борми сизда?

"Оҳ, овозингиздан сизнинг! Овозингиз қўнғироқдек-а?"

Шу лаҳзада ёлғонниям ямламай ютиб юбордим:

– Бор!

– Бериб турасизми менга? Унинг шеъраларини жуда ёқтираман.

– Албатта обкеб бераман!

“Ҳа-да, Соҳибжамол, обкеб бераман. Сиз сўрайсизу, мен йўқ дейманми? Истаган нарсангизни бажо келтиришга тайёрман!”. Айтган китобингизни ернинг тагидан бўлсаям топиб келаман. Топмаган номард! Агар истасангиз, ўша шоирнинг ўзини ҳам ахтариб топишга қодирман.

– Яхши, – дединг из ва юриб кетдингиз.

– Яхши унда, – деди Жумагул сизга эргашиб бораётиб ва икки-уч одим отиб, яна менга юзланди. – Биз Соҳибжамол билан бир уйда ижарада турамиз, Тонготар! Бердақ кўчаси...

"Бердақ!.. Бердақ!.."

Мен шод эдим.

Уфф!.. Устига-устак яна тантанавор айтишимни қара-я: "Бор!" Ўз оғзимдан чиққан шу қирчанғи луқманинг дастидан кечгача товоним тешилай деди-ёв. "Бор!" Ўйламай айтилган бир чимдим ёлғон ҳам умрнинг эгови экан-ку? Халоватнинг ёви экан. Китоб излаб бормаган дўконим қолмади. Очмаган эшигим, кирмаган тешигим қолмади. Нукуснинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқдим.

Йўқ! Йўқни йўниб бўладими?

Китоб ёзган бегуноҳ шоирни ҳам ёмон кўриб кетдим. Сизга қандай кўринаман энди, Соҳибжамол?

Қуруққўл қайтиб келдим кулбамга. Пиёз Тўра яна кўча санғиб кетган кўринади, йўқ. Чўкичбойнинг ёлғиз ўзи экан уйда. У ҳам зерикиб ётган эканми, мени кўришданоқ каравотидан отиб турди. Сездимки, кундаги одатга кўра чийиллаб, мижғовланади ҳозир. Ҳў, уйсичқон, қани "пи-пи"ла-чи бир!

– О, ҳазрати Ушоқ хўжам, қадамларига ҳасанот! Ўтсинлар тўрга, ўтсинлар. Ие-ие, қовоқлари сал осилган кўринадими? Бу қасри олийга киришингизда, эшик олдида хизматкор фаришталар тантанали кутиб олишмадими? Эҳ, аттанг! Кечирасиз, ҳазрати Ушоқ хўжам, бу хато иккинчи маротоба такрорланмайди. Гуноҳкор қулингизни афву этинг, хўжам, билмабман.

"Ўнгмаган масхарабоз! Ҳазилга бало борми шу дамда? Дардинг билан иши йўқ буларнинг. Отнинг ўлими қарға – қузғунга байрам-да. Тавба!.."

– Валақлайверма, Чўкич!

– Чўкич керак дедингизми? – лақабини эшитгач, баттар авжига минди у. – Нашватидай каллангизда саватдай сочингиз бор, урган билан миянгизга ботмас-ов чўкич? Бир тутум юзингизнинг тўқсон фоизини эгаллаб турган манави бодрингдай бурнингизга урсангиз бошқа гап эди. Яхшиси, сўйлоқ тишли арра обкеб берай? Шундоқ кекирдагингиз устига қўйиб, икки қўлингизниям ишга соласиз: чапга бир тортасиз, ўнгга бир тортасиз. Тўрт тортишда аррахон қилдай бошингизни сапчадай узиб туширади, вассалом! Ёки сиз азият чекмай қўяқолинг, ўзимоқ...

– Бас қил-е! Ўзим ёниб турганда...

– Давоси бир челак бензин. Топишим мумкин. Буюринг, хўжам!

Мен унга тикилиб қолдим. Чўкичбой менинг ҳақиқатан ҳам бир дардда "ёниб" турганимни нигоҳимдан ҳис қилди, шекилли, "артист"лигини зумда йиғиштира қолди. Қўлини елкамга ташлади.

– Нима гап дўстим? – унинг қарашлари жиддий тортган эди.

– Бир китобни излаб топмадим. Ваъда қилувдим бировга.

– Ўша қизгами?

“Мен ростини айтдим, Соҳибжамол!”

– Ҳмм... Демак, топишинг керак, дўстим! – Чўкичбой орқасига айланди-да, бошқа ҳеч нарса демасдан шифоньердаги кийимларини титкилашга тушди. Қаёққа боришини сўрамадим. У шимини киятуриб, тағин ўзи гапирди:

– Сиқилма, дўстим  топамиз. Мен ҳозир бутун ётоқхонани бощдан-оёқ элак-элак қилиб чиқаман. Топамиз. Сен менга номини айт қанақа китоб ўзи?

– Абдулла Ориповнинг шеърлар тўплами. Қайси китоби бўлса-да...

Чўкичбой бошини кўтарди. Сўнг кийиб улгурмаган шимини қайта ечиб, каравотига улоқтирди. Уришмоқчи одамдек энгашиб келди-да, биқинимга бир нуқиб қолди:

– Битта шартим бор. Ҳазрати Ушоқ хўжам, ўша қизнинг исмини айтасан! Чиндан ёрилсанг, китобни ҳозироқ муҳайё қиламан.

“Қувонганимдан исминг оғзимдан беихтиёр чиқиб кетди, Соҳибжамол!”

– Соҳибжамол дегин? Ҳа-а... Исми с-аа-ал эскинамоми? Ўзи қалай?

Мен қуруқ илжайиб туравердим.

– Балосиз, хўжам, ўзингизга соҳиб топибсиз-да. Ҳи-ҳи... Қизиқ-ей, хўжамнинг соҳиби!

– Алжирама, Чўкич!

– Хўп, хўжам. Оғзимга асаларининг...

У шундай деди-да, каравоти остидаги чамадонини тортди. Айтгандай шу заҳотиёқ мен сўраган китобни қўлимга тутқазди:

– Ма, ол. "Сайланма" китоби.

– Раҳмат, Болғабой!

Ҳамхонамни қучоқлаб, ғирра айлантира бошладим. У эса яна "пи-пи" лаб, эски нағмасини тўхтаган жойидан ола кетди:

– Кучни эҳтиёт қилинг, хўжам, арра тортишга ярамай қоласиз. Ие-ие, беланги бўлишга аҳд қилган бўлсангиз, менимас, анави шифоньерни кўтаринг-да!.. Ҳой, жиннимисан, қўйвор-е! Ошқозонни айрон чайгандек қилдинг-ку?..

Мен дўстимни полга "гурс" эткизиб, китобни бағримга босганимча, апил-тапил эшикка отилдим. "Қаёқдасан, Бердақ!.."

* * *

Бу кўчани билардим аввал. Зокир деган курсдошимиз туради бу кўчада. Ҳу, факультет эшиги олдида елкамга бир мушт туширган бор-ку? Ўша пакана. Пакананинг уйига талай борганман. Шу туфайли кўринган кўча номига алаҳламай, энг яқин йўлдан борақолдим. Фақат Зокирнинг квартираси билан сизларнинг квартирангиз ораси анчагина масофа экан.

Дилимда висол шафқи. Киссамда сенга арзимас совғам – бир шиша “Шанель” атри дўппайиб келади.

Эшикни ўзинг очдинг, Соҳибжамол. Кутмаган экансиз! Нигоҳингиздаги ҳайратдан сездим буни. Лекин сездирмасликка тиришиб, шоша-пиша таклиф қилдингиз:

– Ие, келинг. Қандай шамол учирди?

Қизиқ, дабдурустдан шамол... “Мени учирган шамол эмасди, Соҳибжамол. Юрак амри билан "учиб" келганман остонангизга. Қалб уйингизнинг остонасига. Бу уйни на шамол, на чақин оча олади. На безак, на ҳавойи сўз, на кўзёши оча олади?! У ўхшаши йўқ сирли хилқат. Ҳали бекик. Бекик бўлгач, қалб уйингиз остонасида унсиз турибман. Мен учун очиларми у?.."

Уйда ёлғиз эмас экансиз. Тўрдаги кўрпача устида бир йигит – озода кийинган, полвон келбатли, жингалак соч йигит ўтирарди. Мени кўриб унинг нигоҳида ҳам ҳайрат ўти "ялт" этиб ўтди. Ўрнидан туриб кўришди мен билан. Сен эса, Соҳибжаол, бизларни таништирдингиз олдин мени. Кейин йигитни:

– Самандар, курсдошимиз.

Кўрпачага қайта ўтираётган йигит бош ирғаб, маъқьуллаб қўйди.

– Юқорига, тўрга ўтинг, Тонготар, – дединги сиз. Сўнгра негадир қўшиб қўйдингиз. – Жумагул ҳам ҳозир кеп қолар. Қўшни қизлар олдига чиқиб кетганди.

"Жумагулнинг қачон келиши билан нима ишим бор менинг? Менга деса" Саҳройи кабирга" кетмайдими? Қизиқ..."

Негадир қайсарлигим сурон кўтариб қолди:

– Мен сизнинг олдингизга келганман, Соҳибжамол! Кундуз сўраган китобингизни олиб келганман. Мана.

– Ҳа-а...

Китобни олиб жавонга қўйдингиз. "Нега қизариб кетдингиз, Соҳибжамол? Назаримда, овозингиз ҳам ўзгаргандек бўлдими?"

– Раҳмат.

Қани сизни ўша қўнғироқдек овозингиз?

Мен кўп ўтиролмадим. Ортиқ ўтиролмасдим ҳам бу ҳолда!

– Кетасизми?

Бир оғизгина “Қол ёки бироз ўтир”ни нега айтмадингиз, Соҳибжамол?

– Майли... Жумагул ҳам кела қолмади.

Яна Жумагул! Жумагул! Шу тобда кўргани кўзим учиб турувди калта сочингизни! Мен сизни деб... Кўнглим уйини бунчалар вайрон этмасангиз на бўлғай?...

Мен баъзўр турдим ўрнимдан. Бир қўлим ҳамон киссамда эди. “Қандоқ берай совғамни? Курсдошингиз олдида берсам қандоқ бўларкин?” ...Ташқарига юзланганимда эшик ёнидаги стол устига қўйдим атирни. Астагина сиз менга маъноли тикилдингиз.

– Байрам билан табриклаб… – дея олдим холос.

Курсдошингиз ўрнидан турмади. Сиз ҳам.

Эшикдан чиқишда сиз билан хайрлашдимми ўзи? Курсдошингиз билан-чи? Эслолмадим. Беҳуш одамдек эслолмайман.

Йўлакда ёлғиз келардим. Қоронғилик қаърида. Хаёллар гирдобида ёлғиз келардим. Сиз эса ёруғ хонада курсдошингиз билан... Шу бевафо қора тун кўксига ўт қўйиб юборгим келди! Ёндириб юборгим келди шу хиёнаткор туннинг сим-сиё либосини!

Найлай?..

* * *

Уйда яна бир “сюрприз” кутиб турган экан.

Пиёз Тўра ғирт маст, хонанинг ўртасида бешиктебратардек чайқалиб, "Бўзатов"ни баралла янгратиб турибди! На бўлган унга? Ичмасди-ку?

Чўкичбойга қарайман. Қўлларини ёйиб, елка қисади: "Билмайман".

Эшик олдида туриб қолдим. "Бўзатов"нинг юракни сирқиратадиган мунгли мусиқаси бусиз ҳам ўксик ва вайрон дилимни аёвсиз пармалаётган бўлса-да, мен хавотирланиб дўстимга тикиламан. Кўзлари юмиқ, қўллари осилган, куйлаяпти ҳамон:

*Кетар бўлдик энди бизлар бош олиб,*
*Хўш, омон бўл, биздан қолдинг, Бўзатов.*
*Хайрлашайлик қора кўзга ёш олиб,*
*Хўш, омон бўл, биздан қолдинг, Бўзатов...*
*Унга яқин бориб, елкасига қўлимни қўйдим:*

– Тўраниёз, дўстим... Тўхта бир пас, тўхтагин. Кейинроқ биргалашиб айтамиз. Бир пас тўхта, жўра, нима бўлди?

У тин олди. Лекин, кўзини очмади. Шу кўйи алаҳлаётган одамдек, сўнг яна бошлади:

– Бўзатов! Қорақолпоқнинг қайғуси, юрак ноласи... Мен бошқа Бўзатовни ...Бошқа Бўзатовни! Бугун менинг Бўзатовим – юрагимдадир. Юрагим билан шу кунгача яйраб келган ширин ўйларим ашула айтиб хайрлашяпти. Тотли ҳисларим ашула айтиб хўшлашяпти юрагим билан. Ҳаловатим, оромим, тинчим хайрлашяпти гўё. Ташлаб кетишяпти юрагимни. Кимсасиз қоляпти, бўм-бўш қоляпти юрагим. Етим қолди! Шумшайиб! Нолон! Ҳаммаси... Ўша! Нилуфар… У мени бугун икки карра ўлдирди. "Тўраниёз, – деди, – сен менинг энг яқин дўстимсан. Ажралмас акам, овулдошимсан.

Шунинг учун сенгагина ишонаман. Сенганига сиримни айтаман... "О, қанчалар қувондим шунда мен, қанчалар!... Сўнг нима деди де? “Сен манави хатни курсдошинг Комилжонга обориб бер. Бир ётоқхонада турасизлар-ку? Мен..." Севар экан ! Сўқир тақдир, эй, золим фалак! Бундайини эшитганмисан ҳеч? Кўрганмисан ҳеч? Ахир уни мен севардим-ку? Уни деб, уни деб орқасидан эргашиб ўқишга

келгандим-ку? Мен уни деб, уни деб... Икки карра ўлдирди мени. Мен, бахтиқаро, обориб бердим хатни. Бир парча чўғ кўтаргандек ... Обориб бердим... У – бахтиёр ошиқ мени ароқ билан сийлади. Иккаламиз ичдик. У қувонганидан кўкка учгудек бўлиб, мен ҳасратдан ёрилиб кетардек бўлиб... Ҳо-ҳо-ҳо...

Тўраниёзнинг елкасидан қучиб туриб, сени ўйлаб кетдим, Соҳибжамол. Уйингиз олдидаги ўйларим қайтадан ёпирилиб келди хотиримга. "Қалб уйи... Бу уйни на шамол, на чақин, оча олади. На безак, на ҳавойи сўз, на кўзёши оча олади!..." Рост, Соҳибжамол. Чирой очолса, шу хушсурат Тўраниёз очоларди. Ашула очолса, шу хушовоз Тўраниёз очоларди. Куч очолса, шу алпқомат Тўраниёз очоларди!.. Очоларди.. Ҳа, икки қалб ҳамоҳанг тепмагунича очилмайди у!

Тўраниёзга ачинаман. Кўзда қатра ёши бўлмаса-да, дилдан, ич-ичидан йиғлади, сал юпанди у.

Болғабойни аяб турибман. Дўстининг дардига шерик бўлиб, кўзда қатра ёши бўлмаса-да , дилдан, ич-ичидан йиғлади у. Дўстининг дардини тафтини олди.

Менга ким ачиниб, ким аяйди мени? Қандоқ айтай? Дилдаги шашқатор ёшимни қандоқ артай? Қўққисдан ёпирилиб келган икки ғам-икки тўлқин юрагимни исканжага олиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди!...

Шу куни кулбамизда машҳур "Бўзатов" яна янгради. Бу сафар уч овоз, бир дард ила...

* * *

Ҳис-туйғулар қасри – кўнгил. Кўнгилнинг ойнаси – кўздир. Кўз кўзга тушганда ҳожат йўқ сўзга. Сўзсиз сўйлайдиган лаҳзаларнинг эса инсон хотирида умри боқийдир, Соҳибжамол.

Бундай ўчмас лаҳзалар озмунчамиди?

Мен бугун яна бир ҳикматни теранроқ англагандекман. Одам тафтини одам оларкан. Қўққисдан келган қувонч ёхуд қўққисдан келган ташвиш одамларни янада жипслаштираркан. Гўё бир вужудга бирлаштириб юбораркан. Бу инсонийлик мазмуни, бу-кўнгли яқинлик нишонаси, бу – хайрихоҳлик туйғусининг барқарорлигидандир. Бари жам бўлиб бачканаликка, ялтироқ сўзга, ҳавойи ҳаваслarга барҳам бериб, ярамасликнинг томирига болта ургуси ва ҳузурига ҳамиша вазминликни, ақл-идрокни чорлаб тургусидир!

Ҳа, биз бугун ана шу буюк туйғу таъсирида енгил уйғонган эдик. Назаримда, улғайиб қолгандек бўлдик. Сўзларимиз ҳам жиддий, салмоқли. Ўтиришимиз ҳам вазмин, салобатли.

Бугун лақабларимиз ҳам унут бўлди. Болғабойни Чўкичбой демадик. Тўраниёзни Пиёз Тўра демадик. Мени Ушоқ хўжа дейишмади. Тилларга асл исмимиз кўчди. Эрталабки чой пайтида ана шундай ўтирдик. Ҳар кимнинг хотирида ўзигагина хос бўлган умрбоқий лаҳзалар жонланиб!..

Нима бўлганда ҳам, ўтган шу бир кеча хаёли, жавобсиз ишқ зарбаси, айрилиқ биз учун катта бир сабоқ бўлган эди.

Менга байрам татимади. Сиз йўқ эдингиз, Соҳибжаол.

Қайлардасиз?..

Кун қайтган паллада, ётоқхонамиз қаршисидаги киоска олдида Жумагулни кўрдим. Бир ўзи, ёлғиз эди Жумагул. Қўлида "Саодат"нинг янги сони. Жингалак қилинган калта сочлари силкиниб, менга юзланди у. Бугун ўзига оро бериб,

оққушдек таранган экан дугонанг. Илгари эътибор қилмабман, ғунчадек лаби устида нўхатдай холиям бор экан. Ярашибгина турибди холи. Бу қизнинг олдинги шўх-шаддодлиги, қувлик билан қарашлари, айёрона кулгиси қаёққа кетган? Жуда сипо, жиддийлашиб қолибди-ку бугун?

– Ассалому алейкум, байрамингиз билан!

– Валейкум ассалом! Раҳмат, сизни ҳам.

У шундоқ қаршимга келганида сездим: бўйидан "Шанель" атри уфуриб турарди! Гул-гул уфуриб. Аямай сепган экан қақажон.

Мен ундан сизни сўрадим, Соҳибжамол.

– Эрталаб Самандар билан чиқиб кетишувди... "Ҳм-м... Яна олдингга борибди-да у. Нечун ўралашади?. Бўйи қурсин ғўдайган!...

– Анави курсдоши биланми? – дейман Жумагулга, яна нима айтар экан сиз ҳақда деб.

– Ҳа-аа. Самандар Бибижоннинг ҳамшаҳари. Мактабда ҳам бирга ўқиган экан. Соҳибжамол шундай дейди.

Жумагулга қарайман. Қимтиниб, лоларанг ёноқлари ял-ял ёниб, ўғринча тикиляпти. Намунча сузилмаса у? Нозга бало борми?

– Кеча...

У сўзининг охирини ютиб юборди. Гапирсанг-чи! Хўш, кеча... Соҳибжамол... Нима деди у?..

– Кеча, – яна қайтарди у қизариб. – Самандар Соҳибжамолга исирға совға қилибди.

"Айтадиган янгилигини қара бунинг? "Суюнчи"лаб турган гапини қара? Тавба, сенга нима!..."

– Совғангиз учун рахмат! – деб қолди у дабдурустдан шунда "ялт" этиб қарайман. У эса шартта орқасига қайрилди-да, юриб кетди. Йўқ югуриб кетди.

Мен ағрайиб қолдим. Ёпирай, мен унга қачон совға берибман?.. Атир!.. Наҳотки?.. Эҳ, Соҳибжамол, Соҳибжамол...

Қайлардасиз?

* * *

Кунлар ўтаверди. Поён қилмай менга ҳеч бири...

Сизни кўришга, сиз билан учрашишга ботинолмай қолдим, Соҳибжамол. Зирқираб турарди юрагим. Юзма-юз келганда мен кутмаган совуқ сўзни гапириб қўярсан дея жоним ҳалак. Рости, қалбимдаги ёқимли лаҳзаларнинг қора кафан кийишини сира истамасдим! Шу туфайли сизга дуч келиб қолмасликка тиришиб, аудиториядан чиқмай ўтирардим.

Ўзидан-ўзи қоча оладими одам? Қалбидаги туйғлардан тона оладими? Ҳисларидан кеча оладими одам? Ахир, ўзлигимда сиз, қалбимда сиз, бор ҳисларим сизга тан... Мен ўзимни-ўзим яширолмадим. Қалбим, ҳис-туйғуларим мени тингламади. Оёқларим сотқинлик қилиб, олдингизга судраб борди мени!..

Сиз, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ҳеч нарса ўзгармагандек жилмайибгина турардингиз қаршимда. Кўзим қулоғингиздаги янги исирғага тушди. Кўзимга ўтдек босилди исирға. Нимаси яхши экан? Кўримсизгина-ку? Сизга ярашмай турибди, Соҳибжамол.

– Китобингиз жуда ажойиб экан, Тонготар. – Овозингиз ҳам ўша-ўша. – Бир сидра ўқиб чиқдим. Агар сизга зарур бўлмаса, мен яна ўқимоқчи эдим. Нима дедингиз?

"Нима дейман?"

– Майли, – дедим. Негадир китобниям инъом қилиб юбордим. – Ўша китоб сизники энди.

– О, марҳаматингиз учун раҳмат!

"Нега керак ортиқча мулозамат?"

Бирга қайтдик ўқишдан. Худога минг қатла шукурки ёнингда дугонанг Жумагул йўқ эди. Икков бирга қайтдик. Узун йўлакдан ёнма-ён келардик.

“Айтсаммикан? Нима деркан? Хафа бўлса-я? Кетиб қолса-я? Йўқ...” Эҳ, Соҳибжамол, билсайдингиз, менинг ўзим мужмал одамларни ёмон кўраман. Дилидагисини дангал айтолмайдиган ўртамиёна одамларни жиним суймайди. Ўртамиёналикни ёқтирмайман азал. Ўртамиёна сўз – мажруҳ сўз. Ўртамиёна ашула – қанотсиз қуш. Ўртамиёна одам – бечораларнинг бечораси!... Негадир ҳозир мен ҳам мижғовланаётган эдим. Ўйларим ўртада сарсон эди... Ва ниҳоят, таваккалига қўл чўздим.

– Соҳибжамол, бугун вақтингиз борми?

– Кечқурунми?

– Кечқурун...

– Нимайди? Киногами?

– Ҳа, – деб юбордим жонланиб. Сиз шундай очилиб-ёзилиб кетдингизки!

– Бугун кинога бориш керак. Кўришни маслаҳат қилардим. Албатта боринг, Тонготар. Биз кеча охирги сеансга Самандар билан бирга борган эдик. Ажойиб кино.

Кечқурун Жумагул билан борақолинг? У кўрмади ҳали.

"Яна Жумагул! Яна Самандар! Мени ҳеч ўйлайсизми, Соҳибжамол? Юрагингизнинг бир муюшида менга аталган бир оғиз илиқ сўзингиз йўқмиди? Самандар, Жумагул…"

Ҳақоратланган ҳисларим жунбушга келди:

– Мен сиз билан гаплашмоқчи эдим!

– Гап?.. – сиз менга қарадингиз. – Майли, айтаверинг гапингизни. Ҳозир ҳам гаплашиб келаётган йўқмизми?

– Мен бошқа гап... Умуман , нима десам экан, бошқа ерда айтмоқчийдим гапимни. Ҳолироқ жойда...

Сиз менинг нимани яшираётганимни, нимага айтолмаётганимни сездингиз, шекилли, бирдан сергак тортдингиз. Бир муддат жим қолдингиз. Кейин менга қарамай туриб, аста-секин кескин гапира кетдинг:

– Майли унда, кечқурун, ётоқхона қаршисидаги хиёбонга соат саккизда келинг. Менимча, очиқ гаплашганимиз маъқулга ўхшайди. Бу икковимиз учун ҳам яхши, Тонготар!

Ёнма-ён юриб кетдик. Сиз менга зимдан қараб-қараб қўярдингиз. Ҳаммасини олдиндан уқиб олмоқчидек. Гапларимиз ортиқ қовушмади. Хаёл билан банд эдик икков.

* * *

Хаёл билан кириб келдим уйга. Уйимизда хушвақтлик кутиб олди мени. Хона ўртасидаги думалоқ столимиз атрофида ҳамхоналаримдан бўлак яна бир қиз жилмайиб ўтирибди. Ким бўлдийкин бу гўзал?

Болғабой ўрнидан қўзғалди:

– Кел, Тонготар. Хўш, танишиб қўй, дўстим. Бу – Санамжон. Айтувдим-ку сенга?

– Албатта. Биз ғойибона танишмиз. Хуш келибсиз, Санамжон!

– Болғабой! – деб гапга аралашди Тўраниёз. – Бу дўстинг билан мени таништирмадинг-ку? Қайси сайёрадан келган бу ушоққина бола?

Тўраниёзнинг ҳазилига барчамиз хохолашиб олдик. Санамжон жуда иболи қиз экан. Назокат билан кўришди. Нигоҳида хаё, ўтиришида иффат балқиб турарди. Болғабойнинг оғзидан суви келиб мақтаганидан ҳам зиёда, мафтункор эди Санамжон.

У ҳам талаба. Тошкентда ўқийди. Байрам муносабати билан келиб, энди кетаётган экан. Бугуноқ учармиш Тошкентга.

Ҳамхоналаримнинг қувончида чек йўқ. Болғабой Санамжоннинг атрофида парвона. Тўраниёзнинг хафақонлигидан асар ҳам қолмаган. Худди илгаригидек, шўх, ҳазилкаш. Қизиқ-қизиқ гапларни кетма-кет гапиряпти денг!

Мен ҳам гурунга аралашиб кетдим. Овул ҳақида, Нукус ҳақида, Тошкент ҳақида бўлди гурунгимиз. Ўқишлар ҳақида бўлди талай гурунг. Гурунгимиз ҳар тарафга кўчиб турди. Адо бўлмасди.

Санамжон кулбамизга ўзи билан бир олам қувонч олиб келганди!

Бир кезда Тўраниёз стол остидан оёғимни босиб қолди. Унга ўгирилиб, дарҳол тушундим. "Уларни ёлғиз қолдириш керак". Каллаварам! Нега олдин эсимга келмабди бу? Ахир Санамжоннинг яна бир ярим соатгина вақти бор-ку?

Бараварига баҳона айтиб, Тўраниёз билан кўчага отилдик. Бундан иккаламиз ҳам хурсанд эдик. Чунки Болғабойнинг миннатдорона порлаб турган қўй кўзлари иккаламиз учун ҳам улкан сийлов эди. Яша, Болғабой! Сен Санамжонга, Санамжон эса сенга муносиб. Қандингни ур, жўражон!

Ёнимда Тўраниёз, таниш кўчадан юриб боряпмиз. Қаёққа? Бизга барибир!..

О, Соҳибжамол, ҳозир Болғабойнинг олов юзига ёхуд Санамжоннинг жуфт юлдуздек чақноқ кўзларига бирров қарасайдингиз, севиш, севикли бўлиш нақадар улуғ бахт эканлигини зумда илғаб олардингиз! Нигоҳлари сирли-сирли. Боқишлари ўтли-ўтли. Сўзлари ширин-ширин. Ҳислари тотли-тотли. Нақадар теранлик, нақадар буюклик мужассам бу ўтиришда! Киши дилини орзиқтирувчи энг қадрли лаҳзалар эди. Ҳар нарсага қодир муҳаббат бу. Бу нурга йўғрилган, шуълага қоришиқ, оппоқ толедир!

Бугун биз ҳам учрашамиз, Соҳибжамол. Кечқурун. Хиёбонда. Сизнинг жуфт юлдуздек чақноқ кўзларингиз нималар ваъда қилур менга?

Висолингизга ошиқаман, азизам!

* * *

Кўчада ҳали қатнов тўхтамаган, сершовқин эди.

Неон чироқлари ёғдусига чўмилган нурафшон хиёбонда сизни кутиб турибман ёлғиз. Кеч кузак бўлганиданми, бу ер ҳозир кимсасиз. Йўлакда, гулзорларда сочилиб ётган заъфарон япроқлар. Шумшайиб турган ўриндиқлар устида ҳам қовжираган япроқлар тўпланиб ётибди. Япроқларни хазон урган. Хазонрезги дарахтларнинг учида енгил шабада ўйнайди. Ёқимсиз шабада. Кунлар совиб бораётганди.

Сиздан ҳануз дарак йўқ. Йўқ-йўқ, сиз келасиз, Соҳибжамол. Кундуз нигоҳингиздан уққанман келишингизни. Келишингизни сўзларингиз оҳангидан сезганман. Сиз келасиз, бунга ишончим комил. Балки, шу дамда келаётгандирсиз? Менинг айтадиган гапларимни хаёлан башорат қилаётгандирсиз? Хаёлан жавобини ҳам айтаётгандирсиз, балки?

Мен эса... Хаёл оғушидаман. Саноқли дақиқалардан кейин бўладиган бу учрашувда менга нима насиб бўларкан: ғамми ёки севинч? Ўзимга ўзим далда бераман: “Бардам бўл, сабр қил, эй, сўнгги илинж!” Юракдаги борини дангал айтмоққа, ёнимга шуъладек ёпирилиб келмоқда, Соҳибжамол. Дадил бўл, сенга омад тилайман, эй, сўнгги илинж!..

* * *

Сиз келдингиз.

Юзма-юз турибмиз икков.

Жимлик.

Нигоҳлар тўқнашади. Вужудларни ҳаяжон қамради. Энтикиб кетяпсиз, Соҳибжамол. Маъюс нигоҳларингиз мени қистовга олади: "Айтинг гапингизни!.."

Тилимга сўз келмайди. Менинг дилимда ҳам пўртана. Бир-бирига қарши ҳистуйғулар сурони. Илтижоли ва интиқлик билан тикиламан сизга: "Ўзингиз бир нима деяқолинг, Соҳибжамол..."

Айни шу сукутли лаҳзада журьат қай биримизга тиргак бўларини билмай, орамизда ovoраи сарсон эди.

* * *

Тўсатдан!..

Борлиқнинг қулоғига том битиб, дунё тилсиз қолди. Хиёбон тилсиз. Гулзор карахт. Эллар безабон. Дарахтлар чайқалади овозсиз. Кўчадаги қатнов овозсиз... Қаршимда хоин, лаънати лаҳза қотиб қолди!.. Бари кўз олдимдан чекиниб кетди нари. Йўқлик сари!

Фақат, қорачиғимда сиз, қулоғим остида эса сизнинг кескин овозингиз – бир оғиз сўзингиз тинимсиз жаранглаб турибди: "Мен сизни... Йўқ!.. Йўқ!.. Йўқ!.."

Кимсасиз хиёбонда беҳол, бир оғиз аёзли сўзингиз аёвсиз заҳридан титраб-титраб турардим мен: "Йўқ!.. Йўқ!.. Йўқ!.."

Эҳ, бевофо дунё…



# Одамнинг уйи

*Ҳикоя*

**Шоира ЭРМЕТОВА**

Опа суд биноси ҳовлисига кириб келаётиб, қоровулхонанинг ён тарафида бир қалдирғочнинг безовта бўлиб, гоҳ паст, гоҳ тепага қараб чирқиллаб учаётганини кўрди. Беихтиёр ўша тарафга юрди.

Яқинлашиб қараса, пастда бир қалдирғоч полапони учишга ҳаракат қилиб, турган жойида гир-гир айланарди. Юқорида – бино девори бурчагидаги уяда қолган бошқа полапончалар эса тинмай чирқилларди.

– Ҳакимжон, бу ёққа қараб юборинг, – қоровулхона эшигини тортганча овоз берди опа.

– Лаббай, Адолат опа?

– Мана буни қаранг, қалдирғоч боласи уясидан тушиб кетибди.

– И-ее, учаман деб шошибди-да! Ҳозир нарвон олиб келиб, жойига қўйиб қўяман, опа.

– Эҳтиёт бўлиб жойлаштиринг, уяси ҳам омонатгина турибди, шекилли.

– Хўп, опа. “Қушнинг ҳам уяси бузилмасин”, дейсиз-да.

– Албатта бузилмасин, ҳечам бузилмасин, – деди-да, тез-тез юриб, ишхонаси томон кетди.

Бугун фуқароларни қабул қилиш куни бўлгани учун хонасига кирган опа бир финжон қаҳва ичиб олгач, стол устида турган қоғозларни қўлига олди.

Қарийб ўттиз йилки у одамлар тақдири – муаммолар, низолар, ечим ва хулосалари, ана шу қаршисига ёйиб олиб, ўрганаётгани қоғозлар ортидаги ҳаёт ва ундаги тақдир эгалари билан бирга яшайди. Суд учун кўриб чиққан ишлари ортидан доим адолатли қарорлар чиқарилганидан одамлар унинг Малоҳат исмини ҳам унутган, “Адолат опа” деб чақиришарди.

---

***Шоира ЭРМЕТОВА** – 1979 йилда туғилган. Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг филология факультетини, Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетини, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг магистратура босқичини тамомлаган. "Умид беланчаги", "Шундай яшар одатда одам" номли китоблари чоп этилган.*

Бугун ҳам кун бўйи мерос, алимент, ажрим масалалари билан келган ўнга яқин фуқароларни қабул қилди. Кечга томон яна эшик тақиллади.

– Ассалому алайкум. Мумкинми?

Остонада ёши тахминан ўн саккиз-йигирмалар атрофидаги бир қиз кўринди.

– Ваалейкум ассалом. Келинг, қизим.

Опа ёзишдан тўхтаб, қизни ичкарига таклиф этди.

– Ажрашишга ариза топширмоқчи эдим, шуни маслаҳатлашгани келдим...

Опанинг юраги зирқиради. Ёшгина, қадди-қомати келишган, қош-кўзлари қоп-қора, киприклар узун, бир сўз билан хушрўй ва ёқимли қиз экан. Нега бундай қарорга келган бўлди экан?

– Турмуш қурганингизга қанча вақт бўлди ўзи? – сўради секин.

– Икки йил бўп қолди. Лекин сира яшагим келмаяпти, опажон. Менга ёрдам беринг... – маъюс, ялинчоқ нигоҳи билан умидла унга турмилди қиз.

Қиз билан гаплашиб олган опа унинг исми Моҳичеҳра эканлигини билиб олди.

– Болалигимдан онамдан кўра, дадамни яхши кўрардим, – гап бошлади Моҳичеҳра. – Йўқ, онам ёмонмас, лекин меҳрибон ҳам эмасди. Мендан кўра укамни кўпроқ яхши кўрар, шунгами дугоналаримнинг ойиси билан муносабатини кўриб, ҳавасим келарди. Баъзан мен онамга ўгай эмасмиканман, деб ўйлаб ҳам қолардим.

Дадам камгап, босиқ инсон бўлишига қарамай, укамга ҳам, менга ҳам жуда меҳрибон, шаҳарда ишлар, ишдан келишда иккаламизга, албатта, бирор нарса кўтариб қайтарди.

Рости, уйимизда кўп жанжаллар бўлар ва уларни доим онам бошларди. Онам аввал нолир, кейин овозини кўтариб гапира бошлар, охирида йиғлашга тушарди.

Ўша пайтлар бир қўшнимиз бўларди. Данғиллама уйи, қимматбаҳо машинаси бор, кийиниши зўр... Шу аёл қачонки бизникига чиқса ёки онам уларникига бориб келса, ўша куни уйда жанжал бошланарди.

“Сиз ҳам одамларнинг эридек бўлсангиз-чи! Одамлар дам олишга, саёҳатга боради, тилла тақади. Сиз эса ишлаган пулингизни ҳам эплаб ололмайсиз. Қачон қараса, пул йўқ, пул йўқ! Жонимга ҳам тегиб кетди, бунақа яшаш...”

Онам қанча бақириб уришса ҳам дадам овозини баланд кўтармасди. Ё кетмон олиб, томорқага кириб кетар ёки қармоқ кўтариб, балиқ овлашга, дарё томонга жўнарди.

Биз укам билан ухламай, дадамни кутиб ётардик. Дадам уйга келиб, бизни маҳкам қучоқлаб, “Ўзимнинг ширинларим” деб, ўпиб қўйганидан кейингина ухлардик. Дадамнинг кулиши жуда чиройли эди. Табассуми ҳеч кимникига ўхшамасди.

Бир куни онам уйдаги бор гиламларни ташқарига олиб чиқиб, уйни тозалашга тушиб кетди.

Кейин дадамга қараб: “Гиламларни дарё бўйига олиб бориб ювиб келинг. Барибир янгисини олиб беролмайсиз, чангютгични эса тушимизда кўрсак керак...”, – деди энсасини қотириб.

Дадам онамнинг гапини эшитса ҳам, юзига қарамай, ишини давом эттираверди. Бирпасдан кейин менга қараб: “Моҳи, кетдик, қизим, гилам ювиб келамиз”, – деди. Бизга укам ҳам эргашди.

Дадам билан бирга бирор жойга бориш, бирга иш қилиш маза эди.

Ўша куни ҳам укам иккаламиз хурсанд эдик.

Дадам билан гилам ювишга тушиб кетдик. Укам ҳам бироз қарашгандек бўлди, бир-икки атрофимизда айланиб юрди.

Бир пайт қарасам, дарёга эгилиб олиб нималарнидир гапиряпти.

– Ҳа, Асрор, тушингни сувга айтяпсанми, – дедим кулиб.

– Йўқ, тушимни эмас, ниятларимни айтяпман.

– Жиннимисан, сувга ёмон туш кўрса, айтилади. Ниятлар, орзуларни эса юлдузларга айтади одам, – дедим билағонлик қилиб.

Укам ростданми, дегандек, менга савол назари билан қараб турди-да, “Бизнинг дарёмизга ниятларни ҳам айтиш мумкин”, деб қўлидаги чўпини ўйнатганича нари кетди.

Мен дадамга қарашишда давом этдим. Биринчи гиламни ювиб бўлиб, иккинчисини бошладик.

Бир маҳал узоқдан укамнинг овози эшитилгандек бўлди. Дадам ҳам, мен ҳам бирдан жим бўлиб қулоқ солдик. Бу овоз яна бир марта келди. Дадам иккаламиз ўша томонга югурдик.

Қарасак... укам, укажоним сувда оқиб кетаяпти...

“Асрооооор!” деб, бор овозим билан чинқириб юбордим. Дадамнинг овози алланечук бўғилиб чиқди. Жон ҳолатда ўзини укажоним оқиб кетаётган томонга отди.

Кейин нима бўлганини унча англолмай қолдим. Оёқ-қўлим баравар титрарди. Дарё бўйлаб аввал укам, орқасидан дадам оқиб бораётганини кўриб турибман, қирғоқ бўйлаб уларнинг ортидан югурдимми, эмакладимми, билмайман. Улар кўринмай қолди. Кейин узоқдан югуриб келаётган бир одамнинг шарпасига кўзим тушди. Кейин кимдир мени қўлимдан ушлаб нарироққа олиб кетди. Бирпастда одамлар тўпланди. Ўрнимдан туриб югурай десам, оёғим ўзимга бўйсунмасди.

“Дада, дадажоооон! Асрооор! Укажоооон... Қутқаринглар! Дадажонииииииим... Илтимос, қутқаринглар”, деб атрофимга тўпланган одамларга қараб ялинар, лекин овозимни ўзимдан бошқа ҳеч ким эшитмасди.

Кейин онамни кўргандек бўлдим. Оёқяланг югуриб келаётган онамни... Ўша пайтда ҳушимдан кетган эканман.

Дадамнинг жасадини тўққиз, укамникини ўн икки кундан кейин топишди.

Ҳаётимда мен яхши кўрадиган ва мени яхши кўрадиган энг яқин кишиларимдан бир кунда айрилдим.

Яшашнинг қизиғи қолмади. Кеча-ю кундуз кўзёшларим тинмасди. Туни билан йиғлаб чиқардим.

Онамга ҳам қийин бўлди. Аввалги онамдан асар ҳам қолмади. Ўйчан бўлиб қолди. Дадам билан укамнинг расмини олиб, бағрига босганича: “Мени кечиринглар... Дадаси мени кечиринг... Асроржоним, онанг ўлсин болааам...”, – деб йиғлаб ўтирарди ҳар куни.

Шу-шу дарё томонга оёғимни ҳам босмадим.

Укажонимни орзулари билан оқизиб кетган дарёни ёмон кўриб қолдим.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб, дардимиз бироз унут бўлди.

Бу орада мактабни битирдим. Ўқишга киришга тайёрлана бошладим. Ёмон ўқимаганман, институтга киришимга ишонардим. Қолаверса, дадам “Сени ўқитаман, шифокор бўласан”, дерди. Тиббиёт институтига киришни ният қилиб қўйдим.

Аммо онам ўқишимга рухсат бермади. Пулини ким тўлайди, йиғиштир ўқишингни, деди.

Аввалдан онамнинг бирорта гапига қарши бормаганим учун, бу сафар ҳам индамадим, кўндим.

Орадан бир йил ўтиб, онам мени турмушга узатиш ҳаракатига тушди. Тўғриси, менга ҳеч нарсанинг қизиғи йўқ эди...

Тўй бўлди. Ўн етти ёшимда қишлоғимиздаги Мурод деган йигитга узатишди.

Келин бўлгач, ҳаёт мен ўйлагандан ҳам мураккаб эканлигини тушундим. Ҳовли супуриш, кир ювиш, овқат қилиш, уйдагиларга мулозамат кўрсатиш... Бу вазифаларни эплашга ҳали тайёр эмас эканман. Кучим ҳам, хоҳишим ҳам йўқ экан бунақа юмушларни қилишга.

Бундан ташқари, қайнонам, қайнопаларим бора-бора мени менсимайдиган, келинлик сарполарим яхши бўлмаганини юзимга айтиб, ерга урадиган бўлишди.

Онам эса, “Ишлаб, пул топишим керак”, деб хорижга кетиб қолган, аммам бир-икки марта мендан келиб хабар олиб кетди, холос.

Ҳаётимдаги бу чигалликлар ичида биргина турмуш ўртоғимга бўлган меҳримгина куч берарди.

У менга жуда меҳрибон, доим авайларди. Кун бўйи унинг ишдан келишини кутиб ўтирар, келиши билан уйимиз ҳам, кўнглим ҳам ёришиб кетарди.

Аммо вақт ўтиб, у ҳам онаси, опалари таъсирида ўзгарди. Арзимаган баҳоналар билан жанжал қиладиган, ҳар замонда ичиб келиб, урадиган одат ҳам чиқарди. Мени ҳимоя қиладиган ҳеч кимим йўқлиги учун атайдан шундай қилишини билардим. Агар дадам ёки укам ҳаёт бўлганида менга қўл кўтаришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди.

Шу орада ҳомиладор бўлдим. Вақт ўтиб, қизимиз туғилди.

Чилла даврим эди. Бир куни кечқурун чақалоқнинг тагликларини юваётсам, ташқаридан кимдир чақиргандек бўлди. Ҳамма уйқуда эди. Яхшилаб қулоқ солсам, укамнинг овозига ўхшаб кетди. Беихтиёр югуриб кўчага чиқдим. Чиқсам, ҳеч ким йўқ. Кейин нима бўлганини билмайман. Ярим кечаси уйдагилар ҳовлига чиқса, мен йўқ, юваётганим чақалоқнинг таглиги эса ерда тупроққа қоришиб ётган экан. Мени роса излашибди. Охири дарё бўйидан топиб келишибди.

Ўшанда ўн кунча истималаб, алаҳлаб чиққанман.

Шундан бери уйдагилар менга ғалати қарашади. Ўзини бир нарса қилиб қўяди, жинни бўлиб қолган, деб, ҳаммага айтиб юришибди.

Қайнонам ажраласан, дейди ўғлига, ўғли эса ажрашмоқчи эмас.

Рости, ҳам бошида қизимнинг етим бўлиб қолишини сира истамаган эдим. Лекин бора-бора кўнглим ҳамма нарсадан совуб боряпти.

Ўша куни укам билан дадамнинг орқасидан мен ҳам ўзимни сувга ташласам бўлар экан...

Моҳичеҳра кўзёшларини тўхтатолмай қолди.

Адолат опа исми жисмига мос қизнинг йиғлашини кўриб яна юраги эзилди. Қани эди шу қизгинанинг тақдири ҳам ўзидек чиройли бўлса, ҳатто йиғлаш ярашиб турган кўзлари бахтдан порласа эди!

Одамлар қалбида мудраб ётган чин туйғуларни уйғота оладиган Адолат опа қиз билан узоқ суҳбатлашди. Унинг атрофида яшаётган одамларнинг ҳар бири билан ҳам гаплашиб чиққач, тобора нураб бораётган бир оилани сақлаб қолиш – кечиктириб бўлмайдиган иш эканини ҳис этди. Қиз билан яна кўришишга келишиб, хайрлашди.

Кетар маҳалда қиз бирдан тўхтаб, опага нимадир демоқчи бўлди. Бу сафар унинг нигоҳи у қадар мунгли эмасди, назарида.

Оғир иш кунини якунлаб, уйига отланган опа қоровулхона ёнидан ўтаётиб, эрталабки қалдирғоч полапони эсига тушди. Яқинроқ бориб уяга қаради: қалдирғоч болаларининг боши кўринди. Шу пайт она қалдирғоч учиб келди. Полапонлари чуғурлашиб қолди. Онаси навбати билан улар тумшуғига емак сола бошлади.

– Опа, қушни жойига қўйдим. Ростдан ҳам уяси омонатгина, илиниб турган экан. Тагига тахтача қоқдим, энди уя мустаҳкам бўлди, – деди қоровул йигит хонасидан чиқиб келиб.

– Яхши қилибсиз, яшанг. Савобли иш қилибсиз...

Сўнг қалдирғочу турли қушларнинг кечки чуғуридан кўнгли ёришиб, мамнун бораркан, бирдан юрагини яна ўша ўттиз йиллик оғриқ симиллатди: Қушнинг уйи-ку биров бузмаса, тўзғимайди. Жойида тураверади. Аммо одамларники-чи? Одамларнинг...



**Азимжон ДАВРОНОВ**

# ОТА – Жаноби Мавло ёхуд Ҳамза мактубларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти

“...Боқий каминанинг арзи шулким, жаноби домла хизматларида муқиму мустақимдурман. Бир дарс “Шамсия”дан ва бир дарс “Шарҳи мулло”дан ўқиб турибман. Умид қиламанки, жаноби мавлойимнинг дуолари шарофатила ажаб эмаски, Худои таборак ва тақаддас бу каминага ҳам андак фаҳм ато қилғай. Иншоолло, умид қиламанки, бир хат менга равона қилсалар, токи хотиржам бўлиб ҳаракат қилсам, албатта. Сўнгра акам баъзи бир китобларни “Каломулло”, “Муҳаррам афанди”, “Шарҳи мулло”, “Мухтасари виқоя”, “Шарҳи Абдулло”, “Қофия”, “Шарҳи ҳаракот” дафтарча ва бир карта лозим. Шуларни юборсалар, деб илтимос қилдим... Нури чашмингиз мулло Ҳамза” [1] .

Мазкур мактуб Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг отасига йўллаган мактубларидан бири бўлиб, ёзган хатларининг деярли ҳар бирида у ўзини бебахт, бечора, бефаҳм, иқболсиз, гумроҳ, ноқобил деб, тасвирлайди. Отасидан ҳар беш вақт намозида уни дуо қилишини, падари бузруквори дуолари таъсирида бахту-иқболли, фаҳм-фаросатли бўла олишини айтишни канда қилмайди.

Кўринмоқдаки, ўқув дарсликлари ва илмий манбаларда асосан ўзбек драматургиясининг асосчиси, улуғ шоир сифатида қайд этиб келинадиган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий дастлаб шоир ёки ёзувчи, драматург ёки композитор

1 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 328-бет.

***Азимжон ДАВРОНОВ*** *– 1969 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) ўзбек филологияси факультетини битирган. "Ҳуррият – Ҳамза ижодининг бош масаласи", "Ҳамзанинг "Ўч" номли пьесасида ижтимоий муаммолар талқини", "Ҳамза – жадид адабиётининг намояндаларидан бири" номли илмий мақолалари эълон қилинган.*

бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. 1905–1906 йилларга келиб Шарқ мумтоз адабиётларидан илҳомланиб, севги-муҳаббат мавзусида шеърлар ёзган. Унинг бу туркумдаги шеърлари “Девони Ниҳоний” асарига ҳам киритилган бўлиб, шоирнинг ижоддан бўлак ҳаётидаги асосий мақсад ва интилишлари эса олий даражадаги диний маълумотга эга бўлишга қаратилган эди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1908–1909 йилларда бу ниятни амалга ошириш, яъни диний илмни мукаммал эгаллаш мақсадида Наманган мадрасаларида таҳсил олган. Почта, телефон, телеграф каби алоқа воситалари бўлмаганлиги сабабли Намангандан отасига тез-тез мактублар ёзиб турган. Мактублар, Наманган ва Қўқон шаҳарлари ўртасида савдо-сотиқ ишлари билан қатнаб юрувчи аравакашлар орқали юборилган.

Бўлғуси шоир отасига юборган мактубларидан бирида шундай ёзади: “...Нури чашмингиз Наманган балдасида истиқомат қилиб, илм талабида жанобларининг дуоси билан машғул бўлиб юрибман. Умид қиламанки, жаноблари ҳам беш вақт намоз вақтида дуо билан эсласинлар. Зора жанобларининг дуолари шарофати билан яратувчи ўзининг лутфу карами била бу бечораларни ҳам ўз мақсадларига етказса, ажаб эмас, омин...” [2]

Ушбу мактуб мазмунидан кўринадики, Ҳамза 19–20 ёшларида доимий равишда ибодатда юрган. Ҳар ўқиган намозида ота-онаси ҳақига дуо қилган ва ўз навбатида отасидан ҳам дуо қилиб туришини сўраган. Шу билан бирга барча мактубларида отасига нисбатан юксак ҳурмат ва эҳтиромини ифодалаб келган. Бу эса Ҳамзанинг ота-она тарбиясига эътибори, эҳтиромидан далолат бериш билан бирга унинг мустаҳкам диний эътиқодли мўмин-мусулмон бўлганини билдиради.

Юқоридаги мактуб давомида яна шундай сатрлар бор: “Табаррук мактубингизни мутолаа қилиб шуни билдимки, бундан олдинги хатим сизга етиб бормапти, қайтиб келди. Сабаби шуки, Обидилло махсум муҳаррам ойининг тўртинчисида акамулло эшонқорига бир хат юборган эканлар ҳамда уч сўм пул, китобхонадан уч-тўртта китоб юборсин деган эканлар. Акамиз бир “Шифоҳия” ном китоб, аввалги жузъи, кейинги жузъи, яна учта “Қавонайн” олиб, харитани ичига солиб юборган эдилар, келиб тегди. Харитани ичидан омонатни олиб бердим, очиб кўриб: “ Ичида хати ҳам борми?” деб сўрадилар. Ҳарчанд қидирдик – хат йўқ экан. Сониян, (иккинчидан ёки сўнг) пулини ҳисоблаб айтдиларки, “Пули уч танга бир мири кўп бўлибди. Исроил қорининг хат ёзмаганининг сабаби нимада экан?” деб, чиқиб кетдилар. Уч кундан кейин яна келиб айтдиларки, “Исроил қоридан хат келди”, деб қўлимга бир хат бердилар, очдим, кўрсамки, акамнинг хати. Мазмуни буки, “Обидилло махсум маълумингиз ўлсунки, мазкур китоблардан уч танга, бир мири қолган, бир дона хат билан мулла Ҳамзахонни харитаси ( посилка-жўнатма)ни ичига солиб юбориб эрдим, йўқлаб олинг, иккинчи шулки, ман савдогарчилик кўчасидан бехабарроқдурман, соҳиб ихтиёр ўзингиз. Хуллас, Обидилло махсум: “Исроил қори юборган пул ила хат қани”, деб сўрадилар, ҳайрон бўлдим. Шунчалик ўсал бўлдимки, махсумнинг олдида бундай ҳаётдан ўлим афзал бўлиб қолди.

2 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 325-бет.

Бу нима гап?! Хаританинг ичида на пул ва на хат бор. Юбормаган нарсаларини “махсум юбордим”, деб хат ёзиб, мусофирликда дилимни қоп-қора қилдилар. Мен Эшонқори ҳаққига нима ёмонлик қилган эдимки, бу бемазаликларни менинг ҳаққимга раво кўрадилар. Шу сабабдан ҳайрон бўлиб махсумга айтдим менга на хат ва на пул келди, деб. Бу ҳафта хат ёзиб, қиблагоҳдан сўрайман, деб зўрға узр сўрадим. Менга ҳеч нарса келган эмас. Ҳақиқатни сўранг, бир хат ёзиб, ҳақиқатини ёзсинлар, (нега ёлғон ёзганини тушунтирсинлар, – демоқчи. – Д.А) токи мен хижолатликдан чиқайин. Жон қиблагоҳим”. Дуогўйингиз мулла Ҳамза[3].

Мактубнинг давомидан англаш мумкинки, Ҳамза мусофирликда камбағалликда кун кўрган. Арзимаган уч танга бир мири пул уни катта ташвишга солган. Ҳақиқат, адолат, ростгўйлик, ор-номус масалаларининг устуворлиги Ҳамза шахсиятига хос бўлган хусусиятлардандир. Бу хусусиятлар унинг қай даражада тарбия топганини характерлайди.

Мазкур хатларнинг ҳар бирида отасига қуйидаги сўзлар такрор-такрор айтилади: “Оллоҳ мангу. Жаноби қиблагоҳимни Оллоҳу Таолло икки дунёда саломат қилиб, умрингизни ва иқболингизни қиёмат кунига қадар зиёда қилсин. Бу хизматдан узоқ маҳжурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ ва шафқатдастгоҳ, қиблаи ҳақиқий ва каъбаи таҳқиқ хизматидадур, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосиятли суҳбатнинг шарафи учун фармонбар ва ризо густардир. Илоҳи, бу бечораларнинг иқболига субҳу шом, балки узоқ муддатга соғ ва саломатлик мартабасида бўлсинлар...”[4]

Ҳамзанинг отасига йўллаган мактубларининг ҳар бири кириш қисмида такрорланувчи мазкур жумлалар, унинг сурати ва сийратига сингиган тарбия кўринишидир.

Наманган мадрасаларининг бирида ҳужрада яшаб кун кўраётган талаба Ҳамза навбатдаги мактубида отасига шундай ёзади: “...Уйда менинг бир калошим бор, юборсалар, махсини бўятиб кияр эдим. Кафшим кўп нобуд бўлаяпти. Бир бедона кафш сотиб олган эдим, рамазон келиб қолди, яна сотиб юбордим. Ифторлик ва саҳарликка харжладим. Бу ҳам қарийб тамом бўлиб қолди...”[5]

Қўлида пули бўлмай, кавушини сотиб ифторлик ва саҳарлик учун егулик сотиб олган, ёнида иссиқ овқат тайёрлаб берувчи на онаси ва на аёли бўлмаган ўн тўққиз ёшли йигитнинг шароити оғирлигига қарамай рўза тутишига нима мажбур қилган? Ҳамзанинг ўша вақтдаги ижтимоий аҳволидан хабар берувчи ушбу мактублар, унинг ўта сабрли ва мустаҳкам иродали бўлганини, илм олиш йўлида ҳар қандай қийинчиликка чидаганини кўрсатади. Ҳамза ишлаб, пул топиб, яхшироқ яшашга уринса ҳам бўлар эди. Лекин ишласа тўлиқ таҳсил олиш имкони йўқлиги учун шундай оғир шароитда кун кўришга мажбур эди.

3 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 325-бет.

4 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 331-бет.


5 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 334-бет.

Ҳамза отасига йўллаган яна бир хатида ёзади: “...Агар иложи бўлса, бирор кўрпа ёки кўрпача юборсалар, айни илтифот бўлар эди, чунки ҳужрада икки киши истиқомат қиламиз. Зоҳидилло махдумнинг иккита кўрпалари бор эди, биттасини ҳужрага, биттасини танчанинг устига солдик, хобгоҳга қолмади. Арзим шуки, афв этгайсиз ва қабул этгайсиз...”[6]

Мактубдаги ушбу тасвир ўқувчи кўз ўнгида совуқ қиш фаслини гавдалантиради. У пайтлар газ, печка каби уйни иситиш воситалари бўлмаган, асосан танчага чўғ солинган. Чўғ иссиғини сақлаб қолиш учун эса танча кўрпа билан ўралган. Икки донагина бўлган кўрпанинг бири танчага ўралганлиги учун ухлашга тўшак қолмаган. Шу сабабли отасидан кўрпа ёки кўрпача юборишини сўраб ёзилган мазкур мактуб бўлғуси машҳур ижодкорнинг нақадар оғир ва қийин шароитда яшаб, билим олишга ҳаракат қилганидан маълумот бериш билан бирга Ҳамза шахсияти, руҳияти ва адабий сиймоси тўғрисида тўғри ва мукаммал хулоса чиқаришга кўмаклашади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мактуб ва ёзишмалари жуда кўп. Биз уларнинг атиги бир нечтасидангина келтирилган лавҳаларни таҳлил этдик, холос. Аммо шу келтирилган далилларнинг ўзиёқ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қандай тарбия таъсирида улғайгани ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Ўйлаймизки, Ҳамзанинг отасига бўлган ҳурмат-эҳтироми, камтарлиги, ор-номуслилиги, ҳақиқатпарвар ва адолатпарварлиги, илмга чанқоқлигини бугунги давр ёшларига ҳам ибрат намунаси сифатида кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўзининг қатор бебаҳо ижод намуналари билан ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бир умр ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ҳам алоҳида аҳамият берган. Бундай тарбия асосини эса у ёшларнинг ўз яқинлари, айниқса, ота-онасига нисбатан муҳаббат туйғуларини ривожлантиришдан бошлаш кераклигини таъкидлаган. Шоир ўқув дарсликларида ҳам ота-онани ҳурмат қилиш энг юксак инсоний фазилатлардан бири эканлигини уқтираркан, отанинг лирик образини чизишда унинг амри ҳалқ амридан ҳам кучли эканлигини таърифлайди.

6 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 340-бет.



# Ҳаққонийликни устувор билган адиб

**Йўлдош МИРЗАЕВ**

Ёзувчи Нурали Қобул бугунги ўзбек адабиёти, айниқса, романчилигида салмоқли ижод қилиб келаётган адиблардан. Халқаро Чингиз Айтматов академиясининг академиги, йигирма беш жилдлик “Темурийлар” эпопеяси хамда хамсатайн (ўнлик) роман-памфлетлари ҳам чоп этилди. Бу памфлетлар тўпламининг олтинчи жилди “Дордан қочган даҳолар” деб номланган бўлиб, асар мазмунан олдинги жилдлар мавзусининг узвий давом эттирган.

“Дордан қочган даҳолар” роман-памфлетида дунёни ларзага келтирган Биринчи жаҳон уруши даҳшатлари, айниқса Россия ҳудудида содир бўлган инқилоб, бу давлат тўнтаришини амалга ошириш учун тузилган ячейкалар ҳамда уларнинг нохуш оқибатлари, революционерларнинг ўзаро мансаб талашишлари, бири-бирига қилган хиёнат ва сотқинликлари, мавжуд мафкура ва сиёсий қарашларнинг қай тарзда бўлиниб, гуруҳларга ажралиб кетганликлари баён этилган.

Адиб мазкур асарни яратишда барча факт ва далилларни ўша алғов-далғовли даврлардан қолган ярим-ёрти, сарғайиб, титилиб кетган тарихий ҳужжатларни синчиклаб ўргангани кўринади. Чунки Нурали Қобул бу иш асносида мавжуд материаллар орасидан шу вақтга қадар назардан қочирилган ёки сир тутилган маълумотларни илғаб олиб, уларни изчилликка амал қилган ҳолда, сабр-бардош билан сайқаллашга, натижада мазмунан тош босадиган китоб яратишга эриша олган. Бундай улкан ишни амалга ошириш, шубҳасиз, ёзувчидан мисли кўрилмаган сабр-тоқат ва катта маҳорат талаб қилади. Нурали Қобул айнан шундай иқтидор, жасорат, ғайрат ва ижодга бўлган туганмас меҳр-муҳаббати билан ўз мақсадига эриша олганлардан.

---

***Йўлдош МИРЗАЕВ –*** *1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлалаган. Ижодкорнинг “Тонг таровати”, “Муҳаббатнинг яйдоқ сўқмоғи”, “Рангин соғинчлар”, “Оғриқли туйғулар” каби назмий ва насрий китоблари чоп этилган.*

“Дордан қочган даҳолар”да ёзувчи синчковлиги, сезгирлиги ва зукколигидан ташқари барча воқелик ва образлар қуруқ ҳамда сиқиқ фактларнинг ўзигаёқ таяниб қўйилмай, уларга ранг-баранг бўёқлар билан жозиба берилгани билан ҳам китобхон томонидан севиб ўқилади.

Адибнинг мазкур туркумдаги роман-памфлетларида шўро ҳукумати доҳийси В.И.Лениннинг оиласи, ижтимоий келиб чиқиши ва ҳаёти ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган бўлса, олтинчи томда шу тузумнинг навбатдаги доҳийларидан бири Иосиф Виссарионович Сталин тўғрисида кўпчилик учун номаълум маълумотларни келтиради.

Россия империяси ва Совет Иттифоқининг энг машҳур етакчиси бўлган Иосиф Сталин тарихда оммавий қатлиомлар билан ҳам қўрқув салтанатини бошқарган давлат раҳбари сифатида тилга олинади. Унинг бу ишлари ҳозирга қадар ҳам инсониятга нисбатан жиноят сифатида баҳоланади. Асл фамилияси Джугашвили бўлган Иосиф Сталин баъзи маълумотларда 1879 йил Грузиянинг Гори шаҳарчасида, паст табақага тегишли оилада туғилган дейилса, бошқа манбаларда унинг авлод-аждодлари осетин бўлганлиги ҳақида айтилади. Бир нечта ташқи туғма нуқсонларига эга бола отаси томонидан муттасил калтакланиб келинган. Нурали Қобул Сталин шахсига тегишли қоронғи нуқталарни ёритишда айнан, шу жиҳат – унинг асл келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларга эътибор қаратар экан, мазкур памфлетида қуйидагиларни келтиради:

“– Лейба Давидович, – гапини бўлиб жавоб қилди Белобородов. – ... Ростдан ҳам князь Эгнаташвилидан туғилганми? Бировлар Прежевальскийдан дейишади.

– Улар бизга ўхшаб урфу эътиқодини қаттиқ тутадиган, анъаналарига содиқ бир миллат эмас... Унинг турқи-тароватига боқсангиз, Прежевальскийнинг қуйиб қўйган ўзи. Прежевальский Екатерина ва Сосони давомли равишда моддий қувватлаб турган. Буни Гори ва унинг атрофида яшовчи кишилар нари турсин, тоғлардаги айиғу бўрилар ҳам билади... Онаси Екатерина Георгиевна Гладзе князь Эгнаташвилининг уйида кир ювувчи бўлиб ишлаган. Хонадонда севги учбурчаги бошланган. Бу шармандаликка чидай олмаган ота бўлмиш этикдўз Виссарион Жугашвили уйидан чиқиб кетган. Худди Армандлар – Ульянов – Инесса учбурчагига ўхшаш ахлоқсизликларни шарқ одамлари билхосса, кавказликлар ақлларига сиғдира олмайдилар. Бу хуфиёна кўриниш баайни Романовлар саройидаги воқеа каби ҳолат юз берган. Володянинг онаси Мария Александровна Бланк ҳам шаҳзодаларнинг биридан бўйида бўлиб қолгач, уни яшин тезлигида Илья Ульяновга турмушга берганларидек, иккинчи гилдия савдогари Яков Эгнаташвили Гамбарсули қишлоғидаги этикдўз Виссарион Жугашвилига эрга беради. Сталиннинг биринчи хотини Екатерина Сванидзе ҳам шу қишлоқдан. Сталинга ҳеч ким тегмагач, уни онаси топиб берган. Екатеринадан туғилган ўғлига Сталин Яков исмини беради. Бу гапни эшитганлар, “Иосиф ўғлига отасининг отини қўйибди”, дейишса бошқа бирлари, “У Приживальскийдан туғилган бўлса-да, Яков Эгнаташвилини отам деб билади!” дейдилар. Хуллас, мана шу “тройной” ҳароми йўлимизга тўсиқ бўлиб, бизга қарши курашмоқда. Униям, устозиниям бартараф этмасак мақсадимизга эриша олмаймиз.

Иосиф онаси иккиси давомли равишда отасидан калтак ейди ва отаси доҳил одам зотини ёмон кўриб қолади. Ана шу носоғлом иқлимда, руҳан эзилган, қонунсиз, ҳаром ва гуноҳдан туғилганини ҳис этган ҳолда инсониятга нисбатан нафрат туйғуси, аламу изтироб билан ўсиб улғайди...

– Бир киши уни грузин эмас, осетин деди. Бу хусусда ҳам билганингиз борми Лейба Давидович? – сўради Янкель Белобородов.

– Бор, Янкель. Айтишларига кўра Виссариан Жугашвили осетин бўлган. Бошқа бир версия бўйича Эгнаташвили осетин ёки онаси ярим осетин...

– Этикдўз Виссарион Жугашвилини князь Эгнаташвилининг одамлари тинчитиб юбришган дейишади. Бу ҳам тўғрими? – яна сўради Белобородов.

– Тўғри, Янкель. Хотини князникига кетганида Жугашвили аламидан дўстлари билан бурнидан булоқ бўлиб вино ичади. Кайфи тарқаган этикдўз хотини қайтиб келганида уни ўлгудек дўппослайди. Ўша сиз айтган князнинг одамлари келиб этикдўзни олиб кетишади. Шу-шу уни ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч ерда кўрмайди. Бу воқеаларнинг барчаси ёш Иосифнинг кўз ўнгида содир бўлади”[1]. Асарда инқилобчи аёллар Надежда Константиновна Крупская, Вера Заслуч, Вера Фигнер, Софья Перовская, Инесса Фёдоровна Арманд, Арманда Тирнова, Александра Коллантай, Лариса Рейнер ва бошқа кўплаб инқилоб ихлосмандларининг революцион фаолиятларига ҳам ўрин берилган. Н. К. Крупскаянинг онаси Елизавета Васильевнанинг ақлли, тадбирли, меҳнатсеварлиги ҳам эътироф этилган.

Инқилобчи аёлларнинг революция йўлидаги фидойилиги улар характерлари орқали очиб берилган. Бу аёлларнинг қай тарзда ҳибсга олинганлиги, қийноқларга солинганлиги, айримлари сургундаги эрларининг ортидан Сибирга ҳам кетганлиги, ўз жуфтига садоқатлилиги, кўпларининг Сибирь, Тайгада қазоси етганлиги ранг-баранг ташбеҳлар билан тасвирланган.

Адибнинг ўзига хос услубларидан яна бири шуки, памфлетларининг ҳар бири ёки ҳар бир бобига улуғ олиму файласуфлар, машҳур шоиру ёзувчиларнинг ҳикматли ибораларидан иқтибослар келтиради. Натижада ўқувчи ана шу маънодор гап ва мақоллар маъносини чақиб, тушиниб етиш учун асарни янада қизиқиб ўқийди.

Китобда рус ва бошқа миллат вакиллари сўзларидан уларнинг туб маъноларини ҳам ишлатган ҳолда фойдаланилган. Таҳлил ҳам қилинган. Масалан, рус тилидаги “захолустье” атамаси қалмоқларда “заха улус”, яъни бизнинг тилимизда “чегарачи” ёки узоқдаги одамлар маъносида келади. Руслардаги “ура” жанговар сўзи турк-қалмоқча “уралон” сўзи бўлиб “олға” билан маънодошдир.

Бундан ташқари яҳудийлар, руслар, қалмоқлар уруғлари ва Россия тарихига оид воқеалар ҳам баён этилган.

Адиб миллий колорит, тарихий шахсиятларнинг ўрни, улар амалга оширган ишларни пафос билан тасвирлайди. Воқеаларни асар персонажлари диологлари орқали билдириб боради. Халқ мақоллари, ибратли ва ҳикматли жумлалар билан тасвиру таҳлил этади. Бу Нурали Қобул ижодининг ўзига хос услуби ҳамдир.

Масалан, “Пахта билан бўғизлаш лозим”, “Яхши ёзувчидан яхши ўқувчи кам”, “Қидирса сомон ичидаги игна ҳам топилади”, “Бош кесмоқ бор, тил кесмоқ йўқ”, “Мардлар ҳамиша қийинни енгган, номардлар эса бўйнини эгганлар”, “Икки бургутнинг талашиши бир қарғага ем бўлади” ва ҳоказо жумлалари билан бир қаторда байналминал сўзлардан ҳам жойи келганда кенг фойдаланилган. Китоб тили бийронлаштирилиб, сўз жозибадорлиги оширилган. Бу жиҳатларнинг барчаси Нурали Қобулнинг каломга бой бисотидан далолат бўлиб, у қўллаган ҳар бир сўз ёки жумла ўзига яраша кўпқатламлиги билан ҳам эътиборни тортади. Матн эса сюжетларни тўлдириб, далиллаб боради.

1 Н.Қобул “Дордан қочган даҳолар”, 6-жилд, “Маърифат битиклари” нашриёти, Тошкент. – 2021 йил, 102–105-бетлар.

“Дордан қочган даҳолар”да узоқ йиллик даврлардан бери кўпгина давлатларнинг бош раҳбарлари, айрим ўрта ва қуйи бўғин амалдорлари ҳаёти ёритилган. Ана шу шахслар умрларидаги чалкаш-чулкаш, долғали пайтларидаги аччиқ-чучук, тинч-нотинч дамлари чуқур зеҳн билан ўрганилиб, тарихнинг энг қора кунлари, чиркин онлари, ғалати паллаларини далил исботлари билан ишонарли тарзда, ўша қаҳрамонларнинг образини яққол кўз олдингизга келтира оладиган даражада тасвирлаб берилган.

Нурали Қобул роман-памфлетларида қандай воқеа-ҳодиса ёритилмасин, ундаги фикр теранлашиб боради. Масалан: Киев Русининг ғоят қадимий аутентик қўлёзмаларидан ирвит алифбосида ёзилганларини аниқлаб, улардаги ўша тарихий воқеаларни айнан акс эттиради. 1117 йил ва бошқа даврларда битилган йилномаларда ёзилган тўполон, ғалаён, воқеа-ҳодисаларни, яҳудийларнинг ҳазорлар билан аралашиб, ерлашиб Чернигов, Белая Вижа (Саркела) Жидова Вила, Козори деган топонимлар, Русь, Польша ҳудудларида бўлганлигини, Киев иудей жамоасининг Яаков бенхануика берган хатларининг ўнинчи асрда ёзилганлигини, 1156 йилдаги юнон монахи Федосей фикрлари, Киевда караимлар яшаганини, шунингдек, тарихий халқлар турмуш тарзини ёритади. Бу миллат ва элатлар ўртасида диний можараларнинг юзага келиши сабаблари, охир-оқибат уларнинг қай тарзда маҳаллийлашиб кетганликлари қизиқарли ҳикоя қилинади.

Пётр Биринчи, Екатерина Иккинчи, Наполеон даврларидаги халқ ҳаёти, сарой аъёнлари кечмишлари баёнланади. Буюк рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстойнинг катта энагаси лўли бўлганини ҳам эслатади. Адиб роман–памфлетларида шу тарзда мамлакат бош раҳбар ва амалдорлари бўлган шахслар хусусиятларини пирамида шаклида яратади. “Биринчи жаҳон урушининг шармандаларча ва шарафсизларча” барҳам топганлиги, фуқаролар урушининг қай тарзда юзага келганлиги сингари омилларни таъкидлаб, йигирманчи асрнинг йигирманчи йилларидаги очарчилик, қаҳатчиликнинг Россия ва унга тегишли ҳудудларга қай тарзда бало-қазодай ёпирилиб келганлигини чуқур тасвирлар ила ёритади.

Роман-памфлетлар композицияси бақамти ҳолда ўринлатилган бўлиб, уларда миллий қавмланиш, гуруҳланиш ва бу қавм ҳамда гуруҳлар ўртасидаги носозликлар, чуқур ёритилган. Масалан: генераллар Борис Совинков, Лавр Корнилов бош вазир Александр Керенский, С. А. Плеве, Е. Сазанов, И. Коляев, Ф. Э. Дзержинский, В. И. Ленин, Плеханов, Колчак, Деникин, Врангель, И. В. Сталин, Л. Д. Бронштейин, (Лев Троцкий) генерал Евгений Миллер, Николай Юденич, Ярослов Гошек, Владимир Кацеел, генерал Морис Жанин ва бошқа кўплаб инқилоб раҳбарлари ҳақида етарли маълумотлар бериб, образларини ярақлатиб кўрсатади. Улар ўрталаридаги мансаб талашиш ва ўзлари мўлжал этган лавозимлар учун суиқасдлар уюштирганларини аниқ тасвир этган.

Адибнинг зукколиги шундаки, совет тузуми томонидан доҳийлик мақоми берилган В. И. Ленин ва И. В. Сталиндан ташқари Л. И. Брежнев, Ю. Андропов, В. Суслов ва бошқа Марказий Қўмита арбобларининг шахсий ҳаётига оид яширин маълумотларни ҳам очиқлайди.

Муаллиф тарихнинг ўта нозик воқеликларини бор реаллиги билан баён этаркан, ЕКП (Еврейская коммунистическая партия) ва РКП (б) фаолиятини миллий яҳудий миллатига мансуб инқилобчилар Лейба Давидович Бронштейин – Троцкий, Янош Соломон Мовшевич – Свердлов, Каменев – Розенфельд, Зиновьев – Апфельбаум

ва бошқа сионистларнинг ўз миллати шаъни учун амал курсисини қай даражада торта-торт этганликларини ёритади.

Тарихий асарларда Михельсон заводидан чиқаётган Ленинга ўқ узиб, унга суиқасд қилган Фанни Каплан (аслида яҳудий миллатига мансуб Файга Хаймовна Райбалт) эканлиги айтилади. Аммо бу аёл ўша пайтда узоқ йиллик қамоқ жазоси ҳамда оғир меҳнат туфайли кўр бўлиб қолган, қолаверса, Ленинга суиқасд қилганлар икки киши эканлиги, ҳатто Лениннинг ўзи унга ўқ узган кимса эркак киши бўлгани айтганлиги ҳақида ҳам маълумотлар борлигини биламиз. Шунга кўра Лениннинг Троцкий ёллаган айғоқчи томонидан отилганлиги мантиқан хулоса бўлиши мумкин.

Асарда Ленинга суиқасдни амалга оширган деб топилган Эсерка (Фанни Каплан) террорист сифатида 1918 йилнинг 7 сентябрида ВЦИК раиси Свердлов буйруғига биноан Кремль коменданти Павел Мальков томонидан отиб ўлдирилгани, сўнг унинг мурдаси бензин тўлдирилган бочкага солиниб, ёқиб юборилгани, бу воқеаларга ўша пайтда Ленин қабулхонаси мулозими вазифасида ишлаган ишчи-деҳқон шоири Демьян Бедний гувоҳ бўлгани айтилади.

Асарда Романовлар сулоласининг сўнгги императори – Николай Иккинчининг олтинлари тақдири ҳақида ҳам етарли маълумотлар бор. Генерал Григорий Семёнов, Александр Колчак, генерал Потдягин ва бошқа амалдорлар тўғрисида батафсил ҳикоя қилинган.

Адиб ёритаётган тарихий шахслар характерини ҳам чуқур таҳлил этаркан, уларнинг кечмиш-кечирмишларини бир неча бор мантиқ чиғириғидан ўтказиб, баёнлайди. Адибнинг ҳар бир фактни синчиклаб ўрганиши ва уларни ёритиш жараёнида адолат, ҳақиқат, тўғриликка ёндашишишини сезамиз.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиётининг йирик устунларидан бири Одил Ёқубов Нурали Қобул ҳақида: “Нурали Қобулнинг кейинги ҳикоялари ва қиссалари шундан далолат берадики, ёзувчи изланишларида ҳаётга чуқур кириб боради, асарларидаги конфликтлар ҳаётий”, деб эътироф этганди. Адибнинг биз юқорида таҳлил этган памфлетларида ҳам айнана шу жиҳат – изланишнинг чуқурлиги ва зиддиятлар ҳаётийлиги билан ҳам эътирофга лойиқ асар сифатида баҳоланишга ҳақли.

# Бадиий образ яратиш маҳорати



**Салима ЖУМАЕВА**

Турли авлодга мансуб шоирлар шеърияти ўзаро таққосланса, ҳар бир даврга хос фаол бадиий сўз, образли ифодаларни учратамиз. Икром Отамурод шеърларида бу хил бадиий образлар талайгина. Уларнинг аксарияти шоир ижодида анъанавийлик касб этган. Жумладан, *кангул/кўнгил, ишқ, ошиқ, ҳижрон, васл, озор, соғинч, ғариб, хазон, япроқ, тўрғай, юлдуз, ой, тоғ, ёлғизлик, сукут/сукунат, қалдирғоч, сўз, меҳр, йўл, вақт, макон* каби тимсолли образларни келтириш мумкин. Бу образларнинг аксарияти барча давр шеъриятида, хусусан, мумтоз адабиётда ҳам кўплаб қўлланилади. Икром Отамурод шеърларида бу образлар мавзу ва оҳангга мос равишда ўз маъно қамровини кенгайтирган. Шоир сўзларни қайта кашф этиб янгилаган. Албатта, бунда анъанавий образ замиридаги маънолар қатламлари буткул йўқолиб кетмайди, уларнинг қаътида маънолар тадрижи сақланади.

Икром Отамурод шеъриятида фаол қўлланилувчи кангул/кўнгил образининг маъно қирралари шоир ижодининг долзарб муаммолари билан боғлиқ индивидуал мазмун касб этади. Зеро, шоир наздида бир олам борки, унда ҳеч қачон вақт ўтмайди, унинг қадри ҳам кетмайди. У ўзини ҳаммага ҳам кўрсатавермайди. Бу оламнинг номи КАНГУЛдир. Борлиққа муносабат ҳисси гоҳ шиддат билан, гоҳ сокинлик билан ҳаракатланади. Шоир шеъриятига ошуфта қалблар инсон харитасининг “Кангул” деб аталмиш мамлакатида ўзлигини англайди. Кангулда ҳукмрон ранг-баранг фасллар ҳовури-ю ифоридан баҳраманд бўлади. Шунингдек, шоир лирикасидаги энг асосий ғоя ҳам кангул ҳақидаги янги ҳақиқатларни очиқлаш, кангулни бутун мураккаблиги билан тасвирлаш орқали ўзликни англаш муаммоси билан боғлиқ чексиз ва тенгсиздир.

---

***Салима ЖУМАЕВА*** *– 1965 йилда туғилган. “Таълим жараёнида мифологик образларни ўрганиш”, “Халқ эртакларига тарихий ёндашув”, “Халқ эртакларида образлар талқини” номли ўқув-услубий қўлланмалари, юздан ортиқ илмий ва илмий-методик ҳамда йигирмага яқин публицистик мақолалари хорижий ва республикамиздаги журнал ва тўпламларда нашр этилган.*

*“Шеъриятнинг буюк қудрати унинг ишонтириш кучидадир. Биз ҳар бир шеър ортида унинг эгасини кўрамиз, унинг маънавий оламини тасаввур этамиз, ўша шеър ортида турган одам ўзининг самимияти билан, ҳалоллиги билан бизни ўз туйғуларининг чинлигига ишонтирмоғи керак. Шеър ҳамиша шоирнинг қисматидир”.* [2;133.] Шу маънода, шоир Икром Отамуроднинг “Канглум” деб номлаган шеъри шоир ижодининг “*дастхати*” – “ташриф қоғози” сифатида эътиборли.

*Канглум, мендан бўлак киминг бор сенинг,*
*канглум, сендан бошқа менинг кимим бор!*
*Не десанг дегувчи – ёлғизим менинг,*
*не айтсам айтгувчи – ўзинг хокисор.*

*Канглум, мени тушунгувчи ўзингсан фақат,*
*канглум, фақат сени англаб етгувчи ўзим.*
*Менинг вужудимда улғаяр тоқат,*
*сенинг вужудингда ғунчалар тўзим…*

*Канглум, ғамларимнинг ашклари – дарё,*
*канглум, армонларинг қайғулари – тоғ.*
*Канглум, сени қаърига тортар бу дарё.*
*канглум, мени янчиб кетади бу тоғ…*

*Даҳри дун дайрида чирпираган гард –*
*канглум, бир кун кетармиз, чиқармай натоғ.*
*Кимгадир қолдириб ғарибгина дард,*
*кимгадир қолдириб ғарибгина доғ… [4;34.]*

Асарда “канглум” шоир ўзлигининг ифодаси – метафорик образ сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, *“... ҳеч бир инсон ҳеч қачон олам қаршисида ўзини батамом унутиб қўймайди. Олам билан бирлиги, бир бутунлигини, яъни “Мен ва борлиқ”, “борлиқ ва мен” деган жуфтлик ҳамиша ўз ҳукмини юритади”.* [3;8]

Шоир яна бир шеърида “*Канглум*” рамзий образининг янги, ўзига хос оҳорли топилмаларини кашф этади:

*Канглумнинг ичига кириб бораман,*
*канглумни ахтариб, канглум.*
*Зора топсам, зора-а, ман,*
*интизор мунглим?!*

*Канглумнинг ичига кириб бораман,*
*соғинчимни ахтариб, соғинчим.*
*Зора топсам, зора-а, ман,*
*қирмизи мунглим?!* [4;34.]

“...Канглум шоир наздида тозариш. Уни ҳис ва ақл тарозусида баҳолаш лозимга ўхшайди. Шоир канглумдан паноҳ топдими, демак, у сизу биздан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Унинг ҳар қандай кайфиятидан оҳорли бир образ яртишга

қодирлигини англатади. Зеро, муҳаббатни англаш учун муҳаббатли бўлиш керак, деган фалсафани канглум тематикасида аниқлаб олиш лозим. Поэтик жиҳатдан олиб қаралса, йўловчи манзилга чиқди, у ўша висол манзилига етиб бораётганида, соғинчни ахтаради, уни асраб-авайлаган тумор каби бошқаларга кўз-кўз қилишга ботина олмайди. Бироқ феълу атвори изланишга мойил лирик қаҳрамон канглум сиймосида олам муҳаббатини туйган ошиқдек парвона мисоли яшайди". [7;23–24.]

Икром Отамурод ижодида кангул/кўнгил образини янада тўлдирадиган, ҳатто унинг тагмаъно мазмунини янада кенгроқ очиб берадиган асарлар талайгина. Шоир "Харитага тушмаган жой" достонида кўнгилни ва кўнгилсиз одамларни таърифлар экан, кўнгил софлиги, соғлиги йўқолса, инсон руҳий оламида ва инсоният ҳаётида қандай фожиалар юз бериши мумкинлигини таъкидлаб, ғофил бандаларни огоҳлантиради ва маърифатга ундайди. Шеърнинг ҳар бир мисраси чинакам кўнгил ботинида сайқал топади:

*Кангулга путур етса, одам оламни бузар,*
*Қадрдонлар ёвлашиб, меҳру мурувват тўзар.*

*Нодонлар тўрга чиқиб, донолар қолар пастда,*
*Ёлғонлар ростга дўниб, ростлар беписанд, хаста.*

*Нону тузини тотиб, қўлдош йўлдошни чалар,*
*Олдида пою патак, ортидан иғво қалар.*

*Мардларни мўлжал олар зимдан маломат тоши,*
*Номардлар ғоз юради, баланд кўтариб бошин.*

*Шўр емирган бинодай идраб боради буткул,*
*Чорасизлик дастидан бечора, ғариб кангул...* [5;168–169.]

Қуйидаги мисраларда кангул/кўнгил образининг умумлашма поэтик маъноси ўзликни англаш – идрок этиш вазифасида келади:

*Ҳайронинг ҳам канглунгда,*
*Вайронинг ҳам канглунгда.*
*Оринг ҳам канглунгда,*
*Хоринг ҳам канглунгда...*
*ўзинг ҳам канглунгда,*
*ўзинг... ҳам канглунгда... ўзинг... ҳам канглунгда...* [4;32.]

Холислик ҳамма даврларда ҳам қадрланган. Бироқ уни *"кангул ботини"*дан ўтказиб ҳис қилиш, унга риоя этиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бир ҳол. Шоир аксарият асарларида *"кангул ботини"*га назар ташлар экан, ногаҳон ёлғизлик оламига рўбару келади. Ва ёлғизлик олами замиридаги ботиний маъно кўламини кенгайтира бориб, унинг зоҳирий сирларини англатиш ва ечимини топишга ҳаракат қилади. Англатганда ҳам жуда тушунарли, кишиларнинг қон томиридан қалбига уриладиган тарзда англатади. Шоир бир шеърида ёзади:

*Ёлғизлик – сен руҳимда яшнаган хазон,*
*руҳимда қуриган мўғжа сен – ёлғизлик.*
*Ёлғизлик – сен руҳимда севилган азоб,*
*руҳимда чириган фуржа сен – ёлғизлик.* [8;170.]

Ёлғизлик – фалсафий антропологияда инсон борлиғи таҳлилидаги бош муаммолардан бири ҳисобланади. Унга кўра, инсон баъзан ёлғизликка интилади. Ёлғизликка интилиш – ўзи билан ўзи қолиш демак. Бироқ шоир Икром Отамурод шеъриятида бўй кўрсатувчи ёлғизлик таҳлилига бундай изоҳлар билан ёндашиш тўғри эмас. Чунончи, бу изоҳга таянилса, шоир ёлғизлик, сўққабош яшаш, танҳоликда кун кечиришни тарғиб этган бўлади. Шоир наздидиги ёлғизлик ўз ботинига назар ташлаш, ўзини таниш демакдир. Икром Отамурод шеърлари замирида айни шу ҳақиқат мужассам. Зеро, *“Кангул кенгликларида”* инсоннинг руҳий ҳолатларини ўзига хос бадиий тасвирларда ифодалайдиган шоир ёлғизлик фалсафасини *“руҳимнинг гули”,“руҳимнинг қадоғи”, “руҳимнинг йўли”, “руҳимнинг садоғи”* сингари сифатларда таърифаши бежиз эмас:

*Ёлғизлик – сен руҳимнинг гули,*
*руҳимнинг қадоғи сен – ёлғизлик.*
*Ёлғизлик – сен руҳимнинг йўли,*
*руҳимнинг садоғи сен – ёлғизлик.* [8;170].

Ёлғизлик ҳассос шоир Икром Отамурод ботинидаги сирли бир ҳаёт, чексиз бир хаёл сифатида гавдаланади. Зеро, шоир ўз хаёлот оламида ўзини эркин ҳис қилмас экан, унинг шеърлари бир муддатгина яшаб, охир-оқибат, таназзулга юз тутмоғи аён ҳақиқат. Шундан хаёлот дунёсига ғарқ бўлган шоир осойишта ва чекка жой – ёлғизликдан қўним топади. Қолаверса, ижодкор таҳайюлида тиниқлик, сокинлик бўлмас экан, воқеликни ҳам теран ҳис этиши маҳол. Унинг учун хаёл ёлғизликда ҳамроҳ, ҳазин чоғларида юпанч, тушкун кезларида таянч бўла олади. Илло, ижодкорнинг ижодкорлиги ҳам таҳайюл оламининг нечоғлик кенг эканлигига қараб белгиланади. Чунки ҳаётий воқеликнинг, баъзан у ҳақдаги орзу-умидларнинг бадиий ифодаси ёлғизликда хаёл орқали сувратланади:

*Ёлғиз оламда ёлғизман,*
*Руҳим остонасида турар*
*ёлғизлик...* [4;74] –

дер экан, шоир ёлғизликнинг бадиий-эстетик вазифасини хослаб кўрсатади:

*Умид+ ёлғизлик= хотира.*
*Хотира+ умид= ёлғизлик.*
*Ёлғизлик + хотира =умид.* [4;73.]

Икром Отамурод шеъриятида устувор кўриниш олган ижтимоий дард унинг “Сопол синиқлари” номли достонида яққол бўртиб туради. Достон мазмунида мустабид тузум оқибатлари, миллатпарвар, софдил Ватан фарзандларининг қатағон қилиниши, ватанидан, халқидан жудо қилинган, Сибирь музликларида,

қамоқхоналарида аянчли азоб-уқубатлар ичра ёлғизлик гирдобига маҳкум бўлган миллат қаҳрамонлари тимсоли гавдаланади.

Унда хаёлот дунёсига ғарқ бўлган лирик қаҳрамон осойишта ва чекка жой – ёлғизликдан қўним топади. *“Икки тавақаси ўксик ва синиқ Хотира эшигига умид ила”* боқаркан, ўзини ёлғиз оламда ёлғиз сезади. Асардаги Ҳолат рамзининг адабий-эстетик ва ижодий-руҳий омилларини англаш имконини берувчи мисралар ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Ёлғиз оламда ёлғизман,*
*Руҳим остонасида турар*
*ёлғизлик.*
*Кўришар –*
*Умид ила Хотира эшигин*
*икки тавақаси.*
*Ўксик ва синиқ икки тавақаси.* [4;74.]

Кишининг умидлари амалга ошмаса, кўнгли ўксийди. Ўксиган кўнгил эса хотирага берилади. Аммо хотира уни хурсанд қилолмайди. Чунки *Хотира – кўҳна ҳасрат, қадриятлар шўр бойлаган, зорлар пойлар остида ғичирлаган, тўрғайлар кўзидан жола сириққан, қиличлар дамидан нола тўкилган, орзуларни шамоллар қуритган, офтоб вола сўлини симирган* бир тарзда лирик қаҳрамоннинг ёлғизлик изтироби сабабиятини очиқлайди. Шундан шоирнинг кўнгли нақадар катта бир изтиробга эш бўлиб азобланади:

*Сопол синиқлари – руҳим илдизи.*
*Хотира:*
*тупроқнинг суяклари,*
*ойнинг гуллоласи,*
*қўзигул қадоғидан томизги – шудринг,*
*шўр бойлаган қадр,*
*пойлар остида ғичирлаган зор,*
*тўрғайлар кўзидан сириққан жола,*
*қиличлар дамидан тўкилган нола,*
*шамоллар қуритган орзу,*
*офтоб сўлин симирган вола.* [4;90].

Икром Отамурод шеърияти билан танишиш жараёнида шоир ёлғизлик образининг бадиий ва ижтимоий салмоққа эга яна бир қатор маъноларини очишни мақсад қилганини кўрамиз. Хусусан, шоир ўзини қийнаган дард манзарасини ҳам ёлғизлик суратида кўради. Жумладан, “Сен” номли шеърида руҳиятнинг ақлга бўйсунмайдиган эврилишлари – товланишлари-ю қайроқи бадиий тафаккурини шундай тасвирлайди:

*Сен – ёлғизлик каби жимжит.*
*Сен – ёлғизлик каби гўзал...*
*Сен – ёлғизлик каби ғамгин..*
*Сен – ёлғизлик каби ёлғиз...*
*Сен – ёлғизлик каби.*
*Сен – ёлғизлик...*
*Сен – ...* [5;24.]

Икром Отамурод ёлғизлик фалсафаси талқинида доно халқимиз яратган мақол ва маталлардан, иборалардан жуда оқилона ва санъаткорлик билан фойдаланадики, натижада шоир тилга олган мақоллар қайта бошдан шеърий умрини ўтай бошлайди.

“*Ёлғиз чўкиртакнинг тупроғи енгил,*
*териси юпқа...* [6;27.]

Ёки,

*Камбағалнинг ёлғиз қўзисига қашқир тегар* [6;99] каби мисралар “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас” тарзидаги халқ мақолига мазмунан яқинлигини кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, айни ўринларда шоир фольклоризмларнинг аналитик туридан, унинг оддий ҳамда мураккаб кўринишларидан жуда ўринли фойдаланган.

Икром Отамурод шеъриятида фаол қўлланилувчи поэтик образлардан яна бири сукутдир. Шоир бу образга сифатлар берар экан, унинг ботиний белги ва жозиб кўринишларига алоҳида эътибор қаратади:

*...Сукутга қараб,*
*сукутни ютиб,*
*сукутда қотиб,*
*ҳаммасини ўстирар*
*ғанимат он...*

*...Дариғо!..*
*...Дариғо!!.*
*...Дариғо!!!* [10;151.]

Шоир тўпламларидан бирини “Сукут садоси” деб номлаган. Китоб ҳақида “Бир оғриқ канглумда қад ростлар” номли сўзбоши ёзган Минҳожиддин Мирзо ўқувчи диққатини қуйидагиларга қаратади*: “Китобга бежиз “Сукут садоси” деб ном берилмаган. Бу икки сўзда Икром Отамуроднинг ички олами, табиати мужассам. Бу сукутни ҳис қилмоқ, тинглаш, англаш каби руҳнинг катта эҳтиёжи мавжуд. Бу сукут ўша ҳадсиз оламнинг, бепоён кангул диёрининг рамзидир. Унга етишмоқ йўлида биз учун қалб таржимон ва шу қалбгина бизга борлиғини намоён этаётган соҳир кўнгил учун чин тилмоч бўла олади, холос. Бу сукут моҳиятида интилиш ва кутиш, парвоз ва мунаввар манзил, гул ва ифор ораси, нур зарралари моҳиятидаги муқаддас ёруғлик бор. У ҳамиша ойдинликка, мунаввар руҳ оламига поклик оламига ёғду бераётган улуғ мусаффоликка, имон зилолига интилади”* [11;7.]

Икром Отамуроднинг мазкур тўпламдан жой олган шу номдаги шеъри сукут образининг рамзий маъносини муайянлаштириш баробарида шоир шеърларининг ғоявий мундарижасини анъанавий сукут образи теварагига жамлайди:

*...Сукут –*
*ризолик аломати эмас,*
*инкор тарзи ҳам эмасдир,*
*зотан.*
*Сассизлик сасидан сасланган сас –*
*Кангул канорида қуради Ватан!*
*Сукут –*
*Румий дилидаги қуш:*
*“Ичиндаги ичиндадур”.* [11;62.]

Ҳадсиз, чегарасиз олам саҳнида шоир ўзига маънавий-руҳий эҳтиёж сезади ва уни сукунат бағридан топишга уринади. Бироқ руҳият майдонида армонлар аҳгар, яъни лаҳча чўғ, саргардон бардош... Шундан шоир руҳий покланишга, маънан юксалишга қодир безавол маънавий қудрат – сукутга *руҳда кўклаган жавҳар, руҳдан томчилаган ёш,* дея таърифлар беради.

*Таъмалар тўқийди ширин хушомад,*
*шовқинлар сабрни кемирар чаннон.*
*Сукут –*
*таъмаларга ён бермаган мард,*
*сукут –*
*шовқинларга санчилган синон.*[1] [11;62.]

Ниҳоятда таъсирчан бу ҳолатни ўз ўқувчисига изоҳлар экан, шоир даврнинг илдамлаб бораётган зиддиятли руҳи – *таъмалар ортидаги ширин хушомад*лардан изтироб чекади*, сабрни кемирувчи шовқинлар*дан *чаннон* безийди. Шунда нажот – Сукут – *таъмаларга ён бермаган мард, шовқинларга санчилган синон,* яъни, найза бўлиб бўй кўрсатади.

*Сукут –*
*ўзингга ўзинг дуч келмоқ гали,*
*бир қурбдирки –*
*ўзингни тинглаш.* [11;63.]

мисраларида шоирнинг сукут образига юклаган поэтик маъноси янада мукаммаллашиб, теранлашиб, тадрижийликнинг ўзига хос юксак даражасига етганлигини ҳис этамиз: инсон фақат сукунатдагина – ўзи билан ўзи ёлғиз қолади. Фақат ўзи ёлғиз қолгандагина ўзини тинглайди, тўғрисини айтади, ҳатто энг ёлғончи одам ҳам ҳақиқат ва ҲАҚҚа юзлашади. Зеро, инсоннинг ўзи билан ўзининг суҳбати – ўй-хаёлидан ўтган гапларидир.

Хулоса қилиб айтганда, Икром Отамурод бугунги ўзбек адабиётида катта ҳиссий кучга эга бўлган ижодкорлар сирасига киради. У ўз шеърияти билан ўзбек назмини янги оҳанглар ва янги мавзулар, ўлмас ғоялар билан бойитиб келмоқда. Шоир истеъдодининг бетакрорлиги, нафосати, рамзийлиги, фалсафийлиги ва ҳар бир сўзнинг, жумланинг тагдор, муайян “ишора”ларга бойлиги билан ўзига хослик касб этади.

1 Синон – найза, найза учи маъносида. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III том. – Т.: Фан.1984. 82-бет.



# Шивирингдан уйғонсин дунё

**Дилноза КАМОЛ**

**Борар манзил қаён**

Яна тун бошланди, яна бедорлик,
Бир лаҳза ором йўқ, ололмасман тин.
Яна соғинчингда жоним беморлик,
Шу қадар узоқсан, шу қадар яқин...

Ёмғир ёғаверар юракни эзиб,
Гўё томчилари сен ҳақда сўйлар.
Чексиз хаёллардан кетганман безиб,
Мен сени ўйлайман, мени ким ўйлар...

О, тошлоқ кўчалар – лойга қоришиқ,
Пойафзал тешикдир, шилта соябон.
Йўлда кўлмакларга айтсам мен қўшиқ,
Томчилар рақсга тушади, ишон.

Пешонамга олий бахт бор эҳтимол,
Ёмғир иси инган тупроқ қучарман.
Борар манзил қаён, жануб ё шимол,
Эҳтимол, қуш бўлиб кўкка учарман...

---

***Дилноза КАМОЛ** – 1994 йилда туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 4 босқич талабаси. "Зомин" семинари иштирокчиси. Шеърлари Республикамиздаги ва Қозоғистон ҳамда Қирғизистондаги кўплаб шеърий тўпламларда чоп этилган.*

### Ҳеч кимса билмайди...

Ҳеч кимса билмайди унинг сувратин,
Кимга насиб қилар унинг сийрати?!
Шунчалар бўлурму сўзнинг қудрати,
“Ярал” муждасидан борлиқ яралган!

Тутун ўрлаётган ямоқ тандирдан,
Ноннинг куйган ҳиди чиққанда сал-пал.
Насиба шу дейман кўниб тақдирга,
Ҳисобим тепада этилгандир ҳал.

Туғилдим, тирикман кунда хотирлаб,
Зикрим ўн саккиз минг олам айланар.
Тан ичра сиғмаган руҳим потирлаб,
Парвозга дулдулдек мудом шайланар.

Олтин сочларимдан тўкилиб тола,
Хаёлда аксланар Сирот кўприги.
Ҳаётим топса гар гўзал ниҳоя,
Аё дўст, мен Ёрни келмоқда кўргим!

### Шоирга

Дард – кўксингда қайнаган чоғир,
Ҳолинг абгор, ҳаётинг хордир.
Бу кунлар ҳам ўтади шоир,
Ҳасратингнинг адоғи бордир...

Томирларда оқиб турсин шаън,
Нафасларинг чўғ бўлсин ҳатто.
Секингина томоғинг қирган,
Шивирингдан уйғонсин дунё.

### Тўкилмадим

Тўкилмадим, лек йиғига тўлиб қолдим,
Кун ботарнинг шафағига ўхшар юрак.
Бу дунёда англаганим бир ҳақиқат,
Фақат сенга етмоқ керак, етмоқ керак.

Кетаяпман, ортда қолган йилни судраб,
Ўртамизда на осмон бор, нада девор.
Кезаяпман, о, руҳимда чексиз қудрат,
Ишонганим, мўъжиза бор, мўъжиза бор.

Надир бу ишқ, вужудимни майли ёққин,
Розидурмен, ўзлигимни тамом бўлдир.
Балки нурсан, билмам балки нурдан ёрқин...
Қарашларинг ила мени тамом ўлдир.

### Онамга хат

Хона дим. Ҳолим танг, асаблар таранг,
Соатнинг товуши эшитилар чиқ-чиқ.
Орсиз сукунатнинг оромин бузиб,
Қаламим столга ураман тиқ-тиқ.

О, она, шаҳарда кўп экан чироқ,
Лек таскин бўлолмас бундайин чирой.
Тунлари бу ерда кўринмас менга,
Бизнинг супамизни ёритгувчи ой.

Атрофга тинимсиз таралиб соғинч,
Хаёллар ўтмишни намоён этар.
Маъюслик наҳрига чўккан жисмимга,
Биргина қўнғироқ, битта сўз етар!

### Ёнмоқликнинг ўзи катта бахт

Дилноза Камол борлиқни тимсоллар, рамзлар, ишоралар орқали тасаввур, мушоҳада қилади, Илоҳнинг қудратидан завқланиш, ҳайратланиш билан бирга, ҳар бир ҳодисада, ҳаракатда Унинг, яъни Сабабкорнинг борлигини, Ёрлигини чуқур ҳис этади:

*Тутун ўрлаётган ямоқ тандирдан,*
*Ноннинг куйган ҳиди чиққанда сал-пал.*
*Насиба шу дейман кўниб тақдирга,*
*Ҳисобим тепада этилгандир ҳал!*

*Туғилдим, тирикман кунда хотирлаб,*
*Зикрим ўн саккиз минг олам айланар.*
*Тан ичра сиғмаган руҳим потирлаб,*
*Парвозга дулдулдек мудом шайланар...*

Ёш ижодкорнинг шеърлари – маиший, икир-чикир мавзулардан баланд. Шунингдек, у сўзнинг рангини, таъмини, залворини ҳис этган ҳолда, ақл ва ҳис-туйғулар мувозанатини сақлайди, яъни беҳуда ҳайқириқлар, сохта баландпарвозликларсиз ҳам изҳорини, иқрорини, инкорини ифодалай олади:

– "Алло, болажоним, тан-жонинг соғми?!"
Сўзингдан ҳапқириб кетади бу жон.
Сендан йироқларда юрганим учун,
Ўзимни койийман, она, онажон!

Тошкентни нон шаҳри дегандинг она,
Аммо нон шаҳрига ўхшамас ҳеч ҳам.
Ҳаммасидан ширин дейман шивирлаб,
Ҳ-ўў тандир бошида еб олган кулчам...

Мен тинмай сўйлайман шаҳар ҳақида,
Сен эса жим туриб тинглайсан ҳар дам.
Билмам хаёлингдан ўтади нелар –
Тошкентни бир бора кўрмаган онам!

Турмушнинг ташвишин елкангга ортиб,
Биламан, биз учун тинмайсан сира.
Мен эса олисда сени соғиниб,
Кўзёшим мавжида оқаман, қара.

Она, борганида шоира қизинг,
Пойингга сочади кучоқ-кучоқ шеър,
Ўтин ёриб қадоқ бўлмасин қўлинг,
Шеърларимни ёқиб, кулча ёпиб бер!

---

*Томирларда оқиб турсин шаън,*
*Нафасларинг чўғ бўлсин ҳатто.*
*Секингина томоғинг қирган,*
*Шивирингдан уйғонсин дунё...*

Тоғларида азизлар изи қолган юртда камол топган, “Майсаларнинг сочин шоналаб”, “Ватан ишқида ёнмоқлик”ни бахт деб билган Китобнинг қизи Дилноза Камол шеъриятда ўз услуби, ифода тарзи, руҳий дунёсини ярата олишига, унинг “Йўлда кўлмакларга айтган қўшиғи”ни тинглаган “Томчилар беихтиёр рақсга тушиши”га, “Юрагида ловуллаган Сўз” тафти ўз қадрини топиб, ундан не-не дил аҳли баҳраманд бўлишига ишонаман.

**Одил ИКРОМ**
**Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси.**

### Ялдоли тунларда

Ялдоли тунларда эртаклар айтиб,
Безовта руҳимни аврайман ҳамон.
Токай давом этар бундайин яшаш,
Наҳот қулаяпти устимга осмон?!

Йўлингда интизор, жавдирар кўзим,
Шу кўз юмилмайин берақол садо.
Қирғоқман, мен томон сапчиб тўлқиндай,
Қачон рўпарамда бўласан пайдо?!

Бир қуш типирчилар олов вужудда,
Ёлғизлик куйидан зерикдим ахир.
Энди эртаклар ҳам қилолмас удда,
Кел, қалбим эгаси меҳр бер, меҳр.

### Лўли қизга

Нелар ўтди лўли қиз,
Нон деб эгик бошингдан.
Устунми шу бир чақа,
Тўкилган кўзёшингдан?..

Кел, узилиб дунёдан,
Сўзимни тингласанг-чи.
Сўзни сўраб Худодан,
Мен ҳам битта тиланчи...

Ҳаётимнинг матлаби,
Шеърдан сенга очай гап.
О, лўли қиз, мен каби,
Юрибсанми тентираб?!

Шеър ёзарман Худо деб,
Қофиялар қовушинг.
Ерни тирнаб лўли қиз,
Йиртилибди ковушинг.

Хафа бўлма, лўли қиз,
Ковушсиз ҳам кезамиз.
Юр, Ватаннинг тафтини,
Ялангоёқ сезамиз.

Юргил, тушмасдан қиров,
Юз босамиз тупроққа.
Қўрқма, чақириб биров,
Тутмас бизни сўроққа.

Кел, узилиб дунёдан,
Сўзимни тингласангчи.
Сўзни сўраб Худодан,
Мен ҳам битта тиланчи!

**Уйғониш**

Вақт ўтади...
Сўниб борар шам,
Сочларимни тарайди шуъла.
Тун чўкади, дилда ғусса-ғам,
Менга таскин битта ашула –

“Модарам!..”

Бунча оғир ишқнинг юмуши,
Нафасларим сиқилар, она!
Қанотларин ёйса руҳ қуши,
Торлик қилар мен ётган хона.

Ой уйғонган осмонда ахир,
Юлдузлардан ясалган саман.
Кетаяпман... аммо тонг саҳар,
“Модарам”ни айтиб қайтаман!

**Она**

Қовжироқ япроғим, кулранг осмоним,
Қуёш ол рангида мунгли йиғлайди.
Соғинч оловида кўпирар қоним,
Она! Бу дардимни биров билмайди...

Сизсиз кунларимнинг азоби оғир!
Сиздан узоқларда юрибман аранг.
Хотира юракка босилган муҳр,
Мен ҳам муҳрландим, онажон қаранг.

Сабрим косасига сиғмайди висол,
Туйғулар тортишар, истаб ҳаловат.
Қор қадар музлаган оловли хаёл,
Асли таркидунё, гарчи муваққат...

Бегуноҳ сатрга гоҳ ғашим келиб,
Бағрига сиёҳдек тўкаман қоним.
Сўзларни савалаб, эзиб, эзилиб,
Аламим оляпман, оҳ, онажоним!..

---

Модарам – Аҳмад Зоир қўшиғи

Яшаб ўтган умрим, эринмай титдим,
Тушиниб етдимки, болалик бу бахт!
Кўзимда ёш ила дардимни битдим,
Она! Сизни мендан айирибди вақт...

**Юрагимда бир сўз ловуллар**

Жиловланмас ҳисларим енгиб,
Юрагимда бир сўз ловуллар.
Навоийдек топилмас тенги,
Шоири йўқ юртлар ҳувуллар.

Сукут сақлаб бўлмайди ортиқ,
Туркистонга бўлайлик ровий.
"Буюк тарих" қилмоқда тортиқ –
Самарқандда Имом Бухорий!

Тушларимда кўк кўрпасидан,
Юлдуз сочган Мирзо Улуғбек.
Пойи Калон қобирғасидан,
Дунёларга танилган ўзбек!

Мен бир оддий Китобнинг қизи,
Ўтдим майса сочин шоналаб.
Тоғларида Пайғамбар изи,
Тошларини тердим доналаб...

Кўзни олар кўкда мис танга,
Кундузлари берибди чирой.
Кечалари муаллақ турган –
Балдоғимга ўхшар тўлин ой!

Эркинликнинг завқу шавқида,
Яшаяпман қалбимда жаннат.
То ўлгунча Ватан ишқида,
Ёнмоқликнинг ўзи катта бахт!

# Дарёдил муаллимим

*Эссе*



**Замира РЎЗИЕВА**

*Қадирлигим – қайнонам*
*Чаманхон бувининг ёрқин хотирасига бағишланади*

Тун ойдин. Шу қадар ойдинки... Кеча ёққан қалин қор ёруғлиги тўлин ой нурлари билан уйғунлашиб, ажиб сирлилик кашф этган. Бундай сирлилик бағрида ғафлат-ла ухлаш гуноҳ. Фақат ёзмоқ даркор. Менинг эса қаламим жим... Ҳадеб деразага қараб, фикрим бўлинаверади. Гўё нимадир бўлиши керакдек. Ниманидир кутаман. Ҳозир дераза тиқиллайди-ю... Лекин... сукунат мени тушунмайди. Дераза жим... Соқов. Ахир, Сиз энди йўқсиз...

– Ҳалиям ухламай ёзиб ўтирибсизми? Ишли, ёш болали хотин озгина дам олсангиз бўлмайдими?! Чироқни ўчиринг, бироз ухланг.

Бу – Сизнинг менга сираям ботмайдиган койишингиз эди, буви. Ҳар гал кичик хонамнинг чироғи ўчмаганини кўриб, секин деразани тиқиллатиб, сал буйруқнамо тарзда айтардингиз бу гапни. Мен-ку ёзма-чизмаларим туфайли ухламасдим. Сиз-чи? Сиз нега ухламасдингиз, буви? Менинг чарчаганимни, бироз ухлаб дам олишим лозимлигини айтиш учун етмиш ёшли кекса аёл уйқусини бузиб, пойабзалини қийналиб топиб, кийиб чиқиши шартмиди? Қаранг, мен ҳам шундай бўлиши керак деб тушунарканман. То Сиз чиқиб "койимагунингизча" ўтираверарканман. Энди эса ўша "койиш"ларни кутиб на ёза оламан, на ухлайман. Сиз билан ўн саккиз йил ҳамрох яшаб, бу "койишлар" сеҳри қанчалар кучли эканини сезмаган эканман, бувижон.

Келин бўлиб тушганимда нон ёпишни билмасдим. Тошкенту Андижон оралиғида бориб-келиб, уч йил, кейин беш йил ўтиб кетди. Ахийри бир кун ўғлингиз гапни кўндаланг ташладилар:

---

***Замира РЎЗИЕВА*** *– "Шуҳрат" медали билан тақдирланган. 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил олган. Шоиранинг "Мунаввар юртим", "Гул ислари", "Атиргулга айланаман", "Офтобжамол", "Жон риштаси", "Сарчашма", "Ташнадил" каби китоблари чоп этилган.*

– Сиз келин бўлиб келган жой қишлоқ. Кунда-кунора нон ёпилади. Шаҳарлик оқбилаклик сингмайди энди. Нон ёпишни ўрганинг. Агар нонни яна бувим ёпсалар, тандирни чопиб ташлайман!

Эртаси куни ишдан қайтсам, сиз яна нон ёпаётган экансиз. "Ҳозир аччиқ-тирсиқ гап бўлса-я" деб ўйладим. Аммо сиз: "Келақолинг, мана бу саватдаги нонларни айвонингизга ёйиб, ўраб қўйинг", дединг из. Юзингизда бирор норози кайфият сезмадим. Сал ўтмай ўғлингиз ҳам ишдан қайтдилар. Ошхонада куймаланиб юриб, нон ёпиш ҳақидаги ўйловлар ҳам ёдимдан чиқди. Кечки овқатни дастурхонга қўйиб, чой дамлаб келиш учун ташқарига чиқдим. Чойнак кўтариб уйга кираётганимда ўғлингиз билан суҳбатингиз қулоғимга чалиниб, туриб қолдим.

– Нонни ким ёпди, буви?

– Ўзинг бувим ёпмасин деб буйруқ бериб кетувдинг-ку, келиним ёпди.

– Йўғ-ей?

– Мана чекич уришда мен бошқача гул солишимни биласан-ку. Энди чекич уришу нонни сал йирикроқ ясаш чиройли бўлишини айтсам бўларкан. Ҳар ҳолда, эплабди. Секин ўрганади десам, бир шошилдинг-ей...

Айвон остонасида туриб қолдим. Ўша лаҳзада қандай ҳолга тушганимни тасвирлаш қийин. Келини учун атай нонни бошқачароқ ясаб, бошқачароқ чекич уриш, яна ўғлига мақтаб гапириш ҳамма қайнонанинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу менга "Нонни сиз ёпинг" дегандан кучлироқ таъсир қилди, бувижон. Айниқса, "Бинойидек нон ёпганим" учун ўғлингиздан совға олганимда... жуда қийналдим. Сиз қандай устоз эдингиз, буви? Дарёмидингиз, осмонмидингиз...

Баъзан касбим тақозоси туфайли арзгўйлар билан учрашишга тўғри келади, кўпроқ қайнона келин можароларига шоҳид бўламан.

“Ҳамма юмушни бажараман, барибир, ўян топиб, ўғлига гап чақади. Мени ёмон кўради. Алоҳида қозон қилиб бирор "дом"га чиқиб яшасак, яшайман. Бўлмаса, ажрашиб кетаман".

Бу "куйган" келиннинг шошма-шошар хулосаси.

"Бо, болам-а. Бу келин на уйни тоза тутади, на ош-нонни мазали пиширади. Ясаниб ишга боришни-ю эрига кўйлак олдиришни билади, холос. Яна мен билан айтишгани-чи? Бўлмайди! Топганимни сарфлаб, ўғлимга онаси ўпмаган қиз олиб бераман. Тамом. Бу билан яшатмайман”.

Бу "аламзада" қайнонанинг гаплари.

Шундай арзларни эшитганимда беихтиёр сиз кўз ўнгимга келасиз. Арзсиз, шикоятсиз, нурли чеҳрангиз янаям азизроқ туюлади.

Бор-йўғи бешинчи синфгача савод чиқарган, умри далада, кетмонда чопиқ қилиб, қанор-қанор қоп кўтариб ўтган сиздек аёлнинг бу тахлит тарбия йўсини олимларга аёнмикин?!

Ҳозир кунора нон ёпаман. Чекич уришим ҳам, нон ясашим ҳам худди сизникига ўхшайди. Буни сизнинг кенгдил муаллимлигингиз ўргатди, бувижон. Сиздаги бу ноёбликларни қандай шарҳлашга қаламим ожиз туюлади.

Ҳасратни ёқтирмасдингиз. Фақат баъзан "Юракларим адо бўлган" деб қўярдингиз. Аслида бу гапни ҳамма аёл ҳам кўп ишлатади. Аммо сизни "Адо қилган" дард бошқаларникидан кучлироқ экан. Сиз кундошли бўлган экансиз. Кетма-кет қиз туғилавергач, ўғил туғмадинг деб камситилган кўнглингиз кундошликнинг оғриқларига рўпара бўлган, лекин қарангки, кундошли бўлган йилингиз ўғлингиз туғилган экан. Аммо сиз кундошингиз Зулфи энамиз билан ҳам сира

“сен-мен”га бормабсиз. Дадамизнинг бу “эркалигига” сукут билан жавоб бериб-сиз. Зулфи энанинг уйидан уч-тўрт кунлаб келмаган кунлари ҳам барибир бир коса овқатни совутмай ўраб олиб қўйиб яшабсиз. Овқат олиб қўйиб уни кутиб ухламай тонг оттирган тунингизда юрагингиздан нималар ўтган эди, бувижон? Ахир “эр бермоқ –жон бермоқ” деган иборанинг оғриқлари юрагингизни тилиб кетиши аёл зотига хос эмасмиди?!.

Ё сизда сабр шунча кучлимиди? Ё рўзғорнинг баланд-пастида шу қадар хо-кисорликни танлаганмидингиз? Сабр берган бу хокисорлик Зулфи энанинг умри охиригача етгани-чи...

Зулфи энанинг “рўзғор”ини ҳам бузмабсиз. Ҳатто катта опамизнинг тўйида чақириб, саруполар сандиғига бош қилиб, иззатлабсиз, кўнглини кўтарибсиз. Бе-фарзанд Зулфи эна сизнинг бу дарёдиллигингизни ўла-ўлгунича алқаб ўтибдилар. Бир гал сиздан “Нега ўз қадрингизни ерга урганингиз" хақида сўрашганида, "Кун-дош кўрган кунларим жуда қаттиқ изтироб чекканман. Худойим ўша изтиробла-рим ҳақи ўғлимни – Эгамбердижонимни менга туҳфа қилиб берган бўлса, не ажаб. Зулфи опам савобга қолдилар", деган экансиз. Ҳамма нарсадан яхшилик қидириш, фазилат топиб яшаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаса керак. Шунчалар дарё-мадингиз, осмонмидингиз, буви!

Болажон эдингиз. Набираларингизнинг ҳар қандай хархашаси ҳам асабингизга тегмас, қайтангга ўзингиз ҳам болага айланиб, бола билан суҳбатлашишни, уни нима қилиб бўлса ҳам хурсанд қилишни яхши кўрардингиз. Чўнтагингизга бир-иккита қантми, ўрик қоқими, бодомми солиб юришни канда қилмасдингиз.

Зилола қизим бир ёшга етиши билан энди ишга чиқаверишим мукинлиги-ни айтган ҳам ўзингиз бўлгансиз, буви. Уйимиз Олтинкўлда, ишхонам Андижон шаҳрида эди. Думбулгина эканманми, ишга чиқиб кетаверибман. Аслида йигирма сўтихли қишлоқ ховлисида иш озмунчамиди?

Ерни яхши кўрардингиз. Ҳовлимизда бир қарич ҳам бўш жой қолдирмасдингиз. Шунданми, томорқамиз тўкин, ҳамма нарса экиларди. Мевали дарахт ҳам анчагина эди. Кўклам келиб дарахтлар гуллаши билан айтадиган шукронангиз бўларди: “ёлғизгина ўғлимнинг болалари шовқин-сурон солиб шохини эгиб, қўли билан узиб есин деб тилардим, тилагим рўёб бўлди. Худога шукур”. Меваларгина эмас, сабзи, помидор, бодринг, қулупнай... ҳамма нарса бор эди бу томорқада. Чеккангизга бир шох райҳон тақиб, томорқада куймаланадиган аёл энди менинг бир ёшли, хархашаси бир дунё боламни ҳам олиб қолиб ишга чиқишимга рухсат беришингизни эсласам... эсласам бугун уялиб кетаман. Дарёмидингиз… осмонмидингиз, буви.

1984 йили Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими режасига асосан Андижон вило-ятдаги бир гуруҳ ижодкорлар адабий ҳамкорлик алоқалари ҳафталиги муносабати билан Жиззахга борадиган бўлишди. Бир ҳафталик бу сафар ҳақида (гарчи ўзим боролмаслигимни билсам ҳам) уйга гап кўтариб келдим. Сиз эса ўғлингиз рад этиб қўйишидан қўрққандек шошиб:

– Ўқимишли келин оламан, давлат ишида ишлайди, болаларини ўзим боқаман, деб Худога ваъда берган куним бор. Қатордан қолманг, бориб маросимни ўтказиб келаверинг, ҳаммани ҳам таклиф қилишмайди бунақа сафарларга, – дедингиз.

– Бўлмаган гап-ей, – ўғлингиз ҳайрон бўлиб юзингизга қарадилар.

Мен ҳам "йўғ-ей..." деб юбордим.

– Зилол боламни шу баҳона кўкраксутдан ажратиб оламиз. Келиним ўзи озғингина бўлса, бола сутга қониққан сари баттар озиб кетади. Борса бориб кела-версин. Бир хафта нима деган гап ўзим эплайман... шундоғам кундуз куни, сигир

сутига, қозон овқатга анча-мунча ўрганиб қолди. Ё... болангни менга ишонмаяпсанми, – ўғлингизга қарадингиз.

Улар сизни рад этолмай қолдилар.

...Бир ҳафта... Андижонлик ижодкорларнинг бир ҳафталик сафаримиз таассуротларга жуда бой бўлди. Жиззах вилоятининг бир неча туманларида адабий учрашувлар ўтказдик. Айниқса, Бахмал туманида кўнгил яйради. Тоғлар салобати, булоқлар сеҳри, бахмалликларнинг ҳеч кимга ўхшамаган ўзига хос яшаш тарзи... қарангки, тоғ бағридаги катта булоқ бир қишлоқ аҳлининг эҳтиёжига етаркан. Юзлаб, катта-кичик раққос балиқлар ўйноқлаб сузиб юрадиган бу булоқни томоша қилишнинг ўзи жуда завқли эди. Шуниси борки, қишлоқ аҳли бу балиқларни овламас, емас экан. Энг таажжуби, жума куни балиқлар умуман кўринмас, одамлар балиқларимиз ҳажга кетишди деб суюнишаркан.

Кундузги адабий учрашувлардан сўнг бахмаллик шоир Абдулла Қўшбоқнинг тўрт тарафи ҳам очиқ бедазор каттакон ҳовлисида, юлдузлар жилваланиб юракни яшнатган оқшомда шеърхонликлар бўлди.

Абдулла Қўшбоқнинг юзларидан нур ёғилиб турган отаси шоир ўғлининг ижодкор дўстлари шарафига бир бўрдоқи қўй ҳам сўйдилар. Яқиндагина уйланган Абдулла Қўшбоқнинг сочи тақимига тушадиган янги келинчаги билан унинг мулойим чеҳра қайнонаси бизга таом пишириб тўхтамади. Хуллас икки вилоят ижодкорларининг ҳамкорлик тадбирлари жуда зўр ўтди. Андижонга бир олам таассурот, янги илҳомлар билан қайтдик.

Қайтдигу Андижон шаҳридан то Олтинкўл туманига етгунимча минг хил ўйда келдим. Қизчам қайнонамни инжиқлик қилиб қийнаган бўлса, онага ичикиб касал бўлиб қолган бўлса-чи?.. Қайнонамнинг сутдан ажрамаган неварани олиб қолиб келинини бир ҳафталик сафарга жўнатганини эшитганлар нима дейишди экан? Айниқса катта қайнопам билган бўлсалар роса жағи очилгандур? Шундоғам, менинг шоирлигим, томорқа ишларини уддалашга вақтим ҳам, истагим ҳам йўқлигини кўп писанда қилиб гап билан узиб-узиб олардилар. Борсам роса томоша кўрсатса-чи, деган ҳадик юрагимни ғижимлаб, етиб ҳам келдим.

Дарвоза зулфига бойланган ипни ечиб (кўни-қўшниникига чиққан бўлсангиз керак сиз дарвоза қулфлашни ёқтирмасдингиз) секи-ин ҳовлига кирдим. Сал хотиржам бўлдим, нафасимни ростлаб олишимга имкон деб ўйладим буни.

Демак, опаларим келишмабди. Ярим соатлар ўтиб бир қўлингизда катта тугун, бир қўлингизда тўлагина неварангизни кўтариб кириб келдингиз. Биздан тўрт-беш дарвоза нарироқдаги Каромат ошнангизникига йиғинга борибсиз. Қишлоқда ҳар қандай маросимга дастурхонсиз бормайдилар, сиз ҳам таомилни бузмай олтита қатлама-патир пишириб борибсиз.

– Буви, бола билан қийналиб қатлама-патир пишириб, яна неварангизни кўтариб йиғинга борибсиз... жуда хижолатман, қўни-қўшниларга роса гап топилгандур, – дедим секин.

– Нега гап топилади, уларга айтиб ўтираманми, қатламани келиним пишириб берди, ёзма-чизмангиз бўлса қилаверинг деб боласини олиб чиқдим дедим, қаймоққа пиширилган қатламапатирни маза қилиб ейишди, сизни дуо қилишди, дедингиз.

“Дуо қилишди...” Дарёмидингиз, осмонмидингиз, бувижон...

Шу инжиқ бола билан қатламапатир пишириб, яна уни кўтариб маросим-

га чиқишнинг ўзи бўладими? Асли бунақа йиғинга қишлоқ келинлари одатда қайнонасининг лозиманда дастурхонини тайёрлаб, қўлига тутқазиб чиқарадиларку!

Ёмонимни яширасиз, яхшимни (агар бор бўлса) оширасиз. Чунки қишлоқда жуда кўп кишилар менинг "Яхши келин" эканлигимни хатто ўзимга ҳам айтишган. Сиз мақтовимни оширибгина гапирмасангиз, одамлар мени яхши дермиди?! Аслида ўзимдан, ижодимдан, иш юзасидан командировкалардан ортиб, келинликнинг ҳамма шартларини бажаролмаётганимни яхши билардим. Сиз эса...

Шунча дарёмидингиз... шунча осмонмидингиз... Бу феълларингизни қалам қандай таърифлайди?! Шеърга қандай сиғади.

*Ана кетмон, ана қанор-қоп,*
*Ўт ёшлигинг, ёйиқ, қулочинг.*
*Хотиралар битилган китоб,*
*Ўттизида*
*Оқарган сочинг.*
*Кенг далангга тўкилди бир-бир,*
*Кучинг, ҳуснинг, муборак севгинг.*
*Сенда қолди*
*тўкилмай сабр,*
*Уни ёрни*
*Севгандай севдинг.*

Сиз то нафақага чиққунингизча пахтакор, пиллакор бўлгансиз. Сўнг 23 йил нафақа олдингиз. Аммо ҳар гал нафақа олаётганингизда кўзларингиз маъюсланиб, қўлларингиз хиёл титраганга ўхшарди. Бу бесабаб эмас экан.

...1958 йилларнинг баҳорида бошқа қишлоқдан рўзғори бузилиб келган ёлғизқўл қайнэгачингизга ҳовлингиз ва уйингизни бўшатиб бериб, унга берилган қуруқ ерга уй солиб яшайдиган бўлибсизлар. Тўрт болангиз билан капа тикиб яшаб, бутун оила гувала қуяётган кунларингизда хўжаликда ипак қурти тарқатилаётган экан. Сиз, "Бу йил қурт боқиш учун уйимиз йўқ. Қуртни қандай боқаман", – деб раисга узр айтибсиз.

– Мен билмайман. Бу партиянинг, давлатнинг топшириғи, – дебди у.

– Тушунинг, раис бува, уйим йўқ-ку қурт боқиш учун. Сиз айтгандай омонат айвон қуришга имконимиз ҳам йўқ. Қуртлар ҳалок бўлади. Йўқ, бу йилча қурт боқолмайман, – дебсиз, яна қийналиб, колхоз раисининг сизга узатган қоғозга ўроғлиқ ипакқуртини олмай, қўлини қайтарибсиз. Ипакқурти ўралган қоғоз ерга тушиб кетибди. Сўзи синиб, қўли қайтарилган раиснинг жаҳли чиқиб ғазаб ҳам қилибди. Кейин эса...

Хуллас, "Ипак куртини сочиб юборди", деган баённомали туҳмат туфайли дадамиз ҳали милицияга, хали ўртоқлик судига кўп қатнабдилар. Аммо сизга буни билдирмабдилар. Чунки туҳматдан қаттиқ эзилишингизни истамабдилар. Аммо хатга тушиб қолган бу “айб”ингиз анчадан кейин – нафақага чиқаётганингизда ўз таъсирини кўрсатибди. Нафақангиз анча фоизга қирқилиб белгиланибди. Сиз буни кейин билибсиз, аммо бирор марта шикоят ҳам, кўни-кўшнига ҳасрат ҳам қилмабсиз. Қўшни-ўртоқларингиздан тенг баравар кам нафақа олаётганингизда ҳатто ўзингиздан хижолат бўларкансиз. Лекин сизнинг далада ҳам, пиллада ҳам

энг илғорлардан бўлганингизни ҳамма биларди-ку? Нега хижолат бўлгансиз? Нега шикоят қилмагансиз? Шунча дарёмидингиз, шунча хокисормидингиз, буви!..

Кўчамиздаги Омина хола, Каромат ошна, Ҳалима опалар дугонангиз эди. Кунда кунорада бир-бировникига чиқиб "кампиргурунг" қилардиларингиз. Бир куни хамир қилмоқчи бўлиб супра ёзиб ун элаётсам, кўчадан кирдингизу:

– Бугун нон ёпмай қўяқоламиз. Ҳалимахоннинг сигири сутдан чиққандан буён сувга нон қилишяпти экан (қишлоқда қорароқ ун бўлса ҳам хамир сутга қорилади). Би-ир хижолат бўлдим. Бугунги сутни уларга берамиз, – дедингизда эрталаб соғилган бир пақир сутни олиб дарвоза томон йўналдингиз.

– Нонимиз тугаган ўзимизниям, ана данғар бўш ,– дедим бу ҳолат ёқинқирамай..

– Ҳечқиси йўқ, бирор кун бўлка ермиз, сигирнинг бир елини қўшнининг хақи бўлади, қизим. Кечқурунги сутни соғиб, эрталаб нон қилаверасиз.

Минг машаққатда (мен учун шундай эди ахир) соғиб келган бир пақир сутни индамайгина бериб юбориш сира ёқмаса-да, индаёлмай қолавердим.

Сиз билан бор-йўғи ўн саккиз йил бирга яшадим, аммо ўрганганларим бир дунё бўлди. Ҳар гал онамларникига борадиган бўлсам чоғроққина ҳовлисида тандир қуриш учун жой етмаган шаҳарлик кудангиз – онамга албатта пиёзли помидорқоқи солинган мазали тандир нони бериб юборишни канда қилмасдингиз. Бу илтифотингиздан онамнинг қанчалар хурсанд бўлганини кўп кўрганман. Гапнинг очиғи, онамнинг қувонганини кўриб қишлоққа келин бўлганимдан рози бўлиб кетардим.

Ёдимда бир гал онамга ўзимча жуда-а ақлли бўлиб шикоят кўтариб борибман.

– Шаҳар билан қишлоқ орасида от билан туяча фарқ бор экан, буви (ўз онамни ҳам буви дердим). Қишлоқда ғўзапоя дегани сероб. Бу йил ҳам бир дунё ғўзапоя бойлаганмиз. Аммо кудангиз ўта пишиқ. Кеча тандирга ўт қўяётганимда шунча кўп ғўзапоя туриб, памидори юлинган томорқадаги хас-хашакларни, майда-чуйда шох-шаббаларни йиғиб келиб тандирга солинг, деди. Бир жоним чиқиб, асабим ўйнади-ю, ўзимни зўрға тийдим-да, "Шунча ғўзапояни нима қиламиз ёқмасдан" деб чимирилдим. Жаҳлим чиққанини сезди, шекилли, индамай томорқага кириб ўзи шох-шаббаларни йиғиштириб чиқди. Ўшани ғўзапояга аралаштириб тандирни қиздирдик.

– Қудам тўғри гапирган, сен нодонлик қилибсан болам, – дедилар онам (жойлари жаннатдан бўлсин), – биринчидан ўша хас-хашагу шох-шаббаларинг ҳовли томорқангни ивирситиб тургани аниқ. Териб келиб ёқиб юборсанг йиғиштирилиб ораста бўлиб қолади. Иккинчидан, тандирни қиздириши мумкин бўлган шох-шаббани бир куни кераксиздай тўплаб ўт қўйиб, тутун бостирасан, ёки чиқиндига чиқарасан. Бунинг ҳам уволи бор, болам. Учинчидан, яхши бека бор нарсани тежаб-тергаб ишлатади. Эҳтимол келаси йил ғўзапоя ололмассизлар. Ўшанда нима қиласан? Ғўзапоясиз ким қийналади – ўзинг. Тағин уялмай "чимирилдим" дейсан-а! Янаям қайнонанг янаям кенгфикрли, ювош. Ўрнида мен бўлганимда адабингни берардим. Мени ҳафа бўлмасин десанг, қудамдан бу беадаблигинг учун бугун борибоқ узр сўра. "Қайнонали келин қарқара келин, қайнонасиз келин масхара келин", деган ҳикматли нақл бежиз эмас. Эсингни йиғ.

Жи-им қолдим.

– Қарқара дегани қушми... – сўрадим.

– Қизим жонима, қуш бўлгандаям жуда чиройли, бенуқсон, камёб қуш. Қайнонасининг ўгитларига қулоқ солиб амал қилган ҳам саришта, ҳам тежамкор, ҳам чаққон, ҳам қунтли келинни шу қарқара қушга ўхшатишади. Қарқара келин

уй-жойи ивирсиб, томорқаси тўзиб, ўтини увол бўлиб, пала-партиш рўзғорга қолмайди, қизим. Бу дегани ўша чиройли ва ноёб қушдай қадрли, обрўли бўлади.

Мана бугун ёшим анча улғайди, бувижон. Қарқара келин бўлдимми, йўқми билмайман, лекин сиздан кўп нарса ўргандим. Ўгитларингиз бот-бот ёдимга тушади:

"Дарвозадан қўни-қўшни кириб келса шошиб пешвоз чиқинг, қизим. Салом бериб кўришингу, тез уйга чопиб янги тўшак (кўрпача) олиб чиқиб солинг. Хонтахта атрофида тўшак солинган-ку, деманг. Барибир, бу ўша одамнинг иззати учун қилинади, урфимиз бу, ўзбекчилик бу, қизим".

"Ошхонангиз доим саришта турсин. Сабзи, ёки гўшт тўғров тахтангизни ишлатиб бўлибоқ ювиб, тескари тиккалаб қўйинг. Ширасига албатта қумурсқа келади, макрух бўлади."

"Қозони ювуқсиз қолган уйнинг баракаси камаяди".

"Бу ер қишлоқ, қизим. Ошхонада албатта икки пақир сув захирада турсин, бетини ҳеч қачон очиқ қолдирманг, ёдингиздан чиқиб очиқ қолса ишлатманг, макрух бўлади".

"Тонгда кўча супуришга чиқсангиз, қўшнининг дарвозаси олдини ҳам қўшиб супуриб қўйинг. Шу кунда келини уйда йўқ бўлиши мумкин. Сира энсангиз қотмасин. Сиз иш билан у ёқ-бу ёқларга кетганингизда унинг келини кўп бор, шундай қилган. Буям ўзбекчилик, қизим".

Дам олиш куним ҳар гал кир ювишга тайёргарликдан бошланарди. Нонушта дастурхонини йиғиштиргунимча чиқиб сув иситкич катта қозонни гувалакли ўчоққа осиб сув қуйишга бошлардингиз. Сўнг тандирдаги ғўзапоя кулидан олиб докада элардингизда, дуррага тугиб катта қозондаги сувга ташлардингиз. "Бу ҳақиқий ишқор, кирларингиз зўр оқаради шунда", деб мақтаниб ҳам қўярдингиз.

Буни менинг электр сув иситкичда сув иситишимни, кир ювиш "порошогим" тугаган деб чимирилишимни ёқтирмаганингиздан, қилардингиз. Аслида "Тежамкорроқ бўлинг, ўчоқда сув иситинг, кир порошок бўлмаса, ишқорли сувда ҳам ювавернг" десангиз ҳам бўларди-ку. Дарёмидингиз... осмонмидингиз, бувижон.

...Тун ойдин. Шу қадар ойдинки ухлаш гуноҳ. Фақат шу ойдин туннинг ўзига ўхшаш ёруғ хаёл суриш, ёруғ соғинчдан баҳраманд бўлиш даркор. Борлиқ сеҳргару мен сеҳрлангандайман. Исмсиз туйғулар талошидаги юрагимда бегард тасаввур, орзиқиш... ёруғ бир ҳасрат... Қалам эса бу орзиқиш, бу соғинч, бу ёруғ дардни шарҳлаёлмасликдан титрайди. Ахир дарёни дарёлигича, осмонни осмонлигича қоғозга тўкиш, сиғдириш маҳол. Бир энтикаман, тўлиб кетаман, қароғимни куйдириб чиққан томчи қоғозга томади: "Дарёдил муаллимим, осмондил муаллимим, бувижон, Охиратингиз обод бўлсин!"



# Нигоҳларим туташар уфққа

**Маҳлиёхон**
**УМУРЗОҚОВА**

**Бахт иси**

Нур сизади тоғлар бағридан,
Уйғонишар сезгир дарахтлар.
Юмалаб тушади сўридан,
Бағри бўшаб қолган саватлар.

Саҳарда тандирга ўт қалаб,
Мунисгинам меҳр ёпади.
Саватлар бағрини тўлдирар,
Ҳар тонг шундай қадр топади.

Мудраган ҳовлига сув сепиб,
Уйғотар эринчоқ тупроқни.
Меҳр-ла ўпгандек юзидан,
Тонг уйғота бошлар қишлоқни.

Қуёш келар олтин кокилли:
Олов ёлли, учқур қанотда.
Таралади ширин бирнафас,
Бахт иси келади ҳаётдан.

---

***Маҳлиёхон УМУРЗОҚОВА** – 1990 йилда туғилган. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси. “Туйғулар алангаси” номли китоби чоп этилган.*

* * *

Кўнглим – кўкда кабутар,
Кенгликлардан эмар нур.
Хаёлнинг қанотида
Сузиб боради масрур.

Қанотим шамолига
Эргашади қўшиқлар.
Сулувлар кулгусидан
Эсдан оғар ошиқлар.

Тутинг менинг қўлимдан,
Менга ҳамроҳ дўст керак.
Юракка қайтмоқ учун –
Олов каби сўз керак!

**Болалигим**

Болалигим болаликда қолиб кетди,
Ҳаёт – тўлқин, ёт қирғоққа олиб кетди.
Марғилонда бувим каби йўлим пойлаб,
Мажнунтолнинг елкалари толиб кетди.

Димоғимда гуллоланинг бўйи қолган,
Қулоғимда капалакнинг куйи қолган.
Мен қуёшга бойчечаклар тутган эдим,
Бармоғимнинг гирд-атрофи куйиб қолган.

Анҳорларга ҳасратимни отгим келар,
Онажоним ҳалволарин тотгим келар.
Беғуборлик булоғидан сув симириб,
Такрор ўша дамларимга қайтгим келар.

* * *

Интизорман ўзингиздан кўп,
Оқшомларга сир айтмайман жим.
Сиздан атай айрилдим, ахир,
Соғинмоқ учун.

Жим тинглайман
ва жим сўзлайман,
Ўтган вақтни ҳис қилмоқ учун.
Хона сукутига ўраниб,
Ухлайман бу тун.

Нигоҳларим туташар уфққа,
Тушларимга айланар борлиқ.
Ичимда ким кузатар мени –
Дилимда оғриқ.

Интизорман сиздан ҳам кўпроқ,
Тушларингиз қилиб зиёрат.
Сиздан атай айрилдим ахир –
Соғинмоқ ҳам гўзал ибодат.

**Тун**

Сукунат чойшаби жиққа ҳўл бўлмиш,
Сойни шалоплатиб чўмилади ой.
Кечанинг кўкдаги марваридлари
Ушбу нафосатга қўшади чирой.

Шу мунир оқшомда сени эсладим,
Юрагимни тилди аччиқ изтироб.
Кўзимдан юлдуздек томди ҳисларим,
Қайдасан, азизим?
Жавоб бер, жавоб.

Зулматнипоралаб борар тўлин ой,
Тилкалашиб борар ошиқ юрагим.
Оламда борлигим билмадинг-ми сен:
Етиб бормадими, асов тилагим.

Балки, унутгансанўтлиҳисларим,
Асли, бегонадир сенга бу алам.
Айтгин, кўряпсанми ҳув юлдузларни,
Туйяпсанми, туннинг овозин сен ҳам?

Билдингми, недан ҳўл сукут чойшаби
Билмайсан, билганлар Худога яқин.
Менинг ҳаётимнинг кечаларини
Шул сабаб ёритар ишқ деган чақин.

* * *

Бардошни соғинчлар синдириб кетди,
Азим тўғонларни сел олганидай
Тоғлар бошига ҳам оқ тушди гўё
Аёл хўрсинади ғами тугамай.

Хотира қўрини хомуштиткилаб,
Тиғлайди кўксини армонлар такрор.
Умид маржонлари узилди буткул,
Сен ҳам дийдоримни қўмсадингми, ёр?

Ушалмас орзудек сенинг хотиранг,
Чарос кўзларимга сингиб кетади.
Биламан, юрагим оҳ ура-ура,
Барчасин жимгина енгиб ўтади.

* * *

Бир оғиз сўз...
Шунча қийинми?
Имконсизми бир бор шивирлаш...
Ғурурингиз... кўнглим ўйинми?

Сўзлайсизми, термуламан жим
Фиғонимга бирор сас қани?
Хўрсинасиз... унинг исми ким?
Наҳот, унинг эгаси менми?

Тутқун қушдай титрайди юрак,
Қаршингизда зорман, муҳтожман.
Бир оғиз сўз... жудаям керак,
Кейин нафас ола бошлайман.
Балки бошқа ҳаёт бошлайман.

## БАҲОРГА АЙЛАНДИМ

Она! Баҳорларга айландим рости,
Ёғдуларга кўмди ойнинг нигоҳи.
Бугун юрагимнинг тагида туриб,
Кўксимга тепади фарзандим гоҳи.

Она! Баҳорларга айландим рости,
Нигоҳимдан ўчди кузнинг доғлари.
Югуриб ўтяпман ортимдан боқар
Гуллаб бораётган Тошкент боғлари.

## МАНЗАРА

Қумга бағрин берган болакай,
Қизғалдоққа ётар кўз тикиб.
Нимагадир ҳафсаласи йўқ,
Қизғалдоқдек бошини букиб.

Бепарводек тикилар кўкка,
Қалдирғочга боқар бемаъно.
Болакайнинг қалбида балки
Юксалмоқда ўзга бир дунё.

Аммо буни ҳеч ким билмайди,
Бола бунга парво қилмайди.



**Эгамназар**
**СОҲИБНАЗАРОВ**

# Илҳомқуш

*Ҳажвия*

– Хотин, бугун ўз ҳолимга қўй. Истасанг битта чой дамла, бўлмаса шу ҳам керак эмас. Болаларни оёқ-қўлини боғлаб онангни уйига жўнат. Ғинг деган овозини эшитмай. Мен роман ёзаман. Роман! – дедим бир даста қоғоз, неча хил ручка-ю қалам ва ҳатто ўчирғичгача олдимга тахт қилиб.

– Вой! Роман? Қўйинг ўша романни! Дарвозамизни яримта винога “сварка” қилиб берганди, роман. Бир шамол келганди, қулаб тушди дарвоза, – деди хотин “тақ” этиб чойнакни олдимга қўяркан.

– Қанақа роман? Бу одам эмас, бу дегани, бу...

– Э-ҳа, Рўмон қишлоғими? Хўжанд томонларда деб эшитган эдим...

– Вой-вое! Рўман қишлоқ ҳам эмас! Қанақа нодон хотинсан-а? Бу роман, катта бадиий асар. Икки юз, уч юз саҳифали китоб. Бир замонлар битта романга энг охирги маркадаги гижинглаган “Жигули” берарди.

– Ҳозир-чи, велосипед ҳам бермаса керак? Унда нима қиласиз бошингизни оғритиб. Ёшингиз бир жойга борган бўлса ҳам зиғирча ақлингиз йўқ.

– Ҳой, хотин, хотинжон. Беданани тухумидай каллангни ишлатсанг-чи? Ахир, ахир... Мен ёзувчи. Ичимдаги кўринмас одам, “Ёз, ёз!” дейди. Илҳом қуши бошимда ғир-ғир айланиб тинчлик бермай қолади. Очиқроқ айтсам, бу касаллик... Мен касал... Борақол энди, романни бошлайман...

– Хўп тушундим, лекин ўша савил қолгур романингиз ким ҳақида, ўзи? – деди яна мижғовланиб хотин.

– Уфф... Уруш қатнашчиси ҳаётидан.

– Э, уруш қатнашчиси бўлса менинг буважоним ҳам урушда бўлган, романингизга қўшинг, китоб янада қалинроқ бўлади. Мумкин давлат томондан мукофот ҳам беришса, – тилдан қолмасди хотин.

– Уфф, бувангни бошимга ураманми, умримда кўрмаган бўлсам, қаерда, қачон, ким билан урушганини билмасам, китобга қандай қўшаман? Тушунсанг-чи? Бор энди, барака топгур, – дедим жаҳл оти узангисига оёқ қўйиб...

---

***Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ*** *– Суғд давлат педагогика институтини тамомлаган. “Хом шўрва”, “Хушхабар”, “Орамиздаги одамлар”, “Елкамдаги одамлар”, “Менинг жавдари муҳаррирларим”, “Ақлли айиқ” сингари ўндан ортиқ китоблари чоп этилган.*

– Вой, менинг ёзувчи эргинамдан айланай. Буважонимнинг урушдаги ҳужжатларини жияним чарм папкада сақлаб қўйган. Бир кафт ордену медалларини бувим тушмагур лўлиларга битта чит рўмолга бериб юборган. Лекин ҳужжатлар турибди. Бувам, уруш кўрганмасми, жаҳллари жуда ёмон эди. Лўлиларни эшитиб бувимнинг бошига таёқ билан шундай туширганки... Тарс ёрилган бошдан оққан қонни ўша чит рўмол билан боғлашган. Бечора бувижоним таёқ зарбидан олган жароҳати билан бувамнинг вафотидан йигирма йил ўтиб ўлдилар. Вой, бувижоним-а... Уруш ўлсин, бувамга таёқ бермай...

– Ҳой, хотин, тинч қўй, ёза қолай... Яна икки оғиз гапирсанг, сюжету протатип, яъни қаҳрамонларим баҳримдан ўтиб, бор-е, деб учиб кетади. Бор энди, хотинжон, – мен энди портлашга яқинлашардим.

– Мен, нима дедим? Иложи бўлса бувамни ўша романингизга қўшсангиз, руҳу арвоҳи шод бўлади, дедим. Ишингиз ҳам юриб, баракали бўлади. Сиз билмайсиз, бувам умрларининг охиригача обшепитда ларёкчилик қилди. Казо-казо одамлар, "Элликта қуйворинг! Юзта томизинг, аммо биров кўрмасин!" деб илтимосга боришарди. Дўконларининг теппасида катта рамкада Сталиннинг расми турарди. Ҳар куни эрталаб унга "салом" бериб, иш бошлаши учун гўё фотиҳа оларди. Юқоридан катталар келиб суратни олиб қўйишни талаб қилмоқчи бўлган, лекин таёқларидан чўчишган...

– Вой, бошим-а... Токи сен бор экансан мен дунёдан ному нишонсиз ўтиб кетаман. Чингиз Айтматову Ғафур Ғулом, Расул Ҳамзатовлар қандай бахтли инсон бўлганлар-а. Ўшаларда ҳам хотин бор эди. Аммо сен...

– Нима мен, яъни одам эмасман-а? Хўш гапиринг? Қайси гўрдаги китоблардан кўчирган шеъру сафсаталарингиз билан вақтида "ўлдим-куйдим" эдингиз. Бугун мен саноқдан ўчиб, одам бўлмай қолдимми?

– Бўлди!!! Овозингни ўчир, бўлмаса ҳозир, сени... Вой, қон босимим кўтарилди, чамаси, ахийри бошимга етасан, хотин... Барака топгур, бор, дори кутини обке...

Энди бошим винтилятор паррагидай гир-гир айланар, кўз олдим қаронғилашиб борарди... Астагина бошимни қоғозлар ғарамига қўйдим.

– Мана дори, бошингизни кўтаринг, чой билан ичиб юборинг. Неча марта айтдим, катта китобга қўл урманг, деб. О, ўша тўрт-беш қаторли нарсаларни ёзиб юравермайсизми? Мен йўғимда қон босимингиз ошиб, "тап" этиб, туф-туф... Сал ўзингизга келдингизми? Нима бўлса ҳам жиянимга телефон қилай, бувамнинг ҳужжатларини келтириб қўйсин. Эрта-индин яхши бўлсангиз бафуржа ёзасиз. Бир набираси заправкада ишлайди, эшитса хурсанд бўлади. Ажабмас машинангизни бензинга тўлдириб берса! Ҳозир аста туринг-чи, ҳа, юракқолинг. Бироз чўзилиб дам олинг, ҳа, мана бўлди...

Мен хотин ёрдамида диванга оҳиста чўзилдим. Дори таъсириданми ё бироз мизғиганимданми, кўзим сал очилгандай бўлди. Аммо, э, воҳ, нариги хонада хотин бор овозда жиянига бувасининг ҳужжатлари, ордену медаль, комсомолу пионерлик давридаги нишонлари, меҳнат дафтарчаси-ю омбор мудири билан тушган суратигача етказишни тинмай тушунтирарди. Чидолмадим ва бор овозда бақирдим:

– Ҳой, хотин, жиянингга айт, бувангни қабр тошидан ҳам бир парча олсину бирваракайига "Тез ёрдам" билан бирга етиб келсин... Ҳа, хотин-а, илҳомим кушандаси! Хайр, туғилмай жон берган романим!..



# Qani so'yla majnuntol

**Ollobergan PO‘LAT**

**Sassiq popishak**

Egningda ajib rido,
Pardoz-andoz etibsan.
Shohqush singari go‘yo,
Po‘rim bo‘lib ketibsan.

Bo‘yasangda ko‘z qoshing,
Hamma taniydi beshak.
O‘zgartirsang ust-boshing,
O‘zing sassiq popishak.

**Pand yedim**

– Barmoq bukib sanab ber,
Nechta do‘sting bor hozir? –
Deya ukajoniga
Savol bergandi Nodir.

Birgina deb, so‘roqqa
Feruz qilgandi javob.
Akasi cho‘zdi unga
Bir juft konfet o‘sha tob.

Shunda Feruz surib o‘y:
– Attang – dedi – pand yedim.
O‘n degan bo‘lsam, konfet –
Barin o‘zim yer edim.

***Ollobergan PO‘LAT*** *– 1935-yilda tug‘ilgan. Nizomiy nomidagi pedagogika institutining (hozirgi TDPU) filologiya fakultetini tamomlagan. “Qo‘ng‘iroqcha”, “G‘unchalar qo‘shig‘i”, “Ajabtovur bolalar”, “Jaloliddinning shamshiri”, “Qushlar xonishi”, “Kulollar qo‘shig‘i”, “Ona qishloq sog‘inchi”, “G‘unchalar”, “Turnalar uchganda”, “Amu to‘lg‘onadi” kabi kitoblari chop etilgan.*

**Qarg‘aning bolasiga nasihatlari**

Qarg‘a polaponiga
Berib dedi nasihat:
– Odamning bolalari
Juda xavflidir behad.

U yerga egilgandan
Qoching darhol chap berib.
Otib qo‘yar siz tomon,
Agar olsa tosh terib.

Ona o‘gitlarini
Olar ekan quloqqa.
U qiziq savol bilan,
Javob berdi so‘roqqa:

– Oyijon, qo‘ymoqchisiz
Hushyorligim oshirib.
Lekin, ayting ne qilay,
Kelsa toshin yashirib.

**Qizilishton**

Qizilishton daraxtga,
Tumshug‘in do‘k-do‘k urib.
Chang solar hasharotga,
Har kun erta tong turib.

Yurtimiz daraxtlari,
Rivoj topgan shu bois.
O‘sha qush gapning rosti,
Xizmat qilgandan xolis.

**Chevar bo‘laman**

Qo‘g‘irchog‘imga
Tikdim ko‘ylak, shim.
Biram chiroyli,
Ixcham, bejirim.

Oyimlar mendan
Xursand edilar.
Bag‘riga bosib,
Shunday dedilar:

– Jajji qo‘llaring,
Tolmasin, qizim.
Oyim, oppog‘im,
Zuhra yulduzim.

# Адабий ҳаёт

* * *

*1 июнь.* Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Дўрмон баҳори” деб номланган адабий форум ўтказилди. Тадбирда Тошкент шаҳри ва вилоятида яшаб, ижод қилаётган русийзабон шоир, ёзувчилар иштирок этдилар. Форум доирасида “Адабий танқиднинг асосий концепцияси”, “Ўзбекистондаги адабий танқидчилик” мавзуларида давра суҳбати, “Бадиий асарнинг ўзига хос жанр хусусиятлари”, “Тарихий наср. Тарихий факт ва муаллиф тўқимаси”, “Наср ва шеърият таржимаси”, “Шеър ва насрдаги образлилик”, “Таглама таржима билан ишлаш” мавзусида адабий суҳбат ва мулоқотлар бўлиб ўтди. Форумда маҳорат сабоқларини Анатолий Бауэр, Раим Фарҳодий, Галина Долгая, Николай Ильин, Алексей Устименко, Евгений Абдуллаев каби таниқли шоир, ёзувчи ва таржимонлар олиб борди.

* * *

*2 июнь.* Фарғона вилоятида “Янги Ўзбекистон – инсон қадри улуғланган юрт” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ ёзувчи, шоирлар, драматурглар, кино, театр ва телевидения ижодкорлари қатнашди. Учрашувларда йиғилганлар янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида ҳаётий мисоллар орқали маълумот олдилар. Шунингдек, тадбир доирасида Ёзувчилар уюшмаси ва Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида “Китоб карвони” ташкил этилиб, турли бадиий асарлардан иборат беш мингдан зиёд асарлар китобхонларга совға қилинди.

* * *

*7 июнь.* Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Қозоқ адабиёти кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Туркий адабиёт хазинасидан” юз жилдлик асарлар мажмуасининг қозоқ адабиёти бўлимига тегишли нашр ишлари муҳокама этилди. Кенгаш раиси Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари билан бўлган учрашув натижалари ҳақида ҳисоб берди. Сўзга чиққан Қалдибек Сейданов, Музаффар Аҳмад, Абдулла Рустамов, Лола Жунусова каби кенгаш фаоллари нашр ишларини жадаллаштириш йўлида ҳал этилиши керак бўлган масалаларга тўхталиб ўтдилар.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Зомин семинарининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Унда ўн икки нафар ёшлар ўзларининг ижодий истеъдодларини намоён этди. Семинарда адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев, Рисолат Ҳайдарова, Маъмура Зоҳидова, Муҳиддин Абдусамад, Наргиза Асадова, Мансур Жумаев каби ёзувчи ва шиорлар “Шеърият”, “Болалар адабиёти”, “Бадиий таржима”, “Адабий танқид” йўналишлари бўйича шўъбаларга бўлинган ҳолда ёшларнинг ижод намуналарини кўриб чиқдилар.

* * *

*9 июнь.* Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Озарбайжон халқ ёзувчиси Анарнинг ёзувчи Маматқул Ҳазратқулов томонидан таржима қилинган “Албатта учрашамиз” номли янги китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу китобдан адибнинг турли йилларда ёзилган қисса ва ҳикоялари жой олган.

* * *

*12 июнь.* Истанбул шаҳрида туркий халқлар шеърият фестивали бўлиб ўтди. Унда иштирок этган таниқли шоир Эшқобил Шукур “Бахтиёр Ваҳобзода” номидаги бош мукофотга сазовор бўлди.

* * *

*14 июнь.* Россия Байналмилал Ёзувчилар уюшмаси нашриёти томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Қўчқор Норқобилнинг яна бир китоби чоп этилди. “Барча замонларга тегишли китоб” сериясида босмадан чиққан мазкур асарда ёзувчининг қисса ва ҳикоялари ўрин олган.

* * *

*27 июнь.* Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳада фаолият юритаётган бир гуруҳ ижодкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

* * *

*29 июнь.* Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ҳамкорлигидаги “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**МУНДАРИЖА**

**БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР**


**Узақбай ПИРЖАНОВ.** *Икки ҳикоя.*

Есирнинг ўғли. .....4

Бўзтўрғай. .....6

**НАЗМ**

**Шукур ҚУРБОН.** Кечикмаган ишқ садолари. *Сонетлар.* .....12

**Санобар МЕҲМОН.** Ишқ дея аталган энг сирли фанман. .....19

**Салим АШУР.** Китобларнинг қатида шеърлар бориб келади. . ...34

**НАСР**

**Азизулло АРАЛ.** Кули кўкка соврилмас асар. .....42

**Фотима АБДУРАИМОВА.** Илинж. *Новелла.* .....116

**Шоира ЭРМЕТОВА.** Одамнинг уйи. *Ҳикоя.* .....132

**АДАБИЁТШУНОСЛИК**

**Нигора АШУРОВА**. Адабиётшуносликда аёл образи талқини. .46

**Мухаммеддин БАУЕТДИНОВ.**

“Сўзим халқ оғзида қолса розиман... ”. .....113

**Азимжон ДАВРОНОВ.**

ОТА – Жаноби Мавло ёхуд

Ҳамза мактубларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. ....136

**Йўлдош МИРЗАЕВ.** Ҳаққонийликни устувор билган адиб. ....140

**Салима ЖУМАЕВА.** Бадиий образ яратиш маҳорати. .....145

**ТЕРАН ТОМИРЛАР**

**Бейшенбой УСУБАЛИЕВ.** Минг. *Ҳикоя.* .....25

**ДРАМАТУРГИЯ**

**Исроил САПАРБОЙ.** Амир ТЕМУР. *Тарихий драма.* .....62

**ТАДҚИҚОТ**

**Тиловмурод ШАЙМАРДОНОВ**.

Сиддиқий-Ажзийнинг Исмоил Гаспринский марсияси. 51

**Зумрад МАШАРИПОВА.** Яшил ишқ ва ранг-баранг гуллар. ....56

**БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ**

**Дилноза КАМОЛ.** Шивирингдан уйғонсин дунё. .....152

**ҚАДРИЯТ**

**Замира РЎЗИЕВА.** Дарёдил муаллимим. *Эссе.* .....159

**ЁШЛАР ДАФТАРИ**

**Маҳлиёхон УМУРЗОҚОВА**. Нигоҳларим туташар уфққа. .....166

**ГУЛҚАЙЧИ**

**Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ.** Илҳомкуш. *Ҳажвия.* .....170

**BOLALAR DUNYOSI**

**Ollobergan PO‘LAT.** Qani so'yla majnuntol. .....172

Адабий ҳаёт. .....174



# Шарқ юлдузи

**2022**

6-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

**Обуна индекси** – 911

**Манзилимиз:**
100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.
Телефонлар:
71231-23-65, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
26.07.2022
Қоғоз бичими 70x108 $^{1}/_{16}$
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 7150 нусха.
Буюртма №16

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
“PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусаҳҳиҳлар:
***Дилфуза Маҳмудова***
***Моҳира Ҳусанова***

Саҳифаловчи-дизайнер:
***Муҳаммадсодиқ Сайфуллаев***



Copyright © “Шарқ юлдузи”